

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИ
ЎҚИТИШ ВА ЎРГАНИШ БЎЙИЧА МАТЕРИАЛЛАР
(«Тафаккур сарчашмалари» туркумидан)
ТЎПЛАМ-3**

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриёти**

Тошкент - 2009

АННОТАЦИЯ

Тафаккур сарчашмалари туркумидаги ушбу тўпламда Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганиш бўйича баъзи бир муаммоли масалалар ечими илмий-услубий мақолалар тарзида жамланган. Мақолалар илмий методологик ва илмий-услубий асосда ёзилган бўлиб, тематик йўналишларда берилган. Улар олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ўқитувчилари, талаба ҳамда ўқувчиларни билим ва кўникмаларини шакллантиришга, устоз ва шогирд анъанасини давом эттиришга хизмат қилади.

Таҳрир ҳайъати: Академик А.Аскарлов (илмий муҳаррир),
проф. Ш.Зиёмов, доцентлар: Э.Қосимов, С.Тўраев,
З.Илхомов Ў.Мансуров, М.Эсанов, Р.Бегматов.

Тақризчилар:

Муҳаррир:

Техник муҳаррир: Д.Каримова

© Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси «Фан» нашриёти, Низомий номидаги ТДПУ,
2009 йил.

ISBN978-9943-09-222-8

ИНСОНГА ХОС ЖАСОРАТ МАЪНАВИЯТНИ МУСТАҲКАМЛАШДА МУҲИМ ОМИЛ (И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият енгилмас куч” асари асосида)

Д.Каримова – аспирант

Бугунги кўхна ва хайратомуз тарихни ўзида мужассам этган Ватанимиздаги ёдгорликлар, осори атиқалар ҳақида сўз юритганимизда, уларни аввало халқимиз даҳосининг ёрқин намунаси, унинг юксак маънавиятига қўйилган хайкаллардир дейиш мумкин.

Маънавий жасорат ҳақида гапирар эканмиз, энг аввало ҳар бир инсонда туғиладиган савол бу – маънавий жасорат нима? Маънавий жасорат деганда нимани тушинишимиз керак? – деган саволларга жавоб излаймиз. Менинг фикримча, **Маънавий жасорат бу – дадил айтилган фикр, маънавий жасорат бу – ҳақиқат, ҳаққонийлик, яъни ҳақиқатни, тўғри йўлни кўра билиб туриб, ёки кўр-кўрона қилинаётган ҳаракатларга, тўғри йўлни кўрсатиш, маъжозий маънода айтганда уларга ойна тутиш.**

Маънан жасоратли инсонлар ҳамиша халқ дарди билан, юрт келажагини деб яшайдиган инсонлардир. Афсуски бундай инсонлар аксарият холларда айтган ҳақиқат, кўрсатган тўғри йўли, тутган ойнаси учун таъқиб остига олинган.

Дунёда барчани ҳайратга солувчи обидалар, ихтиро ва кашфиётлар, мумтоз санъат ва адабиёт дурдоналари, мардлик, қаҳрамонлик намуналари инсон ақл-тафаккури, салоҳияти, маънавий жасоратининг тимсолидир.

Президентимиз ушбу асарида маънавий жасорат ҳақида гапирар экан, **“Бу ёруғ оламда энг буюк жасорат нима деган саволга, ҳеч иккиланмасдан, энг буюк жасорат бу маънавий жасорат”**¹дир деб таъкидлайди. Ҳаётий ёрқин мисоллар келтириш йўли билан юқоридаги таърифга жавоб берилган. Маънавий жасоратли инсонларга юнон фалсафасини ривожига катта хисса қўшган Плутонни, ўзимиздан олиб қарайдиган бўлсак, 1- ўзбек археологи Я.Ғуломов, ўзбек халқининг фидойи фарзандларидан бири шоира Зулфияхоним, атоқли олим ва жамоат арбоби О.Шарофиддиновлар ҳақида тўхталиб ўтилган.

Юқорида келтирилган шахслар ичида соҳамиз тақозосига кўра кўпроқ қизиқиш уйғотган, ишонч билан фахрланиб айтишимиз мумкин бўлган инсон ўзбек археологларининг отаси Я.Ғуломовдир. Ўтган асрнинг 20-йилларида мамлакатимиз ўз бошидан оғир дамларни кечираётган бир пайтда биринчи ўзбек археологи Яҳё Ғуломов ўзи меҳр қўйган фан соҳаси, тарихимизнинг энг қадимги даврлари билан шуғулланишга имкон топди. “Мен академик Яҳё Ғуломовни яхши билардим. У мустақил фикрга эга бўлган, керак бўлса, энг юқори лавозим эгасига ёқмайдиган тўғри гапни дадил айта оладиган олим эди”².

Ўз мактаби ва шогирдлари фаолиятидан мамнун бўлган Яҳё Ғуломовнинг тарих ва археология фанлари равнақи йўлида орзулари кўп ва режалари ниҳоятда кенг бўлганлиги шубҳасиз. Уларни рўёбга чиқариш эса кўп йилларни талаб қилгандир. Яҳё Ғуломов яратган илмий мактаб бугунги кунда илдиз отиб, унинг шогирдлари томонидан чуқурлашиб, янада такомиллашиб бормоқда. Ўз шогирдларининг академик даражасига кўтарилганини кўрганларида, қанчалар севинган, фахрланган бўлишларини хатто кўз олдимишга келтириш ҳам қийин. Дарахт каби серҳосил, бағри кенг, аммо қатъиятли, ноҳақликни ҳеч қачон кечира

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч Т.,2008 й. –Б-159-160.

² Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т. Шарқ. 1998 й. –Б-27.

олмайдиган меҳрибон устоз ва зукко олим таваллудининг ўтган йили 100 йиллиги юртимизнинг барча вилоятларида, Олий ўқув юртларида кенг нишонланди. XX-асрда археолог Яҳё Ғуломов олиб борган тадқиқотлар Самарқанд, Бухоро, Қарши юбилейларини нишонлашга асос бўлди. «Ҳаётнинг маъноси тинимсиз кураш, қийинчиликларни енгиб ўтиш, бир сўз билан айтганда маънавий жасорат билан яшашдан иборат»¹. У инсон нафақат фан фидойиси, эл-юрт фидойиси, юксак маънавият эгаси бўлган. Яҳё Ғуломов илмий меросгина эмас, балки илмий мактаб ҳам яратиб қолдирганлиги юқоридаги фикрларимизнинг ёрқин мисолидир.

Эътибор бераётган бўлсангиз сўнгги 5-6 йил ичида миллий турмуш-тарзимизга мутлақо ёт бўлган одатлардан бири, “Валентин куни”ни нишонлаш айрим ёшлар орасида одат тусига кирди. Ота-боболаримизнинг тушига ҳам кирмаган “Валентин куни”да аксарият кўнгилочар жойлар ва дам олиш масканлари ёшларни байрам дастурхонига таклиф этади. Радиостанцияларда ушбу кунга атаб махсус дастурлар тайёрланиб, салом ва табриклар, дил изхорлари йўланади.

Ҳолбуки, ўша биз танимайдиган, балки танишимиз унчалик шарт ҳам бўлмаган Валентин “бобо”нинг номига мадҳу санолар ёғиладиган айёмда, яъни 14 феврал санасида буюк аجدодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган². Буларни ўйлаган киши беихтиёр шундай хаёлга боради. Нима, мақсад Бобур Мирзодек боболаримизни яна хотирамиздан сиқиб чиқариб, уларни ўрнига Валентин “бобо”ларни сингдириш, бизни ўзлгимиздан айиришми? Ахир, биз бундай мудҳиш кунларни яқиндагина бошимиздан кечирган эмасмидик? Бу бизни фахрланиб гапиришимиз керак бўлган буюк аجدодларимизга бўлган эътиборсизликка чорлаш эмасмикин? Юртимизда яшаётган бошқа миллат вакиллари орасидаги маънавиятли инсонлар бу ҳолга қандай муносабат билдиришар экан?

Асарда яна шундай ўхшашлик берилганки бу эрта баҳорда табиатнинг уйғониши – **“тош қотиб ухлаб ётган дарахт новдаларига бир кечада жон кириб, куртак чиқара бошлайди, ерга ташланган уруғ тупроқни ёриб чиқади, хатто бир қарашда ҳаёт аломати йўқдек туйиладиган тоғу-тошларда ҳам ям-яшил майсалар кўкаради. Буларнинг барчаси табиат бағридаги кўзга кўринмас мислсиз қудрат – энергиянинг ажиб бир тарзда номоён бўлиши билан боғлиқдир”**³.

Муаллиф айтмоқчи, Яратган ҳар бир мавжудотга жасорат кўрсатиш имконини берган экан, нега буни кузатиб турган одамзод бундан Ибрат олмаслиги керак?

Китобда ҳар биримиз учун ниҳоятда зарур бўлган ер юзида кечаётган жараёнларга, мамлакатимизда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик туйғуси билан яшаш, ҳеч қачон беғам ва бефарқликка берилмаслик ҳақида куюниб фикр юритилади. Бу борада машҳур файласуфлардан бирининг китобда келтирилган куйидаги фикрлари диққатга сазовардир: **“Душманлардан қўрқма- нари борса сени ўлдириши мумкин, дўстлардан қўрқма- улар нари борса сенга хиёнат қилиши мумкин. Бефарқ одамлардан қўрқ, улар сени ўлдирмайди ҳам, сотмайди ҳам, фақат уларнинг жим ва бепарва қараб туришлари туфайли ер юзида хиёнат ва қотиллик содир бўлаверади”**⁴. Ҳақиқатдан ҳам бугун бизнинг бефарқ ва бепарво бўлишга ҳаққимиз йўқ. Чунки юртимизда амалга оширилаётган

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т. “Маънавият”. 2008 й.

² Маънавий юксалиш йўлида. Т. “Маънавият”. 2008 й. –Б-122

³ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т. “Маънавият”. 2008 й. –Б-164.

⁴ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т. “Маънавият”. 2008 й. –Б-124.

ислохатлар ва ўзгаришлар нафақат бугунимизни, келажагимизни ҳам хал қилади. Шунинг учун ҳам ҳар қайси онгли фуқаро янги ҳаёт қурилишида фидойилик кўрсатиб, фаол иштирок этиши лозим.

Халқни бундай фидойилик ва жасорат кўрсатишга ўргатиш, чорлаш олимлар ва ижодкор ходимлар зиммасидадир. Шу боисдан муаллиф асарда **«Айниқса, олим ва ижодкор ходимларга эътиборни кучайтириш керак. Чунки маънавий бойликларни айнан шулар яратаолади. Уларга ғамхурлик қилиш самарали фаолияти учун барча моддий-маънавий шароитларни яратиб бериш давлат ҳокимияти ва хўжалик ташкилоти раҳбарларининг бурчи ва маъсулиятли вазифасидир»¹** деб таъкидлаган эди маърузада.

Тарихга назар солсак, Фаробий сингари боболаримиз ўз даврида комил инсон тарбияси йўлида аниқ фикрлар айтишган, лекин бу ғоялар ҳаётга тадбиқ этилмаган. XX аср бошларида эса жаҳидлар маърифий тарбияни риволантиришга ҳаракат қилишган, лекин бу фидойи зотларнинг ҳеч бирига имконият берилмаган. Уларнинг бу ҳаракатлари ўзларини катагон бўлишига олиб келган. Уларнинг қалбидаги орзулари армонга айланган. Ўша даврнинг айрим ҳуқумдорларида бошқаларга оёқ ости бўлмаслик учун тараққий этаётган дунё билан тенг юриши керак, бунинг учун таълим-тарбияга эътибор бериш, уни ривожлантириш шарт, деган қатъий ҳулоса, ақл заковат, жасорат етишмаганини ҳам тарихдан биламиз.

Эътибор берган бўлсангиз, кўпгина сиёсатчи, олимлар катта катта минбарлардан туриб, дунё миқёсида углеводород захиралари тугаяпти, энергетик танқислик бошланади, ичимлик суви ресурслари тугаб бораётгани, хавонинг бузилаётганлиги ҳақида қайғуриб гапирадилар. Лекин афсуски, улар **энг буюк бойлик маънавий-рухий ресурсларга улкан хавф туғилаётганлиги, химояга мухтож бўлиб бораётганлиги ҳақида гапирмайдилар.** Юқорида айтилган энергетик захиралар, ичимлик суви муаммоси қанчалик хал қилинмасин, моддий фаровонлик юксалмасин, уларнинг ҳеч бири инсоннинг, халқнинг маънавий қиёфасини белгилаб берадиган азалий қадриятларнинг ўрнини тўлдиролмайди.

Муаллиф **“Маънавият инсонни руҳан поклаш, қалбан улғайишга чорлайди”²** - дейди. Руҳан пок, иродаси бақувват, иймони бутун виждони уйғоқ одамни енгиб бўладими? Ана шундай фазилатларга эга бўлган бутун бир халқни-чи? Ҳеч қачон енгиб бўлмайди. Биз қачон шу даражага етамиз.

“Маънавиятимиз қўлимизда енгилмас кучга айлансин”³. Бу сўзларни президентимиз бундан 10 йил олдин айтган. Бироқ ушбу асарнинг чоп этилиши маънавиятга бўлган эътиборни янада кучайтирди.

Ёш авлод тарбиясида шундай йўл тутиш лозимки, токи улар ёмондан, ҳаромдан ҳазар қилсин, ҳасад қилишдан уялсин. Четдан ёпирилиб келаётган “оммавий маданият” гирдобидан узоқ юрсин. Бунинг учун эса аввало тарбиячига билим билан бирга, меҳр-муҳаббат, сабру-қаноат, оталарча, оналарча бағрикенглик керак деб ўйлайман.

Китоб ўз салоҳиятимиз ва имкониятларимизга бўлган ишончни мустаҳкамлайди. Аждодларимиз қандай улуғ зотлар бўлган, юртимизнинг бекиёс имкониятларини кўз олдимизга келтиради. Энг муҳими уни ўқиган ўқувчини, агар у диққат-эътибор ва қизиқиш билан ўқиган бўлса, унинг виждонини уйғотади.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т. “Маънавият”. 2008 й. –Б-79.

² Ўша асар. –Б-19.

³ Каримов И.А. Юксак маънавият йўлида. 1998 й.

Модомики, бизнинг аждодларимиз Ал Бухорий, ал Фароғий, Беруний, Мотрудий, Амир Темур, Бобур каби дунё тан олган буюк шахслар экан, бизнинг маънавий заиф бўлишга мутлақо ҳаққимиз йўқ.

ИСТИҚЛОЛ ВА ЖАМИЯТНИНГ МАЪНАВИЙ ЯНГИЛАНИШИ
(И.А.Каримовнинг “Юсак маънавият – енгилмас куч”
номли асари асосида)

М. Ачилова – 4-курс талабаси

Хар бир жамият аъзосини умуминсоний ва миллий қадриятлар асосида ўзининг онгу гидрокига, интеллектуал салоҳиятига, яратувчанлик кучи, истеъдоди ҳамда қобилиятига ишонч уйғотиш, мустақил фикрли эркин шахс, ҳар қандай босим ва хуружларга қарши кураша олишга қодир инсон қилиб тарбиялаш мамлакат истиқлолининг дастлабки кунлариданок муҳим аҳамият касб эта бошлади. Таъкидлаш жоизки, 1990 йил 24 март куни Президентлик бошқарувининг жорий этилиши ушбу мақсад йўлида босилган сезиларли қадамлардан бири бўлди. Чунки ёш, мустақил давлат - Ўзбекистон олдидаги долзарб муаммоларни ҳал этишда Президент лавозими кенг йул очар эди¹. Республика биринчи Президенти И.А.Каримов ўз фаолиятининг марказида халқни маънавий бойитиш ва юксалтириш, инсонни ахлоқий ва жисмоний такомилга эришиш турганлигини алоҳида таъкидлади². Маънавиятни эски мафкура ақидаларидан ҳалос қилиш, миллий тикланиш, ҳурфикр - миллий мафкурани шакллантириш ва ривожлантириш учун катта имкониятлар очилди.

Зеро, ҳар қандай миллатнинг маънавий бойлиги миллий ва умуминсоний қадриятларнинг бирлигидан ташкил топади³. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан миллий қадриятларнинг тикланиши, уларнинг жамият ҳаётига сингдирилиши борасига катта эътибор берилди. Бизга маълумки қадрият кишиларнинг талаб ва эҳтиёжлари асосида ақл-заковат билан яратилган, уларнинг тасаввурлари, тафаккурлари, келажак орзу - истаклари, эътиқодлари, ахлоқ қоидаларини ўзида мужассам этган маънавий бойлик ҳисобланади⁴. Қадрият тарбиянинг таянч воситаларидан бири эканлигини эътиборга олиб, таълим-тарбия тизимини шу асосда қайта куриб чиқилди. Шуниси диққатга сазоворки, Ўзбекистон каби кўпмиллатли, кўпконфессияли мамлакатда миллатлараро зиддият, миллий ва диний бегоналик каби нохуш ҳолатлар четлаб ўтилди ва бугунги кунда бу борада амалга оширилган бир қатор ишлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек “Ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади”⁵. Тил миллат руҳидир. Бу фикр ҳам ота-боболаримиз, ҳам замондошларимиз асарларида ҳам кўп таъкидланади. Жумладан, Миллий тилни йўқотиш

¹ А.Саидов. Сийёсий мустақилликнинг қўлга киритилиши ва демократик ҳуқуқий давлатнинг шаклланиши. Т.: “Шарқ”, 2000. Б. 42-43

² Ўша асар. – Б. 40.

⁴ Каримов И. Юсак маънавият - енгилмас куч. Тошкент, 2008. – Б.

⁵ Каримов И. Юсак маънавият - енгилмас куч. Тошкент, 2008. – Б. 83.

- миллат руҳини йукотишдир¹, дейди жаидлар ҳаракатининг намоёндаларидан бири. Барчамизга маълумки, собиқ шўро даврида давлат ва жамият ҳаётининг барча жабхалари рус тилида олиб борилар эди. Бир қанча қаршиликларга қарамай 1989 йил 19 октябр куни ўзбек тили масаласи Олий Кенгаш сессияси муҳокамасига қўйилиб, 21 октябр куни ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилди. Халқимизнинг муқаддас қадриятларидан бири тикланди. Бугунда она тилмизнинг қўлланиш доираси яна ҳам кенгайди. Истиклолнинг дастлабки йиллариданоқ тил ва алифбо масаласи кўплаб муаммолар каби долзарб вазифалар қаторига қўйилди. Ислохотларнинг давоми сифатида 1993 йил 2 сентябрда "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Айни вақтда жамиятимизда тил маданиятини ошириш, жамоатда шева элементларининг қўшиб гапиришни йўқотиш лозим. Алишер Навоий таъкидлаганидек: "Тилга эътиборсизлик - элга эътиборсизликдир". Зеро Ватанпарварлик туйғуси ҳар кишига хос бўлиши лозим. Инсон ўзлигини англаши, насл-насабини чуқур билгани сари унда Ватанпарварлик туйғуси кенгайиб, катталашиб боради. Киши ўз тарихини англаса, унда миллий ғурур ошади, миллий ғурур миллий руҳни уйғотади - ана шундагина инсон чинакамига ватанпарвар бўлади². Истиклолнинг бошлариданоқ халқнинг миллий онгини уйғотишда ватанпарварлик туйғуси асосий мезонлардан бири бўлишига эътибор қаратилди. Ватанга муҳаббат туйғуси сиёсатимиз негизига айланиб, миллий истиклол мафкурасининг муҳим назарий асоси бўлди. Ислом Каримов ўз асарларида Ватан туйғусини яхлит, бир бутун ҳолда, ягона ўзбек миллати руҳи сифатида тарбиялашга эътибор қаратади. Авваллари ўзи ҳатто Ўзбекистонга келмаган, бизнинг тарихимиз ва қадриятларимизга мутлақо алоқаси бўлмаган кимсалар номи берилган кўчаларга ота-боболаримизнинг ҳаёт ва тафаккур тарзи яққол ўз аксини топган номлар қайтадан берилди. Ҳар бир халқ маънавиятини шакллантиришда миллий урф-одатлар етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Шу маънода халқимиз урф-одатлари ва уларнинг негизидagi меҳр-оқибат, инсонпарварлик, тинчлик, дўстлик, табиатга муҳаббат, жамоавийлик каби ибратли қадриятлар ҳаётимизда тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда ҳаётимизни ўзбекона урф-одатларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Мисол учун, ҳашар одатини олайлик. Хозирда у ўзгача бир маъно мазмун касб этади. Зеро ҳар йили катта байрамлар арафасида ўтказиладиган умумхалқ ҳашарлари бугунда миллий анъана тусини олган.

Тарихдан маълумки ҳар қандай миллат ўз миллий қадриятларини тараққиёт ривожлари асосида ривожлантириб, такомиллаштириб борар экан бу борада ўз тарихи ва тарихий хотирасига таянади. Бу борада И.Каримов "Миллатни асраш керак, миллатни асраш учун эсаннинг ҳақиқий тарихини ўрганиш, авайлаб ҳимоялаш керак"³ деб таъкидлайди. Тарихий хотирани тўлақонли равишда тиклаш мақсадида 2000 йил Тошкент шакри Юнусобод туманида Шаҳидлар хотираси ҳиёбони ва кейинчалик шу номда музей ва жамғарма ташкил этилди. 2001 йилдан бошлаб 31 август Катагон қурбонларини ёд этиш куни сифатида нишонланадиган бўлди. 2008 йил ёз ойларида ушбу музей қайта реставрация қилинди, маълумотлар ва экспонатлар баъзаси кенгайтирилди.

9 майни Хотира ва кадрлаш куни сифатида нишонланиши ҳам тарихий хотирани

¹ Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ // Танланган асарлар. Тошкент. - 1998. - Б. 32.

² Д. Қўлдошева, Ш. Ҳолматова. Ёшларни миллий ғурур ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш / Маънавиятимизнинг ҳаётбахш қудрати. Т.: "Меҳнат", 1999. - Б. 91.

³ Каримов И. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. "Туркистон" 1999 й, 2 феврал.

тўлақонли тиклаш йулида жиддий қадамлардан бири бўлди.

Маънавиятга бўлган талаб ва эҳтиёжлар ҳозирги даврда Ўзбекистонда кун сайин кучайиб бормокда. Бу бежиз эмас албатта. Чунки келажакда буюк давлат эгаси бўладиган комил инсонни тарбияламасдан, маънавий - ахлоқий баркамол қилмасдан туриб, олга силжиш мумкин эмас¹.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг сиёсий маданияти, маърифатлилиги, қолаверса, ҳаётийлиги ва қудрати унинг умумбашарий қадриятлар ва халқимиз маънавий руҳий эҳтиёжлари билан боғлиқлигидадир. Зеро, маънавий замини мустаҳкам, асрлар мобайнида шаклланган, илғор анъаналар, тараққиётга хизмат қиладиган урф-одатлар ва қадриятлар асосига қурилган сиёсатгина ҳаётийдир.

МАЪНАВИЙ КОМИЛЛИКДА ИНСОН ҚАЛБИГА ЙЎЛ (И.Каримовнинг «Юксак маънавият-енгилмас куч» асари асосида)

О.Иномов – 2-курс магистри

Ҳаммамизга маълумки, инсон туғилганидан тортиб, то вафотига қадар узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтади. Бу йўлда у ёшлик деб аталмиш ҳаётнинг бебошлик давридан тортиб, қарияликнинг хузурли гашти, роҳатигача бўлган даврни бошидан ўтказди. Бу берилган имкониятни ким, қандай чиройли ўтказиши, ҳар бир инсоннинг хулки, одоби, ахлоқи бир сўз билан айтганда маънавий комиллик даражасига боғлиқдир. Маънавий комил инсонни шакллантириш ўта мураккаб жараён бўлиб, у ёш инсоннинг нозик қалбига таълим тарбия бериш орқали амалга оширилади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, инсон қалбига йўл энг аввало узлуксиз таълим ва мақсадли тарбиядан бошланади. Шунинг учун ҳам, қачон, ва қаерда бўлмасин бу мавзу доирасида гап борса, ёш авлодга аждодларимизнинг бой мероси ва қадриятларини таълим тарбия билан биргаликда сингдириб келаятган ўқитувчи, мураббийларимизнинг машаққатли меҳнатини эътироф этиб офаринлар деймиз. Ҳозирги кунда олиб борилаётган бозор иқтисодиётига ўтишдек мураккаб ислохотлар даврида, ёш авлодни, маънавий баркамол қилиб тарбиялашда, уларнинг зиммасига нечоғлик маъсулиятли вазифалар юкланаётганлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Чунки айнан улар, юқори суръатларда ривожланаётган глобализацион жараёнларнинг миллий менталитетимизга ҳафли бўлган кўринишларидан биз ёшларни огоҳ етиб, жонқуярлик билан тўғри йўл кўрсатмоқдалар. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз раҳбарияти томонидан уларнинг маъсулиятли меҳнатлари муносиб тақдирланиб, 1 октябрни “Ўқитувчилар ва мураббийлар” кунини қилиб белгиланиши ва бу кун умумхалқ байрами сифатида нишонланишида чуқур рамзий маъно бор.

Бугунги кунда мамлакатимиз тараққиётининг эртанги умидлари ҳисобланган ёш авлодни тўғри тарбиялаб, уларда тўғри дунё қарашни шакллантириш ишида камарбаста инсонлар, касб эгалари ҳам анчайин кўпдир. Жумладан, эндигина улғайиб келаятган авлоднинг мурғак ва маъсум қалбини тўғри йўлга солишда болалар адабиётининг ва бу соҳада тиним билмай ишлаётган ижодкорларнинг меҳнатини эслаб ўтишни жоиз деб

¹ Н.Ортиқов. *Маънавият: миллий ва умуминсоний қадриятлар*. Тошкент: “Ўзбекистон”. 1997. - Б. 17.

биламан. Шу ўринда халқимизнинг бой оғзаки ижоди, Алпомиш ва Гўрўғли сингари тарбиявий аҳамияти катта бўлган дostonлари ёинки, болалар адабиёти намоёндаларининг асарлари турганда, ёш укаларимиз сингилларимизнинг оммавий маданият таъсирида кириб келган чет эл мультфильмларининг баъзи бир ноўрин лавҳаларини ҳеч тортинмасдан томоша қилиб ўтиришлари анчайин ачинарли ҳол албатта.

Янги ислоҳатлар олиб борилаётган, ва бу ислоҳатлар замирида қурилаётган янги жамиятнинг эртанги умиди ҳисобланмиш ёш оилаларимизга маънавий ва моддий ёрдам кўрсатишда ўз-ўзини бошқариш органининг асоси бўлган маҳалланинг ўрни бекиёсдир. Чунки ҳар бир оила ва хонадоннинг дарду-ҳасратидан, иссиғу-совуғидан аввало маҳалла хабардор бўлади. Мухтож оилаларга маънавий ва моддий ёрдамлар кўрсатади. Маҳалла ҳудудида олиб бориладиган, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига, халқимизнинг азалий қадриятларидан бири ҳисобланган ҳашар йиғинларини уюштириб амалий ишлар олиб боради. Айниқса, ёш йигит ва қизларимизнинг мустақил ҳаётга кириб бориши, ёш оилаларнинг жамиятдан ўзларига муносиб ўрин топишларида бу фидойи ва меҳрибон, жонқуяр одамларнинг қанчалик муҳим роль ўйнаётганини ҳурмат билан этироф этишимиз лозим деб биламан.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳатлардан яна бири бу, жамиятимизнинг маънавий юксалтириш билан боғлиқ бўлиб, бу жараённинг ўзига ҳос мураккаб томони шундаки, бу йўлда учраган жуда кўп ижтимоий муаммоларни ўзимиз ҳал этишимизга тўғри келмоқда. Айнан шу мақсад йўлида мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданок телевидение, радио, оммавий ахборот воситалари ва бадий адабиёт асарларга эътибор кучайтирилди. Чунки улар ҳар бир хонадонга кириб боради ва инсонлар қалбига йўл топади. Бугунги кунда ўз ҳаётини мана шундай масъулиятли соҳага бағишлаган истеъдод эгалари мамлакатимизда, янги жамиятнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, комил инсонни тарбиялашда ўзларининг муносиб ҳиссаларини кўшиб келмоқдалар. Айниқса бугуннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланган, оммавий маданиятнинг зарарли таъсиридан ёшларимизнинг онгу тафаккурини асрашда илм фан, маданият ўчоқлари ва ижод аҳилларини ўрни бекиёс даражада ошмоқда. Биринчи навбатда илм фан ўчоқлари инсонларга фан доирасидаги илмларни бериш билан бигалиқда маънавий бўшлиқни ҳам тўлдириб боради. Инсонларни маънавий бўшлиқдан ҳалос этишнинг самарали йўлларида бири уларнинг кўпроқ вақтларини маданият ўчоқларидан ҳисобланадиган театрда ўтказишлари мақсадга мувофиқдир. Чунки театрда намоиш этиладиган спектакл сахна кўринишларида жамиятнинг ижтимоий муаммоларини жонли тарзда кўрсатиб, ҳар бир томошабиннинг қалбига йўл топиб боради. Театрнинг ҳаётдаги маънавий ўрни нечоғлиқ юксаклигини Маҳмудхожа Бехбудий “Театр бу ибодатхонадур” деб изоҳлаганда айнан ҳақиқатни айтган эди.

Инсонларни маънавий комиллик даражасини оширишда асосий омиллардан яна бири бу шубҳасиз, кутубхоналар ҳисобланади. Кутубхоналарга борган ҳар бир ўқувчи, ўзи ҳоҳлаган китобини тезда топиб, барча шароитлар яратилган қулай ва шинам ўқувхоналарида ўзларини қизиқтирган маълумот-ларни топиб маънавий салоҳиятларини оширишлари мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, комил инсонни тарбиялашда ва унинг қалбига йўл топишда, мавжуд имкониятлардан тўғри фойдаланган ҳолда, талаб ва рағбатни мутаносиб равишда олиб бориш зарур деб ҳисоблайман.

ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ ИЛК БОСҚИЧЛАРИДА УРБАНИСТИК ЖАРАЁНЛАРНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР (Қадимги Хоразм воҳаси мисолида)

Аҳмадали Асқаров-академик

Маълумки, Амударё бир неча минг йилликлар давомида ўзининг юқори оқимларидан лойка сув аралаш чиринди ва кимёвий элементларни жанубий Орол бўйи районларига окизиб келиб, кенг унумдор пастекислик-қоқ ерларни ҳосил қилган. Бу жойларда ҳосил бўлган кўл ёқаларида ўз вақтида неолит даврининг овчи қабилалари (калтаминор маданияти), унинг кенг яйловларида эса кейинроқ энеолит ва бронза даврининг маҳаллий уруғ жамоалари (сувёрган маданияти) кенг тарқалган. Милоддан аввалги II-минг йилликнинг ўрталарида бу ўлканинг Акчадарё ҳавзаларига Ўрта Осиёнинг шимолий-шарқий томонидан Андропова маданиятининг чорвадорлари кириб келадилар. Уларнинг маданий изларини илк бор ўрганган С.П.Толстов, улардан қолган ёдгорликлар тозабоғёб канали районида топилгани боис, бу ўзга этник гуруҳ моддий маданият изларини “тозабоғёб маданияти” номи билан атайди.

Тозабоғёб маданияти чорвадорлари маҳаллий сувёрган маданияти қабилалари билан ёнма-ён ва аралашиб яшаб, милоддан аввалги II-минг йилликнинг охири чорагида қовунди уруғ жамоаларини таркиб топишида иштироқ этадилар. Куйи Амударё ҳавзаларида кенг тармоқ отиб, Орол ва Каспий денгизлари томон йўналган ўзанлари этакларида ҳосил бўлган сернам, унумдор дарё ўзанларининг этаклари тозабоғёб маданиятини қаунди босқичидан эътиборан ибтидоий мотиға деҳқончилиги массивларига айланиб, уларнинг бир қадар ривожланган шакли Амиробод маданияти (милоддан аввалги X-VIII асрлар) хўжалиги мисолида яққол кўзга ташланади, яъни Хоразм воҳасида суғорма деҳқончиликнинг илк асослари яратилади. Бу манзара Амиробод маданиятининг Якка-Парсон 2 манзилгоҳи мисолида яхши ўрганилган. Бироқ, хали Амударё куйи ҳавзасида туб маънодаги такрорий суғорма деҳқончиликка асосланган Хоразм воҳаси ташкил топмаган эди.

Таъқидлаш жоизки, Амударё куйи ҳавзаларининг бошқа районларида Амиробод маданиятининг Якка-Парсон 2 типига илк суғорма деҳқончилик хўжалигига асосланган ёдгорликлар комплекси учрамайди. Бу минтақанинг унумдор қоқ ер массивлари Куйисой маданияти тимсолидаги чорвадор қабилаларнинг чорва яйловлари бўлиб хизмат қилган. Эхтимол, қадимги Хоразм тарихининг чуқур билимдони С.П.Толстов, шу боисдан, бу минтақани орийларнинг ватани Арьянам Вайчаҳ деб бежиз айтмаган.

Амударё куйи ҳавзасининг қадимги Хоразм воҳасига айланиш жараёнининг жадаллашиши, юқорида таъқидлаганимиздек, қачонким, бу ўлкага “Катта Хоразм” хорасмийларининг миграциясидан бошланди. Бронза давридан қадимги Шарқ цивилизациясининг маҳаллий ўчоқларидан бирига айланган Хилменд водийси ва унинг омилкор деҳқонлари суғорма деҳқончилик бобида бронза даври марғушлари ва бохтарийларидан қолишмас эдилар. Хорасмийларнинг Эрон аҳамонийлари империясига қадар “Катта Хоразм” давлат конфедерациясига бош бўлиши, унинг таркибида Марғиёна, Сейистон (саранглар юрти), Арахосия (фаманейлар юрти), парфлар ва Гирканиянинг бўлиши, бир томондан, “Катта Хоразм”нинг шимолий чегараси Амударёнинг ўрта ҳавзари билан чекланганлигини кўрсатса, иккинчи томондан, бу қадимги вилоятлар ҳудудлари, аллақачон,

кадимги Хоразм суғорма деҳқончилик маркази ташкил топмасдан роса минг йил бурун, кадимги Шарқ цивилизациясининг маҳаллий марказларига айланиб бўлган эди.

Суғорма деҳқончилик хўжалигини юритишда бой тажриба ва малакага эга бўлган хорасмийларнинг Амударёни куйи хавзаларида пайдо бўлиши, уларнинг омилкор деҳқонлари томонидан Амударё дельтасидаги ҳар бир дарё ва дарёчалар тармоқлари-ўзанлари бўйлаб ерларни ўзлаштириши, янгидан-янги қишлоқ жамоаларини (Авестода «вис»ларни) ташкил топишига олиб келди. Ҳар бир дарё ўзанлари бўйлаб дастлаб қад кўтарган аҳоли пункти-«вис» атрофида секин-аста бошқалари пайдо бўла бошлади.

“Вис” жамоаларининг таркиб топиши эса куйидагича кечган: яъни ҳар бир жамоа аъзоси ўз оиласи кучи, ҳаракати имкониятига кўра, тегишли миқдорда ер ўзлаштириб, хусусий ер мулк эгаллиги-озод, эркин деҳқонларга (кашоварзларга) айланадилар. Ҳар бир дарё куйи хавзасини ўзлаштиришда бир неча эркин ва озод кашоварзлар уруғ-аймоқчилик анъаналарига кўра бирлашиб, эркин деҳқонлар (кашоварзлар) қишлоқ жамоасини ташкил этадилар. Шундай тартибда ташкил топган қишлоқ жамоаси, унинг мулки она уруғи давридагидек, ижтимоий характерга эга эмас, балки хусусий характерга эга бўлади, яъни “вис” жамоасида илк бор хусусий мулк, ўзлаштирган ерга хусусий эгалик қилиш пайдо бўлади. Жамоада хусусий мулкни пайдо бўлишида эркакларнинг хизмати, роли катта бўлган. Энди, болалар ҳам ўз отасини яқиндан таниб, бола тарбияси жуфт оила қўлига ўтганлиги боис, болалар ўртасидаги оила мулки таксимотида оталарни роли орта боради.

Шундай қилиб, оилада, жамоада эркаклар нуфуси ортиб, секин – аста ота уруғи (патриархат) қарор топади. “Вис”ларнинг иқтисодий хўжалик асосини ташкил этишда ташаббускор кашоварлар орасидан жамоа аъзолари ўз оқсоқолларини сайлаб оладилар. Одатда, оқсоқол, жамоа сардори – қадхудо юксак ижтимоий-сиёсий мавқеига эга уста миришкор ва омилкор деҳқон ёки моҳир хунарманд, шахсий ахлоқ ва одаби, маънавий-мафкуравий юксаклиги билан ўз жамоаси оғзига тушган пиру-устоз бўлиб, бу сифатларга ўз вақтида ҳалол меҳнати, турмуш тажрибаси туфайли эришган жамоа аъзоларидан бўлган. Ўша давр уруғ жамоалари кундалик ҳаёт қонунига айланган сардорликка талаб айнан қадхудодан, Авесто тили билан айтганда, виспатидан, зантупатидан, дахъюпатидан шундай шахсий сифатларга эга бўлишликни талаб қилар эди. Бу ўзбек халқи давлатчилик тарихининг илк босқичларига хос бошқарув тизимининг демократия принциплари эди.

Амударё куйи хавзаларининг сер тармоқ ўзанлари бўйлаб ташкил топган “вис” типдаги протошаҳар ва қишлоқларни (Қадимги Бақтриянинг Сополлитепа протошаҳри каби) сиёсий-маъмурий жиҳатдан бирлаштирган микроҳоаларнинг бош шаҳри бошқалардан қатор жиҳатлари билан фарқ қилиб, у ҳудудий жиҳатидан кенг, атрофи монументал муҳофаа деворлари билан ўраб олинган, табиий-географик жиҳатдан қулай имкониятларга эга, иқтисодий қудрати ва муҳофаа тизими мустаҳкам, микроҳоада унинг сиёсий-маъмурий сардори диний ва дунёвий, ҳарбий сифатлари билан юксак ижтимоий мавқеи эга **Хазрати Инсонлар** бўлган. Бундай аҳолиси зич пунктларда хунармандчилик ривож топиб, унинг ихтисослашуви жадал кечади. Илк шаҳар доирасида, унинг қадхудодининг резиденцияси таркиб топа бошлади, яъни, шаҳар ҳукмдорининг турор-жойи ва хунармандчилик хўжалиги, шаҳар аҳолисининг турор-жой массивларидан фарқли ўлароқ, ички муҳофаа иншоатлари билан ўраб олинган яъни арк ичида (Қадимги Бақтриянинг Жарқўтон илк шаҳри каби) бўлган. Аммо, ўзбек давлатчилигининг илк босқичларида дастлаб жамоани бошқарув тизимида диний-илоҳий қудрат катта нуфузга эга бўлганлиги туфайли маҳкамачилик

ишлари шаҳар бош ибодатхонаси қошида фаолият кўрсатган. Шунинг учун ҳам илк шаҳарларнинг бош ибодатхоналари монументал характерда бўлиб, шаҳарнинг **Бош Оташгоҳи** ибодатхона комплексини ташкил этган.

Ўрта Осиё, жумладан қадимги Хоразмнинг ҳам илк шаҳарлари ҳали архаика, антик ҳатто илк ўрта асрларда ҳам тўлиқ савдо ва хунармандчилик характери олимаган эди, уларнинг иқтисодий ҳаётида деҳқончилик ҳўжалиги кучли бўлиб, уларни аграр характердаги шаҳарлар сифатида тасаввур этиш мумкин. Ана шундай иқтисодий асосга ва мавқеига эга қала-шаҳарлар қадимги Хоразм микровоҳа шаҳар-давлатларининг негизини ташкил этган. Мана шундай ёки шунга яқин урбанизация жараёни, яъни қадҳудотлар бошлик висларнинг ташкил топиши ибтидоий жамоачилик негизида хусусий мулкчиликнинг келиб чиқишига, у мулк дастлаб ўтроқ деҳқончилик маданияти ривожланган минтақаларда содир бўлгани боис, туғилган янги жамоанинг асосини айнан эркаклар бошлик эркин деҳқонлар, яъни суғдий тили билан ифода этганда, кашоварзлар ташкил этган. Демак, бу давр жамиятида эркакларнинг меҳнати катта бўлиб, улар моногоник оила мулкининг яратувчилари сифатида уларнинг нуфузи оилада, жамоада катта бўлган, яъни ибтидоий жамоа патриархал характери олиган.

Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон ҳудудининг барча вилоятларида жамиятнинг урбанизациялашув жараёни бир вақтда, бир даврда юз бермаган. Чунки, жамият тараққиётининг нотекис ривожланиш қонуниятига кўра, бу жараён минтақаларнинг табиий-географик, ҳамда ички ва ташқи омилларининг таъсиридан келиб чиққан ҳолда юз берган. Масалан, Ўрта Осиёнинг жанубий ўлкаларида (Марғиёна, Бактрия, Парфия, Гиркания, Хорасмияда) бу жараён бронза даврида юз берди. Бу ўлкалар, биринчидан, Яқин ва Ўрта Шарқ минтақаларига яқин ва чегарадош эди; иккинчидан, улардаги табиий – географик иқлим шароити бу ўлкаларда қадимги деҳқончилик маданиятининг эртароқ ривожланишига олиб келди.

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудуди-Сурхондарё вилоятида бронза даврида Сополлитепа ва Жарқўтон каби ёдгорликлар мисолида Қадимги Шарқ цивилизациясига хос ўтроқ аҳоли пунктларининг пайдо бўлиши бунинг ёркин далилидир. Илк темир даврига келганда (мил.авв. VII асрнинг иккинчи ярмидан) қадимги урбанизация тўлқинлари жанубдан шимол сари, Суғдиёнанинг жанубий ва марказий районларига, яъни Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларига кириб боради. Бу ҳақда Даратеп, Узунқир, Кўктепа каби ёдгорликлар гувоҳлик беради. Илк темир даврининг ўрта босқичидан (мил.авв. VI асрнинг иккинчи ярмидан) Ғарбий Суғд (Бухоро воҳаси) га ва Хоразм воҳасига (мил.авв. VI асрнинг охири чорагидан) кириб борди. Бу ҳақда Хўжабўстон шаҳар харобасининг қуйи қатламлари, Қалқонота мазорлари (Бухоро воҳаси), Кўзалиқир, Қалалиқир, Хумбустеп, Дингилжа, Хозарасп (Хоразм воҳаси) ёдгорликлари гувоҳлик беради. Айнан ўхшаш урбанистик жараёнлар Сирдарё ҳавзаси районларида ҳам юз берди. Аммо, Чоч ва қадимги Фарғона бу тарихий жараёнларга анча кейинроқ, антик даврида кириб борди. Давр жихатидан уларнинг кейинроқ урбанистик жараёнларга тортилиши маҳаллий анъаналарнинг мустақил, табиий равишда ривожланиши билан боғлиқ эди.

Юқорида номлари зикр этилган ҳар бир ёдгорлик алоҳида микровоҳа доирасида дастлаб шаҳар-давлат, сўнг микрооазислар бош шаҳрига, пойтахтига айланган. Охир оқибатда улар қадимги Бактрия (бронза даври), Суғдиёна ва Хоразм (илк темир даври), Чоч ва Фраганик (антик даври) цивилизацияларини шаклланишига, маҳаллий цивилизация марказларининг

вужудга келишига олиб келган.

ТОШКЕНТ ВА ХОРАЗМ ТАРИХИЙ – ГЕОГРАФИК МИНТАҚАЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ УМУМИЙ ЖИХАТЛАРИ, ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Қ.Собиров – Урганч ДУ, доцент.

Тошкент ва Хоразм маданий- хўжалик минтақалари ўлканинг ўзига хос хусусиятларига кўра, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий ҳаёти қадимдан ривожланиб келган ўлкалардан ҳисобланади. Кенг кўламда олиб борилган археологик тадқиқотлардан маълумки, Тошкент воҳасининг антропоген ландшафти ва табиий географик шароитининг қулайлиги сабабли одамзот унинг ҳудудини қадимги тош давридан бошлаб ўзлаштирган (Кўлбулоқ, Обираҳмат, Хўжакент, ва бошқалар), Хоразм воҳасида эса бу тарихий жараён кузатилмайди. Милoddан аввалги V- I минг йилликлар оралигида кечган тарихий жараёнда икки минтақанинг маданий- хўжалик ривожланишида умумий жиҳатлари яққол намоён бўлади. Тошкент воҳасининг тоғ олди, сув ҳавзалари соҳиллари атрофларида уруғ жамоалари ертўла шаклида уй-жойларни бунёд қилиб, хунармандчилик, чорвачиликни ривожлантирганлар. Хоразм воҳасида дарё ирмоқлари соҳиллари бўйлаб таркиб топган манзиллар микровоҳаларни ҳосил қилганлар. Демак, икки минтақада ўтмишнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бир хил даражада бўлиб, ҳар икки минтақанинг ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши деярли бир хил бўлган.

Археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, мил. авв VI асрдан бошлаб, Хоразм воҳасини қадимги шарқ цивилизациясига хос урбанизация жараёни тез суръатлар билан камраб олади. Амударёнинг қуйи ҳавзаларидаги дарё ирмоқлари, соҳилларида сунъий суғоришга асосланган ўтrock дехқончилик маданияти қишлоқ ва шаҳарлари қад кўтаради. Тошкент воҳасида эса бу вақтда қадимги аҳоли, ярим ертўлаларда яшаб, улар лой меъморчилиги ва шаҳар маданияти билимларини ўзлаштириб олмаганлар. Мил.авв IV асрдан бошлаб қадимги Хоразмда кўпсонли шаҳарлар қурилиши амалга оширилган бўлса, бу жараён мил.авв. III- II асрлардан Тошкент воҳасига кириб келади, яъни воҳада шаҳарсозлик маданияти сари илк қадам ташланади.

Шундай қилиб, археологик ашёлар таҳлили ва юқорида қайд қилинган фикр-мулоҳазалар асосида қуйидаги хулосага келиш мумкин:

1. Турон заминида одамзод томонидан даслаб Тошкент воҳаси ўзлаштирилган бўлса, бу жараёндан Хоразм воҳаси истисно бўлган. Бронза ва илк темир (мил.авв. II-I минг йилликнинг биринчи ярмида) Тошкент ва Хоразм минтақаларида хўжалик ривожланиши бир хил тарзда кечган.
2. Мил.авв. IV асрнинг охириги яримидан бошлаб, Тошкент воҳаларида урбанизация жараёни тез суръатлар билан ривожлана бошлади, қадимги шаҳарлар қад кўтара бошлади. Шундай қадимги шаҳарлар Хоразмда қадимги шарқ цивилизацияси анъаналари асосида ривожланса (масалан: Кўзалиқир, Қалъалиқир, Дингилжа, Қўйқирқилганқалъа, Хива, Хоразм ва бошқалар), Тошкент воҳасида туркий анъаналарга бурканган шаҳарсозлик маданияти таркиб топади. Бунинг тарихий илдизлари Қовунчи

маданияти асосида қурилган (Шоштепа (Учтепа), Қовунчитепа, Кавардан, Мингўрик) каби ёдгорликда яққол кўзга ташланади.

ТОШКЕНТНИНГ ДАҲА ВА ДАРВОЗАЛАРИ ҲАҚИДА

Р.Мулладжонова – педагогика фанлари номзоди, доцент.

Ж.Якубжанов 3-курс талабаси

Ўрта Осиёнинг энг қадимги шаҳарларидан бири бўлган Тошкент 2200 йиллик тарихга эга. Даставал Тошкент Жун ариқ ёқасида вужудга келган, сўнгра Солор канали томон кенгайган. Тошкент географик жihatдан қулай ерда жойлашганлиги ва иқлим шароитининг созлиги туфайли азалдан деҳқончилик ва чорвачилик ривож топган маскан сифатида маълум. Қадимда Тошкент атрофи баланд ва қалин деворлар билан ўралган кўрғон шаклидаги кичкина шаҳарча бўлган. У “Чоч” деб юритилган. Араблар уни “Шош” деб аташган VIII аср бошларида шаҳар “Мадинат – ат - Шош” халифалик кўшинлари томонидан вайрон этилгач, у шимолий – ғарбий, ҳозирги Ҳадра майдони ҳудудларига кўчган ва Бинкат номи билан тилга олинади. Бинкат “Қуйи шаҳар” деган маънони англатган. Бинкатнинг ўрни Тошкентнинг айнан аввалги “Эски шаҳар” деб аталган қисмига тўғри келади. Маҳмуд Қошғарий уни “Таркан” деган ном билан ҳам атайди.

“Туркистон заминида мил. ав. III аср охири II асрда кудратли Туркий Қанҳа салтанати таркиб топади. У кейинчалик Туркистон замини деб аталган юртни талай қисмини эгаллаган. Унинг пойтахти Тошкент вилоятининг Оқкўрғон туманида, Сирдарё қирғоғидан 8 километр нарида жойлашган Қанға (Қанка тепа) шаҳри ҳисобланган. Қанҳа салтанати Тошкент шаҳрининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатган. Абу Райҳон Беруний Тошкент атамаси ҳақида, Бинкат Шошнинг маркази, Турк тилида Тошканд, юнончада эса Тош минорани англатади, деб ёзган. Яна бошқа бир жойда Шош шаҳрининг номи турк сўзидан олинган бўлиб, Тошканд – Тошлоқ қишлоқ, деган маънони англатади дейди.”¹

Ёзма манбалар ва археологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, Бинкат алоҳида алоҳида қалин ва баланд деворлар билан ўраб олинган шаҳар бўлиб, у арк (ўрда), шаҳристон (ички шаҳар ҳунарманд ва косиблар яшайдиган қисм) ҳамда ички ва ташқи работ (қарвон саройлар, уларнинг улгуржи оптом) савдо ҳунарманд ва косиблар яшайдиган қисмбозоридан иборат бўлган. Шаҳарнинг маркази - ўрдаси ҳисобланган арк ва шаҳристон (ҳунарманд-косиблар) қисмлари Тошкентнинг Ҳадра, Эски Жува ҳамда Чорсу майдонлари оралиғидаги ҳудудга тўғри келади. Аркнинг умумий саҳни 1 гектар, шаҳристоннинг майдони эса 15 гектар бўлган. Аркнинг икки дарвозаси, шаҳристоннинг Абул Аббос, Қаср ва Гумбаз деб аталган учта дарвозаси бўлган. Бинкатнинг ички работининг ўнта, ташқи работининг еттита дарвозаси бўлган. Қадимги Тошкент шаҳар ҳокимининг саройи, қамоқхона, чақа ва тангалар сўқиладиган зарбхона аркнинг ичида бўлиб, ибодатхона унинг ташқарисига жойлашган. Ҳунармандлар маҳаллалари, амирларнинг қароргоҳлари, ердор деҳқонларнинг кўшк ва кўрғонлари, бозор шаҳристонда жойлашган. Ҳарбий чокарларнинг турар жойлари ташқи

¹ Зиёев Ҳ. Она шаҳрим Тошкент ва ҳаёт йўлимдан лавҳалар. Т.: Фан, 2008. 46.

рабодда жойлашган бўлиб, у Чокардиза деб юритилган. Бешёғоч ва Хадра оралиғида, аввалги Чақар маҳалласи (ҳозирги Дўстлик майдони) бўлган.

“Тошкент атамаси Х асрдан бошлаб кенг кўламда ишлатилган. IX-X асрларда Тошкентнинг ўзи ҳам икки қатор девор билан ўралган бўлиб, биринчисида *Хадмин, Сакда, Рашиджак, Хакан* сингари дарвозалари бўлган, иккинчиси эса ташқи девор *Фаргет, Хаскет, Сакиндижак, Темир, Бакирдижак, Секрек* ва *Саграбат*лардан иборат еттита дарвозага эга бўлган. Шаҳар боғу-роғларга бурканган бўлиб, Мовароуннахрнинг энг соғлом ва кўркам даргоҳи ҳисобланган”¹

XVIII асрнинг иккинчи ярмида Тошкент шаҳри тўрт даҳага бўлинган эди. Манбаларда шимолий даҳа – Каффоли Шоший, жанубийси - Зангиота, шарқийси - Шайхантохур ва ғарбийси - Шайх Зайниддин номлари остида таъриф этилсада, шаҳар аҳли ўртасида улар Себзор, Бешёғоч, Шайхантохур ва Кўкча деб юритилар эди. Бу даврда Тошкентда шаҳарликлар томонидан сайланган ягона ҳоким – бошқарувчи арбоби мавжуд эмас эди. Шу боисдан шаҳар тўрт мустақил қисм - даҳаларга ажралиб кетган эди. “...Ҳар бир даҳа ҳокими тайин этилгач, даҳаларни бошқариш маъмурияти – қозиси, раиси ва бошқа лавозимларга тайин этилар эди. Бозор, шаҳарнинг мудофаа масалалари билан боғлиқ ишларни Чор ҳокимлар ҳал қиларди. Шу сабабли, бу давр шаҳар тарихида “*Чор ҳокимлик*” номи билан шуҳрат топган. Ҳокимлар ёв босган даврларда навбат билан ҳарбий кўшин сафига ўз навкарларини юбориб турганлар”¹. Кўпинча, Чор ҳокимлар ўртасида ҳукуматни эгаллаш учун ўзаро жангу-низо кучайиб, шаҳар қўлдан-қўлга ўтар эди. Баъзи ҳолларда Себзор даҳаси билан Кўкча даҳаси бирлашиб, Шайхантохур даҳасига қарши уруш бошлар эди. Бундай вазият содир бўлган вақтда Шайхантохур даҳаси билан Бешёғоч даҳаси бирлашар эди. Ўзаро низо кучайган вақтларда шаҳар марказидан оқиб ўтадиган Лабзак² сувининг икки лаби жанг майдонига айланар эди. Шунинг учун Лабзак сувининг номи манбаларда “*Жангоб*”, яъни “*Уруш суви*”, бу анҳорнинг икки ёқаси эса “*Жангоҳ*” яъни “*Уруш жойи*” ёки “*Жанг майдони*” деб шуҳрат топган.

“Тарихи жадидаий Тошкант”³ асарининг муаллифи Муҳаммад Солиҳнинг ёзишича, чор ҳокимлик даврида Шайхантохур даҳасида Юнусхўжа ўғли Хидоятхўжа, Бешёғоч даҳасида Дониёрхўжа, Кўкча даҳасида Исҳоқхўжа ва Себзор даҳасида Шохбек (баъзи манбаларда Шебек)лар ҳокимлик қилган.

Ҳар бир даҳада 10 тадан зиёд маҳалла, бир нечта масжид ва мадраса, ҳаммом ва бозорлар бўлган. Масалан, *Себзор даҳасида* 38 та маҳалла, 3 та мадраса ва 10 та масжид бўлган. Улар асосан, этикдўзлик, бўёкчи – нилчилик ва бўзчилик билан кун кечирган. *Бешёғоч даҳаси* 32 та маҳалладан иборат бўлиб, унда 3 та мадраса, 68 та масжид бўлган. Улар боғдорчилик, хунармандчилик, ғишт қуйиш билан машғул бўлганлар. *Шайхантохур даҳасида* 48 та маҳалла, 6 та масжид ва 3 та мадраса бўлиб, аҳолиси эгарчилик билан шуғулланган. *Кўкча даҳаси* 31 та маҳалла, 3 та мадраса, 51 та масжид бўлган. Кўкчаликлар асосан кўнчилик ва этикдўзлик билан тирикчилик қилган⁴.

¹ Зиёев Х. Она шаҳрим Тошкент ва ҳаёт йўлимдан лавҳалар. Т.: Фан, 2008. 56.

¹ Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солиҳ тавсифида. Т.: Фан, 1983.

² ҳозирги Абдулла Қодирий номидаги шаҳар истироҳат боғи ва Эски жува атрофлари.

³ Мирзо Олим Тошкандий. Ансаб-ас-салотин ва Таворихи ах-хавоқин. Рук. ИВ. АН. УзССР. № 3753.

⁴ Муҳаммаджонов А.Қадимги Тошкент. Тошкент. – 2002, 60-61 б.

Ўрта асрларда тўрт даҳани ўраб ўтган шаҳар деворларини 12 та: *Қиёт, Турклар, Ўзбек, Тахтаул, Қорасарой, Чигатой, Суъбониён, Кўкча, Командарон, Қангли, Бешёғоч, Қатагон* деб номланган дарвозалари бўлган. Муҳаммад Солиҳ “Тарихи жадидаий Тошкент” асарида шаҳар дарвозалари атамаларини изоҳлар экан, у ўз вақтида ҳар бир дарвозани кўриклашни маълум бир қабила вакиллариға топширганлиги учун улар шу қабилалар номлари билан аталган деб ёзади.

Шаҳар майдони кенгайиши билан дарвозаларнинг ўрни ҳам, сони ҳам, номи ҳам ўзгариб турган. Масалан, 1738-1739 йилларда Тошкентга юборилган биринчи рус савдо қарвонининг бошлиғи *Миллер*нинг ёзишича Тошкент дарвозалари 8 та, 1800 йилда Тошкент ҳокимининг таклифи билан келган рус тоғ инженерии *М. Поспелов*нинг кўрсатишича 6 та, *Филлип Назаров*нинг (1813-1814) саёҳатномасида эса 12 та бўлган. Хатто *Миллер* дарвозаларнинг номи ва шаҳарнинг қайси томонида жойлашганини айтиб ўтган: *Самарқанд дарвозаси* жануби-ғарбда, *Бешёғоч ва Терсариқ дарвозалари* жанубда, *Шайхантаҳур дарвозаси* шарқда, *Тарсахон дарвозаси* шимоли-ғарбда, *Капкан (Қопқа) дарвозаси* шимолда, *Тоқчи (Кўкча) дарвозаси* ғарбда. Тошкент шаҳрининг сўнгги девори XIX асрнинг бошларида лашқар бегларбеги ҳокимлиги даврида қайта тикланиб, унинг атрофи бўйлаб *Қўймас, Қўқон, Қашғар, Лабзак, Тахтаул, Қорасарой, Сағбон, Чигатой, Кўкча, Самарқанд, Камолон, Бешёғоч* каби 12 та дарвоза қурилган. Бу дарвозалардан 4 таси : *Лабзак, Оққўрғон (Қашғар), Қўқон ва Қўймас* шарқ томонда шаҳарға кейинчалик қўшиб олинган қисмидаги янги деворға ўрнатилган эди¹.

Ҳар бир дарвозадан шаҳар марказига - бозорға элтувчи кўчалар, улардан эса тор кўчалар тармоқланиб кетган эди. Кўчалар туташган чорраҳалар *гузар* деб юритилган.

Сўнгги ўрта асрларда ҳар бир даҳа аҳолисининг сорбоғ учун ўз тегишли мавзелари бўлар эди. Шаҳар аҳли баҳор, саратон ва кузни ўша ерда ўтказишган. Чунончи, *Шайхантаҳур даҳасининг* чорбоғлари *Оққўрғон, Дархон, Яланғоч* ва *Қорасув* бўйларида, *Бешёғоч даҳасининг* чорбоғлари *Чилонзор, Зангиота (Чўпонота), Миробод, Дўмбирабод, Қозирабодда, Себзор даҳасининг* чорбоғлари *Ҳасанбой, Кўктерақда, Кўкча даҳасининг* чорбоғлари эса *Назарбек, Кўксарой, Колос* бўйлари мавзеларда бўлар эди.

“... тарихий асарларда шаҳар аҳолисининг фаолиятиға юқори баҳо берилган. Халқи, - дейилади уларнинг бирида, - жасорат ва сипоҳгарчиликда машҳурдир. Пичоқ ва яроғлари ҳамиша ёнларидадир. Хатто дехқонлар ҳам яроксиз юрмайдилар. Тошкентда ажойиб ва ғаройиб нарсалар ҳам бўлган. Чунончи, қора рангли тарик киши баданидан оққан қонни дарҳол тўхтатган. У ерда сеҳрли булоқ, ҳаво тиниклигида суви кўринмай, қачонки ҳавони булут ва туман босса, сув қайнаб чиққан. Бундан ташқари, яна бир сирли қудуқ ҳам бўлган. Бу сув бошқа жойға олиб борилганда қонға ўхшаб қолган. Кўп сақланса тошға ўхшаб қотган. ... Тошкент лоласи машҳурдир, саккиз ва ўн икки барглари бордир. Ҳар бир барги турли рангда бўлиб, бир-бирларига ўхшамайди. Лоланинг баъзи баргларида етти ва баъзисида ундан кўп ранглар товланиб туради. Лолазор майдонида бир булоқ бордирким, уни Қайнар булоқ дейишган. Суви доим оқиб туради. Аммо лола очилган вақтда 20 газ ҳавоға отилиб ва атрофға сочилиб, лолаларни суғорган. Афсуски, юқоридаги кўрсатилган ажойиботлар бизгача сақланмаган”¹.

¹ *Набиев А. Тарихий ўлкашунослик. Т.: - 1996. 145 б.*

¹ *Зиёев Ҳ. Она шаҳрим Тошкент ва ҳаёт йўлимдан лавҳалар. Т.: Фан, 2008. 6-7 б.*

1865 йил Тошкент Россия империяси қўшинлари томонидан босиб олинди. 1867 йилда ташкил этилган Туркистон генерел губернаторлигининг маркази ва мустамлака маъмурларининг қароргоҳига айлантирилди. Натижада шаҳар иккига бўлиниб, янги шаҳар қад кўтарди. Унга рус маъмурлари жойлаштирилди. Янги шаҳарда ойнабанд турар жойлар, ҳашаматли бинолар қурилди. Пахта тозалаш, ёғ заводлари, темир йўл устaxonаси каби саноат корхоналари барпо этилди.

“Чоризм даврида Тошкент илгаригидек 4 даҳага бўлинган эди. Г.Н. Маллицкийнинг ўша даврда тўплаган маълумотларига кўра, даҳаларга қуйидаги маҳалла ва мавзелар кирган: Шайхонтохур даҳасида 65 та маҳалла ва 25 мавзеларни, Себзор даҳасида 42 та маҳалла ва 57 мавзеларни, Кўкча даҳасида 44 та маҳалла ва 37 мавзеларни, Бешёғоч даҳасида 49 та маҳалла ва 19 мавзеларни ўз ичига олган. Даҳалар таркибига фақат шаҳар эмас, балки унинг атрофидаги катта ерлар ҳам кирган. Маҳаллаларнинг сони жаҳатидан Шайхонтохур, мавзелар бўйича эса Себзор даҳаси олдинги сафда турган. Жами даҳаларда 200 маҳаллалар бор эди. Аммо бу маълумотлар тўлиқ бўлмай махсус ўрганишни тақозо этади. 1914-1915 йилларда “Эски шаҳар” да ўрта ҳисобда 150.000 киши яшаб, 250 та масжид, 12 та мадраса, 8 та хаммом ва 5000 та катта-кичик дўконлар бор эди”¹.

Ана шундай ўтмиш тарих ва анъаналарга бой Тошкент мустақиллик йилларида ободонлашди ва кўркамлашди. Ҳозирги кунда Тошкент шаҳрининг турли жойларида, унинг ўтмиши ҳақида маълумотлар берувчи кенг қўламли археологик тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу тадқиқотлар Республикамиз пойтахти Тошкент шаҳрининг ёши, маданияти, хунармандчилиги ҳақида аниқ ва мукамал тарихий маълумотлар беради ва тарихимизнинг очилмаган қирраларини очишда муҳим бирламчи манба сифатида катта илмий аҳамият касб этади.

ВОЗРОЖДЕННАЯ АКАДЕМИЯ МАЪМУНА В ХОРЕЗМЕ - НОВОЕ ОТДЕЛЕНИЕ АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Г.В. Мачин – кандидат исторических наук, доцент.

Академия Маъмуна в Хорезме, 1000-летие которой в ноябре 2006 года отмечено в международном масштабе с участием ЮНЕСКО, входит в число феноменальных достижений в интеллектуальном и духовном развитии человечества. Чтобы понять историческую сущность возникновения этой древней обители науки, необходимо совершить экскурс в глубокую древность. Иначе сложно объяснить такой высокий подъем волны интеллектуального, научного и просветительского развития именно в Хорезме и его столице Гургандже (Ургенче) в X-XI вв., озарившего лучами разума мир науки того времени и давшего мощный импульс дальнейшему прогрессу общечеловеческой научной мысли.

С обретением Республикой Узбекистан государственной независимости как никогда возрос интерес к возрождению ее богатейшей духовной культуры. “Провозгласив

¹ Зиёев Ҳ. Она шаҳрим Тошкент ва ҳаёт йўлимдан лавҳалар. Т.: Фан, 2008. 19-24 б.

независимость, Узбекистан вступил в эпоху возрождения своих духовных и интеллектуальных ценностей”¹, - указал Президент И.А. Каримов.

Неотложной и наиболее приоритетной задачей обновления общества стало возрождение духовности, национального самосознания, богатого духовного и культурного наследия, что, в первую очередь, связано с восстановлением исторической памяти народа². “Исключительно важное место в процессе возрождения и роста национального самосознания ... занимает историческая память, восстановление объективной и правдивой истории народа”³, отмечал И.А. Каримов.

IX-XII асрлар савдо ва маданият марказлари бўлган йирик шаҳарларнинг кўпайиши ва тараққиёти даври бўлиб, ушбу шаҳарлар бутун Евросиё минтақаси бўйлаб муҳим аҳамиятга эга эди. Мовароуннахрда ички ва ташқи савдонинг ривожланиши хунармандчилик ва маданият марказлари бўлган шаҳарларни хом ашё манбалари ва фойдали қазилмалар олинадиган конлар яқинидаги катта-кичик шаҳар ва қишлоқ манзилгоҳларини бир бири билан узвий боғлар эди. Бу даврдаги мавжуд шаҳарлар ҳаёти ҳақида ёзма манбалар ҳамда археологик материаллар орқали маълумотларга эга бўлишимиз мумкин. Айниқса, Бухоро, Самарқанд, Насаф, Фарғона ва Хоразм каби йирик шаҳарлар қаторида Тошкент шаҳри ҳам минтақанинг сиёсий ҳаётида, ички ва ташқи иқтисодий-маданий алоқаларида етакчи ўрин тутган.

Илк мусулмон уйғониш даври сифатида қаралаётган IX-XII асрлар Тошкентда аҳоли сонинг кўпайиши, бозор, савдо-сотиқ ва маданиятнинг ривожланиши кузатилади. Қадимданоқ Чоч деб аталиб келинган Тошкент воҳаси араблар босқинидан сўнг Шош номини олган ушбу воҳа Парак (Чирчиқ) дарёси водийсида жойлашган эди. Араб географларининг асарларида Шош “Мадинат аш- Шош”, хитой манбаларида “Чжеше”, Маҳмуд Қошғарий ва Беруний асарларида XI асрдан бошлаб Тошкент “Тошкент”, Бинкат, “Таркан” номи билан кўрсатилади. Ибн Хавқал ўз маълумотларида Хуросон ва Мовароуннахрда Тошкент воҳасидек масжидларга, катта-катта қишлоқларга бой, кўплаб биолари мавжуд бўлган худудни кўрмаганлигини таъкидлаб, Тошкент даҳасида мавжуд 27 та шаҳарларнинг номини келтириб ўтади.¹ Манбаларга таянган ҳолда Тошкент воҳасида мавжуд бўлган Бинкат, Данфаганкат, Чинанкат, Харашкат, Фанакат, Ардланкат, Хазинкат, Гарканд, Абразкат, Баркуш, Фаранкат, Шутуркат, Банункат, Банакит, Канкарак, Нумасадж, Жабузун, Вардук, Кабарна, Гадарнак, Газак, Гананж, Жабғукат, Калашжук, Истабайғу, Накалик, Хатункат каби шаҳарларнинг номларини келтириш мумкин.²

Шошнинг ривожланган ўрта асрлардаги пойтахти шахристон ва бўлинган Бинкат бўлиб, бу шаҳар воҳанинг маъмурий маркази, шу билан бирга Мовароуннахрнинг савдо-хунармандчилик марказлари сифатида эътиборга молик бўлган.³ Авваллари шаҳар икки қисмли тузилма қалъа ва шаҳар бўлган бўлса, ислом даврида шаҳарлар савдо-хунармандлар шаҳарчаси-работ девори тикланиши ҳисобига уч қисмга бўлинган. Тошкент воҳасини пойтахти Бинкат қалъа-қўхандиз, ички шаҳар-мадина ҳамда иккита работдан иборат бўлган. М.Е.Массоннинг фикрига кўра, Бинкат ҳозирги Тошкентнинг “Эски шаҳар” деб аталган қисмига тўғри келади. IX-XII асрларда Бинкатнинг шахристон ва ташқи робод қисмида аҳоли сонининг кўпайиши билан шаҳар кенгайиб боради. Шаҳарнинг ичида амирларнинг саройлари, мулкдорларнинг кўшк ва кўрғонлари, робод қисмида хунармандлар уй жой ва устахоналарининг сони ортиб боради.

¹ Бетгер Е.К. Извлечения из книги “Пути и страны” Абул Касима ибн Хаукаля// Труды САГУ. Ташкент. 1957. Стр.22-23

² Камолитдин Ш.С. Древнетюркская топонимия Средней Азии. Т.2006. стр.81

Сомоний ҳукмдорларидан, Яхъё, Аҳмад ҳамда Ёқублар даврида Мовароуннахрнинг иқтисодий ва маданий марказларидан бирига айланган Шош Қорахонийлар ва Хоразмшоҳлар даврида ҳам ривожланган воҳа сифатида тилга олинади. Хусусан, араб географи Мукаддасий (Макдисий)нинг маълумотларидан Шош энг аввало, шаҳар хунармандчилигининг ривожланишида намоён бўлади. Хунармандчилик устахоналари ва дўконлар шаҳар ичкарасида ҳамда работларда жойлашган. У асосан, савдо йўлларида, конлар яқинида гуллаб-яшнаган. Айни вақтда Чотқол ва Қурама тоғлари конлари фаол ишлаган, у ерларда темир, кўрғошин, кумуш, фируза заҳиралари кўп бўлган. Хунармандчилик маҳсулотларидан от-улов эгарлари, совут ва пичоқлар, гиламлар, турли хил матолар ҳамда машҳур чинни идиш-товоқларини харид қилгани дунёнинг турли мамлакатларидан савдогарларнинг қатнаганликларини билиб олишимиз мумкин.

Агар археологик маълумотларга эътибор қаратсак, Тошкент воҳасидаги шаҳар ва қишлоқлар асосан Жун, Солар, Қорасу, Бозсув, Калкауз, Қорақамиш каби каналлар ҳавзаларида пайдо бўлган. Жумладан, Шоштепа, Қўғайтепа, Мингўрик, Бузгантепа, Таукаттепа, Қарабоштепа, Юнусобод Оқтепа, Оқота, Қулоқтепа, Сағбон, Оқтепа, Чағатой Оқтепа, Тешиққўприктепа, Чилонзор Оқтепа, Фозилтепа, Хонободтепа, Шахнишентепа, Хиобонтепа, Норазтепа, Учтепа, Козохмозортепа, Ялонғочтепа, Довултепа, Олтинтепа, Шўртепа, Елакдаттепа, Тўғайтепа, Кўктепа, Тавкаттепа, Садоқаттепа, Қишлоқтепа, Турктепа, Билтепа, Эшакқўприктепа, Буатанқўрғон, Пазиртепа, Хирмонтепа, Тарнавуштепа, Чинадқўрғон, Самиштепа, Жеттиттепа, Култепа, Чортоқтепа, Ёртепа ва Мойлиттепа каби археологик ёдгорликлар ҳозирги Тошкент ҳудудидан топилган.¹ Гарчанд қишлоқ ёки кичик шаҳар кўринишидаги бу ёдгорликларнинг баъзилари аввалроқ пайдо бўлганлигига қарамадан, IX-XII асрларда ёдгорликлар ўрнида мавжуд бўлган шаҳар ва қишлоқлар ривожланган палласини ўз бошидан кечирази.

Илк ўрта асрларда пайдо бўлган кўплаб янги шаҳар ва манзилгоҳларнинг IX-XII асрларга келиб, янада ривожланиши кузатилади. Ўрта Осиё шаҳарлари бўйича йирик мутахассис О.Г. Большаков ўз тадқиқотларида IX-XII асрларда шаҳарларнинг ривожланишидаги асосий омиллар, шаҳар аҳолиси сонининг кескин ортиб бориш сабаблари, шаҳар хунармандчилиги ва унинг ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш билан бирга бутун Ўрта Осиё минтақасида бу даврда 250-270 га яқин катта-кичик шаҳарлар бўлганини алоҳида таъкидлайди. Шу билан бирга муаллиф шаҳарлардаги аҳоли сонини ҳам тахминан келтиришга ҳаракат қилган. Масалан, О.Большаков Марвда тахминан 150 минг, Бухорода 40-50 минг, Самарқандда 75-85 минг, Термизда 20-25 минг, Бинкатда 22-25 минг аҳоли мавжуд бўлга, деб ҳисоблайди.²

Бироқ, Чингизхон бошчилигидаги мўғул кўшинларининг Мовароуннахрга босқинчилик юришлари натижасида минтақа шаҳарларидаги тадрижий тараққиёт тўхтаб қолади. Ёзма манбаларда XIII асрнинг иккинчи ярмига доир маълумотлар жуда кам ва узук-юлуқ ҳолда сақланиб қолган. Рашид ад-дин, Вассафий, Жамол Қарший, Хавофий, Жувайний, Насавий, Жузжоний каби олимларнинг асарларида эса асосан мўғуллар давлатининг сиёсий тарихи, уларнинг шажаралари ва ўзаро ички қурашлари ҳақида маълумотлар берилади. Вахоланки, мўғуллар босқинидан сўнг мамлакатнинг ички аҳволи, ижтимоий ва иқтисодий

¹ Буряков Ю.Ф., Қосимов М.Р., Ростовцев О.М. Тошкент областининг археологик ёдгорликлари. Т.1975.42 54 бетлар.

² Большаков О.Г., Беленицкий А.М., Бентович И.Б. Средневековый город Средней Азии. Л.1973.

хаётига эса ушбу муаллифлар йўл-йўлакай қисқа тўхтаб кетишган. Шунга қарамай, ушбу асарларга таянган ҳолда, мўғуллар босқини натижасида, XIII асргача мавжуд бўлган шаҳарлар тараққиёти хусусида фикрларни билдириш мумкин. Айниқса, мўғулларнинг босқинчилик юришлари оқибатида минтақа аҳолиси сонини кескин камайиб кетиши, мутахассисларнинг фикрича, бир қанча омиллар билан боғлиқ эди. Улар: агар аҳолининг бир қисми жанглarda кириб юборилган бўлса, бошқа қисми очлик ва турли касалликлар туфайли қирилган, қуллик асоратига тушган учинчи қисми эса мўғуллар томонидан ҳайдаб олиб кетилган эди. Хитойлик сайёх Чан Чунь 1222 йилда Ўрта Осиёда мисли қўрилмаган даражада очарчиликнинг юз бериши оқибатида, жуда кўп йирик шаҳарларнинг хувиллаб қолганлиги ҳақида ёзиб қолдирган¹. Тарихчи Жувайний ҳам Чингизхон йўлида учраган шаҳар ёки қишлоқларни олов исканжасида қолдиришдан ҳеч тап тортмаслигини баён этади. 1253 йилда Мовароуннахр орқали Еттисувга ўтаётган европалик сайёх Рубрук аҳоли гавжум бўлган катта-катта ҳудудларининг ўрнини кўчманчиларнинг чорва боқиладиган яйловларига айланиб қолганининг гувоҳи бўлади.² Дарҳақиқат, айнан шу даврда Мовароуннахр ерларига шарқдан турк ва мўғулларидан иборат чорвадор қабилаларининг кириб келиши кучайган эди. Мўғулистондаги ўз ҳудудларида шаҳарсозликка катта эътибор қаратган мўғул ҳукмдорлари эса Мовароуннахр шаҳарларидан уста хунармандларни оилалари билан кўчириб олиб кетишгани манбалардаги маълумотлар орқали ўз тасдиғини топади.

Қолаверса, Жувайний мўғуллар Мовароуннахрни нафақат истилочилик юришлари жараёнида, балки кейинчалик ўзаро сулолавий ички низолар туфайли ҳам мунтазам вайрон этиб боришганини таъкидлайди. Бу ҳам Чингизхон ва унинг ворислари маҳаллий аҳолини доимий қўрқувда ушлаб туриш, уларнинг қаршилигини синдириш мақсадида амалга оширилган бўлса, ажаб эмас. Айниқса, 1250 йилларга келиб мўғуллар истебдодидан Мовароуннахр қишлоқ ва шаҳарларининг сони кескин камайиб кетади. Бундан ташқари, мўғул амалдорларининг турли солиқларни жорий этишлари натижасида, маҳаллий аҳоли ўзлари яшаб турган шаҳар ва қишлоқларини ташлаб кета бошлайдилар. Рашид ад-диннинг XIII аср 50 йилларига оид маълумотларида *“Шундай қилиб, мўғулларнинг зулми ҳамда та’адди (сиқуви) кучайиб, даҳақин (деҳқонлар) мисли қўрилмаган ёвузликлар ҳамда киши бошига солинган авариз (солиқлар) дан қийналдиларки, етиштирган маҳсулотлари ва иртифаат (хосил)дан белгиланган солиқларни тўлашга қурбилари етмас эди”* деб кўрсатади.³ Натижада дала майдонлари экилмасдан, сув иншоатлари эса издан чиққан ҳолда анча вақтгача қаровсиз қолиб, кўплаб шаҳар ва қишлоқлар кимсасиз чўлларга айланиб қолади. Маҳаллий аҳолининг солиқларни тўлашга қурби етмай қолганлиги қўйганлиги ҳамда хазинаананинг бўшаб бораётганлигидан безовта мўғул хонлари икки марта, яъни 1235 ва 1251 йилларда солиқ ислохатларини ўтказадилар. Бу ислохатларга кўра, Ўқтой даврида деҳқонлардан олинадиган солиқнинг 10% натура шаклида, чорвадор ва кўчманчилардан 1 % чорва олинishi, Мунқа даврига келиб киши бошига 1 динордан 11 диноргача пул солиғи белгиланган.

Шуниси диққатга сазоворки, 1269 йилдаги қурултойда Мовароуннахр шаҳарлари ақл бовар қилмас даражада вайрон қилингани ҳамда серҳосил ерларнинг ўзлаштирилмай

¹ Петрушевский И.П. Поход монгольских войск в среднюю Азию в 1219 1224 гг. И его последствия. \ Материали для чтения. Казахстан.2007.

² Бартольд В.В. Очерк истории Семиречья. Фрунзе.1963. стр.51.

³ Рашид ад дин. Жами ат таворих. Т 2. Изд.Э.Блоше.Лондон.Лайден.1911.стр.312.

колганлиги, йирик-йирик аҳолиси зич жойлашган шаҳар ва қишлоқларнинг хувиллаб ётгани, мисли кўрилмаган даражада даромадга эга бўлиш мумкин бўлган ерлардан эса фойдаланилмаётгани, иқтисодиёт умуман издан чиқариб юборилгани расман тан олинади.

Мўғуллар босқини оқибатида, Шошнинг тақдири ҳам аянчли ҳолга келади. Чочдаги иқтисодий ва маданий инқироз бирмунча аввалроқ, яъни XII асрнинг 40 йилларида Қорахитой гўрхонлари бўйсиндирган даврдан бошланган эди. Бундан ташқари шарқдан хужум қилган найманларни мамлакат ичкарасига қўймаслик мақсадида 1219 йилда Мухаммад Хоразмшоҳ ва найман хони Кучлукхон ўртасидаги бўлиб ўтган жангдан сўнг Шошнинг обод қишлоқ ва шаҳарлари вайрон қилиниб, Чоч таниб бўлмас ҳолатга келиб қолади. 1220 йилда Шош тўлиқ мўғул босқинчилари қўлига ўтади. 1221 йилда мўғул хони Чингизхон Хуросондан қайта туриб Самарқандда қишни ўтказади. Лекин шу йилнинг ўзида Шошда ҳам қишлаб ўтишни лозим топган Чингизхон ташрифидан бу ердаги шаҳар ва қишлоқлар харобага айланади. Бир ярим аср давом этган мўғуллар ҳукмронлиги даврида Шош Чигатой улусига кириб, у мўғулларнинг Жалоир уруғи учун ёзги яйлов, Тошкент шаҳри эса улус нўёнлари учун дам оладиган қароргоҳга айланади. Бу давр шаҳар ҳаёти учун энг инқирозли даврлардан бири ҳисобланади.

Археологик маълумотлар орқали шуни аниқлаш мумкин, мўғуллар истилосидан сўнг Шошдаги кўпгина шаҳарларда ҳаёт қайта тикланмайдди. Шундай манзилгоҳлардан Мингўрик, Тешиккўприктепа, Фозилтепа, Чағатойтепа, Юнусободтепа, Шохнишинтепа ва бошқа манзилгоҳлар аввалги ҳолатига қайта олмайди.

Лекин маълум бир вақт ўтгач, мўғул шахзодаларининг босқинчилик ва кураш ҳаракатлари тугатилиб, катта вайронагарчиликлардан сўнг, XIII асрнинг охирига келиб қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг аста секин қайта тараққиёти кузатилади. 1220-1270 йиллар оралиғида мўғуллар томонидан етказилган моддий ва маънавий зарар, албатта, аввалги ҳолатига қайтмаган бўлсада, лекин иқтисодий ва маданий ҳаёт жонлана бошлайди. Табиийки, бу жараёнлар дехқончилик ва хунармандчиликнинг ривожланишисиз содир бўлмас эди. Кўпроқ Чингизийлар сиёсий тарихига эътибор қаратган йирик шарқшунос олим В.В.Бартольд 1220, 1238, 1263, 1273 ва 1276 йилларда Чингизийлар томонидан Мовароуннахрнинг кўплаб шаҳар ва қишлоқларига ўт қўйилиб, аҳолиси шафқатсиз равишда кириб юборилганини таъкидлайди¹ Худди шу ҳулосаларни инкор қилмаган ҳолда, бошқа бир шарқшунос олим И.П.Петрушевский мўғуллар асоратининг оғир оқибатларидан сўнг Мовароуннахрнинг ягона бир давлатга бирлаштирилиши ижобий ҳолат бўлиб, иқтисодиётнинг жонланишига сабаб бўлди, деб таъкидлайди.² Буни нумизмат олим Е.А.Давидович ҳам XIII асрнинг 80 йилларига оид тангаларини ўргана туриб, бу даврда иқтисодиёт ўзининг ривожланиш палласига кирганини кўплаб тангалар ҳам тасдиқлайди, деган фикрни билдиради.³ Бундан ташқари Чингизийларнинг ислом динини қабул қилишларининг ижобий таъсири ҳам бўлиб, мамлакатнинг турғунлик давридан чиқиб кетишига, яна яшаш қулай бўлган ҳудудларда ҳаётнинг жонланишига сабаб бўлади.

Шошда ҳам жуда катта захматлар эвазига санокли шаҳарлар қад ростлайди. Жумладан, Бинкетдан 2 фарсах (тахминан 12 км) узоқликда Чирчиқ яқинида жойлашган Бузгонттепа,

¹ Бартольд В.В. *Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Сочинения. Т.1.М.1963. стр.313.*

² Петрушевский И.П. *Из истории Бухары XIII в. Л.1949. стр.103.*

³ Давидович Е.А. *Денежное хозяйство и частичное восстановление торговли в Средней Азии после монгольского нашествия XIII века. М.,1970. С.67.*

Қўғайтепа, Солор анхори бўйида қад кўтарган Нўғойкўрғон (Банункент), Қорақамиш анхори бўйидаги Қулоқтепа, XI ва XIII асрларда катта ёнғиннинг гувоҳи бўлган, лекин шунга қарамадан яна қайта жонлана олган Норозтепа, Хонободтепа, Жун канали бўйида жойлашган Шоштепа каби манзилгоҳларнинг айримларида XVI асргача, баъзиларида эса ундан кейинги даврларгача ҳаёт давом этади.

Шундай қилиб, XIII аср Тошкент воҳаси учун кўплаб шаҳарлар ва шаҳар ҳаётининг кескин инқироzi ва тугалланиш даври бўлган эди. Жумладан хунармандчилик ва савдо, жамоатчилик, маънавий ва маданий ҳаётнинг шиддатли ривожланишида узилиш ҳосил бўлади. Лекин Мовароуннаҳр қадимдан қанчадан-қанча босқинчилар асоратига тушиб вайрон қилинсада, унинг унумдор, серҳосил ерларида яна ҳаёт куртаклари униб чиқаверган.

ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ ТАРИХИДА ТОШКЕНТ

А.Эшонкулов –101-гуруҳ талабаси

Ф.Сапаев 3-курс талабаси

Тошкент воҳаси ғарбдан Тянь-Шань шарқдан Угом, Писком, Чотқол тоғ тизмалари билан ўралган бўлиб, бу тоғлар бағридан оқиб чикувчи ирмоқлар Чирчиқ дарёсини ҳосил қилади. Қадимги цивилизациялар каби Чирчиқ дарёси хавзасида ҳам воҳа аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар мавжуд бўлган.

Мил.авв. III-II асрлардан бошлаб Тошкент воҳаси урбанистик жараёнлар қаърига тортилади, яъни бу ҳам дарё этаклари ва хавзаларида аҳолининг турар-жой масканлари қад кўтариб, улар воҳа давлатчилигининг илк куртаклари ниш олишига асос бўлади.

Ижтимоий ва иқтисодий ҳамда этномаданий ҳаёт ўзининг янги поғонасига кўтарилади. Айниқса бу жараённинг илк темир даври аҳолисининг турмуш тарзида намоён бўлишини Бурғулик маданияти мисолида кўришимиз мумкин. Бу ёдгорлик аҳолисининг асосий машғулоти деҳқончилик ва чорвачиликдан иборат бўлиб, аҳоли дастлаб, ярим ертўла ва чайлаларда истиқомат қиладилар, кейинчалик пахса ва гувалалардан ҳамда хом ғиштдан турар жойлар қурадилар. Турар жойлар атрофини мудофаа деворлари билан химояланганлиги, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш негизида шаҳарсозлик маданиятининг вужудга келиши ва ривожланишига олиб келади. Дастлаб чорвачилик билан шуғулланган аҳоли, табиий суғоришга асосланган деҳқончиликда катта ютуқларга эришадилар. Улар “қўлтиқли суғориш” усулида, яъни ариқлар бўйидаги табиий намлиги етарли ерларга экин экиб, юкори ҳосил олганлар. Суғоришнинг бундай усули такомиллаша бориб, сунъий суғоришнинг мураккаб усуллари кашф этилади.

Иқтисодий муносабатларнинг тараққий этиши деҳқончиликдан хунармандчиликнинг ажралиб чиқишига олиб келди. Натижада хўжалик турлари кўпайиб, савдо-сотиқ ривож топиб қишлоқлар ўрнида шаҳар кўринишига эга бўлган марказлар пайдо бўла бошлади.

Бурғулик маданиятининг иккинчи босқичида бир мунча маданий ривожланишни кузатамиз. Хўжаликда архитектура соҳасининг юксалиши натижасида ўзига хос кўрғонларга асос солинади. Ана шу кўрғонлар воҳа илк давлатчилигининг куртаклари эди.

Тошкент аҳолиси қадимдан бошлаб, тарихий манбаларда жуда кўп номлар билан аталган. Масалан, илк маълумотларни Ўрта Осиё халқларининг бебаҳо китоби “Авесто”дан

олишимиз мумкин. Унда Сирдарё хавзасида истикомат қилувчи халқлар турлар, яшаш жойи эса Турон деб аталган. Уларнинг диний сиёсий маркази сифатида Қанғха (Қанға) шаҳри борлиги тилга олинади.¹ Қанқа ёдгорлиги Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида жойлашган бўлиб, антик даврларда Чочнинг марказий пойтахт шаҳари бўлган.

Тошкент ҳақидаги маълумотларни Хитой йилномаларидан топишимиз мумкин. Тошкент милoddан аввалги II аср милodий V асрга мансуб Хитой манбаларида Юни, Чжеши, Чжечжи, Чжеси ва Ши каби номлар билан аталган.⁴² Милoddан аввалги III аср милodий III асрларда Қанғха давлатининг пойтахти Битян шаҳри бўлиб, уни олимлар Қанқа шаҳар харобаси билан локализациялаштирадилар. Мил.авв. I-II асрлардан Тошкент воҳасида Қорасув, Солор, Жўн ариғи ёқаларида дастлабки қишлоқлар қад кўтариб, аҳоли қурилишда хом ғишт ва пахсалардан кенг фойдалана бошлайдилар.

Академик Асқаров А.А. бу халқларни “сак ва қанқа қабилаларнинг бир қисми бўлиб, улар аста-секин сўғдийзабон чочликларга айлана борган”³ деган фикрни билдиради. Қанқа Чочнинг бош шаҳри бўлиб, у ҳудудни қанғ қabila сардорлари қароргоҳи, сиёсий-маъмурий ва диний маркази бўлган. Хусусан “Қангуй, унинг пойтахти Битян, қанғликларнинг азалдан яшаб келган макони бўлсада, қангуй ҳукумдори бу шаҳарда доимо яшамаган, унинг ёзги қароргоҳи ҳам бўлган дейилади”⁴ Манбаларда Қанғ давлатининг асосий негизи сифатида тилга олинган Қанқа сак-қанғар қавмларининг, Қангуй давлатининг бош шаҳри бўлган. Бу давлат ўзбек давлатчилигида муҳим ўринга эга бўлиб, ўша давр нуқтаий назари билан ёндашадиган бўлсак, уни кучли давлатнинг асосий пойтахти даражасига кўтарила олган шаҳар сифатида кўришимиз мумкин. У ўзаро иқтисодий маданий алоқалар маркази, қадимги давр давлатчилигимизда йирик ривожланган ғоявий-сиёсий шаҳар сифатида гавдаланганлигини кўрамыз.

Тошкентнинг ўтмишини ва бугунини ҳисобга олган ҳолда “нуфузли халқаро ташкилотлар бўлмиш ислом конфедератцияси ташкилотининг таълим, фан ва маъданият масалалари бўйича тузилмаси АЙСЕКО томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда ислом маданиятининг пойтахти деб эълон қилинганлигини ҳам ана шундай юксак эътирофнинг яна бир тасдиғидир”⁵ десак ўринлидир. Тошкент ҳозирги кунда мустақил Ўзбекистон Республикасининг пойтахти, иқтисодий, сиёсий маъданий ва маъмурий соҳаларда ватанимизнинг юраги, унда республиканинг олий органларидан Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, Олий Суд, ўнлаб олий ўқув юртлари, кутубхоналар, жамиятдаги асосий тузилмаларнинг марказий офеслари, халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари, элчихоналар, жойлашган фойзли шаҳардир. Пойтахтимиз миллий ифтихоримиз, 2200 йиллик тарихга эга навқирон ва қадимий шаҳардир.

¹ Тўқлиев Н. Шорахмедов Д.А. Тошкент: 1992. 5-бет

² Ўша жой

³ Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Т: “Университет” 2008. 38-бет

⁴ Ўша асар 39 бет.

⁵ Ўша асар 38-бет

ТОШКЕНТ ДАҲАЛАРИНИНГ ТАРКИБ ТОПИШИ ВА УНИНГ ДАРВОЗАЛАРИ

Н.Ҳамрақулова, Ж.Эшқувватов, О.Эшонхонов

Тарих факультети талабалари

Гўзал шаҳримиз Тошкент ўзининг қадимий тарихига эга. Бу тарих бевосита Ўрта Осиё халқлари тарихи билан узвий боғлиқдир. Ўлкамизнинг тарихи ва маданиятида шарқу ғарбга машҳур шаҳарларимиз қаторида Тошкентнинг ўрни бетакрор.

Ҳозирги кунда унинг 2200 йиллик ёши фанда ўз исботини топди. Тошкент тарихи ҳақида ўрта аср тарихнавислари ажойиб маълумотлар ёзиб қолдиришган. Ўрта Осиёнинг энг қадимий ва йирик шаҳарларидан бири бўлган Тошкент ўзининг 2200 йиллик тарихи давомида жуда мураккаб даврларни бошдан кечирган. Тошкентнинг қулай географик ўрни ва савдо-сотиқ соҳасидаги мавқеи доимо қўшни давлатларни қизиқтириб келган. Шу боис, Тошкентга ташқаридан кўп босқинчилик юришлари бўлган, лекин шаҳар аҳолиси уларга матонатли қарши тура олган. Жанглار Тошкент шаҳри тарихида сезиларли из қилдирган.

Тошкент шаҳри тарихини ўрганишда ўзаро ички феодал уришларни ҳам назардан четда қолдирмаслик керак. Чунки худди шу ички феодал низолар Тошкент шаҳрининг маъмурий бўлинишини белгилаб берди.¹

Тарихий манбаларда берилган маълумотларга кўра, XVIII асрнинг иккинчи ярмида Тошкент шаҳри тўрт даҳа (туман)га бўлинган эди. Манбаларда шимолий даҳа – Каффолий Шоший, жанубийси- Зангиота, шарқийси – Шайхонтохур ва ғарбийси – Шайх Зайниддин номлари остида таъриф этилсада, шаҳар аҳли ўртасида улар кўпроқ Себзор, Бешёғоч, Шайхонтохур ва Кўкча деб юритилган¹. Даҳаларнинг бундай ном олиши аҳолисининг машғулоти ёки бўлмаса жой номларидан келиб чиққандир дейилади манбаларда. Кўкча даҳасини оладиган бўлсак, аҳолисининг кўпчилиги кўнчилик билан машғул бўлганлиги сабабли кўкча номини олган.

Бу даврда Тошкентда ягона ҳоким-бошқарувчи мавжуд эмас эди. Бу давр Тошкент тарихида тўрт ҳокимлик (чор ҳокимлик) деб аталган. Ҳар бир даҳанинг ўз чегараси бўлган. Чегараланиш асосан шаҳар ўртасидаги бозордан бошланган.² Шаҳар бозори эса барча даҳалар учун умумий бўлган³. Бозор, шаҳарнинг мудофаа масалалари билан боғлиқ муаммоларни чор ҳокимлик ҳал қилган. Ҳар бир даҳанинг ўз ҳокими бўлган. Ҳокимлар сайлангач, ҳар бир даҳанинг бошқариш маъмурияти – қозиси, раиси ва бошқа лавозимларга шаҳар мулкдор аслзодаларидан лавозимларга тайин этилар эди. Ҳокимлар ёв босган даврларда ҳарбий қўшин сафига ўз наварларини юбориб турганлар. Кўпинча улар ўртасида олий ҳукуматни эгаллаш учун бир-бирлари билан урушиб турганлар. Бу ҳол аҳолини бир қанча қийинчилик, сиёсий-иқтисодий парокандалигини кучайтирган. Бундай шаҳар ҳокимларининг ўзаро жангу-низолари кучайди, шаҳар гоҳ у, гоҳ бу ҳокимнинг қўлига ўтиб турган.

Кўпинча Себзор даҳаси билан Кўкча даҳаси бирлашиб, Шайхонтохур даҳасига қарши уруш бошлар эди. Бундай вазият содир бўлган вақтда Шайхонтохур даҳаси билан Бешёғоч даҳаси бирлашар эди. Ўзаро низо кучайган пайтларда шаҳар марказидан оқиб ўтувчи Лабзак

¹ Юнусхўжаев.М, Мирилслова У.Тошкент тарихига оид ҳужжатлар.– Тошкент, 1983, 7–бет.

² Юнусхўжаев.М, Мирилслова У.Тошкент тарихига оид ҳужжатлар.– Тошкент, 1983, 7–бет.

³ Ўша жой

сувининг (Ҳозирги Абдулла Қодирий номидаги шаҳар истироҳат боғи ва Эски жува афтобуслар бекати) икки қирғоғи майдонига айланар эди. Шу боисдан Лабзак сувининг номи шаҳарликлар орасида “Жангоб” яъни “Уруш суви” ва бу анҳорнинг икки ёқаси эса “Жанг майдони” деб шухрат топган эди. Тошкентнинг бу машҳур атамалар ҳозирги вақтгача ҳалқ оғзида сақланган.

Тошкент шаҳрига доир манбаларга кўра, бу даврда Тошкентда 154 та маҳалла ва гузар бўлган. 40 га яқин маҳалла ва гузар форсийча ном билан аталган¹. Масалан Пуштиҳаммом, Падаркуш, Жангоҳ, Дегрез, Говқуш ва ҳокозо. Ўнлаб маҳалла ва гузарларга шахс номлари ҳамда маъносини ифодалаш қийин бўлган номлар берилган. Масалан Бадирбой, Зангиота, Сақичман, Чашмак ва ҳокозо².

XIX асрнинг охирига келиб, Тошкентдаги маҳалла ва гузарлар сони 200 дан ошган³. Ҳар бир даҳада ўнлаб маҳалла, бир неча масжид ва мадраса, ҳаммом ва бозорлар бўлган⁴. “Себзор” даҳасида 38 маҳалла, 3 мадрасса ва 10 масжид бўлган. Себзорликлар асосан этикдўзлик, бўёкчи – пилчилик ва бўзчилик билан кун кечирган.

“Бешёғоч” даҳасида дастлаб 8 та (Қаратош, Кўкмасжид, Ўқчи, Чақар, Гишкўприк, Арпаоя, Гуруч бозор, Эшон гузар) кейинчалик 32 та дан иборат бўлган, унда 3 мадраса ва 68 та масжид бўлган. Улар асосан ўзининг боғу-роғлари, эгарчи ҳунармандлари билан машҳур бўлишган.

“Шайхонтоҳур” даҳасида дастлаб 15 та (Сумасжид, Алмазор, Орқакўкча, Баландмасжид, Говқуш, Дархон, Дегриз, Жангоҳ, Жаркўча, Қозикўча, Мерганча, Падаркуш, Хадра, Шайхонтоҳур ва Шўртапа) маҳаладан иборат бўлиб, кейинчалик улар 48 та бўлган. Яна унда 6 та масжид 3 та мадраса бўлиб, аҳолиси эгарчилик билан шуғулланган.

“Кўкча” даҳасида дастлаб 20 дан ортиқроқ маҳалла бўлади. Булар Оқ тепа, Гузарбоши, Кунчилик, Бедазор, Айримиши, Оқлон, Кўкча ва ҳокозо номлар билан аталган. Кейинчалик уларнинг сони 31 тага етади, 3 мадраса 51 масжид мавжуд бўлган. Булар асосан кўнчилик ва этикдўзлик билан тирикчилик қилишган. Мана шу масжидлар ва маҳалаларни номи ҳозирги кунимизгача ҳам учратишимиз мумкин, яъни ўз номини йўқотмаган. Булар Хадра, Оқ тепа, Лабзак шулар жумласидандир.

“Тарихий жадидай Тошкант” (Тошкентнинг янги тарихи) асарининг муаллифлари Муҳаммад Солиҳнинг ёзишича, чор ҳокимлик даврида Шайхонтоҳур даҳасида Юнусхўжа бинни Худоятхўжа, Бешёғоч даҳасида Дониёхўжа, Кўкча даҳасида Исоқхўжа ва Себзор даҳасида Шоҳбек ҳокимлик қилганлар. Тошкент ҳокимларининг ўзаро уруши ички низолардан хонавайрон тинкаси қуриган шаҳарликлар қўзғалон кўтаришган.

Шаҳарда ягона ҳоким ва ҳарбий бўлишни талаб қилиб чиқадилар.

Шайхонтоҳур даҳаси ҳокими Юнусхўжадан бошқа уч даҳа ҳокимлари ағдарилиб ташланади. Кўпинча амалдорлар таклифи билан Юнусхўжа Тошкент ҳокими этиб тайинланади.

¹ М. Юнусхўжаев, У. Мирилмова *Тошкент тарихига оид ҳужжатлар*
Тошкент Ўзбекистон ССР Фан нашриёти 1983 – 76 бет

² Ўша жой

³ М. Юнусхўжаев, У. Мирилмова *Тошкент тарихига оид ҳужжатлар*
Тошкент Ўзбекистон ССР Фан нашриёти 1983 – 86 бет

⁴ Муҳаммаджонов.А. *Қадимги Тошкент. Т2002 -60 бет.*

Тошкент XVIII асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёдаги бошқа шаҳарлар каби баланд пахса девор билан ўраб олинган эди. XIX асрда яшаган Тошкентлик муаррих Муҳаммад Солих “Тарихий жадидай Тошкент” номли асарида даҳани ўраб турган шаҳар деворларини 12 дарвозаси борлиги ва бу дарвозалар XIV аср охири ва XV аср бошларида ҳам мавжудлигини айтган. Дарвозалар сони ўзгариб турган XVIII асрда 8 та дарвоза бўлган бўлса, XIX асрда улар сони 12 тага етган¹.

Ўша вақтда ҳар бир дарвозани қўриқлаш маълум бир қабила вакиллариغا топширилганлиги учун шу қабила номлари билан аталган, дейди Муҳаммад Солих.

Муҳаммад Солих дарвозалар сони ва номини хатто айримларига тўхталиб уларни изоҳлашга ҳаракат қилган.

Булар:

“Қиёт дарвозаси” – қиёт қабиласи номи билан юритилган. Қадимда Паркент дарвозаси, кейинчалик Қўқон дарвозаси деб аталган.

“Турклар дарвозаси” – турк қабиласи номи билан юритилган.

“Ўзбек дарвозаси” – ўзбек қабиласи номи билан юритилган.

“Қорасарой дарвозаси” – қабила номи билан юритилган.

“Чигатой дарвозаси” – Чингизхон авлодидан бўлмиш чигатой улуси номи билан аталган.

“Суъбониён” (Сағбон) дарвозаси – бу ҳам қабила номи билан аталган.

“Кўкча дарвозаси” – бу ҳам қабила номи билан аталган.

“Камондирон дарвозаси” – камондиронлар бўзўқ қабиласидан, бир тоифага мансуб.

“Қангли дарвозаси” – бу ҳам қабила номи билан аталган.

“Бешёғоч дарвозаси” – қабила номи билан юритилган.

“Қатоғон дарвозаси” – қатоғон қабиласи номи билан аталган¹.

Ўша даврда ҳар бир дарвозани ҳимоя қилиш ўзбек қабилалари вакиллариغا юклатилган, улар учун унинг ёнида бошпаналар ажратилган.

Шаҳар майдони кенгайиши билан дарвозаларнинг сони ҳам, ўрни ҳам, номи ҳам ўзгариб турган, шу боис шаҳар дарвозаларининг сони турли даврларда ёзилган манбаларда турлича кўрсатилган. XIX аср охири XX бошларида қуйидаги дарвозалар номлари маълум бўлган. Булар қуйидагилардир:

“Самарқанд дарвозаси” – ҳозирги Самарқанд дарвозаси кўчасининг гўзари.

“Кўкча дарвозаси” – кўкча гўзари.

“Чигатой дарвозаси” – ҳозирги Фаробий кўчасидаги чигатой дарвоза гўзари.

“Сағбон дарвозаси” – Сағбон кўчасидаги икки мактаб билан Кайкавус оралиғи.

“Қорасарой дарвозаси” – Қорасарой кўчасининг гўзари.

“Тухтапул дарвозаси” – Собир Рахимов номидаги кинотеатр ёнидаги кўприк яқини.

“Лабзак дарвозаси” – Хуршид кўчаси билан унинг ёнида.

“Қашғар дарвозаси” – ҳозирги ички ишлар ёни.

“Бешёғоч дарвозаси” – Бешёғоч бозори ёнида.

“Қўқон дарвозаси” – Ўзбекистон кўчасидан бурилиш ёнида.

“Камалон дарвозаси” – ҳозирги Бахт кўчаси.

¹ Қораев.С Тошкент топонимлари .- Тошкент ,1991, 24 – бет.

¹ А. Ўринбоев, О.Қўриев Тошкент Муҳаммад Солих тавсиясида (XIX аср). Тошкент Ўзбекистон ССР “Фан” нашриёти, 1983- 19 бет

Бу дарвозалар бекларбеги даврида қайта қурилиб, шундай номлар билан аталган.

Дарвозаларнинг қайси бири қай тамонда жойлашганлиги ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсак, Камалон дарвозаси шаҳарнинг кун ботиши томонида жойлашган. У орқали Бухора, Самарқанд, Қашқадарё ва Хоразмга борилган.

Коймос ва Қўқон дарвозалари шаҳарнинг шарқий қисмида жойлашган бўлиб, Чирчиқ ва Охангарон воҳасига жойлашган шаҳар ва қишлоқларга олиб борилган.

Лабзак ва Тўхтапул дарвозалари шаҳарнинг шимолий – шарқий қисмида жойлашган.

Қорасарой дарвозаси Себзор даҳасига кириб, шимол тамонда жойлашган.

Сағбон дарвозаси эса шаҳарнинг ғарбий тамонига жойлашган бўлиб, Сарιοғоч ва Қозоғистонга борилган.

Кўкча дарвозалари шаҳарнинг ғарб ва жануби-ғарбий қисмида жойлашгандир. Қолганлари ҳам шулар кетма-кетлигида жойлашган. Дарвозалар сони ва қайерда жойлашганлиги ҳақида Миллер ҳам ёзиб, у ҳар бир дарвозадан шаҳар марказига – бозорга элтувчи кўчалар бўлганлигини тасдиқлайди. Эски жува бозори бетараф жой ҳисобланиб, бу барча жанглр вақтида ҳам савдо-сотик ишлари давом этаверган.

Кўчалар туташган чораҳалар-гузар деб юритилган. Гузарлар маҳалалардаги марказ ва гавжум жой ҳисобланган. Географик жойлашувининг қулайлиги туфайли қадимдан “йирик” савдо шаҳри сифатида машҳур бўлгани учун Тошкентга бошқа мамлакатлардан мутасил савдо қарвонлари келиб турган.

Дарҳақиқат, шаҳар бозори фақатгина савдо-сотик учун хизмат қилибгина қолмай, шаҳарликлар хордиқ чиқарадиган жой ҳам ҳисобланган.

Яна шуни ҳам таъкидалаш жоизки, ҳар бир дарвозанинг ўз калити бўлган. Уни академик Я.Ғуломов фикрича, Пичоқчилик маҳалласида яшаган Абдурахмон заргар томонидан 12 калит олтиндан ясалган. Аслида улар амалда ишатилмаган, улар рамзий калитлар сифатида сақланган.

Ҳар бир олтин калитнинг узунлиги 16 см бўлиб, оғирлиги 165-167 грам бўлган.¹ Калитлар устки қисмига уларнинг яшаш вақти ва Тошкентнинг ўн иккита дарвозаларининг номи ёзилган².

Дарвозалар маҳалий тоғ арчаларидан ясалган бўлиб, сирт томони ҳар хил нақшдор гуллар, уйиб туширилиб безатилган. Дарвозаларга мос доира шаклдаги бир жуфт темир халқалар бўлган.

Дарвозадан киргач 7-8 метр узунликдаги йўлак бўлиб, икки томони қатор хўжралардан иборат бўлган.

Дарвозалар ёпилгач, ҳеч кимнинг уларни очишга ҳақи бўлмаган. Мободо, кириш жуда зарур бўлиб қолса, фақатгина хоннинг фармони билангина очиш мумкин бўлган. Шаҳарга келган савдогарлар, агар кечикиб қолса, кечда жўнаб, тонг отгандан сўнг дарвозалар очилгандан сўнг шаҳарга кирганлар.

Юқорида баён этилган маълумотлар сўнгида шуни таъкидлаб ўтишим жоизки, гўзал шаҳримизнинг тарихи жуда бой, унда бўлиб ўтган воқеалар эса биз учун қизиқарлидир.

¹ Тошкент тарихидан лавҳалар шаҳарнинг 2000 юбелей тўйига Т. 1983. – 21 бет “Шорасул. III”

² Ўша жой

Тарихни билмай туриб келажакга олға қадам босиб бўлмайди дейди Президентимиз И.А.Каримов, бу бежиз айтилмаган, бунинг замирида чуқур фалсафий маъно ётади. Буларни биз ёш тарихчилар билишимиз керак деб ўйлайман.

ШАҲАРСОЗЛИК МАДАНИЯТИНИНГ ИЛК БОСҚИЧЛАРИДА ҚАДИМГИ ТОШКЕНТ

Ф.Худайбергенов, Г.Норқулова – 2-курс талабалари

Тошкентнинг узок ўтмиши ва у қад кўтарган қадимги Чоч ёки Шош вилояти ҳақидаги маълумотлар ёзма манбаларда жуда хилма-хил тарзда учрайди. Тошкент ҳақидаги дастлабки маълумотлар мил.авв. II аср милоднинг IV асрларига мансуб Хитой манбаларида учрайди. Хитой манбаларида Тошкент вилояти қадимда Юни, Чжеси ва Ши деб номланган. Тошкентнинг қадимги номларидан бири «Чоч» бўлган. Кейинчалик Тошкент араблар тасарруфига ўтгач, араб алифбосида «ч» харфининг йўқлиги боис, арабий асарларда у «Шош» деб юритилган¹. Чунки, араб алифбосида «ч» харфининг йўқлиги боис, у «ш» бўлиб ўқилади. Илк ўрта асрларда Тошкент «Чоч», «Шош», «Шошкент», «Мадина аш –Шош», «Бинкат» ва «Таркан» номлари билан юритилган.

Шоштепа археологик ёдгорлик бўлиб, баланд қалъадан иборат шаҳар ҳаробасидир. (мил.авв. VI аср – милодий XVI аср).

Мазкур ёдгорлик Жўн канали бўйида (Чочтепа кўчаси) жойлашган. Бу манзилгоҳ ярим ертўла типигаги турар жойлардан иборат.

Эрамиздан олдинги II-I асрларда жамоа манзили секин-аста шаҳарга айлана бошлаган. Ҳар бир манзилгоҳ шаҳар тусини олиши учун ҳар томонлама мустаҳкам мудофа деворлари билан ўралган бўлиши керак. Шоштепа худди шундай ҳолатда эди. Шаҳар асосан мудофа мақсадида қурилган бўлиб, девор билан мустаҳкамланган қалъадан, қалъа ичида эса ҳом ғиштдан қурилган катта бинодан иборат бўлган. Қалъа манзил чеккасида қад кўтариб турган эди¹.

Шоштепада бундай манзилнинг мавжуд бўлганлиги ҳозирги Тошкент территориясида шаҳар маданиятининг таркиб топиш ва ривожланиши худди ана шундай бошлангани ва унинг ёшини 2200 йил деб белгилаш мумкинлиги имконини беради.

Эрон шоҳи Шопур I (эрамизнинг 262-йили) нинг «Зароастр кабъаси» тош лавҳасида Чоч илк маротаба тилга олинади. Унда Чоч тоғлари Сосонийлар ерларининг шимолий чегараси деб аталган³.

Шоштепа жойлашган Чоч шаҳри кейинчалик тарихчилар томонидан «Минглаб шаҳарлар мамлакати» деб атала бошланган⁴. (VII асрда). VII-VIII асрлар – Чоч ва унинг пойтахти (Чочкат) нинг энг раванк топган давридир. Шаҳар таркибига кўра, унда қалъа-кўрғон ва шаҳристон (шаҳарнинг ички қисми) қисмлари бўлган. V асрда Чоч вилояти эфталларга, VI асрнинг иккинчи ярмидан эса Ғарбий турк ҳоконлигига бўйсундирилди. VIII асрга борганда

¹ Тошкент энциклопедияси тарихий очерк-6.

² Юсупов Э.Ю. «Тошкентнинг ўтмиши ва бугунги куни» «Ўзбекистон нашри» 1983 й. 4-бет.

³ Шу асар 4 -5 бет.

⁴ Юсупов Э.Ю. «Тошкентнинг ўтмиши ва бугунги куни» Ўзбекистон. 1983-й 4-5 бет.

Чоч ва Илоқ (Ҳозирги Оҳангарон) бирлашиб, ягона давлатга айланди. Ва, ўз мустақиллигини тиклади. Шаҳар тезлик билан ўсиб, ривожланиб борди. Ва X асрга келиб йирик хунармандчилик, савдо-сотиқ ва маданий марказга айланди.

Шу ўринда манбаларга тўхталадиган бўлсак, Фирдавсийнинг «Шохнома» асарида Чоч ўзининг камон ва ўқ-ёйлари билан машхурлиги ҳақида жумлалар бор. Ушбу машхур асарда Чочликларнинг кудрати батафсил кўрсатилган бўлиб, уларнинг араб ҳалифалиги, эфталлар ва турк ҳоконлиги билан олиб борган урушлари ёзилган¹.

Шаҳар Тошкент номи билан даставвал XI асрнинг машхур алломалари Абу Райхон Беруний ва Маҳмуд Қошғарийларнинг асарларида тилга олинади. Беруний «Ҳиндистон» асарида Тошкент номининг келиб чиқиши ҳақида сўз юритиб, «Тош сўзи асли туркча исм бўлиб, Шош кўринишини олган. Тошканд –тошли қишлоқ демакдир»² деб изоҳлайди. Маҳмуд Қошғарийнинг маълумоти бўйича Тошкент шаҳри (Шоштепа) XI-XII асрларда «Таркан» деб ҳам юритилган³.

XVII асрда яшаган қомусшунос олим Маҳмуд ибн Вали шундай ёзади: «Шош –Сайхун (Сирдарё) нинг у томонида жойлашган шаҳар ва у Туркистон қарайди... Уни Чоч деб ҳам атайдилар. Бироқ, ҳозирги вақтда у Тошкент номи билан машхурдир»⁴

Қадимда яшаган олим ва ёзувчилар ҳам Тошкент ҳақида ўз фикрларини билдириб жумладан, математик ва астроном Хоразмий (783-850), тарихчи Табарий, X аср араб географи Истаҳрийлар маълумот берганлар. Улар ўз асарларида, ўзлари яшаган вақтда Тошкент қандай ахволда эди, қандай номлар билан аталганлиги, ҳақида ёзиб қолдирганлар.

Истархийнинг “Китоб ал-масолик вал-мамолик” (Йўллар ва мамлакатлар тўғрисида китоб) асарида Шошнинг бош шаҳри Бинкат деб кўрсатилган. Бу тўғри, Чунки, Бинкат Шошнинг энг муҳим савдо-сотиқ маркази ҳисобланган. Археологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мил.авв. II- I асрларда Шоштепада қадимги қишлоқнинг ҳаробалари устида атрофи қалин айланма девор билан ўраб олинган доира шаклидаги қалъа кўрғон қад кўтарган. Қалинлиги 4 метрли шаҳар девори йирик ҳажмдаги хом ғиштлардан уриб чиқилган⁵. Бу йирик кўрғон деворининг диаметри 60метр бўлиб, унинг ички айланаси бўйлаб томи равоқсимон бўлиб ёпилган узун йулак (қаридор) бино қилинган. Хар бир қисмининг ташқарисига олиб чиқадиған дарвозаси бўлган. Албатта бундай манзараларга эга бўлган бу шаҳар хар бир одамни хайратга солади. Чунки бундай кўринишдаги шаҳар (қишлоқ, Шоштепа) ўша даврда жуда кам бўлган. У шундай мустаҳкам қурилганки, унинг деворлари 1,6-2 метр қалинликда бўлган. Шоштепанинг майдони 25 гектар бўлган. Шоштепадан Бурганли (бошка манбаларда Бурғулик) маданиятининг сўнгги босқичи (мил.авв. VI –IV асрлар) га оид ўтrock дехқонлар қишлоғининг қолдиқлари топилган. Ярим ертўлалардан иборат қишлоқ атрофи кўтарма девор билан ўраб олинган. Аҳоли яйлов чорвачилиги, қисман овчилик билан шуғулланган.

Археологик қазилмалар натижасида топилган моддий маданият буюмлари комплекси Қовунчи I маданиятига оид бўлиб, Шоштепанинг суғорма дехқончилик, чорвачилик ва хунармандчилик асосида янада тараққий этганлигидан далолат беради. Бу ёдгорликни

¹ Фирдавсий «Шохнома» 262 бет.

² Абу Райхон Беруний «Танланган асарлар» -Тошкент 1963й. 2-т, 232 бет.

³ Маҳмуд Қошғарий «Девону лугатит турк» -Тошкент 1973 й, 165 бет

⁴ Маҳмуд ибн Вали «Баҳр ул-асрор». Тошкент. 1990 й.

⁵ Тошкент энциклопедияси. тарихий очерк-6.

ўрганиш Тошкент шаҳари маданияти тарихини ўрганишда катта имкон беради¹. Шоштепада археологик қазилмалар натижасида оташпарастлар ибодатхонасининг қолдиқлари топилган. Чунки, илк ўрта асрларда Чоч маркази ибодатхоналар (деҳқончилик маъбудаси, оташпарастлик, аждодларга сиғиниш) маркази ҳам сақланиб қолган². (Чилонзор Оқтепаси, Юнусобод Оқтепаси). Қазилмалар натижаси шуни кўрсатдики, дафн маросимлари зардуштийлик (оташпарастлик – илк ўрта асрларда, айниқса, Хоразм ва Суғдда кўп тарқалган) русуми буйича амалга оширилган. Бу ерда парранда суяклари одам қиёфаси акс эттирилган расмлар (деворий суратлар), нақшлар билан безатилган оstadонларнинг суяқдонлар топилиши фикримизни исботлайди³.

Яна бу ерда милоднинг I-II асрларига мансуб суяқдан ясалган ёзув таёқчаси (стиль) топилди. 15см ли бу суяк қаламнинг бир томони ёзиш учун учли қилиб, иккинчи ўчирғич томонидан эса илон бошига ўхшаш қийшиқ кўп бурчак шаклида куракча қилиб ясалган⁴.

Шоштепадаги археологик обидалар: шаҳарнинг мустаҳкам муҳофаа девори, ҳашаматли, меъморий комплекс, ҳунармандчилик буюмлари, хат-саводдан далолат берувчи топилмалар милод бўсағасида Тошкент воҳасида шаҳар маданияти ривожланиб, Шоштепадаги қадимги қишлоқ шаҳар қиёфасини олганлигини кўрсатади. Шоштепадан мил.авв. III-II асрларга оид сопол идиш топилган. Албатта, бу сопол идиш бутун ҳолда топилмаган. Унинг синиқ парчаларигина топилган. Бундан ташқари, топилмалар орасидан уй-рўзғор ва ҳўжалик буюмлари анчагина бўлиб, улар хум, кўза, бир қулоқли ва жумракли ҳукачалар, икки қулоқли қозонлар, това, сувдонлар, ҳўкиз бошли қабоб қуръалар, ёйсимон ёргучоклар, темир пичоқ, ўроқ ва бошқалар топилган. Ҳуллас, буларнинг ҳаммаси кўчманчи дашт билан ўтроқ деҳқончилик воҳаси чегарасида узоқ асрлар давомида ёнма-ён яшаган ҳамда бир-бири билан иқтисодий ва маданий алоқада бўлган қадимги қавмларнинг ўзига хос маданияти маҳсулидир.

Бу маданият археология фанида «Қовунчи маданияти» номи билан машҳур³.

Шоштепадан шунингдек, фил суягидан ясалган қадахнинг бир бўлаги топилган. Ҳажми 5-3,5 см суяк қадах парчасида пешанабоғ ўраб, бошига улкан қулоқ қийган кенг пешонали, от юзли, қиррабурун, бодом қоқоқ, серсоқол ва мўйлабли эркак кишининг сиймоси қабартма қилиб тасвирланган. Қизиғи шундаки, бу предмет ва унда тасвирланган персанаж антик давр Парфия тасвирий санъатига хос бўлиб, айнан шунга хос топилма 1905-йилда археолог Б.В.Формаковский томонидан Қора денгиз соҳилидаги Юнонликлар қурган қадимги Оливия шаҳрини қазилш вақтида топилган эди⁴. Бунга ўхшаш қадахлар милоднинг II асрида Эрон ва Туркменистоннинг жанубий қисмида жойлашган қадимги Парфияда ясалган. Шубҳасиз, Шоштепа топилмаси ҳам қадимда Хитой ва Ҳиндистонни Ўрта Ер денгизи мамлакатлари билан боғлаган «Буюк ипак йўли» орқали Парфиядан олиб келинган буюмлардан бўлиб, бу савдо йули ўша вақтлардаёқ Тошкент воҳасини ҳам қамраб ўтганлигидан далолат беради. Эслатиб ўтамиз Чочликлар VI-VIII асрларда, Шарқий

¹ Тошкент энциклопедияси тарихий очерк. 400 Шоштепа.

² А. Муҳаммаджонов «Ўзбекистон тарихи» 2000й 36-б.

³ Шу асар 11 бет.

⁴ Шу асар 12 бет.

³ Тошкент энциклопедияси. Шоштепа тарихий очерк – 400.

⁴ Муҳаммаджонов А. «Қадимги Тошкент» Фан 1988 йил. 18-19 бет.

Туркистон билан савдо-сотик қилишда Самарканд ва Бухоро савдогарларидан кейин учинчи ўринда турган¹.

Демак, Шоштепадаги археологик обидалар: шаҳарнинг мустаҳкам муҳофаа девори, монументал меъморий комплекс, ҳунармандчилик буюмлари, хат-савод ва айрибош савдодан далолат берувчи топилмалар милод бўсағасида Тошкент воҳасидаги шаҳар маданияти ривожланиб, Шоштепадаги қадимги қишлоқ шаҳар қиёфасини ола бошлаганини кўрсатади. Гарчи, бу шаҳар ўша вақтларда Сирдарёнинг қуйи ва ўрта оқимида ташкил топган Қанг давлатининг узок чегарасида жойлашган кичик шаҳарлардан ҳисобланса ҳам, у Тошкент воҳасининг дашт билан тутшиб кетган шимолий чегарасида стратегик жиҳатдан аҳамиятли истехком, ҳунармандчилик маркази, кўчманчи чорвадор аҳоли билан ўтроқ деҳқонлар ўртасида олиб бориладиган ўзаро савдо бозори вазифасини ўтай бошлаган эди.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, Тошкентнинг ривожланиш босқичи ўзига хос тарзда кечиб, унинг Шоштепа босқичи катта аҳамиятга эгадир. Чунки айнан шу босқичда, қадимги Тошкентда ижтимоий, иқтисодий алоқалар кучайди. Иқтисодиётнинг ривожланишига маданий ва савдо-сотик алоқаларни кенг миқёсда олиб боришга имкон берди.

ТОШКЕНТЛИК БУЮК АЛЛОМАЛАР

Д.Фозилова, Г.Хусинова – 3 курс талабалари

Тошкент Хожа Аҳрор Валий, Шайх Умар Боғистоний, Абу Бакр Шоший, Абу Сулаймон Банокатий, Ҳофиз Кўҳакий, Шайх Зайниддин Кўй Орифони, Этемас Эшон, Шайх Ховандий Тохур, Ҳаким ота, Занги ота, Шайх Хаст Имом каби комил инсонлар юртидир.

2007 йилда “Тошкентни – ислом маданияти пойтахти” деб эълон қилиниши президентимиз И.А.Каримов айтганларидек, “Барчамиз учун азиз ва муқаддас бўлган азим пойтахтимизнинг ана шундай юксак обрў эътиборга эришишида ўтмишда Тошкентда ўтган мутафаккир, олиму-фузалоларининг буюк хизматлари бор.

Марказий Осиё ҳудудларига ислом динининг кириб келиши муносабати билан минтақа ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида исломнинг фикҳ, ҳадисшунослик ва бошқа фанлари билан чамбарчас боғланган кўплаб олимлар етишиб чиқдилар.

Ўрта асрларда Шош воҳасида ислом илмлари соҳасида фаолият юритган 100 дан зиёд олимлар яшаб ижод этганлиги маълум. Улардан Абу Саъид хайсам ибн Кулайб Шоший (вафоти 947), Абу Бакр Каффол Шоший (904 – 976). Абу Бакр Мухаммад ибн Аҳмад Шоший (1038 – 1114) ва бошқаларнинг номларини алоҳида қайд этиш даркор.

Абу Саъид хайсам Ибн Кулайб Шоший Шош воҳасининг бош шаҳри Бинкатда туғилган. У ҳадис тўплаш билан шуғулланиб Моварауннахрнинг Бухоро, Самарқанд, Термиз ва бошқа шаҳарларида бўлган ва шунингдек исломнинг турли марказларига сафар қилган. Ҳайсам Ибн Кулайб Шоший машҳур муҳаддис Абу Исо Мухаммад Термизий ва Маккалик Абу Ҳасан

¹ Юсупов Э.Ю «Тошкентнинг ўтмиши ва бугунги кун» Ўзбекистон . 1983 й. 5 б.

Боғовийлардан талим олган. Ҳайсам ибн Кулайб Шошийнинг “Муснад” асари хадислар ва уларнинг шарҳига бағишланган бўлиб, бу соҳадаги фундаментал асарлардан ҳисобланади. Имом шошийнинг ушбу ҳулосаси 192 саҳифадан иборат бўлиб унда Муҳаммад С.А.В. саҳобалари томонидан айтилган хадислар тўпланган.

XII аср муаллифи Абу Саид Самъоний ўрта асрлар араб муаллифлари ўз асарларида Қафғол Шоший буюк аллома эканлигини алоҳида такидлаб ўтишган. Чунончи таниқли муаррих Абу Саъд Абулкарим ибн Муҳаммад Самъоний “Ансаб” (Насабнома) асарида у ҳақда “у ўз замонасининг имоми бўлиб, фикх, ҳадис, усул, тилшунослик илимлари бўйича тенги йўк олим эди. Қафғол Шошийнинг номи мағриби машрикга ёйилган” деб ёзган.

“Фахр ал Ислом” номи билан шуҳрат қозонган Абу Бакир Муҳаммад ибн Аҳмад Мустазқирай Шоший (1038 – 1114) ўрта асрларда ислом маданиятининг маркази Боғдод фикхларининг раиси бўлган. У Шошда туғилиб ўсган. Боғдонда таълим олиб машҳур фақиҳ. Абу Наср Ибн Саббох раҳбарлиги остида фикхни ўрганади аллома Боғдодда вафот этган ва устози Абу Исоқ Шерозийнинг даҳмаси ёнига дафн этилган.

Мўғуллар истилоси даврида Марказий Осиё халқларининг ижтимоий – маъданий ҳаёти таназулга учради. Бироқ мўғулларга қарши озодлик кураши маънавий, диний қонун – қоидалар, жумладан ислом динини ақидалари билан қувватлантирилдики, бу эзгулик ва маънавият енгилмас куч эканлигини намоиш қилди.

Бу даврда тасаввуф Ўрта Осиё халқлари маънавий ҳаётида бирлаштирувчи кучга айланди. Тасаввуфнинг Кубровия, Нақшбандия тариқатлари шаклланди. Суфийлар вакиллари орасида XII аср муаррихи Абу Саъид Самъоний шунда кўплаб имомлар яшаганлигини айтиб ўтиб, Абдуллоҳ ибн Авана Шошийни алоҳида тилга олган. Имом Абдуллоҳ ибн Авана Шошийдан Имом Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий, Жаъфар ибн Фаробий ва бошқалар ҳадис ўрганганлар. Машҳур муаррих Абу Бакир Хатиб Боғдодий “Тарихи Боғдодий” асарида Абу Саид Исо ибн Солим Шоший Боғдодга келиб буюк муҳандис Абдуллоҳ ибн Муборақдан кўплаб хадисларни ёзиб олганлиги ҳақида қимматли маълумотлар келтиради.

Ислом оламида Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотрудий сингари “Имом” рутбасига эга бўлган бошқа кўплаб алломалар қаторида Имом Абу Бакир Қафғол Шоший алоҳида ўрин тутади. Замондошлари эҳтиром билан “Ҳазрат Имом” деб улуғлаган бу зотнинг тўлиқ исми – Абу Бакир Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қафғол Шошийдир. Аллома моҳир хунарманд бўлиб, кулфозлик касбида шуҳрат қозонгани учун кейинчалик исмига “Қафғол” сўзини қўшиб айтишган. Имом Қафғол Шоший 904 йилда Шош шаҳрида хунарманд оиласида туғилган. Дастлабки билимни ўз юртида олган. Имом Бухорий, Имом Термизийларнинг бебаҳо, диний, илмий мероси билан танишган. Кейинчалик у Боғдод, Куфа, Дамашқ каби шаҳарларда ўша даврнинг забардаст олимларидан илм – маърифат ўрганган.

Тошкет вилоятининг Боғистон қишлоғида туғилган Шайх Хованди Тохур (вафоти 1359) ўз ўрнига эга.

Тошкент вилоятининг Боғистон қишлоғида туғилган нуфузли ислом арбобларидан саналган Хожи Убайдуллоҳ Аҳрор Шайх Хованди Тохур авлодларидан бўлган Хожи Убайдуллоҳ Аҳрор Нақшбандия тариқасининг йирик вакили ҳисобланади.

XIV – XIX асрлар давомида Шош воҳаси ижтимоий, маърифий ҳаётида табиблар, хаттотлар ва муаррих олимлар алоҳида рўл ўйнайди. XIV асрда Шошда таниқли муаррих Абу Салаймон Банокатий яшаб ижод этган Шошдан чиққан Шоир Бадриддин Чочий ҳам шу

даврда яшаб ижод этган. Ажойиб шеърлар яратиб “фахр аз – замон” унвонига сазовор бўлган шоир Алой Шоший ҳақида Алишер Навоий “Мажолис ун – нафоис” асарида алоҳида тўхталиб у билан бўлган суҳбатини эслаб ўтади. “Тарихи Рашидий” асарининг муаллифи XVI – асрда яшаган муаррих Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Тошкент шаҳрида туғилган, унинг онаси Хўб Нигорхоним Юнусхоннинг кизи З.М.Бобурнинг холаси бўлган.

Шу даврда Тошкентда ўз даврининг олими ва муаррихи, Али Кушчининг набираси Хофиз Кўҳакий ҳам яшаб ижод этган. Унинг асарлари араб тили ва грамматикасига мантиқ, фикр масалаларига бағишланган.

Шундай қилиб Тошкентнинг маънавий ва илмий – маданий салоҳияти ҳамма даврда юқори бўлиб, у жаҳон цивилизациясининг марказларидан бири – Ўзбекистон маданиятининг энг муҳим қисмини ташкил этгани тарих саҳифаларида ўз аксини топган.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, буюк аждодларимизга муносиб ворис бўлиш биз ёш авлоднинг юксак бурчи ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Д.А.Алимова, М.И.Филонович, А.Ҳақимов ва бошқалар “Тошкент ислом маданияти гавҳари” Тошкент; “Ўзбекистон нашриёт матбаа уйи”.2007 йил.
2. Д.Орипов “Тошкент ўтмишидан лавҳалар”, Тошкент; “Фан”.1969 йил .

ХIII-XV АСРЛАР МОВАРОУННАҲР ЭТНИК ЖАРАЁНЛАРИДА МЎҒУЛ ВА ТУРКЛАШГАН МЎҒУЛ ҚАБИЛАЛАРИНИНГ ЎРНИ

С.Улашова – 2-курс магистранти

XIII - XV асрларда Мовароуннаҳр ва унга туташ ҳудудларда этник жараёнлар мавзуси анчадан буён хорижий ва маҳаллий тарихчилар томонидан ўрганилаётган бўлса ҳам, мавзу бугунгача тўла тадқиқ қилинмаган. Мовароуннаҳрга кириб келган мўғул ва туркклашган мўғул қабилаларнинг этногенези, ҳудудий жойлашуви ва ўзбек халқи этник тарихидаги ўрни хусусида турли хил қарашлар мавжуд. Баъзи тарихчилар мазкур даврда мўғуллар билан кириб келган қабилаларнинг барчаси ҳам мўғул ёки туркклашган мўғул қабилалари бўлмаган, дейишса, бошқалари бу фикрни инкор этишади. Шунга кўра, биз қуйида мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларимизни баён этмоқчимиз.

XIII-XV асрлар Мовароуннаҳр этник жараёнларида иштирок этган мўғул ва туркклашган мўғул қабилалари ва уларнинг этногенези, ижтимоий ҳаётда тутган ўрни хусусида ўрта аср муаррихлари ҳам муҳим маълумотлар қолдиришган. Жумладан, Рашидиддин¹, Шарафиддин Али Яздий², Мирзо Муҳаммад Ҳайдар³, Низомиддин Шомий⁴ ва бошқаларнинг асарларида бу тўғрида энг муҳим маълумотларни олишимиз мумкин.

¹ Рашид-ад-Дин. Сборник летописей. Москва. Ленинград., Т. I, кн. 1, 2. 1952; Т. II. 1960.; Т. III. 1946.

² Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Тошкент. 1997. 7а, 9б, 10а, 44б, 49б, 66аб, 86аб, 103б, 112а, 113б, 114а, 115а, 118а, 120а, 127б, 154а-бетлар.

³ Муҳаммад Ҳайдар. Тарихи Рашиди. Ташкент, 1996.

⁴ Низомиддин Шомий. Зафарнома. Тошкент. 1996.

Шунингдек, В.В. Бартольд¹, А.Ю. Якубовский², Б.Д. Греков³, К.Ш. Шониёзов⁴, А.А. Аскарров⁵, Б.А. Аҳмедов⁶ ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ҳам мазкур мавзу атрофлича ёритиб берилган. Аммо, XIII-XV асрлар Мовароуннаҳр ва унга туташ минтақалардаги этник жараёнлар, мўғул ва турклашган мўғул қабилалари, уларнинг этногенези мавзуси фундаментал тадқиқ этилмаган.

XIII-XV асрлар Мовароуннаҳр этник тарихида ўзига хос давр сифатида аҳамиятлидир. Бу даврда этник ва этномаданий жараёнлар натижасида шаклланган ўзбек халқи янада бойиди. XIII-XIV асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳрга мўғуллар бошлиқ мўғул, туркий ва турклашган мўғул қабилаларининг кўчиб келиши жадаллашади. Хусусан, арлот, олчин, барлос, жалойир, қавчин, дуғлат, мўғул, сулдуз, уйрот, баҳрин, маркит, манғит, кўнғирот ва бошқа қавмларнинг айрим гуруҳлари кўчиб келишган. Лекин улар сон жиҳатидан ерли аҳолига нисбатан унча кўп бўлмаган. Бу қабилалар дастлабки вақтда асосан, кўчманчиликда кун кечиришган. Кейинчалик маҳаллий аҳоли таъсирида уларнинг аксарияти ярим ўтроклашиб, чорвачилик билан бирга деҳқончилик ҳам қила бошлаган.

Мазкур даврда Мовароуннаҳрга кириб келган қабилалар ва маҳаллий аҳоли орасида этномаданий жараёнлар натижасида мўғул қабилалари шу даражада турклашиб кетганларки, XIV асрнинг ўрталарида улар ўз тилларини батамом унутишиб, туркий тилда сўзлашишган⁷.

Ибн Батутанинг маълумотларига қараганда, Мўғул хонлари Кебекхон (1318-1326) ва Тармаширинхон (1326-1334) турк тилида эркин сўзлашган⁸.

Негаки, тарихий манбаларда айтилишича, мўғул ҳамда турклашган мўғул қабилаларининг аксарияти Мовароуннаҳрга кириб келишидан аввал Енисей ҳавзаларида, Даштиқипчоқ, Еттисув ва Шарқий Туркистонда яшашган. Улар бу ҳудудларда парчаланиб, кичик-кичик гуруҳларга бўлиниб кетишган. Бундан ташқари уларнинг катта қисми яшаб турган ҳудудларда қолиб, турли этно-сиёсий бирликлар таркибига кириб, ўз жойларида қолиб кетган эдилар. Улардан ажралиб чиққан гуруҳлар эса, Икки дарё (Мовароуннаҳр – У.С.) оралиғидаги вилоятларга, Хоразм ва Тошкент воҳасига келиб ўрнашишган. Масалан, сулдузларни олайлик, улар турклашган мўғул қабилаларидан бири эди. Чингизхон саройидаги энг нуфузли амирлар сулдузлардан бўлган. Улар Чингизийлар давлати таркибида Мўғулистон, Хитой ва Эронда хизмат қилишган. Сулдузларнинг катта қисми Чингизхон кўшини таркибида Даштиқипчоқда ва қисман ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди, ҳамда, шимолий Афғонистонда жойлашган. Шундан кейинги даврларда сулдузлар Озарбайжон, Эрон

¹ Бартольд В.В. Улугбек, его время. Соч. Т. II. Москва. 1963; Истории турецко-монгольских народов. Соч. Т. V. Москва. 1968; Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии. Соч. Т. V. Москва. 1968.

² К вопросу о этногенезе узбекского народа. Ташкент. 1941.

³ Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Золотая Орда и её падение. Москва. Ленинград. 1950.

⁴ Шаниязов К.Ш. К этнической истории узбекского народа. Ташкент. 1974; Некоторые вопросы этнической динамики и этнических связей узбеков в XIV-XVII вв. // МЭИНСА. Ташкент. 1986; Қанг давлати ва қанглилар. Тошкент. 1990; Қарлуқлар давлати ва қарлуқлар. Тошкент. 1999; Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Тошкент. 2001.

⁵ Аскарров А.А. Некоторые аспекты изучения этногенеза и этнической истории узбекского народа. // Материалы к этнической истории населения Средней Азии. Ташкент. 1986.; Орийлар муаммоси: янгича қарашлар ва ёндашувлар. "Ўзбекистон тарихи моддий маданият ва ёзма манбаларда". Илмий тўплам. Тошкент. 2005; Ўзбеклар қандай келиб чиққан. "фан ва турмуш". 1985. 3-4 сонлари; Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Тошкент. 2007.

⁶ Аҳмедов Б.А. Ўзбекларнинг келиб чиқиш тарихидан. Тошкент. 1962; Государство кочевых узбеков. Москва. 1965.

⁷ Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. Золотая Орда и её падение. Москва. Ленинград., 1950. С. 279.

⁸ Ибрагимов Н. Ибн Батута и его путешествие по Средней Азии. Москва. 1988. С. 84-86.

худудларига ҳам ўтиб кетишган. Бу қабиладан кўп амирлар етишиб чиққан. Сулдузлар Чингизхонга тойжовутлар билан бўлган жангда катта ёрдам беришган. Қўнғирот амири Қазагон (1346-1358) вафотидан сўнг, амир Баён Сулдуз бир неча йил Самарқандда ҳокимлик қилганлиги, тарихий манбаларда кўп бор таъкидланган. Сулдузлар XIV асрнинг 50 йилларида Балхда яшаганлар. Амир Қазагон вафотидан сўнг, Балх вилоятининг бир қисмига сулдузларнинг қабила бошлиғи Ўлжой Буқо Сулдуз раҳбарлик ҳам қилган.

Сулдузлар Амир Темур ва темурийлар даврида ҳам нуфузга эга бўлишган. 1370 йилнинг апрел ойида Амир Темур Балх шаҳрида оқ кигиз устига ўтиргизиб, хон қилиб қўтаришда ҳам Баён Сулдуз катнашган. Бу ҳам сулдузларнинг Амир Темур ва темурийлар даврида ижтимоий ҳаётда муҳим ўринни эгаллаганликларидан дарак беради. Кейинчалик сулдузлар Шайбонийхон хизматида ўтишади. Бугунги кунда сулдузлар номи билан боғлиқ жой номларини Ўрта Осиёнинг бир қанча жойларида учратиш мумкин. Хусусан, Тожикистоннинг Балжувон беклигида Сулдуз-боло ва Сулдуз-поён қишлоқлари мавжуд. Сулдуз номи ўзбек қабилалари номи киритилган ўрта асрлар манбаларида ҳам учрайди¹.

Яна бир мисол, қипчоқларни олайлик. Йирик қипчоқ этник бирлиги мўғуллар даврида гуруҳларга бўлиниб кетишган. XIV–XV асрларда қипчоқ этник гуруҳлари Шимолий Кавказда, Қримда, Волга бўйларида, Урал тоғ олди минтақаларида, Дашти қипчоқнинг шарқий қисмида, Еттисувда яшар эдилар². Сирдарё соҳилларида яшовчи қипчоқларнинг бир гуруҳи Амир Темур томонидан Мовароуннаҳрга кўчирилган. Улар ҳозирги Ўзбекистон ва Тожикистоннинг жанубий туманларига ва Афғонистоннинг шимолий худудларига ўрнашган эдилар.

XIII–XIV асрларда Мовароуннаҳрга кириб келган этник гуруҳлар ичида олчинлар ҳам бор эди. Олчинлар бир қанча туркий халқлар таркибига кирган йирик қабила иттифоқи ҳисобланади. Мулла Сайфиддин Ахсикендийнинг тожик тилида ёзилган “Мажмуа ат-таворих” асарида келтирилган 92 ўзбек уруғи рўйхатида олчин уруғи номи ҳам қайд этилган. Шунингдек, И. Хаников, Ҳ. Вамбери, А.П. Хорошхин, Н. Аристов ва бошқаларнинг асарларида ҳам олчинлар тилга олинган.

Олчин этноними “алашын” сўзидан келиб чиққан. Ала – уруғ, катта, буюк маъноларини билдиради, шын эса мўғулча – зон, тунгусча зон (халқ), хакас ва тува тилларида чон, чувашча шын сўзининг муқобил вариантыдир. Олчин этноними “катта халқ”, кўп кишилар уюшмаси, кўп миқдордаги қабила деган маъноларга эгадир³.

В.В. Бартольднинг таъкидлашича, олчинлар милонинг бошларида Олтойда ва Иртиш дарёси яқинидаги чўлларда яшаганлар. Кейинчалик ҳозирги Қозоғистон чўллари ўрнида ўрта асрларга мавжуд бўлган бир қанча кўчманчи қабила иттифоқлари Турк ҳоконлиги, Кимаклар давлати қипчоқлар иттифоқи таркибида бўлган.

Мўғул ҳукмронлигининг тугаши билан олчинлар Нўғой Ўрда ва XVI асрнинг ўрталарида эса козоқ халқи таркибига кирганлар. Олчинларнинг айрим гуруҳлари бошқирдлар, татарлар, Қрим ва Шимолий Нўғойлар ва қорақалпоқлар таркибида ҳам мавжуд эди.

Олчинларнинг кичик бир гуруҳи ўзбеклар таркибига ҳам кирган. Олчинлар алимули, бойули, жети уруғ қабилаларига, буларнинг ҳар бири эса ўз навбатида яна бир қанча уруғларга бўлинган. Алимули олти гуруҳга: қорасоқол, қоракесак, дўрт қора, кете, чумуқай,

¹ Бўриев О., Хўжамбердиев Т. *Этнологик атамаларнинг қисқача изоҳли лугати*. Қарши. 2004. 70-бет.

² Шаниязов К. *К этнической истории узбекского народа*. Ташкент. 1974. С. 77-80.

³ Бўриев О., Хўжамбердиев Т. *Этнологик атамаларнинг қисқача изоҳли лугати*. Қарши. 2004. 59-60-бетлар.

чеклиларга бўлинган. Бойули эса ўз навбатида 12 гуруҳга: адай, жеппас, черкес, тана, қизил, курт, шихлар, алача, бошбакти, маскар, берч, тазлар, исентемирларга бўлинишган. Жети уруғи эса етти гуруҳга: тобин, тама, кердбери, жағайбайли, керайит, телеу, рамаданларга бўлинишган¹.

Ҳозирги кунда Фарғона, Наманган, Хоразм, Самарқанд, Бухоро, Навоий, Қашқадарё вилоятларида олчин номли қишлоқлар мазкур уруғ номидан олинган.

Шарафиддин Али Яздийнинг шаҳодат беришича, маркитлар (меркит, макрит) ҳам Мовароуннаҳрда яшаган энг жанговар ва кўп сонли қабилалардан ҳисобланган. XII асрнинг охири – XIII асрнинг бошларида Селенга дарёсининг бўйларида маркитларнинг уч қабилавий иттифоқи (удут, қаат ва увас) мавжуд бўлган. Удут – маркитлар тўрт урукка бўлинган; уйкур, мудан, тудакли ва жиюн. Уларнинг хони Тўқтабеги бўлган. Маркитлар яқин қўшнилари – керайитлар, татарлар ва мўғуллар билан доим урушиб турган. Хужумларнинг бирида улар Чингизхоннинг хотини Бортени асирга олишган. Кейинчалик керайитлар хони Ванхон Тўғрил Бортени Чингизхонга қайтариб юборган. Маркитлар 1204 йилда Чингизхон томонидан бутунлай тор-мор этилган. Чингизхоннинг суюкли хотинларидан бири Кулон Хотун маркитлардан бўлган. XIII асрда маркитларнинг маълум қисми Мовароуннаҳрга кўчиб ўтган ва кейинчалик Амир Темур кўшинлари таркибида ҳарбий юришларида қатнашганлар.

Маркитларнинг қолган қисмлари турли халқлар мўғул, қирғиз, ўзбекларнинг таркибига сингиб кетишган. Маркитлар керайитлар билан аралашиб, ўзбекларнинг лақай уруғи таркибига қўшилган.

Шу асрларда олчин, дуғлат, монғул, сулдуз, уйрот, бахрин, маркит, кўнғирот каби мўғул қавмларининг кириб келиши Мовароуннаҳрга мўғул ирқиға мансуб халқларнинг пайдо бўлишига олиб келди². XI-XII асрларда шаклланган ўзбек халқи эса “Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи” га мансуб эди³. Мовароуннаҳр ва унга туташ ҳудудларга мўғулбашара халқларнинг кириб келиши XVI асрда янада жадаллашиб кетди.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, Ғарбий Қорахонийлар даврида шаклланган ўзбек халқи таркибига XIII-XV асрлар мобайнида кўплаб мўғул ва турклашган мўғул қабилалари кўчиб келиб қўшилишди. Улар маҳаллий аҳолиға қараганда оз сонли бўлиб, яқин этномаданий алоқалар натижасида жуда оз фурсатда ўтроқлашиб кетишди. Шунингдек, бу даврда Мовароуннаҳр ва Хоразм ҳудудларига кириб келган мўғул ва турклашган мўғул этник гуруҳлари қисқа вақт ичида тил жиҳатидан ҳам туркийлашиб кетишган эди. Бунга албатта уларнинг Мовароуннаҳр ва унга туташ минтақаларга кириб келишидан аввал Енисей ҳавзаларида, Даштиқипчоқ, Ёттисув ва Шарқий Туркистон ҳудудларида туркий қабилалар билан ёнма-ён ва аралашиб яшаганлари ҳам сабаб бўлган, албатта. Аммо Мовароуннаҳрга кириб келганда мазкур қабилаларнинг барчаси ҳам туркийлашиш жараёнини бошдан кечирмаётган, баъзилари ўз анъаналарини сақлаб қолган эди. Уларнинг катта қисми эса, ўз она ватанларида, турли этно-сиёсий бирликлар таркибида қолиб кетганлар.

¹ Ўша асар. 60-бет.

² Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Тошкент. 2007. 257-164-бетлар.

³ Ошанин Л.В. Антропологический состав населения Средней Азии и этногенез её народов. Часть. 1-3. Ереван, 1957-1979; Этногенез народов Средней Азии в свете данных антропологии. СЭ, VI-VII. Москва. 1947; Гинзбург В.В. Основные вопросы палеоантропологии Средней Азии в связи с изучением этногенеза её народов. КСИЭ, вып. 31, Москва.-Ленинград. 1959; Теория происхождения расового типа Среднеазиатского междуречья. Тезисы докладов “Этнографических исследований за 1967 год”. Ленинград. 1967.

Чингизхон босқини даврида Мовароуннаҳр маҳаллий аҳолисининг катта қисми кириб ташланган бўлса ҳам, мўғул ва турклашган мўғул қабилалари омон қолган маҳаллий аҳоли таъсирида туркийлашиш жараёнларини бошдан кечиришди. Бу жараённинг жуда қисқа фурсатда амалга оширилганлиги бугунги кунда кўпчилик этнолог олимларнинг мунозараларига сабаб бўлмоқда. Бунга халқимизнинг “эритувчилик” хусусиятлари сабаб бўлган, деб ўйлаймиз.

XIII-XV асрлар мобайнида Мовароуннаҳр ва унга туташ минтақаларга кўчиб келиб жойлашган мўғул ва турклашган мўғул қабилаларининг баъзилари кейинчалик этник номинигина сақлаб қолишган эди, холос.

Мовароуннаҳр ва унга туташ ҳудудларга Даштиқипчоқ, Еттисув, Шарқий Туркистон ва бошқа турли минтақалардан келиб ўрнашган этник гуруҳлар мўғуллар босқини даврида кескин камайиб кетган маҳаллий аҳолининг сон жиҳатдан бироз кўпайишида катта роль ўйнашди. Аммо, улар маҳаллий аҳолининг этник таркибини тубдан ўзгартира олмаганлар. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, XIII-XV асрларда Мовароуннаҳрга кириб келган этник гуруҳлар “ўзбек” номи билан эмас, балки, ўз уруғ-қабиласининг номи билан келиб жойлашган эди. XVI аср бошларидан уларнинг кўчиб келиши янада жадаллашди. Энди улар умумий “Даштиқипчоқ ўзбеклари” номи остида кириб кела бошлашди. Маҳаллий аҳоли таъсирида тез орада ўтроқлашган этник гуруҳлар Мовароуннаҳрнинг бошқа туркий аҳолиси қаторида, ўзларини турк ёки турк-чиғатой деб атайдилар. Бу эса уларнинг ҳаётида ҳам кескин ўзгаришлар юз берганлигидан далолат беради.

Шунингдек, мазкур даврда мўғул ва турклашган мўғул қабилаларининг кириб келиши натижасида ўзбек халқининг антропологик типига мўғулбашара этник гуруҳлар пайдо бўлди. Аммо улар шаклланган ўзбек халқига хос брахикефал европеоид типни, яъни “Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типни”ни тубдан ўзгартира олмади.

ТОШКЕНТ ДАҲАЛАРИ ВА ИХТИСОСЛАШГАН ҲУНАРМАНДЧИЛИК МАҲАЛЛАЛАРНИНГ ШАКИЛЛАНИШИ

У.С.Тўпчиев – 1-курс магистри

2200 йиллик юбилейи нишонланиш арафасида бўлган мамлакатимиз пойтахти Тошкент қадимий ва ўзига хос ўтмиш тарихга эга шаҳардир. У ўзининг тарихий тараққиёти жараёнида узоқ ва машаққатли, шонли суронли йўллари босиб ўтди. Қадимдан бизгача етиб келган манбаларда қайд этилган маълумотларда Тошкентнинг энг қадимги номи Чоч, илк ўрта асрлардан Шош, Шошкент, Бинкат, XI асрларда яшаб фаолият кўрсатган машҳур алломаларимиздан Абу Райҳон Беруний ва Маҳмуд Қошғарий асарларида эса шаҳар илк бор Тошкент номи билан тилга олинган.

Шаҳар бир қанча босқинчилик тажовузлари, инқирозлар ва юксалишлар даврини босиб ўтган бўлсада ўзининг сиёсий, маданий ва савдо-сотиқ маркази сифатидаги аҳамиятини йўқотмади. У Ғарб ва Шарқ давлатларини ўзаро боғловчи дипломатик, савдо алоқалари йўллари кесишган нуктада жойлашган муҳим шаҳар бўлиб, бу хусусиятлар, деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ унинг ривожига ва маданиятига

ижобий таъсир этган. Ана шу даврлар мобайнида шаҳар атрофи муодофаа деворлари билан ўраб олинди ва унда даҳалар, даҳаларда эса маҳаллалар шаклланиб, ривожланиб борди.

Тошкент даҳаларининг шаклланиши борасида олим ва тарихчилар орасида турли фикрлар мавжуд. Хусусан, баъзи манбаларда даҳалар ва маҳаллаларнинг шаклланиши Х асрдан бошланган дейилади. Аксарият олимлар асарларида эса XVIII асрнинг ўрталарида Шайхонтохур, Кўкча, Бешёғоч, Себзор даҳалари мавжуд бўлиб, шаҳар девор билан ўралган ва унинг 8 та дарвозаси бўлган,¹ дейилади. Ўзбек Миллий энциклопедиясида ҳам “Шаҳар боскинчи жунгорлар, Катта Ўрда ва қалмоқларнинг ҳужумлари натижасида кўп зарар кўрган, XVIII аср ўрталарида гарчи шаҳар қўлдан қўлга ўтиб турган бўлсада, Тошкент 4 даҳа (қисм) га –Шайхонтохур, Себзор (Кафтол Шоший), Кўкча (Шайх Зайниддин), Бешёғоч (Зангиота) даҳаларига бўлиниб, уларнинг ҳар бирини мустақил ҳоким бошқаргани, бу давр Тошкент тарихида Чорҳоқимлик деб аталгани, 1784-йили эса Шайхонтохур даҳаси ҳокими Юнусхўжа қолган 3 даҳа ҳокимлигини ўз тасарруфига олиб, мустақил Тошкент ҳокимлигини ташкил этганлиги такидланади.² Бу маълумотларни А. Муҳаммадқаримов ўзининг “Тошкентнома” (Т., 2004), Н.Г.Маллицкий “Тошкент маҳалла ва мавзелари” (Усмон Қўчқор таржимаси, Т., 1996 й), номли асарларида ҳам Тошкентда XVIII аср ўрталарида 4 даҳа мавжудлиги, XIX аср бошларида эса шаҳарнинг 12 та дарвоза ва 2 та қўқаси мавжуд бўлган дея қайд этишган.

Тошкентнинг узоқ тарихи давомида ҳудуди ҳам кенгайиб борди ва ундаги аҳоли жойлашуви кичик маъмурий қисмлар-маҳаллалар шаклини ола борган. Маҳаллалар, одатда, катта-кичик кўчалар, ариқ ёки жарлик каби табиий тўсиқлар орқали чегараланган. Шаҳар марказидаги маҳаллалар чеккадагиларига нисбатан қадимийроқ бўлиб, аҳоли ҳам зич яшаган.

XIX асрнинг 2-ярмига оид ёзма манбаларда Тошкент маҳаллалари ҳақида статистик маълумотлар мавжуд бўлиб, уларда қайд этилишича, бир маҳаллада 50 дан 150 тагача ҳонадон бўлган. 1910 йили Тошкентда 146 минг аҳоли яшаган, ҳонадонлар сони эса 21 мингга етган.³

Маҳаллаларнинг шаклланиши, уларнинг номланиши ҳам ўзига хос тарихга эга. Хусусан, маҳаллалар жамоа бўлиб яшаш заруриятига, касб-кори, ижтимоий ҳолати, этник таркиби, ҳудудий рельефи каби белги ва хусусиятлари асосида шаклланган ҳамда номланган. Бу фикримизни А.Муҳаммадқаримовнинг “Тошкентнома” асарида келтирилган қуйидаги маълумотлар асосида изоҳлаймиз: “Шаҳар асосан XIX асрга қадар Кўкча, Себзор, Бешёғоч, Шайхонтохур каби даҳаларга бўлинган бўлиб, ҳар бир даҳа кўплаб маҳалла ва мавзелардан ташкил топган, уларнинг номлари эса жойлашган ҳудуди ва аҳолисининг касб-кори каби характерларига хос бўлган.”⁴

Дарҳақиқат, шаҳарда ижтимоий ҳолатига кўра Бойкўча, Қозикўча, Бойкўрғон; этник таркибига кўра Ўзбекмаҳалла, Тожиқкўча, Мўғулкўча; рельефига кўра Сассиқхонвуз, Чуқуркўприк, Баландмасжид; касб-корига кўра Пичоқчилик, Дегрез, Этиқдўз, Кўнчилик, Поякилик, Эгарчи, Заргарлик каби номлар билан аталувчи маҳаллаларни кўришимиз мумкин. Буларнинг ичида ҳунармандчиликнинг маълум соҳаларига кўра ихтисослашган

¹ Ж.Исмоилова. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг бошларида Тошкентнинг “янги шаҳар” қисми тарихи. Т., 2004 йил. 3-бет.

² Ўзбек Миллий Энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. 7-том. Т., 2004 йил. 518-бет.

³ Ўзбек Миллий Энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. 7-том. Т., 2004 йил. 519-бет.

⁴ А.Муҳаммадқаримов. “Тошкентнома”. Биринчи китоб. Т., 2004 йил. 12-бет

махаллалар алоҳида ўринга эга. Чунки, бу маҳаллалар ҳунармадлари томонидан ясалган заргарлик, кулолчилик, темирчилик, тўқувчилик, кўнчилик маҳсулотлари, ҳарбий-қурол аслаҳалар нафақат Ўрта Осиёда, балки бутун Шарқ мамлакатларида маълум ва машҳур бўлган. X асрда араб сайёҳи Ал-Мақдисий ҳабар берганидек “Шарқда кулолчилик буюмлари бўйича унга тенглашадигани йўқ”.⁵ Шаҳарда ҳам маиший буюм, ҳам ноёб санъат намуналарини ишлаб чиқарувчи кулолчилик маҳаллалари бўлган. Шунингдек, Тошкентга яқин бўлган тоғлардаги конларда олтин, мис, кумуш, темир, руҳ каби металллар, қимматбаҳо ва рангли тошларнинг мавжудлиги шаҳарда темирчилик, заргарлик, чилангарлик, каби ихтисослашган ҳунармандчилик маҳаллаларининг шаклланишидаги муҳим омиллардан ҳисобланган.

XVI-XIX асрларда умумий иқтисодий турғунлик ва савдо алоқаларининг сусайишига қарамай, Тошкентда ҳунармандчилик саноати ривожланишда давом этиб, касб-корига кўра ихтисослашган ҳунармандлар маҳаллалари шаклланган. Чунончи, Дегрез, Кулолгарон, Заргарлик, Пичоқчи, Тақачи, Чархчи, Ўқчи, Мисгарлик маҳаллалари шулар жумласидандир. Шуниси ҳам борки, бооброқ касб эгалари заргарлар, кандакорлар шаҳар марказида, совунгарлар ва кўнчилар эса шаҳар чеккасида жойлашганлар. Бу даврда чарм кийимлар овчилар шими, пояфзал, от терисидан ясалган эгарлар, сапол буюмлари учун ғилоф чинниқоплар, китоб муқовалари – жузгирлар ва бошқа маиший буюмлар ҳам ишланган.⁶ Юқорида тақидланганидек, шаҳарда касб эгаларининг мавқеига кўра, уларнинг жойлашуvidан ташқари, яна баъзи қабалари ҳам бўлган. Яъни, совунгар, кўнчилар каби касб эгаларининг шаҳар чеккароғида жойлашишида улар атроф муҳит тозалигига ҳам эътибор беришган. Чунки улар шуғулланадиган касб-кори шуни тақозо этган.

Шаҳарда эгарсозлик бадиий ҳунармандчиликнинг алоҳида соҳаси ҳисобланган ва эгарсозлар маҳалласи ҳам шаклланган. Эгарларга турли хил ва турли рангдаги зарҳал бўёқларда гуллар чизиб безатилган. Шайхонтоҳур даҳасидаги Эгарчи маҳалласида юзга яқин “Эгар-дўкон” устахоналари жойлашган. Манбаларда қайд этилишича, Тошкент Туркистондаги энг катта эгарсозлик маркази бўлган ва йилига бошқа шаҳарларга 15 мингдан ортиқ эгар сотувга чиқарилган.⁷ Юқоридаги даҳа ва маҳаллаларда ишлаб чиқарилган ҳунармандчилик маҳсулотлари жаҳонга машҳур бўлиб, шаҳарнинг иқтисодий ва маданий ҳаёти ривожига алоҳида ўринга эга бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, Тошкент даҳалари ва ихтисослашган ҳунармандчилик маҳаллаларининг шаклланиши ўзига хос тарихга эга бўлиб, уларнинг ҳар бири тарихимизнинг ажралмас бир қисми ҳисобланади. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ҳаққоний тарихимизни яратишга, жой номларини, аجدодларимиз томонидан қолдирилган ҳар бир маданий ва моддий меросни асраб авайлаш ҳамда ўрганишга катта эътибор берилмоқда. Президентимиз И.А.Каримов тақидлаганидек: “Аждодларимиз ўзлари яшайдиган шаҳарлар, маҳалла, боғ-ҳиёбонларга ном танлашда катта эътибор берган. Мисол учун Тошкентнинг ўн икки дарвозасига берилган чуқур маъноли, гўзал номларни олайлик. Самарқанд, Камолон, Бешёғоч, Сағбон, Кўкча, Чигатой, Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Куймас, Кўқон, Қошғар дарвозалари, шунингдек, Пичоқчилик, Заргарлик, Эгарчи, Кўнчилик, Дегрез, Тақачи, Темирчи, Ўқчи, Парчабоф, Поякилик сингари маҳаллалари номлари авваломбор

⁵ Мозийдан садо. Илмий-амалий, маънавий-маърифий рангли журнал. Т., 2007 йил. 2 сон. 8-бет.

⁶ Мозийдан садо. Илмий-амалий, маънавий-маърифий рангли журнал. Т., 2007 йил. 2 сон. 8-бет.

⁷ Мозийдан садо. Илмий-амалий, маънавий-маърифий рангли журнал. Т., 2007 йил. 2 сон. 8-бет.

ўзининг аниқ тарихий жуғрофий маъноси билан ажралиб туради. Шунингдек, бу номларда ота боболаримизнинг ҳаёти ва тафаккур тарзи, бу ерда ҳунармандчилик нақадар ривожланганлиги, ҳалқимизнинг азалдан ўтроқ ҳаёт кечириб, юксак маданий турмуш даражасига эга эканлигидан далолат беради”.⁸

ТОШКЕНТНИНГ ЧОР РОССИЯСИ ТОМОНИДАН БОСИБ ОЛИНИШИ

С.Сапаев. Тарих факультети 2-курс

Туркистон ва унинг пойтахти Тошкент масаласида рус давлати халқаро муносабатда, хусусан, Англия билан алоқани кескинлаштирмаслик учун ўзбек хонликларини босиб олишга эҳтиётлик билан қарарди. Чунки, Рус давлатининг чегараси ҳарбий ва моддий манбалар ҳисобланган Оренбург ва Ғарбий Сибирдан 2000 км ва ундан ортиқ масофага узоқлашиб кетганди¹. Бу эса, янги ҳарбий юришларни бирданига таъминлаш имконини бермас эди. Шухратпараст ва ўзбошимча генерал Черняев Тошкентни босиб олиш учун 1964 йил 1 октябрда юриш бошлади. Бу вақтда Қўқоннинг чинаккам ҳукмдорига айланган амирлашкар Алиқули сиёсат бобида амалдорлар орасидаги парокандаликка чек қўя олмади. Нуфузли амалдорлар бошини қовуштириш амалда мумкин бўлмади. Айниқса, обрўли қозоқ бийларидан ҳисобланган Бойзоқбийнинг қатл этилиши ҳунук оқибатларга олиб келди. Қозоқлар сардори Бойзоқбий Алиқулидан ҳукмни ўзгартиришни илтимос қилади. Бу ҳақда муаррих шундай дейди: «Амир лашкар: «Сен икки марта аҳд қилдинг, яна буздинг» деб жамоадорга «Муни замбаракка солиб отқил!»²» деб буюрса, бечора бойзоқчол қари киши эркан, ёши юздан ўтган экан дейишади. Лекин Амирлашкар ўз қарорини ўзгартирмади ва Бойзоқбийни замбаракка солиб отишди. Аваз Мухаммад Атторнинг маълумотига қўра, 1281 йил жумадул аввалойида, яъни, 1864 йил. 5 октябрда Чимкентнинг босиб олинганлиги ҳақида маълумот беради³. Шундан кейин генерал Черняев Тошкентга юриш бошлайди. Бунини эшитган Амирлашкар Алиқули зудлик билан Тошкентга етиб келди ва ҳимояга киришади. Лекин бу вақтда Чор ҳукумати томонидан Тошкентга юриш қилиш ҳақида ҳеч қандай буйруқ бўлмаган эди. 1864 йилнинг 1 октябрида Черняев Тошкент шаҳрининг шарқий томонидаги Дарвишак қопка деган жойига етиб келади. 1864 йилнинг 2 октябрида эрталабдан бошлаб, ҳар икки томон ўртасида тўплардан ўқлар узилди. Бу вақтда Эшонқули додхоҳ мадрасаси муллаваччалари, хусусан, эшон Шарифхўжа Офокхўжа ўғли, эшон Хожихон Маликхожи юзбоши ўғли, Саид Ахрорхўжа ва бошқалар «ғазотни ва бу шарафли урушни Куръон, тавсир ва ҳадислардан олинган сўзлар билан асослаб, ҳаммани ғазотга ва урушга чорлади, уларнинг ўзлари ҳам Қўқон дарвозасига бориб, тўпчиларга қўшилиб ўқ жойлашда ва отишда қатнашдилар»⁴. Тошкент девори тўплардан ўққа тутилгандан кейин подполковник Обух 2 рота аскарлари 4 тўпи билан ҳужумга ўтиб, деворнинг бир қисmini тешишга эришади.

⁸ И.А.Каримов. Юксак маънавият енгилмас куч. Т., 2008 йил. 92-бет.

¹ Уша асар. 30-бет.

² Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-том. Чор Россиясининг Туркистонни мустамлакага айлантириши. Д. Алимова таҳрири остида. «Шарқ», 1998 йил. 69-бет.

³ Мухаммад Солиххўжа. «Тарихи Жадидаи Тошканд», 122-бет.

⁴ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-том. Чор Россиясининг Туркистонни мустамлакага айлантириши. Д. Алимова таҳрири остида. «Шарқ», 1998 йил. 70-бет

Шундан сўнг чор аскарлари ҳужумга ўтишади, лекин уларнинг ҳужумлари қайтарилади. Чор ҳукумати аскарлари мағлубиятга учраб орқага қайтишга мажбур бўлади. 1864 йилги мағлубиятдан сўнг, Черняев қиш бўйи ўз қўшинини кўрикдан ўтказиб, қушин сафини тўлдиради. 1865 йил, 28 апрелда генерал Черняев 9 рота аскари 12 тўп билан Чимкентдан чиқиб, Тошкентга 25 чакирим масофадаги Чирчиқ дарёсининг чап қирғоғида жойлашган Ниёзбек қалъасига яқинлашди¹. Бу русларнинг Тошкентга иккинчи юриши эди. Черняев юрт хоинларидан бири Абдурахмонбек Шодмон ўғлининг маслаҳати билан Бўзсув тўғонини бузиб, уни Чирчиқ сойига буриб юборди. Абдурахмонбек аслида Тошкент шахрининг Чувалачи маҳалласидан бўлиб, Черняевга муҳим маълумотларни етказиб турган хиёнатчилардан эди². Аликули ҳам Тошкентга етиб келади. Орада бир неча маротаба тўқнашувлар бўлиб ўтади. Ана шундай жангларнинг бирида, Тарихи хижрий 1281 йил, зулхижжа ойининг 25-куни, якшанбадан душанбага ўтар кечаси, яъни, 1865 йил 21 май якшанба кунни замон баҳодири ва давр жангчиси, аср сипоҳсолори ва сарҳанги бўлган Аликули амирлашкар ёнига келиб тушган замбарак ўқидан ярадор бўлиб ҳалок бўлади³. Генерал Черняев эса шаҳарни тўпга тутишда давом этар эди. Унинг зарбдор кучлари Сирдарё қирғоғидаги Чиноз қалъасини эгаллади. 1865 йил 14 июндан 15 июнга ўтар кечаси полковник Абрамов қўшинлари билан боғлар аро ўтиб, Камолон дарвозасига яқинлашди. Рус аскарлари Камолон дарвозасидан ўтиб ўҳарга кирадилар⁴. Шундай қилиб, Тошкент ҳам Чор Россияси томонидан босиб олинди. Қизиғи шундаки, Генерал Черняев амирлашкар Аликули билан тўқнашганда ҳар доим енгилган. Балки, Амирлашкар Аликули вафот этмаганида Чор ҳукумати Қўқон хонлиги, ҳатто Ўрта Осиёни ҳам босиб ололмаган бўлармиди. 1867 йилда Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилди ва унинг маркази Тошкент шаҳри эди.

ҚАДИМГИ ТОШКЕНТ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

*И.Салаев 201-гуруҳ талабаси
Г.Хусинова 3-курс талабаси*

*Ўзликни англаш тарихни
билишдан бошланади.
И.А.КАРИМОВ*

Мустақилликка эришганимиздан кейин ўтмиш тарихни ўрганишга катта эътибор берилди ва бу масала ҳатто давлат сиёсати даражасидаги устувор йўналишга айланди. Фикримизнинг далили сифатида Президентимиз И.А.Каримовнинг “Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ”⁵ деган фикрларини

¹ Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. Хамид Зиёев. Тошкент, 1998 йил. 150-бет.

² Муҳаммад Солиххужа. «Тарихи Жадидаи Тошканд», У.А. Султонов таржимаси. 122-бет.

³ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-том. Чор Россиясининг Туркистонни мустамлакага айлантириши. Д. Алимова таҳрири остида. «Шарқ», 1998 йил.

⁴ Ўша асар.

⁵ Каримов И. Юсак маънавият-енгилмас куч. –Тошкент, 2008, 5-бет.

келтириб ўтиш жоиз. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз пойтахти Тошкент мустақиллик йилларида янада ободонлашди ва кўркамлашди.

Қадимги Тошкент тўғрисида қадимги манбаларда жуда хилма-хил, узук-юлук маълумотлар берилган. Зардуштийларнинг муқаддас китоби “Авесто”да Сирдарё ҳавзасидаги вилоят - “Турон”, аҳолиси - “турлар” деб юритилган. Қадимги форс китобларида келтирилган маълумотларга қараганда, Сирдарёдан шимолда “Сак” номи билан шуҳрат қозонган жанговар қабилалар - “Сака хаумоварка”, яъни Зардуштийларнинг муқаддас таоми “хоума тайёлаб истеъмол қилувчи саклар” яшаган. Қадимги дунё муаллифлари асарларида саклар тўқайзорларда ва тоғ унғурларида яшаганлигини қайд этиб, уларда шаҳар мавжуд эмас, деб маълумот беришади¹. Қадимги юнон географи ва тарихчиси Клавдий Птоломей “Географиядан қўлланмалар” номли китобида Яксарт дарёси бўйидаги **“Terra Lapidey”** шаҳри ҳақида маълумотлар беради². Олимлар бу латинча сўзни “тош шаҳар” деб таржима қиладилар. Абу Райхон Беруний ҳам ўзининг “Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида илк бор Чочни “Тошкент” деб ёзиб қолдирган. Беруний билан биргаликда Махмуд Қошғарий ҳам ўзининг “Девону лугатут-турк” асарида “Тошкент” номини келтириб ўтади.

Тошкентнинг энг қадимги номи “Чоч” бўлган. Илк ўрта асрларда у, Чоч, Шош, Шошкент, Мадинат аш-Шош, Бинкат ва Таркан деб номланиб келинган.

“Чоч” топонимининг ўзи ҳам яшил тош яъни “фируза тошга бой ўлка” маъносини билдиради³. “Чоч” сўзи қадимда маҳаллий аҳоли тилида “тоғ” ва “тош” каби икки хил маъноларни англатган. Чоч тоғидан оқиб тушадиган дарё (ҳозирги Чирчиқ дарёси) ҳам ўша вақтларда “Чоч дарёси” деб аталиб, Чирчиқ дарёсининг тўртта тоғ ирмоқлари: Чотқол, Пском, Угом ва Кўксувлардан охириги маҳаллий аҳоли ўртасида “Оби Кўх” номи билан машҳур бўлиб, у “Тоғ суви”, “Тоғ дарёси” деган маъноларни англатган. XI-асрда Тошкентнинг қадимги номларидан “Шошкент” топоними “Тошкент” деб юритила бошланган. Махмуд Қошғарийнинг маълумотларида, “Тошкент” шаҳри бу даврда “Таркан” деб ҳам юритилган. Бу номларнинг келиб чиққан даври ва уларнинг маъносини аниқлаш шубҳасиз, Тошкент шаҳри тарихини бизгача сақланиб қолмаган саҳифаларини тиклаш имконини беради.

Таникли элшунос академик К.Шониёзов бу ҳақда тўхталиб, миллоддан аввалги II-I асрларга оид солномалардан бирида Қанг давлатининг ҳоқони “Лоюени мамлақати” (Тошкент воҳаси) дан бўлиб, унинг қароргоҳи Битянь шаҳрида эканлиги уқтириб ўтилган, дейди. Битянь- пойтахт шаҳарнинг хитойча номи бўлиб, унинг ҳақиқий номи Қанқа бўлиши керак.

Юни эса Қанг давлатига қарашли 5 вилоятдан бирининг номи. Юни ҳозирги Тошкент воҳасида жойлашган. Тарихий солномаларда 438 йилдан бошлаб Тошкент воҳаси ва Тошкент шаҳри Чжеше деб, кейинчалик эса (VIII аср боши) Чжечжи, Чжеси ёки Ши номи билан аталган. “Ши” топоними хитойчада “тош” маъносини билдиради.

Хитой манбаларида “Юй” сўзи “тош” маъносини, “Ни” эса “шаҳар” маъносини англатади. Иккаласи қўшилганда яъни Юйни сўзи “тош шаҳар” маъносини ифодалайди⁴. Хитойликлар бу

¹ Мухаммаджонов А. Қадимги Тошкент, – Тошкент, 2001, 4– бет.

² Қошғарий М. Девони лугатит-турк. – Тошкент, 1998, 3 жилд, 164 –бет.

³ Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Тошкент, 2007, 119– бет.

⁴ Шониёзов К.Ш. “Қанг давлати ва қанғилилар”. Тошкент; “Фан”, 1990, 43-бет.

ерни “тош шаҳар” деб аташларига сабаб, бу ердаги Қурама, Чотқол, Угом тоғларидан минерал тош бойлиги борлигини эътиборга олган бўлсалар керак.

Тошкент ҳудудидаги қадимги шаҳар харобалари ҳисобланган тепаликлар, бизга Тошкент воҳасида қадимги шаҳарсозлик маданиятининг вужудга келиши ва унинг тарихини тиклашда асосий манба бўлиб хизмат қилади. Тошкент шаҳридаги археологик ёдгорликларни ўрганиш доимо археологлар диққат марказида турган. Уларни тадқиқ қилишда Я.Ғуломов, М.Массон, Ў.Исломов, Ф.Буряков, Г.Дадабоев, М.Филанович, Г.Богомоллов каби олимларимизнинг ҳиссаси катта бўлди.

1966-йилдаги Тошкент зилзиласи археологик тадқиқотларнинг қўламини кенгайтишига ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги Я.Ғуломов ташаббуси билан махсус Тошкент археологик экспедицияси ташкил этилишига олиб келади. Ҳозирга қадар истеъдодли археолог олима Маргарита Филанович раҳбарлигида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Археология Институтининг махсус экспедицияси Тошкентда махсус казишма ишларини олиб бормоқда. Тошкент шаҳрининг қадимги тарихи саҳифаларини тиклашда ўзининг катта ҳиссасини қўшмоқдалар.

Тошкент воҳасида шаҳар маданияти қачондан бошланганини аниқлаш мақсадида қўплаб археологик тадқиқотлар ўтказилди. Масалан, Қовунчитепа, Ниёзбоштепа, Чангтепа ва Шоштепа ёдгорликлари ўрганилди. Бу ёдгорликлар орасида Шоштепа айниқса диққатга сазовордир. Чунки унинг 20 метрга яқин қалин маданий қатламларининг остки қисмида бизнинг давримиздан 2400-2500 йил муқаддам ташкил топган қадимги қишлоқ харобалари кавлаб очилди. Бу ҳозирги Тошкент шаҳри ҳудудида қад кўтарган энг қадимги қишлоқ харобаси ҳисобланади.

Бу ёдгорлик Тошкентнинг шимоли-ғарбий чеккасидаги Жўнариқ ёқасида жойлашган. Шоштепаликлар ибтидоий суғориш усулида деҳқончилик қилишган, чорвачилик билан шуғилланишган. Бронза ва темирдан меҳнат, ов қуроллари ясашган. Шунингдек, кулолчилик, тўқимачилик, тоштарошлик ишлари билан шуғулланишган.

Шоштепада олиб борилган қазилма ишлари жараёнида топилган хорижий ишлаб чиқаришга оид буюмлар Шоштепа антик аҳолисининг Буюк Ипак йўли мамлакатлари бўйлаб савдо-иқтисодий ва маданий алоқада бўлганлигидан гувоҳлик беради. Буюмлар орасида фил суягидан ишланган ёзув чўпи ва Парфия ҳукмдорининг бош тасвири туширилган ритондиний маросимларда ишлатиладиган шох қопламасининг парчаси каби топилмалар учрайди. Шоштепада археологик қазилмалар олиб борган археолог М.И.Филоновичнинг фикрича, ёдгорликнинг қуйи қатламида қазиб очилган қадимги деҳқончилик қишлоғининг харобалари миллоддан аввалги VI-IV асрларга оиддир. Шаҳар маданияти эса миллоддан аввалги II-I асрлардан бошланади. У 4 метр қалинликдаги муҳофаа девори билан ўраб олинади. Бу даврда қадимги қишлоқ харобалари ўрнида атрофи қалин муҳофаа девори билан ўраб олинган қалъа қад кўтаради.

Шоштепа дастлаб, йўлакчи айланма девор, марказий бино ҳочсимон шаклда бўлган, у равоқли пештоқдан иборат бўлиб, пухта меъморий ечимга эга бўлган. Тадқиқотчилар фикрича, миллоддан аввалги II-I асрларда шаҳарнинг ривожланган даври бўлган¹.

¹ Мухаммаджонов А. Қадимги Тошкент; Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Тошкент, 2007, 120–бет.

Шоштепадаги тадқиқотлар чоғида ташки савдо алоқаларидан гувоҳлик берувчи иккита нодир буюм топилган. Улардан бири фил суягидан ясалган қадахнинг бир бўлаги бўлиб, у шаҳар ҳаётининг қоронғу саҳифаларини бир мунча ёритишга имкон беради. Унинг ҳажми 5-3,5 см бўлган. Унда эркак кишининг сиймоси қабартма қилиб тасвирланган бўлиб, бу персонаж антик давр Парфия маъданиятига ҳосдир¹. Шунга ўхшаш топилма 1905-йилда археолог Б.В.Фармаковский томонидан Қора денгиз соҳилида юнонликлар томонидан қурилган Олвия шаҳрини тадқиқ қилиш жараёнида топилган эди.

Иккинчи бебаҳо топилма стиль-суяк қалам бўлиб, милоднинг I-II асрларига мансубдир. 15 см узунликдаги бу суяк қаламнинг бир томони ёзиш учун учли қилиб, иккинчи томони эса ўчирғич бўлиб, ромба шаклида куракча қилиб ишланган. Шоштепадан топилган топилмалар орасида энг диққатга сазоворларидан бири нуроний мўйсафиднинг сурати туширилган терракота бўлиб, унда ўша замонларда Чоч ёки Шошда яшаган қадимги аҳолининг этник киёфаси мужассамлашган. Археологик топилмаларнинг энг кўхнаси ибодатхона остидан чиққан олтита тангадир. Бу танга пуллар V-аср бошларига таълуқли бўлиб, бундай тангалар Эфталлар давлати ҳудудида кенг тарқалган, деган фикрни М.Е.Массон илгари суради.

Шоштепадаги қадимги қишлоқ милоддан аввалги III-II асрлардан бошлаб шаҳар киёфасини ола бошлайди. Бу шаҳар ўша пайтларда Сирдарёнинг қуйи ва ўрта оқимида ташкил топган Қанғ давлатининг узоқ чегарасида жойлашган йирик аҳоли пунктларидан бири эди. Бу шаҳар Тошкент воҳасининг дашт билан туташиб кетган шимолий чегарасида стратегик истехком, ҳунармандчилик маркази, кўчманчи чорвадор аҳоли билан ўтроқ деҳқонлар ўртасида олиб бориладиган ўзаро савдо алоқалари ривожига асосий вазифани ўтаган.

IX-XII асрлар бутун Мовароуннаҳр, шунингдек, Шош шаҳрининг юксак даражада гуллаб яшнаган даври бўлди. Бу даврда шаҳарлар савдо-ҳунармандлар шаҳарчаси-работ девори тикланиши ҳисобига уч қисмга бўлинган. Ибн Ҳавқал шаҳарнинг барча қисмлари, деворлари, дарвозалари ва уларнинг номлари ҳақида батафсил маълумотлар беради².

Тошкент шаҳри ҳудудларида ҳозирги кунгача бир нечта археологик ёдгорликлар сақланиб қолган. Уларнинг аксарияти маҳаллий аҳоли ўртасида умумий номи билан “Оқтепа” деб аталиб келинган, чунки узоқдан шаҳарнинг паст-баланд иморатлари оқишроқ гумбазга ўхшаб кўзга ташланган. Мисол тариқасида Чилонзор Оқтепаси, Юнусобод Оқтепасини келтириш мумкин³.

Тошкент ҳудудидаги Оқтепалар илк ўрта асрларда шаҳар атрофида қад кўтарган муҳофаа қасрларининг ҳаробалари бўлиб, нодир археологик ёдгорлик ҳисобланади. Улар Тошкент шаҳри ва унинг атрофида яшаган аҳоли ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча жабҳалари саҳифаларини тўлдириш имконини беради.

Бу Оқтепалар орасида Юнусобод Оқтепаси ҳажми жиҳатдан энг улкани ва археологик жиҳатдан бирмунча яхши ўрганилгани ҳисобланади. 40-йилларда археолог А.И.Тереножкин томонидан Юнусобод Оқтепаси ўрганилди. 1970-йиллардан бошлаб, эса М.И.Филанович тадқиқот иши олиб борди. Ёдгорликнинг тузилиши, пайдо бўлиши ва ҳаробага айланганининг сабабларини очиқ берди. Юнусобод Оқтепаси марказий қисмида мустаҳкам

¹ Мухаммаджонов А. Қадимги Тошкент, – Тошкент, 2001, 20– бет.

² Филанович М. И. Ташкент зарождение и развитие города и городской культуры. – Тошкент, 1983, стр. 180.

³ Маллицкий Н. Г. Тошкент маҳалла ва мавзелари. –Тошкент, 1996, 17– бет.

истехкомли қаср жойлашган бўлиб, у икки қисмдан: кўшқаватли қаср ва атрофи калин, баланд девор билан ўралган улкан кўрғондан иборат бўлган. Қаср дўнглик устига уриб чиқилган паҳса тагкурси (платформа) устига қурилган. Унинг биринчи қаватини майдони 80Х80 м. га, юқори қаватининг майдони эса, 50Х50 м. га тенг¹. Қасрнинг ҳар иккала қаватининг ичкари томонига узун йўлак-галерея бино қилинган ва ташқариси баланд девор билан ўралган. Ҳар иккала қаватдаги бинонинг ташқи деворининг тўрт бурчагида доира шаклидаги тўрттадан саккизта буржи-мўласи бўлган.

Тошкентнинг тарихини ёритишда қадимги даврлардаги ва ўрта асрлардаги машҳур ёдгорликлар катта ёрдам беради. Бу ҳудудда кўплаб ёдгорлик бинолари қурилган бўлиб, шулардан бири Кўкчадаги расадхонадир. У “Чиллахона” номи билан машҳур бўлиб, Шайх Зайниддин бобо мақбараси билан бир жойда жойлашган. Чиллахона Чингизхон қирғинида бузулмай, бутун сақланиб қолган икки ёдгорликдан биридир (иккинчиси Бухородаги Минораи Калондир). Маккага қараб очилган меҳробга кўра, Чиллахона Ўрта Осиёга ислом дини кириб келиши даврига тааллуқли дейиш мумкин. Ҳозирги кунда Чиллахона аслида расадхона вазифасини бажаргани маълум бўлди.² Чиллахонанинг тузилиши турли астрономик масалаларни ҳал этиш имконини берган. Расадхонада фойдаланилган асбоблар кейинчалик Рай, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда нисбатан мукамалроқ асбоблар яратилишига туртки бўлган, деб тахмин қилиш мумкин.

XV-XVI асрларда Тошкентда бир катор архитектура ёдгорликлари бунёд этилдики, уларнинг кўпчилиги бизнинг давримизгача етиб келган. Шулардан бири Қафқол Шоший мақбарасидир.

Ҳозирги Тошкент халқи иборасида “Ҳастимом” деб аталадиган жой шу мўътабар зотга нисбат берилиб айтиладиган “Ҳазрати Имом” сўзининг қисқарган шаклидир. Маълумотларга кўра, нураб қолган мақбара ўрнига дастлаб 1541-1542 йилларда Тошкент ҳокими Бароқхон тахаллусли Наврўз Аҳмадхон топшириғи билан сарой меъмори Ғулом Ҳусайн лойиҳаси асосида қайта қурилган.³ Бу даврда Тошкент шаҳри равнақ топиб, Моварауннахрнинг маданий марказларидан бирига айланган эди. Қафқол Шоший мақбарасига яқин жойда XVI асрда Бароқхон мадрасаси барпо этилади. Ривоятларга қараганда, унинг қурилиши шайбонийлар авлоди Наврўз Аҳмадшоҳ билан боғланади. Мадраса жуда усталик билан режалаштириб қурилганки, бошқа мақбаралар ҳам мадрасанинг ажралмас қисми бўлиб қолган. Мадраса ички безакларининг муҳташамлиги XV асрдаги Самарқанд меъморчилигидан қолишмайди.

Юқорида келтирилган маълумотлар, Тошкент шаҳрининг яқин ва узоқ ўтмишидан кичик-кичик лавҳаларгина ҳолос. Унинг қизиқарли ва бой тарихини тиклаш борасида кўпгина тадқиқотлар давом этмоқда.

¹ Мухаммаджонов А. *Қадимги Тошкент*, –Тошкент, 2001, 31–бет.

² Шомансур О. *“Шайх Зайниддин қўйи Орифон Тошкандий”*. Тошкент; Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2006, 44-бет.

³ Мухаммаджонов А. *“Қадимги Тошкент” тарихий ва археологик лавҳалар*. Тошкент; “Шарқ”. 2002, 68-бет

ИСТОЧНИКИ ОБ ОБРАЗОВАНИИ ГОРОДА ТАШКЕНТА

Д.Муталибова. Тарих факультети 3-курс.

В преддверии 2200-летия города Ташкента хотелось бы более подробно остановиться на истории происхождения название города.

О Ташкенте упоминается, в древних китайских источниках. В древних хрониках он был известен под именами Юни, Чач, Шаш... Город всегда был связующим звеном между странами Востока и Запада, Севера и Юга. Выгодное географическое положение и благоприятный климат сделали уже в древности Ташкент одним из главных узловых пунктов на торговых магистралях Великого шелкового пути. Достоверность вышесказанного отмечает в своих трудах В.В. Бартольд¹ и И. П. Минаев. До завоевания в VIII веке Средней Азии арабами зороастрийский «Ташкент» был уже довольно крупным поселением и назывался Чач, он находился почти в центре современного города недалеко от современного железнодорожного вокзала на месте древнего городища Мингурюк. Об этом же говорится и в работе М. Н. Галкина² «город возник в этом месте около двух тысяч лет назад в плодородной долине Чирчика, которая также называлась Чач». Однако, если придерживаться теории И.В. Мушкетова³, то город Чач входил в союз нескольких городов-государств, расположенных в этой плодородной долине. Город, вне всякого сомнения, испытывал заметное влияние такого государства как Согдиана и соседней с ним Бактрии, в которых был распространен зороастризм. Позднее он входил в сферу влияния тюркского каганата и средневекового Китая.

Один из историков-этнографов Н. А. Аристов⁴ отмечал, что среди жителей долины Чирчика существует легенда, что крепости, давшие дальнейшее развитие городам-государствам в долине Чирчика, на месте современных или существовавших в недалеком прошлом населенных пунктов - Ташкента, Ниязбека, Наная и Пскема, заложили воины Александра Македонского (Искандера Зулькарнайна).

Однако, В.В. Бартольд в своих работах, посвященных арабскому завоеванию отмечает, что после того завоевания Самарканда арабским военачальником Кутейба-ибн-Муслимом, он предпринял поход по завоеванию Ферганы в 713 году. Сам он во главе основного войска отправился из Самарканда через Ходжент, а меньшую часть, во главе со своим братом, отправил на завоевания Чача, т.е. современной Ташкентской области. Оба войска, согласно историческим источникам (ат-Табари, Белазури), успешно провели поход и соединились в Фергане.

¹ Бартольд В. В., История культурной жизни Туркестана, Л., 1927.; Минаев И. П., Сведения о странах по верховьям Аму-Дарьи, СПб., 1879., с. 99

² Галкин М. Н., Этнографические и исторические материалы по Средней Азии и Оренбургскому краю, СПб., 1869. с. 120

³ Мушкетов И. В., Туркестан. Геологическое и орографическое описание по данным, собранным во время путешествий с 1874 г. по 1880 г. т. I, ч. 1, изд. 2-е, Пг., 1915. с.38

⁴ Аристов Н. А., Заметки об этническом составе тюркских племен и народностей и сведения, об их численности («Живая старина», 1896, вып. III—IV). с. 23

После завоевания в VIII веке арабами, Чач как и некоторые другие города-государства долины Чирчика был полностью разрушен. Пришельцы-арабы не могли правильно произносить название "Чач", так как в их языке не было звука "ч". Именно этот дефект отмечал в своем труде В.А. Беляев. Проанализировав это, он отметил что и название плодородной долины Чирчика они исказили в слово «аш-Шаш»¹. После разрушения на своем прежнем месте город восстановлен не был. Новый город, позднее получивший название Ташкент был основан в IX веке в нескольких километрах западнее прежнего места расположения крепости Чач².

Один из российских историков И. Ю. Крачковский изучая завоевания арабов территории Средней Азии отметил, что в 819 году молодой эмир Яхья ибн Асад, только что получивший от арабского наместника восточной части арабского халифата жалованную грамоту на управление всеми землями нынешней Ташкентской области, остановил своего коня у возвышенности, которая и сейчас довольно ясно просматривается между тремя городскими площадями - Чорсу, Ходра и Иски-Джува. "Здесь мы построим нашу столицу, - сказал Яхья почтительно двигавшейся за ним свите, - пусть на этом холме встанет Мадина аш-Шаш - северный форпост Мавераннахр!" В его свите были гвардейцы-тюрки, и они дружно подхватили слова командира: "Да, да, именно здесь поднимется город Шаша!" На языке тюрок "Мадина аш-Шаш" звучит как "Шашкент". А на самой высокой точке выбранного холма Яхья ибн Асад приказал заложить фундамент первой в Ташкенте соборной пятничной мечети³. Об этой же истории говорится и в труде Хасанова Х., который собрал рукописи и сочинения различных историков-очевидцев и путешественников⁴.

Позднее слово "Шашкент" трансформировалось в слово "Ташкент", что в переводе на русский язык означает "Каменный город".

В заключении, хотелось бы отметить важность и актуальность изучения истории не только своего государства, но и города в котором мы проживаем.

МАЪНАВИЯТДА ФИКРГА ҚАРШИ ФИКР, ҒОЯГА ҚАРШИ ҒОЯ МАСАЛАСИ

Н.Эгамбердиева – тарих фанлари номзоди, доцент.

Бугунги давр ўзининг шид датли ўзгаришлари, технологик прогресс, глобаллашув билан бирга турли мафкуравий тортишувлар ҳам авж олганлиги билан ажралади. Турли мафкуравий ғоялар асосан турли диний ташкилотлар ва турли ғояларни ўзида мужассамлаштирган гуруҳлар томонидан амалга оширилади. Улар орасида инсонпарвар ғояларни илгари сурувчи гуруҳлар билан бирга фақат ўз манфаатини кўзлаб, инсонлар учун

¹ Беляев В.А. Арабы, ислам и арабский халифат в раннее средневековье. М., 1965. с.48

² Лэн-Пуль, Стенли, Мусульманские династии, хронологические и генеалогические таблицы с историческими введениями, перевел с английского с примечаниями и дополнениями В. Бартольд, СПб., 1899.

³ Крачковский И. Ю. Арабская географическая литература. — Избранные сочинения. Т. IV. М.—Л., 1957. с.113

⁴ Хасанов Х., Среднеазиатские географы и путешественники. Т., 1964. с. 71

зарарли ғояларни илгари сурувчи гуруҳлар ҳам мавжуд. Улар ўзлари олдиға қўйган ғаразли мақсадларини амалға ошириш учун турли хил моддий, маънавий, диний, маданий усулларни қўллаб инсонлар онгини захарлаб ўз оқимиға қўшишға интиладилар. Бугунги кунда Президентимиз таъбири билан айтганда, ядро полигонлардан ҳам мафкуравий полигонлар даҳшатлидир. Жамият ривожланиб, тараққий этиб борган сари турли мақсадни илгари сурган ғояларни инсонлар онгига сингдириш усул ва йўллари ҳам такомиллаштирилиб, ривожлантириб борилади. Уларнинг мақсадларни бирданиға англаш мумкин эмас. Улар турли ниқобларда бўлади ва уларнинг натижаларини дарҳол қўриб бўлмайди. Улар инсонларни фикрини, дунёкарашини ўз ғоялари билан бутунлай эгаллаб олиб, одамлар устидан ҳукмронлик қилишға интиладилар. Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги эса, ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан кўра даҳшатлидир¹.

Ғоя бу инсон тафаккурининг махсули, олам ҳақидаги билимнинг ўзига хос шакли. Ғоя – инсон тафаккурида вужудға келадиган, ижтимоий характерға эға бўлган, руҳиятға кучли таъсир кўрсатиб, жамият ва одамларни ҳаракатға келтирадиган, уларнинг мақсад ва муддаоларини ифодалайдиган зарворли фикрдир². Ғоялар тушунчалар, ақидалар, кашфиётлар, таълимотлар, илмий ва ижтимоий башоратлар тарзида намоён бўлади. Ғоялар жамият тарққиётига кучли таъсир кўрсатади. Ғоялар турли туман шакл ва кўринишларда мавжуд бўлади. Жамият ҳаёти ва тараққиётига таъсир этиш хусусиятиға кўра, ғоялар прогрессив ва реакцион, мақсад ва муаммоларини акс эттириш хусусиятларига кўра бунёдкор (эзгу) ва вайронкор (ёвуз), кимнинг манфаатларини акс эттириш хусусиятларига кўра гуруҳий, синфий, миллий, умуминсоний ғояларға бўлиш мумкин³. Шунингдек, кишиларнинг олам ҳақидаги турли туман қарашлари сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, диний, илмий ва бошқа ғояларда ўз ифодасини топади.

Умуман, кишилик жамиятининг ривожланиш тарихи ғоялар билан боғлиқ. Ғоя назария бўлса, мафкура амалиётдир, яъни маълум бир илгари сурилган ғоянинг жамиятға татбиқидир. Шу сабаб, ҳар бир жамиятда ўрин эгаллаган мафкура жамият тараққиёти мезони саналади. Агар жамият мафкураси реакцион характерда бўлиб, демократик принциплардан чеклаган бўлса, унинг келажаги бўлмайди. Бунға тарих гувоҳ. Ўрта Осиё хонликлари ва совет тузуми мафкураси бунға мисол бўла олади. Шунингдек, жамиятнинг маънавий ҳаёти ривожланишиға турли прогрессив ва реакцион ғоялар ҳам таъсир этади. Реакцион ғояларнинг ички ва ташқи таҳдиди мавжуд. Ташқи таҳдидға диний экстремизм, фундаментализм, миссионерлик ва бошқа реакцион ғоялари киради. Ички таҳдидға эса, инсонларға хос бўлган – худбинлик, лаганбардонлик, дангасалик, лоқайдлик, қариндош-уруғчилик, маҳаллийчилик, манфаатпарастлик, соткинлик ва бошқа салбий иллатлар киради.

“Экстремизм” – лотин тилидан олинган сўз бўлиб, “кескин чора – тадбирлар тарафдори” деган маънони англатади, уларнинг тарафдорлари сиёсий ҳокимиятни куч ишлатиш йўли билан эгаллаш ғоясини илгари сурадилар. Улар ижтимоий муносабатлар, сиёсий тартибни кескин йўллар ва жамиятда қарор топган қарашлар, кадриятларға бутунлай зид бўлган ақидаларға асосланган ҳолда ўзгартиришға даъват қилиб келганлар. Ўз ғояларини амалға ошириш учун динни ниқоб қилиб, турли тадбирларни қўллайдилар ва турли

¹ Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни–халқ, миллатни– миллат қилишға хизмат этсин. Тошкент, 1998, 5–бет.

² Маънавият асослари. Маърузалар матни. –Тошкент, 2007, 7-бет.

³ Миллий истиқдол ғояси: асосий тунунча ва тамойиллар. –Тошкент, 2001, 26-бет.

жиноятлар содир этадилар. Гуруҳларнинг фаолияти жамиятдаги ижтимоий иқтисодий қийинчиликлар, ғоявий бўшлиқ пайдо бўлганда жонланади. Улар инсонларларнинг қийин аҳволга тушганидан ва тўкин, адолатли ҳаёт тўғрисидаги орзу умидларидан усталик билан фойдаланиб, улар тафаккури ва онгига шу даражада кириб борадилар-ки, инсон ўзлигидан, маънавий олаmidан махрум бўлиб, диний оқим вакиллари сўзларига том маънода эътикод қилади. Бундай гуруҳлар ҳаётий тажрибаси кам бўлган ёшларни ўз сафларига осонлик билан тортадилар, чунки кўпчилик ёшларни тезлик билан ва машаққатларсиз тўкин ва фаровон ҳаёт кечиришларига умидвор қиладилар. Бу жазо муддатини ўтаётган диний экстремистик оқимлар таркибида жиноят содир этган маҳкумларнинг ёши бўйича таҳлил этилганда улар орасида ёшлар кўпчиликини ташкил этган. Уларнинг 90% олий маълумотга эга бўлмаган ёшлар бўлган. Жазо муддатини ўтаётганларнинг 36,4% 17-30 ёшдагилар, 46,4% 31-40 ёшлилар, 14,4% 41-50 ёш ва 2,8 % 51 ёшдан юқорилар ташкил этган¹.

Диний экстремистик гуруҳлар ўз аъзоларини муайян ҳодиса ва жараёнларга бефарқлик руҳини сингдиришга ҳаракат қиладилар. Масалан “Хизбут таҳрир” оқими ғояларига берилган ёшлар билан суҳбат натижаларда уларга ватан тушунчаси бегона эканлигини кўрсатди. “Ватан деганда нимани тушунасиз” деган саволга кўпчилиги “Ёр юзи биз учун Ватан” деб, баъзилари “ватан тушунчаси ғайри исломий тушунчадир” деб жавоб беришган. Уларга “инсон онгги пасайган сари ватанни севиш каби ҳолатлар юзага келади” деб таълим берилган. Ваҳоланки, Қуръони каримда Ватан Аллоҳ берган улуғ неъматлардан биридир деб кўп маротаба қайд қилинган.

Фундаментализм ғояси ҳам барча динларда мавжуд. У ўта тор диний оқим ҳисобланади. Бу ғоянинг келиб чиқиши христиан дини билан боғлиқ. Уни биринчи бор 1908 йилда АҚШнинг Калифорния штати протестантлари томонидан ишлатилган. Улар христиан дини шаклланган илк асосларига қайтиш ғоясини илгари суришган. Ислом фундаменталистлари ҳам ижтимоий сиёсий ҳаёт, давлат, оила, ҳуқуқ ва бошқа соҳаларда дастлаб ислом динида илгари сурилган ақидаларни, яъни соф ислом ғояларини ўзгаришларсиз ҳаётга татбиқ этиш ғоясини илгари сурганлар. Лекин бугунги кунда фундаменталистлар ғоялари сиёсийлашган. Улар ўз мақсадлари амалга оширишда куч ишлатиш, “жиҳод” эълон қилиш, ҳокимиятни эгаллашдан ҳам қайтмайдилар.

Экстремистик гуруҳлар орасида сепаратистик фикрдаги оқимлар ҳам мавжуд. “Сепаратизм” лотин тилидан олинган бўлиб, “ажралиб чиқишга, алоҳида бўлишга интилиш” деган маънони беради. Улар ҳокимиятни ноконституцивий йўллар билан қўлга киритишга интилувчи кучларнинг сиёсатга аралашувини билдиради. Унга Фарғона водийсида тарқалган “акромийлар”, “вахобийлар”, Чеченистондаги экстремистик гуруҳлар мисол бўла олади. Умуман олганда фундаменталистик, экстремистик ва сепаратистик ҳаракатлар илгари сураётган барча ғоялари остида сиёсий ҳокимиятни эгаллаш ва жамият ҳаётини том маънода исломлаштириш ётади. Бунда улар ислом динининг бунёдкорлик, эзгулик ва инсонпарварлик ғояларини рад этишади.

Бугунги кунда миссионерлар ғояси ҳам жамиятимизга хавф солмоқда. Миссионерлик бу муайян бир дин вакиллари бошқа динга киритиш ва ўз сафларини кенгайтириш орқали маълум бир мақсадга етиш каби ғояларни илгари сурадилар.

¹ Маънавият асослари. Маърузалар матни. –Тошкент, 2007, 12-бет.

Миссионерлик асосан хиристиан динида тарқалган. Лекин бугунги кунда ислом динида ҳам шундай оқимлар мавжудлиги қайд этилмоқда. Улар таъсирига дин ҳақида, миллий кадриятлар ҳақида етарли маълумотга эга бўлмаган ёшлар, аралаш миллат вакиллари, оғир касал, жудоликка учраган, моддий ва маънавий кўмакка мухтож инсонлар тушуб қолмоқда. Улар маҳаллий тилларда чоп этилган динни тарғиб қилувчи адабиётлар, аудио-видео касеталарни бепул бериш, турли мавзуларда кўргазмалар ташкил этиш, махсус буклетлар тарқатиш, совғалар улашиш, тиббий, таълим, тарбия соҳасига диний ҳамфикрларини юбориш орқали ҳам фаолият олиб бормоқдалар.

Миссионерларнинг маърузалари, кўпинча тажовузкор кайфиятда бўлиб, у инсонларни ўз эътиқодларидан, миллий-маданий анъаналардан чекинишга чорлайдилар. Баъзилари давлат ва аҳолининг толерант (бағрикенглик) муносабатидан фойдаланган ҳолда қонунни ҳам бузадилар.

Миссионерлар талаба ёшларга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Уларнинг кизиқишларини эътиборга олган ҳолда тил ўрганиш марказлари, компьютерда ишлашни ўрганиш курсларини ташкил қилиш орқали ўзининг ғоясини сингдиришга интилоқдалар. Бу марказларда ёшларимиз нафакат тил, балки хорижий давлатларнинг тарихи, маданияти, сиёсати, иқтисодиётини ҳам ўрганадилар. Бу яхши бўлиши билан бирга, уларнинг ўқув-услубий ишлари, адабиётлари, ўқитувчиларнинг режа ва дастурларини услубий кенгашлар томонидан миллий истиқлол ғояси нуқтаи назаридан мунтазам таҳлил қилиб борилиши керак, чунки баъзи марказлар миссионерлик ғояларини илгари сурадилар.

Миссионерлар халқаро нодавлат ташкилот сифатида, интернет тармоғи орқали ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракат қилишидан фойдаланиб, сохта инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш баҳонасида мамлакатларда ўз таъсир доирасини кенгайтиришга уринмоқдалар.

Жамиятимиздаги бундай аҳволга ҳар биримиз гувоҳ бўлган бўлсак-да, уларга кўпинча бепарво қараймиз. Бу энг ачинарли ва ҳавфли ҳолатдир.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон республикасида ўндан ортиқ номлар билан аталган диний-сиёсий экстремистик оқимлар ва ҳаракатлар ноқонуний равишда фаолият кўрсатгани тергов идоралари томонидан аниқланган. Жумладан, “Ҳизб-ат-тахрир”, “Ақромийлар”, “Таблиғ”, “Ўзун соқол”, “Ваҳобийлар”, “Адолат уюшмаси”, “Ислом лашкарлари”, “Тавба”, “Нур”. Шунингдек миссионерлик фаолияти билан шуғулланган “Авлиё ота Муннинг қўшилган черкови”, “Шайтончилар”, “Иегово шоҳидлари” каби норасмий ташкилотлар мавжудлиги қайд қилинган.

Ўтган давр мобайнида давлатимиз томонидан олиб борилаётган тарғибот ва ташвиқот ишлари, маънавий ва маърифий соҳалардаги ишлар ўз самарасини бермоқда. Ёшларда ташқи маънавий ҳавфга нисбатан огоҳ бўлиш ҳисси шаклланимоқда. Лекин бу билан чекланиб қолмаслик кераклигини президентимиз бир неча бор таъкидлаган. Шунингдек, ёшларда Она Ватанга муҳаббат, тарихга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш учун уларнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни кучайтириш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтганлар.¹ Фақат шундагина ёшларимиз миллий ўзлиги ва дунёни чуқур англайдиган инсонлар бўлиб етишади. Турли ақидапарастларнинг даъвати уларга ўз таъсирини ўтказа олмайди.

¹ Каримов И.А. Юсак маънавият-енгилмас куч. –Тошкент, 2008, 119-бет.

Президентимиз ёш авлодда маънавий тарбияни шакллантиришда миллий урф-одат ва хис туйғулар билан бир қаторда уларни салбий одатлардан ҳам огоҳ қилиб, уларга қарши руҳиятда тарбиялашимиз зарурлигини таъкидлаганлар. Булар биринчи навбатда худбинлик, лоқайдлик, қариндош-уруғчилик, маҳаллийчилик, манфаатпарастлик, сотқинлик ва бошқа салбий иллатлардир. “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида ҳасад, сотқинлик ва лоқайдлик иллатларини кенг таърифлаб берганлар.

Ҳасад-бошқалар ютуғини кўролмаслик, унга куйиниш, ичиқоралик оқибатида пайдо бўлади. У жамиятда оғир асоратларга олиб келади. Бунга тарих гувоҳ. Кўпгина буюк зотлар ҳасад, бахиллик, кўролмаслик туфайли турли қийинчиликларни бошдан кечирганлар, баъзилари ҳаётидан ҳам жудо бўлганлар. Ҳадисда “Бировга ҳасад қилишдан сақланинг, чунки олов ўтинни қандай куйдириб тугатса, ҳасад ҳам савоб ишларимизни худди шундай куйдириб тугатади” деб бежиз айтилмаган. Инсонлар бир-бири билан самимий, ҳамжихат, хайрихоҳлик билан муносабатда бўлишса, бир бирини қўллаб қувватласа, хавас билан яшашса, биз олдимиз қўйган мақсадга, миллий тараққиётга эришамиз¹.

Ҳаётдаги ёвузликлар сотқинликдан бошланади. Агар раҳбар одамда шундай хусусият бўлса, унда икки одам ёки икки мамлакат ўртасида урушнинг бўлиш муқаррар эканлигини кўрсатиб ўтганлар. Шунинг учун одамлардан огоҳ бўлишимиз зарур. Агар бирор кишида шундай одатларни сезсак, уни тарбиялаб олишимиз зарур. Миллатимиз аҳил бўлса, ўзимиздан сотқин чиқмаса, ўзбек халқини ҳеч ким енгга олмайди.

Ҳаёт жуда мураккаб, баъзан кескин вазиятларда ундан чиқишнинг иложи йўқдек туюлади. Шундай пайтда ўз кучига ишонган, рухий дунёси ва маънавий олами бақувват одамгина бундай вазиятдан чиқа олади. Маънавий бойлик одамга катта куч ва мадад беради. Инсоннинг маънавияти юксалиши билан унинг иродаси ҳам кучайиб боради. Бундай одамлар ҳар қандай мураккаб вазифани ўз бўйнига олишлари ва самарали амалга оширишлари мумкин. Унга суяниш мумкин, улар кишилар бошига ташвиш тушганда ҳам бепарво қараб турмайдилар, ёрдам берадилар.

Лекин ҳаётда барча нарсаларга бепарво одамлар ҳам йўқ эмас. Бундай одамлар душмандан ҳам хавфли бўладилар, чунки уларнинг бепарволиги душман учун имконият яратиб беради. Машҳур файласуфлардан бири бу ҳақда қуйидагича ёзиб қолдирган: “Душманлардан кўркма-нари борса улар сени ўлдиришлари мумкин. Дўстлардан кўркма-нари борса улар сенга хиёнат қилишлари мумкин. Бефарқ одамлардан кўрк-улар сени ўлдирмайдилар ҳам, сотмайди ҳам, фақат уларнинг жим ва бепарво қараб туриши туфайли ер юзида хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади”. Ҳақиқатан ҳам ҳар бир дақиқа, ҳар бир сонияда жамиятимизда турли хил ҳодисалар содир бўлиб туради. Бизнинг аҳамият бермай қолдирган энг майда воқеа ҳам келажакда катта салбий хусусият касб этиши мумкин. Жумладан, талаба ва ўқувчиларга дарс бериш жараёнида ўқитувчининг кўполлиги фанга, соҳага бўлган унинг қизиқиши сўндиради. Натижада ёмон ҳулқли мутахассис тайёрланади. Аксинча устознинг шогирдига эътибори, унга касбига муҳаббат уйғотади. Ёки ота-онанинг бола тарбиясига бепарволиги ёмон ҳулқли шахснинг шаклланишига олиб келади. Ўз навбатида у на фақат ота-она, балки жамият учун ҳам хавфли шахс бўлиши мумкин.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Тошкент, 2008, 120-бет.

Бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири инсон ҳаёти учун муҳим бўлган фикрларни ёшлар онгига сингдириш, уларни ҳаёт синовларига бардошли этиб тарбиялаш биз устоз мураббийларларнинг, қолаверса ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Шундан келиб чиққан ҳолда президентимиз бир қатор масалаларни илгари сурди:

1.Маънавий дунёқарашни шакллантирадиган барча жараёнларнинг илмий назарий асосларини ишлаб чиқиб, унинг янги қирралари очиб, кенг жамоатчиликка етказиш;

2.Жамиятимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий муносабатлар ривожига ҳақидаги махсус адабиётлар яратиш тизимини такомиллаштириш;

3.Соҳа мутахассислари малакасини ошириш;

4.Эркин фуқаролик жамияти талабларига жавоб берадиган муносабатлар ижтимоий фанларнинг асосий тадқиқот мавзусига айлантириш;

5.Маънавий ҳаётимизга бўлаётган турли таҳдид ва хуружлардан ҳимоя қилишни ҳар бир фуқаро ўз бурчи ва масъулияти деб англаши;

6.Маънавий-маърифий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини таъминлайдиган замонавий инфорацион ва компьютер технологияларини кенг жорий этиш,

7.Жамиятимизнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришга қаратилган самарали усул-услугларни ишлаб чиқиш,

8.Давлат ва жамоат ташкилотлари учун тегишли тавсия ва қўлланмаларни тайёрлаш.

Мазкур вазифалар амалга оширилган тақдирдагина ёшларимиз ўз фикрига эга, турли маънавий хуружларга қарши тура оладиган, иродали фидоий ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга эришиш мумкин. Улар фуқаролик жамиятининг муносиб вакиллари-комил инсон бўлиб шаклланиши мумкин. Унинг пойдеворини мустаҳкамлаш эса, бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

**Қадимги Хоразмда илк шаҳарсозлик маданияти ва унинг тарихий
илдизлари: муаммолар, қарашлар ва янгича ёндашувлар.**

**Мамбетова Фатима - тарих
факультетининг II курс
аспиранти**

Амударё куйи ҳавзаларини ўз ичига олган қадимги Хоразм воҳаси турли давр археологик ёдгорликларига бой ўлка. Бу ўлка қадимий тарихи ва маданиятини ўрганишда С.П.Толстов ва унинг шогирдларининг хизмати беқиёсдир. Бу борада С.П.Толстов раҳбарлигида 1937 йилда ташкил топган Хоразм археолого-этнографик экспедицияси узоқ йиллар Амударё ва Сирдарёнинг куйи ҳавзаларида комплекс характердаги изланишлар олиб бориб, жуда катта ютуқларни қўлга киритди. Ўзбекистон ФА сининг Қорақолпоқ филиали, Нукус ва Урганч давлат олий ўқув юртларининг археолог олимлари ҳам дастлаб улар билан бирга ва кейинчалик алоҳида археологик отрядлар ташкил этишиб, Хоразм воҳасининг қадимги даври ёдгорликларини очишда ва ўрганишда самарали тадқиқотлар олиб бордилар. Хива шаҳрида қайта ташкил этилган Маъмун академиясининг археологлари ҳам кейинги йилларда бу соҳада салмоқли изланишлар олиб бормоқда.

Қадимги Хоразм тарихини ўрганишда С.П.Толстов ва унинг сафдошлари, издош шогирдлари ҳам бу ўлка тарихига доир жуда катта материал ва илмий ишланмалар қолдирган. С.П.Толстовнинг сафдоши академик Я.Ғуломов Хоразм воҳасининг суғориш тарихининг энг қадимги даврлардан то 1950 йилгача бўлган даврини кенг этнографик, ёзма манба ва археологик материал маълумотлари билан тўлдириб, фундаментал асар яратиб кетди¹. Унинг Хоразм воҳасининг суғориш тарихи билан боғлиқ фикр – мулоҳазалари ва илмий хулосалари ҳазиргача ўзининг илмий аҳамиятини йўқатган эмас.

Қадимги Хоразм воҳаси табиий-географик ландшафтларини шаклланиши ҳақида, унинг қадимги ирригация тармоқларини пайдо бўлишига асос берган Амударё куйи ҳавзаси дарё ва қўллари ҳақидаги маълумотларни А.С.Кесь асарларида учратиш мумкин². С.П.Толстов, Я.Ғуломов ва А.С.Кесь асарларида Қадимги Хоразмнинг суғориш тарихи билан боғлиқ ғоялар унинг қадимги ирригация тарихи билан мунтазам шуғулланган Б.В. Андрианов асарларида чуқур ўз аксини топган³.

Қадимги Хоразмнинг тош даври ёдгорликларининг турли босқичлари билан А.В.Виноградов, Э.Д.Мамедов⁴, Е.Б.Бижанов⁵ лар шуғулланган бўлса, унинг энеолит ва бронза даври ёдгорликларида М.А.Итина изланишлар олиб бориб, қадимги Хоразмда илк урбанистик жараёнлар арафасидаги ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий ҳаёт ҳақида катта материаллар тўплади ва уларнинг илмий тахлили билан шуғулланди⁶.

С.П.Толстов ва унинг шогирдлари ва издошлари Хоразм воҳасининг урбанистик жараёнлар билан боғлиқ архаика ва антик даври археологик ёдгорликларини ўрганишга алоҳида эътибор берганлар. Масалан, С.П.Толстов “Городище с жилыми стенами» мақоласида Қўзалиқирни Хоразм воҳасининг илк шаҳарсозлик маданиятига тегишли ноёб ёдгорлик эканлигини кўтариб чиқди⁷, унинг ишларини ушбу ёдгорликда О.А. Вишневская давом эттириб, С.П.Толстовнинг Қўзалиқир ҳақидаги маълумотларини янада кенгайтирди ва бойитди⁸.

Хоразм археологик экспедициясининг Кўйқирилган қалада олиб борган кенг қўламли археологик тадқиқотлари Қадимги Хоразм тарихини, унинг самовий билимларнинг келиб

¹ Я.Ғуломов. *Хоразмнинг суғориш тарихи (қадимги замонлардан ҳозиргача)*. Тошкент-1959.

² Кесь А.С. *Русло Узбой и его генезис*. ТИГ АН СССР. Вып. 30, Москва-1939; *его же. Развитие рельефа Сарикамышской впадины*. ТИГ АН СССР. Вып.62. Москва-1954; *его же. К вопросу о древнечетвертичной истории системы Амударья-Сарыкамыш-Узбой*. ТКЧП, вып.13.. Москва-1957; *Природные факторы, обуславливающие расселение древнего человека в пустынях Средней Азии*. КСИЭ. XXX. Москва-1958.

³ Андрианов Б.В. *Древние оросительные системы Приаралья*. Москва-1969.

⁴ Виноградов А.В. *Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского междуречья*. Москва-1981; Виноградов А.В., Мамедов Э.Д. *Первобытный Лавлякан*. Москва-1975.

⁵ Бижанов Е.Б. *Археологические памятники юго-восточного Устюрта*. Нукус-1967; *Его же. Мезолитические и неолитические памятники Северо-Западного Устюрта*. «Археология Приаралья. Вып. 1. Ташкент-1982.

⁶ Итина М.А. *История степных племен Южного Приаралья*. Москва-1977; *Её же. Ранние саки Приаралья. «Археология СССР: степная полоса Азиатской части СССР в скифо-сарматское время»*. Москва-1992; Итина М.А., Яблонский Л.Т. *Мавзалеи Северного Тегискена. Поздний бронзовый век Нижней Сырдарьи*. Москва-2001.

⁷ Толстов С.П. “Городище с жилыми стенами» КСИИМК, вып.ХVII? стр.3-8. Москва-1947.

⁸ Вишневская О.А. *Раскопки на городище «Кюзелы-Гыр. АО 1971 года» Москва-1972 год; её же, Раскопки на городище Кюзелы-Гыр. «АО 1977 года»*. Москва-1978; *её же, Раскопки на городище Кюзелы-Гыр. «АО 1982 года»*. Москва-1982.

чикиши ва ривожланиши ҳақидаги тасаввурларни ўрганишда муҳим аҳамият касб этиши ўз аксини топган¹.

Қадимги Хоразмнинг ноёб ёдгорлиги Тупроқ қала ва унинг саройини ўрганишда Ю.А. Рапопортнинг хизмати катта бўлди². Тупроқ қала антик давр хоразмшоҳларининг муқаддас саройи, қадимги Хоразмнинг милодий I-IV асрлар тарихи, маданияти ва дини ҳақида бой материал берувчи оригинал ёдгорликдир. Унинг 150 га яқин деворий суратлар ва ҳайкаллар билан безатилган золлари (тахт золи, шоҳлар золи, ғалаба золи, ҳарбийлар золи, раққосалар золи ва бошқалар) антик давр монументал санъатининг ноёб асарлари бўлиб, буларга қўшимча равишда ёдгорликнинг подшоҳ архивидан топилган ёзма ҳужжатлар ўша давр ижтимоий – иқтисодий ва маданий ҳаёти ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Абу Райхон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида кўтарилган диний урф-одатлар билан археологик диний объектлар материалларининг қиёсий ўрганиш асосида яратилган Ю.А.Рапопортнинг «Из истории религии древнего Хорезма» асари қадимги Хоразм халқининг диний-маънавий олами ҳақида хикоя қилади³. Унинг бошқа асари асари “Краткий очерк истории Хорезма в древности” рисоласида куйи Амударё ҳавзасида урбанистик жараёнлар ҳақида тегишли маълумотлар берилган⁴.

М.Г.Воробьева илк шаҳарсозлик маданиятининг яна бир ноёб ёдгорлиги Дингилжада археологик қазишмалар олиб бориб, милоддан аввалги I-минг йиллик ўрталарига оид қимматли материаллар тўплайди⁵.

Қадимги Хоразм воҳасида дамбалар ёрдамида экин майдонларига сув олиб келиш асосида қурилган ибтидоий мотиға деҳқончилик маданияти объекти Яккарсон 2 да Е.Е.Неразик кенг қўламли изланишлар олиб борди ва яхши натижаларни қўлга киритди⁶. Бой Бой археологик материаллар таҳлилига суяниб яратган Е.Е.Неразикнинг бошқа асари Афригийлар Хоразмини қишлоқ манзилларига бағишланади⁷. Илк темир даврида Амударёнинг куйи ҳавзаларида қўчманчи чорвачилик ривожланади. Бу ҳақда Б.И.Вайнберг томонидан олиб борилган археологик изланишлар тақсинга сазовардир. У Амударёнинг Сарикамиш ҳавзасида ўнлаб қўрғонларни қазиди ва илк темир даврида бу ўлкада “Куйисой маданияти” таркиб топганлиги, аҳолининг меҳнат ва ҳарбий қуроллари, аҳолининг турмуш тарзи ҳақида қимматли материаллар тўплади ва уларни илмий таҳлил қилди⁸. Шунингдек, Б.И. Вайнберг қадимги Хоразм тангалари ҳақида асар яратди⁹. С.П. Толстовчилар шарқий Оролбўйи районларининг археологик ёдгорликларини ўрганишда ҳам салмоқли ютуқларга

¹ Кой-Крыллан- кала—памятник культуры древнего Хорезма IV в. до н.э – IV в. н.э. , (отв. ред. П.Толстов, Б.И.Вайнберг). Москва-1967.

² Топрак-кала дворец. Моска-1984.

³ Рапопорт Ю.А. Из истории религии древнего Хорезма. Москва-1971; Его же, Святилище на городище Калалы-гыр. «Прошлое Средней Азии. Душанбе-1987.

⁴ Рапопорт Ю.А. Краткий очерк истории древнего Хорезма. Москва-1998. стр.28-39.

⁵ Воробьева М.Г. Дингильже.Усадьба I тыс. до н.э. в древнем Хорезме.«МХЭ вып. 9, Москва-1973; Её же. Керамика Хорезма античного периода. ТХАЭ. Том 4. Москва-1959.

⁶ Неразик Е.Е. Раскопки Якка-Парсон 2 : Полевые исследования Хорезмийской экспедиции в 1958-61 годы. МХЭ. Вып.2, Москва-1963; Её же. Усадьба в Якке-Парсанском оазисе. «Приаралье в древности средневековья». Москва-1998. стр.172- 186.

⁷ Неразик Е.Е. Сельские поселения афригидского Хорезма. Москва-1966.

⁸ Вайнберг Б.И. Куюсайская культура раннего железного века в Присарыкамышской дельте Амударьи. «Успехи Среднеазиатской археологии», вып. 3, Ленинград-1975. стр. 42-48; Его же. Памятники куюсайской культуры «Кочевники на границах Хорезма». ТХАЭ, том 2., стр. 7-76. Москва-1979; Его же. Этногеография Турана в древности. VII в. до н.э. – VIII в.н.э. Москва - 1999.

⁹ Вайнберг.Б.И. Монеты древнего Хорезма. Москва-1977.

эришганлар. Масалан, у ишларнинг айрим натижалари ҳақида С.П.Толстовнинг кенжа шогирдларидан бири Л.М.Левина ҳикоя қилади¹.

Хоразм воҳасининг қадимги ва ўрта асрлар даври тарихи билан маҳаллий археолог ва этнографлар ҳам шуғулланиб, С.П.Толстов олга сурган ғоя ва назарий билимларни бойитишга ўзларининг салмоқли хиссаларини қўшдилар. Жумладан, В.Н.Ягодин, М.Мамбетуллаев, Н. Юсупов, Г.Хўжаниёзов, М. Ш. Кдирниёзов, М.Туребеков, Қ. Собиров, С.Баратов ва бошқаларни қайд қилиш мумкин. Масалан, В.Н. Ягодин қадимги Хоразмда олиб борган изланишларини Амиробод маданиятининг ёдгорликларидан бири Қавот 2 ни ўрганишдан бошлади². Унинг илмий ишлари кенг камровли бўлиб, Хоразм воҳаси тарихининг қатор жиҳатларига бағишланган³. Маҳаллий археологлардан М.Мамбетуллаев қадимги Хоразмнинг Куйик қала, Шовот тупроқ қаласи, Тўқ қала некрополи, Хива ичанқаласи каби ёдгорликларда изланишлар олиб бориб, ўлка қадимий тарихи ва маданиятини ўрганишда самарали ютуқларга эришди⁴. Шунингдек, у Жанубий Хоразмнинг антик давр археологик ёдгорликларидан олинган материаллар асосида фундаментал тадқиқот тайёрлади⁵.

Хоразм воҳасининг қадимги ва ўрта асрлар даври тарихи ва маданиятини ўрганишда Куня-Ургенч шаҳар ҳаробаларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Х.Юсупов олиб борган археологик изланишлар таҳсинга сазовардир⁶. Хоразм воҳасининг XIII-XIV аср ёдгорликлари ва уларнинг Хоразм тарихи ва маданиятидаги ўрни масалалари билан М.Ш.Кдирниёзов шуғулланиб, воҳа тарихидаги узвийликни очиб берди⁷. Айниқса Г.Хўжаниёзовнинг Хоразм воҳасининг Айбуйир қала, Шовот Тупроқ қаласи, Аяз қала, Бурли қала, Оқчунгул қала, Қўрғошин қала, Жанпик қала, Ичан қала, Миздахкан, Кичик Қирққиз қала, Ақчахон қала каби антик давр ёдгорликларда олиб борган изланишлари воҳада фортификация билимлар тарихий илдизларини ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади. У антик давр фортификацияси ҳақида қатор асарлар яратиб, уларда антик давр Хоразм меъморчилик мактабининг ўзига хос жиҳатларини очиб берди⁸.

¹ Левина Л.М. К истории исследований Хорезмийской археолог-этнографической экспедиции в Восточном Приаралье. «Приаралье в древности и средневековье». Москва-1998. стр.42-58; Её же. Этнокультурная история Восточного Приаралья (в I тыс. до н.э. – I тыс. н.э.). Москва-1996.

² Ягодин В.Н. Поселение Амирабадской культуры Кават 2. МХЭ, вып 6. Москва-1963.

³ Ягодин Кердерское поселение Куюк-кала (историческая топография и хронология). «Археология Приаралья» вып.2 Ташкент-1984. Её же. Кердерское поселение Курганча (К вопросу исторической топографии и хронологии). «Вопросы антропологии и материальной культуры Кердера» Ташкент-1973; Её же. Некоторые вопросы исторической географии Приаральской дельты Амударьи в VII-XIV вв. «Археология Приаралья» вып 3. Ташкент – 1986; Её же. Проблемы палеоэкологии и палеоэкономики средневекового Арало-Каспия. «Приаралье в древности и средневековье». Москва-1986. стр. 233-242.. 23. Мамбетуллаев М.. Исследование городища Куюккала.158-163; Её же. Топрак-кала Шаватская. «Древности Приаралья». Вып. 3. Ташкент -1986.Бийжанов Е., Мамбетуллаев М. Раскопки некрополя Токкалы в 1968 г. «Вопросы антропологии и материальной культуры Кердера» Ташкент-1973.

⁵ Мамбетуллаев М. История и культура южного Хорезма античной эпохи (города и поселения в IV в. до н.э. - н.э.-IV в. н.э.). Ташкент- 1994.

⁶ Юсупов Х. Сердце древнего Хорезма. Ашхабад-1993; Её же. Куняургенские феномены. Известия АНТ. Серия ГН. Ашхабад-1991.

⁷ Кдырниязов М.Ш. Материальная культура городов Хорезма в XIII-XIV вв. Нукус-1989; Её же. Золотая Орда и культура Южного Приаралья. Нукус-1993; Её же. Культура Хорезма XIII-XIV вв. Автореф. докторской диссертации. Самарканд- 2005.

⁸ Ходжаниязов Г. Античные памятники северо-западного Хорезма». Тр. Античная культура Средней Азии и Казахстана. (Совместно с Е.Бижановым) Ташкент-1979; Её же. К изучению античных памятников

Аммо, юкорида номлари зикр этилган асарлар ва тадқиқотларнинг кўпчилигида Хоразм воҳаси қадимги тарихи ва маданиятини ёритишда собиқ совет тарихшунослиги нуқтаи назаридан туриб ёндашилган. Ёзма ва моддий маданият манбаларининг илмий тахлили сиёсатлаштирилиб, реал тарихий жараён ўз аксини тўлиқ топмаган.

Ҳозиргача фанда Амударёнинг куйи ҳавзаларида урбанистик маданиятни пайдо бўлиши ҳақида олимлар орасида турлича илмий фаразлар ва бахслар давом этади. Дастлаб “Катта Хоразм” ҳақида Скилак, Гекатей ва Геродот маълумотлари В Тарн, Ф.Альтхайм, Дж.Маркварт, В.Б.Хеннинг, И Гершевич, И.В.Пьянковлар томонидан таҳлил қилиниб, уларнинг хулосаларига кўра, аҳамонийлар империясига қадар мавжуд бўлган “Катта Хоразм” давлат конфедерацияси Ғарбда Парфия билан, Шарқда Бактрия билан чегарадош бўлган. “Катта Хоразм” таркибига шимолий Капетдағ худудлари, Кучан-Машҳад водийси, Нишапур ва Тажан-Герируд водийси киритиб келинган. Хорасмийлар парфлар, марғушлар, фаманейлар (Арахосия), саранглар (Сеистон), гирканлар қадар Акес (Тажан-Герируд) дарёси сувидан ўз аро келишув асосида фойдаланиб келганлар. Бу илмий мулоҳаза ва фикр тарих фанида “Катта Хоразм” давлат конфедерацияси ҳақидаги ғояни туғилишига олиб келган.

Аму дарёнинг куйи ҳавзаларида Хоразм археологик-этнографик экспедицияси кашфиётлари туфайли Кўзалиқир, Қалалиқир, Дингилжа каби қала-кўрғонлар топиб ўрганилгач, С.П.Толстов Хоразм воҳасига Акес дарёсини жойлаштириб, қадимги Хоразм шаҳарсозлик маданиятининг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳақидаги концепцияни кўтариб чиқди ва уни асослашда давом этди. С.П.Толстов концепциясига кўра, Хоразмда аҳамонийлар империясига қадар хорасмийлар етакчилигида ўтроқ аҳоли билан кўчманчи сак-массагет қабилаларининг ҳарбий-сиёсий иттифоқи асосида ташкил топиб, у секин-аста давлат даражасига ўсиб чиққан¹. С.П.Толстов Амударё куйи ҳавзалари «Катта Хоразм» таркибида бўлган, деган ғояни тасдиқлаш мақсадида саранглар ва фаманейларни Хоразм воҳаси яқинига жойлаштириб, улар дастлаб Узбой бўйлаб яшаганлар, қачонким, Амударё ўз ўзанини Каспийга эмас, балки Орол томон бургач, Узбой водийси сувсиз қолиб, саранглар ва фаманейлар Узбойдан жанубга кўчиб кетадилар, деган мулоҳаза юритади². Албатта, С.П.Толстовнинг бу фаразлари қўшимча илмий асосларни тилаб қилади.

Дарҳақиқат, қадимги Хоразм тарихи ва маданиятининг чуқур билимдони С.П. Толстов асарларида кўтарилган баъзи бир назарий қарашлар қайта таҳлил этишликни талаб этади. Масалан, С.П.Толстов дастлаб қадимги Хоразмда ирригация кўзга ташланадиган даражада ривожланмаган: амиробод маконлари ҳар доимгидек, каналларга боғланмай, дамбалар орқали олиб борилган сувлар ҳосил қилган каир деҳқончилиги эди³, деб тўғри ёзган. Бироқ, кейинроқ амиробод маданиятига хос (мил.авв. X-VIII асрлар) каир деҳқончилигини бронза даврининг Тозабогёб маданияти билан боғлаб, Амиробод даврининг ирригация системаси мураккаброқ бўлган, размери жиҳатидан антик давр каналларини деярли эслатади, дейди

Ташхырманского оазиса. «Генезис и пути развития процессов урбанизации в Центральной Азии». Самарканд-1995; Ўша муаллиф. Қадимги Хоразм мудофаа иншоатлари (мил.авв. IV асрдан милодий IV асргача). Тошкент-2007; Его же. The military architecture of ancient Chorasmia (6 th century B.C. 4 th century AD). Editions de Boccard, Persika 7. Paris 2006; Его же. Фортификация древнего Хорезма (на примере Ахчахан калы). «Приаралье на перекресте культур» Международный симпозиум, посвященный к 100 летию С.П.Толстова. Нукус-2007.

¹ Толстов С.П. Древний Хорезм. Москва-1948, стр.341.

² Толстов С.П. указ. работа, стр.54, 341; Его же. По следам древнехорезмийской цивилизации. Москва-1948, стр. 103-104.

³ Толстов С.П. По следам древнехорезмийской цивилизации. Москва-1948, стр.90.

С.П.Толстов. Бунинг исботи сифатида у Бозор 8 манзилгоҳи районида дарё ўзанидан тортилган, узунлиги 1 км гача бўлган қатор каналлар излари борлиги, улардан экин майдонларига ариқлар тортилганлиги, биргина Бозор 8 манзилгоҳи районида ана шундай каналлар ёрдамида яқин 200 га ер суғорилганлиги ҳақида ёзади. Амиробод маданиятининг охирларида (мил.авв. VIII асрнинг охири-VII аср бошлари) ирригация системаси янада ривожланган шаклга кирди, каналларнинг узунлиги бир неча км ларга чўзилди¹. Бу каналларнинг қурилишида кул меҳнатидан фойдаланилган², деган хулосаларга келган.

Ўз вақтида бунга А.М.Беленицкий, А.М. Мандельштам ва С.С.Черниковлар эътироз билдиришиб, Ўрта Осиёда қадимги суғориш системаларининг қурилиши деҳқон жамоалари ва уларнинг бирлашган иттифоқи кучи билан ҳам амалга оширилиши мумкинлигини таъкидлайдилар. “СССР тарихининг очерклари” номли фундаментал асарда: “Ўрта Осиёнинг бу давр жамиятида синфий муносабатлар ва давлатчиликнинг илк шакллари сўзсиз пайдо бўлган эди³” деган хулосага келинган. Бундай хулосалар С.П.Толстов ғоялари таъсирида пайдо бўлганлиги ҳақиқатга яқиндир: “Хоразмнинг бронза даври ирригация тармоқлари материалларида суғорма деҳқончиликлнинг барча ривожланиш босқичларини-ибтидоий хавза-каир деҳқончилигидан ирригация иншоатларини барпо этиш, яъни антик давр ирригация системасига яқин шакллари гача кўзатишимиз мумкин. Охирги ҳолат қулдорлик тузими муносабатларининг пайдо бўлиши.....айнан шу даврда бошланганлиги ҳақида фикр юритишга асос беради⁴”, деган хулосалар ҳам С.П.Толстовга тегишлидир.

В.М.Массон С.П.Толстовнинг Хоразмда милoddан аввалги VIII-VII асрларда дастлаб қабилаларнинг ҳарбий конфедерацияси пайдо бўлди, сўнг бу конфедерация давлат уюшмасига ўсиб чиқди⁵, деган тезисига қарши, Хоразмда бу даврда ҳали ибтидоий каир деҳқончилиги ва яйлов чорвачилигига асосланган қабилалар хўжалиги давом этарди, мавжуд археологик материаллар тахлили Хоразмда аҳамонийларга қадар марказлашган давлатнинг таркиб топганлигини тасдиқламайди⁶, дейди. Бу даврда бундай давлат уюшмаси йирик суғориш тизими таркиб топган Марғиёнада⁷, Бактрияда⁸ пайдо бўлиши табиийдир. Бироқ, кейинроқ В.М.Массон қадимги Хоразм цивилизациясига махсус бағишланган мақоласида “Қадимги Хоразм цивилизациясини тарихий илдизлари тозабоғёб маданиятининг ирригация деҳқончилигига бориб тақалади.....амиробод маданияти эса моддий маданият ва суғорма деҳқончиликда тозабоғёб анъаналарини давом этдиради.....куйисой маданияти комплексларида Марғиёна ва Каспий бўйи вилоятлари аҳолисининг кулолчилик дастгоҳларида ясалган сифатли керамикасини учраши ва буларнинг барчаси биргаликда милoddан аввалги VI-IV асрларда Амиробод маданиятининг деҳқончилик хўжалиги қадимги Хоразм цивилизациясини шаклланишига олиб келди”⁹, деган позицияга ўтиб олади.

¹ Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарты. Москва-1962, стр.74-75.

² Толстов С.П. Периодизация древней истории Средней Азии. КСИИМК. вып. XXVIII. Стр. 24-25. Москва-1949.

³ Очерки истории СССР. Первобытнообщинный строй и древнейшие государства на территории СССР. Москва-1956, стр.244.

⁴ Толстов С.П. По древним дельтам...стр.75.

⁵ Толстов С.П. Древний Хорезм. Москва-1948, стр. 341.

⁶ Масон В.М. Древнеземледельческая культура Маргуаны. МИА № 73. Москва-Ленинград, 1959. стр.126-127.

⁷ Массон В.М. Древнеземледельческая культура..... стр.129.

⁸ Сагдуллаев А. С.Усадбы Древней Бактрии. Ташкент-1987, стр.63; Асқаров А. Ўзбекистон тарихи. (Энг қадимги даврлардан эраизминг V- асригача). Ўқув қўлланмаси. Тошкент-1994. 117-120 бетлар.

⁹ Массон В.М. Цивилизация древнего Хорезма (этапы и пути самоидентификации). «ИМКУ», № 30, стр.88-90.

С.П.Толстов шогирдларидан бири М.Г.Воробьева “Катта Хоразм”нинг жанубий чегараси Амударёнинг ўрта ҳавзаларидан ўтади¹, унинг шимолий чегараси эса Амударёнинг куйи ҳавзаларини ҳам қамраб олган, яъни Қадимги Хоразм давлати “Катта Хоразм” давлат конфедерациясининг таркибига кирганлигини асослашга уринади. И.В.Пьянков эса Хоразмда милoddан аввалги VII-VI асрлар оралигида давлатчиликнинг мавжудлигини қадимги ёзма манбалар асосида инкор этади².

Афсуски, тарихчи-археологлар орасида ҳозиргача Хоразм воҳасида Аҳамонийлар империясига қадар давлатчиликнинг пайдо бўлиши ҳақидаги С.П.Толстов назариясини асослашга уринувчилар йўқ эмас. Улар Қадимги Хоразм давлатини “Катта Хоразм” давлат конфедерацияси билан аралаштириб, Хоразмда давлатчилик ўтроқ аҳоли билан кўчманчи сак-массагет қабилаларининг ҳарбий-сиёсий иттифоқи асосида ташкил топган. Бу Иттифок билан қадимги фарс подшоси Кир II тўкнашиб, енгилганлигини қайд қиладилар³.

С.П.Толстовнинг қадимги Хоразмда илк шаҳарсозлик маданиятининг пайдо бўлиши ҳақидаги ғоясини қўшимча илмий асослар талаб этишини англаб етган шогирдларидан Б.И.Вайнберг бу масалага бошқачароқ ёндашди, яъни қадимги Хоразмда илк шаҳарсозлик маданиятини пайдо бўлиши муаммосини чорвадор куйисой маданияти билан боғлайди ва унинг даврий санасини милoddан аввалги VIII-V асрлар билан белгилайди. Б.И.Вайнбергнинг хабар беришича, ушбу маданиятга тегишли ягона Куйисой 2 манзилгоҳидан қизил ангоб билан пардозланган қўлда ясалган сополлар Яз II ва “Архаик Дохистон маданияти”нинг кулолчилик дастгоҳида ишланган сопол парчалари билан бирга учратилган. Куйисой маданиятига тегишли Тумек-Кичикжик ва Таримқоя қабристонларидан топилган кўп сонли архаика даври бронза пайканлари орасида асоси зўғатали икки парракли бронза пайканлари (мил.авв. IX-VIII аср) ҳам учратилган. Куйисой маданияти археологик комплексида “скиф триада”сига хос (жангавор ҳарбий қурооллар, “звериный стил”да ишланган от юган-жабдуқлари, «олтин арава» ёки «олтин дарахт») предметлар учрамайди.

Б.И. Вайнберг юқорида зикр этилган фактларни келтириш билан бирга, С.П.Толстов изидан бориб, Куйисой маданиятининг келиб чиқишини куйи Сирдарё сакларининг Мидияга ҳарбий юриши билан боғлайди, яъни унинг фикрига кўра, куйи Сирдарё саклари Мидияга боришдан аввал “Амударё ҳавзасининг Сарикамиш қўли атрофига жойлашиб”, сўнг Мидияга юриш қилган. Мидия ва унинг атрофидаги ўтроқ аҳоли билан аралашиб, уларнинг иқтисодий-ҳўжалик юритиш анъаналари таъсирида мидиялилар билан биргаликда Амударёнинг куйи ҳавзаларига қайтадилар ва куйисой маданиятининг асосини ташкил этади. Б.И.Вайнбергнинг фикрича, ана шу мидияликлар ўзларини хорасмийлар деб атаган бўлишлари мумкин⁴

¹ Воробьева М.Г. Проблема “Большого Хорезма” и археология. “Этнография и археология Средней Азии” Москва-1979, стр.38-42.

² Пьянков И.В. Древнейшие государственные образования. “История таджикского народа”. Душанбе-1998, стр.239-241.

³ Ягодин В.Н. Древнейшая государственность и проблема «Большого Хорезма». Вестник Каракалпакского отделения АН РУз. Вып. 1. Нукус-2007; Сагдуллаев А., Абдуллаев У. История Хорезма в свете исследований С.П.Толстова (эпоа поздней бронзы и раннего железа). «Ўзбекистон тарихи» № 4, 2007. стр.7.

⁴ Вайнберг Б.И. Куюсайская культура раннежелезного века в Присарыкамьшской дельте Амударьи. Успехи Среднеазиатской археологии. Вып. 3, Л., 1975. Стр. 42-48; Его же. Памятники куюсайской культуры. «Кочевники на границах Хорезма.» Москва-1979. стр. 7-76; Его же. Этногеография Турана в древности. VII в. до н.э.-VIII. Н.э. Москва-1999. стр. 152-173, 234-241.

Б.И.Вайнбергнинг Хоразм воҳасида илк шаҳарсозлик маданиятини пайдо бўлишини Мидия билан боғлаш концепцияси С.Баратов эътиборини ўзига тортади¹. У кейинги йилларда жанубий Хоразм ёдгорликларида изланишлар олиб бориб, илк темир даври чорвадор қабилаларига тегишли Мешекли ва Уч очаг қабристонлари комплексида Куйисой маданиятининг қизил ангобли сополлар билан бирга Яз II даврининг сополлари ҳам учрашини тақидлаб, Мешеклининг йил санасини милoddан аввалги VIII-VI асрлар билан белгилайди². Шунингдек, хорасмийлар билан боғлиқ ёзма манбаларга мурожаат қилиб, Доро 1 нинг тошларга битилган китобаларидаги Суза шаҳри саройи қурилишини эслаб: “Суза саройи қурилишида ишлатилган фερуза тоши Хоразмдан келтирилган”, “демак, бизнингча бу хорасмийларнинг куйи Амударё ҳудудларида жойлашганлиги ҳақида гувоҳлик беради”. “Доро хабарига кўра, Охурамазда инояти билан қўлга киритилган Хоразм, Парфия, Марғиёна ва Сўғдиёна каби мамлакатлар Кирдан қолган”³. С.Баратов ўз мулоҳазаларини асослаш учун Ж.Маркварт ва В.Хеннингларга мурожаат қилиб, демакчи бўладик, хорасмийлар подшолиги Кир II томонидан яқсон қилинган, форсларнинг сиқуви остида жанубий юртларидан ажраб, Амударё ёқалаб секин-аста шимолга чекинадилар.

Шундай ҳам бўлган дейлик. Кир II милoddан аввалги 550 йилда Мидияни енгиб, ахамонийлар давлатига асос солди. Кир II 539 йилда Вавилонни олган, массагетлар устига 530 йилда юриш қилди. Томарисдан шармандаларча енгилб, ҳалок бўлди. У ҳолда Кир II қачон Хоразмни босиб олди экан? Ж.Маркварт ва В.Хеннинг мулоҳазаларини милoddан аввалги VI асрнинг охиригача чораги тарихий воқеаларидан гувоҳлик берувчи Скилакка асосланган Гекатей ва Геродот хабарлари билан қиёслаганда мантиқий боғланиш кўринмайди. Демак, С.Баратов фарази қўшимча илмий асосга муҳтож. Буни С.Баратовнинг ўзи ҳам тан олади⁴.

Аммо, дейди у: “археологик материаллар хорасмийларнинг Амударё куйи ҳавзаларига Кир II даврида кириб келганлигини тасдиқлайди”⁵. Ушбу тахминий хулосани асослаш учун С.Баратов қадимги тарихдан куйидаги ғарб шарқшунослари фикрларини келтиради: “Кир томонидан Мидия енгилган, Гиркания ўзини ахамоний Кир II га тобелигини эълон қилади. Шундан сўнг Парфия ва бошқа шарқий вилоятлар ҳам унинг изидан борди. Биргина ўз ҳарбий қудратига ишонган Бактрия подшолиги билан Кир II га тўқнашишга тўғри келди”. “Ушбу ҳолат милoddан аввалги VII асрнинг биринчи ярмида Мидияга вассал бўлган Хоразм (хорасмийлар деса тўғри бўларди – Ф.М.) Гиркания, Парфия, Арея, Марғиёна, Сўғдиёна каби “мидия мероси” сифатида Кир II га ўтган бўлиши керак⁶, деган тахминни олган суради.

Таъкидлаш жоизки, агар С.Баратов зикр этган мулоҳазалар Хоразм воҳасига нисбатан эмас, балки жанубий хорасмийларга нисбатан айтилганда эди, бу фикрга қўшилса бўларди. Афсуски, С.Баратов Кўзаликир ва Хумбустепа материалларини Яз II даврининг бошланишига доир деган ҳато тасаввурда⁷, у узок йиллар археологик адабиётларда “Ахамонийлар керамикаси” деб номланиб келинган цилиндроконус шаклидаги сопол идишларнинг

¹ Баратов С. *Некоторые проблемы археологических исследований древних культур Хорезма. «Ўзбекистон тарихи», № 2, Тошкент-2007. стр. 27.*

² Баратов С. *Указ. работа....стр. 28.*

³ Баратов С. *Указ. работа...стр.29.*

⁴ Баратов С. *Указ. работа...стр. 30.*

⁵ Баратов С. *Указ. работа...стр.30.*

⁶ Баратов С. *Указ. работа....стр.30.*

⁷ Баратов С. *Указ. работа...стр.22- 34.*

хронологияси Кучуктепа, Қизилтепа, Тиллатепа материаллари мисолида ўрганилиб, ҳозирги кунда у керамика комплекси учта хронологик босқичларга бўлинишидан¹, уларнинг илк босқичи-Кучук II (мил.авв. VIII асрнинг иккинчи ярми -VII асрнинг биринчи ярми) Бактрия ва Марғиёнада, ривожланган босқичи-Кучук III (мил.авв. VII асрнинг иккинчи ярми-VI аср) Қашқадарё ва Самарқанд Суғдида, сўнги босқичи-Кучук IV (мил. авв. VI асрнинг охири-IV аср) Бухоро Суғди ва Хоразм воҳасида кенг тарқалганлигидан етарли даражада воқиф эмас кўринади.

Академик А.Асқаров С.П. Толстов ва унинг шогирд ва издошларининг Хоразм давлатчилиги масаласида кўпроқ Хоразмнинг қадимги суғориш иншоотларига асосланиб юритган мулоҳазаларини Хоразм материаллари мисолида қайта таҳлил қилиб, бу фикрларда мантиқий боғланиш етишмаслигини асослайди² ва академик Я.Ғ.Ғуломов томонидан сўнги амиробод даври магистрал каналларининг пайдо бўлиши амиробод маданияти сополларининг канал дамбаларида учраши билан асосланганлиги фактини келтириб³, “магистрал каналларнинг қурилиши амиробод маданияти давридан кейин, архаика ва антик даврида юз берганлигини кўтариб чиқади⁴. Шунингдек, С.П.Толстовнинг қадимги Хоразм, умуман Ўрта Осиёда қулдорлик тузими бўлганлиги, Амударёнинг қуйи ҳавзаларида хоразм этногеографик топонимини пайдо бўлиши, Арьянам Вайчаҳни локализациялаш масаласи, Канг давлатининг Хоразм воҳасига жойлаштириш каби масалалардаги фикрлари А.Асқаровнинг қатор мақолаларида⁵ қўшимча илмий далилларга мухтож эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Мен, асли Хоразмлик, ёш мутахасис сифатида Она диёримда илк шаҳарсозлик маданияти ва унинг шаклланиши билан боғлиқ фан дарғаларининг илмий асарларини ўрганар эканман, уларнинг қарашларидаги, қадимги ёзма манбалар маълумотларини археологик материаллар билан қиёсий таҳлил этишдаги хилма-хилликларнинг гувоҳи бўлдим. Устоз С.П.Толстов илмий жасорат билан жуда улкан муаммолар ечимига қўл урган. Унинг олга сурган ғоялари, қарашлари, хулосалари яна узоқ йиллар илмий жамоатчилик томонидан бахсларга объект бўлади. Мен Она юртимнинг қадимги тарихи ва маданияти, жумладан унинг ўзбек давлатчилигининг илк босқичларида тутган ўрнини ўрганмоққа қўл урган эканман, менинг ушбу мақолам бўлажак илмий изланишларимнинг дебочасидир. Мен бунда Хоразм воҳасида илк урбанистик жараёнларнинг бошланиши милоддан аввалги VI асрнинг охириги чорагида Хилменд водийсидан хорасмийларнинг Амударё қуйи ҳавзаларига кириб келиши билан боғлашни тўғри деб ҳисоблайман.

¹ Асқаров А. Л.И.Альбаум. Поселение Кучуктепа. Ташкент-1979. стр.18; Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннего железного века.Ташкент-2000, стр 88-95, 101-106; Сагдуллаев А. С. Усадьбы древней Бактрии. Ташкент-1987, стр.

² Асқаров А. Новые подходы к изучению истории древнего Хорезма. «Ўзбекистон тарихи» № 4, Тошкент-2007, стр.11-13.

³ Гулямов Я.Г. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. Ташкент-1957, стр. 67.

⁴ Асқаров А. Новые подходы....стр.14.

⁵ Асқаров А. Қадимги Хоразм тарихига доир баъзи бир масалалар. “Ўзбекистон этнологияси: янгича қарашлар ва ёндашувлар”. Тошкент-2004; Ўша муаллиф. Новые подходы к изучению истории древнего Хорезма. «Ўзбекистон тарихи» №4, тошкент-2007.

ХОРАЗМНИНГ ИЛК ТЕМИР ВА АНТИК ДАВР ЁДГОРЛИКЛАРИДА ЗАРДУШТИЙЛИК ДИНИЙ ҒОЯЛАРИНИНГ АКС ЭТИШИ

М.Эсанов – тарих фанлари номзоди, доцент.

Хоразм ёдгорликларини ўрганиш даврида зардуштийликнинг дафн маросими билан боғлиқ одатлари археологик материалларда кўплаб учрайди. Остодонларга солиб дафн қилиш одати Ўрта Осиё учун характерли бўлиб, у Қадимги Хоразм ёдгорликларида яхши ўз аксини топган.

Зардуштийлик динида ер муқаддас ҳисобланиб, жасадларни тўғридан-тўғри ерга дафн қилиш мумкин эмас. Дастлабки даврларда бўйрага ўраб, қабр тагига майда тошлар тўшаб ёки дарахт новдалари тўшаб дафн қилиш одати вужудга кела бошлаган¹.

Видевдатда келтирилган ғояларга кўра, марҳум тоғ чўққисига ёки махсус қурилма – даҳмаларга чиқариб қўйилган. У ерда эса махсус ўргатилган итлар ва ўлаксахўр қушлар марҳумларни ғўштини еб, суягини қолдирганлар². Суякларни йиғиб махсус идишларга остодонларга солиб махсус хоналарда даҳмаларда сақланган.

Зардуштийлик динида дуалистик қарашга эга бўлган диний-ғоявий асос мавжуд бўлиб, эзгулик ва ёвузлик ўртасида азалий кураш ётади. Ахурамазда яратган олти Амеша Спенталар эзгуликнинг бош ҳимоячилари бўлиб, касаллик, гуноҳлар, Аҳримон ва унинг девлари томонидан яратилган. Зардуштийлик эътиқодига кўра, ўлим девларнинг фаолияти сифатида қаралган. Зардуштийлар тасаввурига кўра, табиат унсурлари (олов, сув, ҳаво, ер) ифлословчи воситалар нопок саналиб – храфастра деб номланган³. Марҳум храфастрага, ҳақиқий зардуштий қўл тегизишга ботина олмаган. Чунки, зардуштийлик тасаввурига кўра, марҳум ўлгандан сўнг, унинг жасади атрофида ёвуз кучлар тўплана бошлайди. Унга диний нуқтаи назардан эҳтиёт чораларини билувчи профессионал қўҳинлар, ҳамда ўлик билан шуғулланувчи ристоқашалар ва ёки насассалар яқинлаша олганлар. Дафн маросими ўша куннинг ўзида ўтказилган. Илк ўрта асрларда жасадлар баланд тепаликларга, аҳоли турар-жойидан нарида қурилган даҳмаларга олиб чиқиб қўйилган. Дарҳақиқат, археологик материалларнинг гувоҳлик беришича, тоғ ён бағирларига, аҳоли турар-жойларидан узоқда қурилган даҳма устига олиб бориб ташланган. Жасадни йиртқич қушлар, ўргатилган итлар еб бўлгандан сўнг, суякларини йиғиб, остодонларга солиб, ерга қўмганлар⁴.

Зардуштийлар тасаввурларига кўра, марҳумнинг руҳи уч кун қабрда ётгач, тўртинчи куни маъбуда Митранинг ҳузурига, Чинвот кўпригидан ўтиш учун осмонга кўтарилади⁵. “Авесто”нинг Видевдат қисмида келтирилишича, бу дунёда энг ғамгин жой, ўлган одамларни итлар қаерда ер юзига чиқариб ташлаган бўлса, ўша жой деб Ахурамазда жавоб беради⁶. Итлар ҳам алоҳида дафн маросимида қатнашган, яъни итларнинг жасадларни тозалашдан

¹ Эсанов М. “Авесто” жамиятининг археологик материалларда акс этиши (Қадимги Бахтрия ва Марғиёнанинг бронза даври моддий маданият ёдгорликлари мисолида). – Самарқанд, 2007, -26 б.

² Рапопорт Ю.А. Из истории религии древнего Хорезма. – М. 1971, –С. 23.

³ Бойс М., Зороастрийцы: верования и обычаи. ... – С. 55-57.

⁴ Рапопорт Ю.А. Из истории религии Древнего Хорезма. – М., 1971. – С. 57-60.

⁵ Бойс М. Зороастрийцы: верования и обычаи. ... – С. 58.

⁶ Рак И.В. Авеста в русских переводах ... – С. 86-91.

бошқа яна шундай хизматлари борки, бунга кўра, ўлими яқин ёки касал одам олдида доимо ит ушлаб турилган. Агар касал ёки ўлими яқин бўлган одам устига қўйилган нон ёки емишни ит ейдиган бўлса, демак бу одам ўлганлигини ва унга энди ҳеч ким яқинлашиши мумкин эмаслигини англатган. Демак, зардуштийлик динида диннинг муҳим унсурлари олов, сув, ҳаво, ер Ахурамазда инъом этган бебаҳо бойлик сифатида қадрланиб, девлар жой олган жасадлар ифлословчи восита сифатида таъкидланган.

Хоразмда антик даврга келганда шаҳар-давлат бошқарув марказларида кучли диний асосдаги мафкуравий марказлар фаолият кўрсатилган. Бу диний марказлар зардуштийлик дини ғоялари асосига қурилган бўлиб, дафн маросимлари, ижтимоий характердаги археологик материалларда воҳада зардуштийлик дини гуллаб яшнаганлигини кўрсатмоқда.

Ана шундай ёдгорликлардан бири Қўйқирилганқалъадир. Диний характердаги ушбу ёдгорликнинг марказида айлана шаклдаги икки қаватли иншоот мавжуд бўлиб, қалъа қурилиши жихатидан муҳофаа хусусиятига эга. Қалъа яқинидан, ёдгорлик атрофидан қўлаб хайкал остонлар топилган. Остонларни тайёрлашда унинг қопқоқларида эркак ва аёл хайкаллари тасвирланганлиги қўлаб учрайди¹.

Қўйқирилганқалъа ёдгорлигининг қалъа девори ва 2, 3, 4 миноралари орасидан қўлаб остонлар топилган бўлиб, уларнинг аксарият қисми илк қанг даврига оиддир. Остонларнинг диаметри 35-40 см бўлиб, остон сиртларига турли тасвирлар туширилган.

Қўйқирилганқалъа 2 дан топилган IV-V асрларга тегишли остон тўғритўртбурчак шаклда бўлиб, юқорига қараб учбурчак шаклини олган. Бу остонлар Г.Пугаченковани фикрича “африғийлар” остонлари бўлиб, хоразм аҳолисининг дафн маросимларида қўлаб ишлатилгани кузатилади.

1953 йилда Қўйқирилганқалъадан 200 метр жанубда сопол маска топилди. Ушбу маска парфияликларга кўпроқ ўхшаб кетади ва ёниб қол бўлган гулхан ўрнидан топилган. Бу маскadan олимларнинг фикрича, марҳумлар ўлгандан сўнг уларнинг юзига тақиб қўйилган кўринади².

Қўйқирилганқалъа яқинидаги шартли равишда “13/70” деб номланган жойдан жуда қўлаб оссуарий қолдиқлари топилган бўлиб, ўзига хос ясашиш техникаси ва хом ашёсига эга. Милoddан аввалги IV-III асрларда Хоразм ҳудудидан сополдан ясалган остонларнинг топилиши, бу даврда зардуштийлик одатларини кучли тизимга қираётганлигидан далолат беради. “13/70” деб шартли номланган ҳудуддан топилган остонлар тузилишига кўра бири-биридан тубдан фарқ қилади. Масалан, айримларининг тузилиши цилиндрсимон, юқори қисмида ушлагич қисми бўлиб, у ерда махсус хайкалчалар акс эттирилган. Сопол идишнинг пастки қисмида эса айрим ҳолларда “мим” деб номланган оромийча ёзув намунаси учрайди. Баъзи бир остонларнинг баландлиги 85 смга етади. Бу остонларда эркак хайкалчаси бўлиб, у ўтирган ҳолатда тасвирланган.

1963-1964 йилларда Хоразм экспедицияси Жонбосқалъа ёдгорлигини очиб ўрганадилар. Бу ердан зардуштийлик динига оид қўлаб остонлар топилган бўлиб, Е.Е.Неразик томонидан ушбу материаллар милодий I-II асрларга тегишли эканлиги таъкидланади. Бу ердан топилган остонларда ўтирган эркак ёки аёл хайкаллари қўлаб учрайди. Жонбосқалъа остонлари минорасимон шаклда бўлиб, диаметри 38 см, баландлиги

¹ Рапопорт Ю.А. Из истории религии Древнего Хорезма. – М., 1971. – С. 38.

² Рапопорт Ю.А. Из истории религии Древнего Хорезма. – М., 1971. – С. 46.

42 смгача бўлган. остодоннинг юқори қисмида шинаклар ҳам ишланган бўлиб, шахмат тарзида жойлаштирилган.

1960-1961 йилларда М.Воробоева ва Г.Снесарев томонидан Бурлиқалъадан 4 км шимолий-ғарбда остодонлар некроли кашф қилинди. Бурли қалъа оссуарийлари ҳам қадимги Хоразм анъанасини такрорлайди. Лекин Бурли қалъа оссуарийлари тўғритўртбурчак шаклга эга бўла бошлаган. Унинг узунлиги 35 см, кенглиги 30 см, юқори қисмидаги вентиляция учун қолдирилган туйнук 20 см хажмга эга. Шунингдек, бочкасимон шаклга эга остодонлар ҳам топилган. Сўнгги африғийлар даврига оид яшиксимон остодонлар ҳам мавжуд бўлиб, шу билан бирга хўжаликда ишлатилган сопол буюмлар ҳам топилган. Бурли қалъа остодонларида ҳам аёл кишининг ўтирган ҳолатдаги хайкаллари тасвирланган. Бу ердаги остодоналарда ҳам эркак кишининг ўтирган ҳолатдаги хайкаллари тасвирланган бўлиб, остодонлар яхши тоза тупроқдан ясалган¹.

1950-1954 йилларда Айбуғир қалъадан топилган остодонлар шаҳарнинг марказий қисмида кўплаб учрайди. Айбуғир қалъа харобаси тўртбурчак шаклда бўлиб, унинг марказидан топилган остодонлар дастлабки даврларда, махсус юқори хоналарга қўйилган. Бу ердан топилган остодонларнинг шакли бочкасимон бўлиб, бу ерда ҳам ўтирган аёл хайкали остодонлар кўплаб учрайди. Айбуғир қалъа материаллари яхши сақланмаган бўлиб, уларнинг айрим тикланган қисмларигина бизгача етиб келган².

Зардуштийлик динидаги дафн маросимлари билан боғлиқ одатларида фойдаланиладиган остодонларга солиб кўмиш одати Қалъалиқир 1 ёдгорлигида ёрқин намоён бўлади. Қалъалиқир 1 ёдгорлигида марҳумларни хумчаларга ва остодонларга солиб кўмиш одати кузатилади. Истисно тарзида шуни айтиш керакки, хумга солиб дафн қилиш одати 2 марта учрайди. Остодонларга солиб дафн қилиш одати эса девор остиларида, айрим ҳолларда эса девор ёнларида ҳам учрайди. Остодонларга марҳумнинг суяклари солинган. Баъзи ҳолларда эса остодонларга оила аъзоларининг суяклари жамлаб солинган ҳолатлар ҳам кўзга ташланади. Қалъалиқир 1 қўрғонининг деворлари остидан тошдан ясалган остодонлар топилган. Улар тўғритўртбурчак шаклда бўлиб, остодон деворларининг калинлиги 3 – 8 смни ташкил қилади³.

Қалъалиқир 1 остодонлари 4 асосий хусусиятга эга:

1. тўғритўртбурчак шаклдаги оссуарийлар. Буларнинг асоси тўғритўртбурчак, юқори қисмига қараб айлана шаклини олади. Уларнинг қопқоқларида эса куш ва сиртларида хайвонларнинг суратларини тасвирлаш одати кўп учрайди. Тошкент воҳаси ва Ёттисув учун остодон қопқоқларида куш ёки одам бошини тасвирлаш одати кенг ёйилган бўлса, бу турдаги Хоразм остодонларида куш тасвирини ифодалаш устунлик қилади. Куш тимсоли акс эттирилган остодонлар қадимийроқ бўлиб, бу орқали Хоразмда жуда улуғланган Анахита образидир⁴.

2. Саркофаг шаклидаги остодонлар. Бу остодонлар тўртоёқли бўлиб, туйнуқлари бўлган. юқори қисмида махсус қопқоғи бўлган. Бу шаклдаги остодонлар Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларидан топилмаган бўлиб, улардан милoddан аввалги II асрдан милoddий I асргача бўлган даврда фойдаланилган.

¹ Рапопорт Ю.А. Из истории религии Древнего Хорезма. – М., 1971. – С. 70.

² Рапопорт Ю.А. Из истории религии Древнего Хорезма. – М., 1971. – С. 92.

³ Ўша манба. – Б. 92.

⁴ Снесарев Г.П. Реликты домусулманских верований. – С. 114.

3. Тўғритўртбучак шаклдаги, ён томонида катта туйнукка эга бўлган остодонлар, баъзилари оёкли, баъзи бирлари эса оёксиз қилиб ишланган. Бу турдаги остодонлар Байрамалидан топилган.

4. Цилиндр шаклидаги оёкли остодонлар ҳам дафн маросимларида кўплаб фойдаланилган бўлиб, уларнинг айримларини қопқоқларида қизил ангоб билан ёзилган ёзув учрайди.

Шунингдек Қалъалиқир 1 ёдгорлигидаги пишитиш печларининг айримлари “дахма” вазифасини бажарган. Жумладан, жанубий қалъа девори ёнидаги пишитиш печларидан бирига бир неча жасадларнинг суяклари солинганлиги гувоҳи бўламиз.

Қалъалиқир 1 ёдгорлигидаги дафн маросимлари билан боғлиқ одатлар шундан далолат бермоқдаки, дастлабки даврлар учун маъбудалар тасвирланган остодонлардан фойдаланилган бўлса, кейинчалик тўғритўртбурчак шаклдаги оёкли яшиклардан фойдаланилган. Шартли равишда “африғийлар” остодонидан милодий VII асрларгача фойдаланилган бўлиб, уларнинг тузилиши тўғритўртбурчак шаклда бўлиб, тўғритўртбурчак қопқоқ билан ёпилган¹.

Нукус шаҳридан 14 км шимолий ғарбда жойлашган Тоққўла некрополи 1960 йилдан ўрганила бошлаган. Тўққалъанинг юқори қатлами IX-XI асрларга тегишли бўлиб, унинг қуйи босқичи, яъни зардуштийлик диний ғоялари асосидаги дафн маросими VII-VIII асрларга бориб тақалади.

Бу ердан топилган остодонлар африғийлар типидagi остодонлар бўлиб, уларнинг тузилиши турличадир. Остодонларнинг кўпчилиги алебастердан тайёрланган бўлиб, айримларигина тошдан ва сополдан ясалган. Остодонларнинг кўпчилиги юқори қисмида ушлаш учун махсус бандлари билан ясалган. Хозирги кунда Тўққаладан топилган остодонларнинг кўпчилигида ёзувлар бўлиб, бу ёзувлар ана шу даврдаги ижтимоий диний масалаларда фикр юритишга имкон беради². Ушбу ёзувларда марҳумларнинг ижтимоий келиб чиқиши, марҳумларнинг ким эканлиги эслатиб ўтилади. остодонлар сиртидаги ёзувларда зардуштийлик динининг календари, у дунё хақидаги тасаввурлар баён қилинган. Шунингдек, остодонлар сиртидаги ёзувларга кўра, хоразмликлар остодонларни тапанкўк ва наусларни фравартик деб номлашган.

Баъзи бир остодонлар сураатлар билан безатилган бўлиб, дафн маросими билан боғлиқ одатлар, ит ва остодоннинг акс эттирилиши, зардуштийликка хос бўлган одатларнинг бу даврда тўла амал қилганлигини гувоҳи бўламиз.

Остодонларда ой ва қуёшнинг акс этирилиши диний культ билан боғлиқ бўлиб, свастика акс этган остодонларда дунёнинг абадийлиги ва унинг тўрт унсури олов, сув, ҳаво, ер оламнинг бир бутунлигини ташкил этишини ҳамда буларнинг ҳаммаси Ахурамазда инъом этган муқаддас неъмат эканлигини англатиб турибди.

Тўққалъа остадонларида ҳам Хоразм учун характерли бўлган Анахита образини акс эттириш етакчи ўрин тутди.

Хоразм воҳасидаги маҳобатли монументал ибодатхоналарга эга бўлган Ҳазорасп, Кўйқирилганқалъа, Тўққалъа ва бошқа ёдгорликлардан классик даражадаги остодонларнинг

¹ Ўша манба. – Б.97.

² Толстов С.П., Лившиц В.А. Датированные надписи на хорезмийских оссуариях с городища Ток-кала. –М. 1972. –С.50-69.

турли хил кўринишларини учраши, зардуштийлик дини қадимги Хоразмда давлат дини даражасига кўтарилганлигидан далолат беради.

Хоразмнинг яна бир ёдгорлиги Ақчахон қалъа Жанубий Хоразмда, ҳозирги Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманининг Қизил кум барханлари остида қолиб кетган антик даврининг шаҳар харобаси бўлиб, бу жойда Қорақалпоғистон археологлари профессор В.М. Ягодин раҳбарлигида Австралиянинг Сидней университети археологлари билан ҳамкорликда 1995 йилдан бери археологик дала тадқиқотлари олиб бормоқда. Ёдгорлик икки қисмдан, яъни ички ва ташқи шаҳарлардан иборат бўлиб, уларнинг чор атрофи икки қаторли маҳобатли мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Ақчахон қалъасининг ички шаҳар қисми 13 гектар бўлиб, унинг мудофаа деворлари ўз периметри бўйлаб ҳар 22-23 метрда буржлар билан мустаҳкамланган. Шаҳарга кириш дарвозалари чор томонда бўлиб, уларнинг сони 4 та. Шаҳар марказида баланд платформа устида шаҳарнинг бош оташкаси қад кўтарган. Унда ёниб турган олов шулалари шаҳар деворлари ташқарисидан, узоқ-узоқлардан ҳам кўриниб турган. Ички шаҳарнинг шимолий-ғарбий бурчагидан юз колоннали ҳукмдор саройи бунёд этилган бўлиб, ҳозирги кунда унинг анча қисми очиб ўрганилмоқда. Ҳукмдор саройи жуда маҳобатли қилиб қурилган, унинг атрофи икки қаторли мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Унга кириш дарвозаси шаҳар бош оташкадаси томонига қаратиб қурилган. Икки қатор девор оралиғида коридор ҳосил бўлиб, коридор деворининг ички сирти уч қатор қилиб ишланган сарой аёнларининг рангли суратлари билан безатилган. Суратлар ўртасида қадимги Хоразм давлатининг шоҳи тож кийган ҳолда савлат тўкиб ўтирганлиги тасвирланган. Тож устида қандайдир муқаддас қуш сурати туширилган. Қазмиш вақтида топилган бу ашёвий далиллар милоддан аввалги IV асрда Қадимги Хоразм давлати шоҳларидан бири Фарасман исмли ҳукмдорнинг милоддан аввалги 328 йилда Бактрия шаҳрига Искандар Зулқарнайн ҳузурига бориб, унинг Қора денгиз бўйлари томон ҳарбий юришларида иттифоқчи сифатида унга ёрдам беришга тайёр эканлиги тўғрисидаги хабарларни тасдиқлайди.

ТАРИХ ТАЪЛИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

*Р.Мулладжонова – педагогика фанлари номзоди,
катта ўқитувчи.*

Биз муҳим инновацион жараёнлар даврида яшаймиз. Барча соҳаларда бўлгани каби таълим тизимида олиб борилаётган ислохатларнинг кенг қўламлиги, долзарблиги ва мураккаблиги бугунги кун ўқитувчиларига катта маъсулият юклайди. Хусусан, ислохатларнинг туб йўналишларидан ҳисобланаётган таълим мазмунини янгилаш, ўқитувчи ва талабаларнинг таълимга бўлган янгича қарашларини шакллантириш баробарида илғор педагогик технологияларни қўллаш ҳам ўқитувчиларда катта маҳорат, ижодий меҳнат ва албатта замон талабларига жавоб берадиган билимлар мажмуи талаб қилинади.

Бизга яхши маълумки, ҳар бир назария ўзининг методологик асосларига эга бўлади. Таълим технологияси назариясининг илк ғоялари илгари сурилган даврлардаёқ мазкур назариянинг асослари ҳам яратила бошланган. Таълим технологияси назариясининг умумий

асосларини унинг мақсади, мазмуни, вазифалари, тамойиллари, объектив ҳамда субъектив омиллари, объекти, асосий тушунчалари, мезонлари ташкил этади¹.

Таълим технологияси назариясининг умумий асослари моҳияти хусусида сўз юритиш учун “Таълим технологияси” тушунчасининг туб маъносини англаш талаб этилади.

Хўш технология нима? **“Технология”** тушунчаси техникавий тараққиёт билан боғлиқ бўлган ҳолда фанга 1872 йили кириб келди. У **юнонча** икки сўздан **“технос” (techne) – санъат, ҳунар ва “логос” (logos) – фан** сўзларидан ташкил топиб, **ҳунар фани** маъносини англатади.

Бу ифода технологик жараён ҳар доим зарурий воситалар ва шароитлардан фойдаланган ҳолда операцияларнинг муайён кетма-кетликда бажаришини кўзда тутди.

Педагогик технология концепциясининг чет элда ривожланиш тарихи

ЯПОНИЯ -1965 йил Умумяпон педагогик технология Марказий Кенгаши ташкил этилди. 1965 йилдан “Педагогик технология соҳасидаги тадқиқотлар” номли журналлар чоп этила бошланди.

СОБИҚ СССР - 1965 йил Мактаб ва ишлаб чиқариш журнали чоп этила бошланди.

АНГЛИЯ - 1967 йил Педагогик технология Миллий Кенгаши ташкил топди. 1964 йилда “Педагогик технология ва дастурли таълим”, 1970 йилдан Педагогик технология” номли журналлар чоп этила бошланди.

АҚШ - 1971 йил Коммуникация ва технология Ассоциацияси ташкил топди. 1961 йилдан “Педагогик технология” журнали, 1971 йилдан “Аудиовизуал таълим”, “Аудиовизуалли камунникация баёни” номли журналлар чоп этилди бошланган.

ИТАЛИЯ - 1971 Педагогик технология миллий маркази ташкил этилди. 1971 йилда “Педагогик технология” номли журналлар чоп этила бошланди.

ВЕНГРИЯ - 1973 йил Ўқитиш технологияси Давлат Маркази ташкил этилди.

Мустақил Ўзбекистонимизга педагогик технологиялар таълим тизимига ўтган асрнинг 80 йилларида кириб келди ва умумтаълим ўрта мактаблари ва академик лицей, касб-ҳунар коллежларида фанларни педагогик технологиялар асосида ўқитишни ташкил этиш устида тадқиқотлар олиб борилди.

Педагогик технологиялар соҳасидаги АҚШнинг машҳур олимлари: *Б.Блум, Д.Кратвал, М.Трондунд, Д.Керрол, Дж. Блок, Л.Эндерссон, Р.Геньс, Л. Бриг* каби олимлар тадқиқот ишларини олиб борганлар. Бу олимлар ишлаб чиққан педагогик технологиялар 1966 йилда ЮНЕСКО Халқаро Конференцияси асос сифатида қабул қилинди.

МДҲдаги олимлар: *В.П. Беспалько, М.В.Кларин, Г.К. Селевко, В.П.Монахов, М.А. Чошанов, Ж.Ғ.Йўлдошев, Б.Л. Фарберман, Р.Мусина, Н.С. Сайидахмедов* ва бошқалар тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар¹.

Алоҳида қайд этиш жоизки, айни вақтда таълим технологияси тушунчасини мантикий – ғоявий жиҳатдан изоҳлаш борасида ягона фикр мавжуд эмас. Юқорида қайд этилганидек, педагогик технология назарияси ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб асосланиб келинаётган бўлсада, айнан “педагогик технология” тушунчасига нисбатан турлича

¹ Беспалько В.П. *Слагаемые педагогической технологии. М.: Педагогика, 1989. – 14 б.*

¹ Янги педагогик технология: таҳлил, таъриф, мулоҳазалар. (Ўқитувчилар учун методик тавсиялар)Н. Сайидахмедовнинг умумий таҳрири остида. Т.: 2000. – 5 б.

ёндашувлар мавжуд. Хусусан, педагог олим В.П.Беспалько педагогик технологияни “амалиётга тадбиқ қилинадиган муайян педагогик тизим лойиҳаси” дея таърифлайди ҳамда асосий диққатни ўқув-педагогик жараёни олдиндан лойиҳалашга қаратади¹. Н.Ф.Талызина эса педагогик технологияни «Фан ва амалиёт оралиғида муайян тамойилларни олға сурувчи методлар ишлаб чиқарувчи, уларни изчил қўллаш каби масалаларни ҳал этишга йўналтирилган мустақил фан»² бўлиши лозимлигини қайд этади.

Тарих фанларидан педагогик технологиялар асосида тадқиқотларни олиб боришда назарий методологик асосларни билиш катта аҳамиятга эга. Тарихий жараёнларни диалектик, хронологик даврлаштириш, қиёсий-тарихий, илмийлик, тарихийлик методлари, тарихий тафаккур ва мушоҳаданинг маданий - умумбашарий қоидалари тарихий тадқиқотларнинг асосий қалити ҳисобланади. Тарихни ўқитишда ва тадқиқотлар олиб боришда замонавий педагогик технологияларнинг роли беқиёс.

Тарих ва уни ўқитиш методикаси фанидан тадқиқотлар олиб борилад экан, биз:

- **Мантикий - тарихий метод;**
 - **Тарихий - қиёсий метод;**
 - **Тизимли ёндашув ва тизимли анализ;**
 - **Анализ ва синтез (А.Берр);**
 - **Ички сезиш (*Интуиция*) (В. Дильте. тарихий тадқиқот методларидан фойдаланамиз.**
- Бизни ҳозирги мулоҳазаларимиз, Тарих фанини ўқитишда ва тарихий тадқиқотлар олиб боришда замонавий педагогик технологияларнинг роли ҳақида бўлади.

Биз тарих ўқитиш жараёни, тадқиқотларда педагогик технология, методика, усул, услуб - деган ибораларни кўп қўллаймиз. Бироқ, уларнинг бир-биридан фарқи бор.

Методика – бу ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар мажмуасидир. Методика алоҳида фанларга тегишли тушунча бўлиб, у жараёнларнинг кечиш қонуниятларини, фан мазмуни, ўқитиш шакллари кабиларни ўрганади. Ҳар бир фаннинг ўз методикаси бўлиб, у “нимани ўқитиш (ўрганиш)”, “нимага ўқитиш (ўрганиш)”, “қандай ўқитиш”, “кимни ўқитиш” саволларига жавоб беради. А.Кунширян фикрича технология методикадан натижаларнинг белгиланганлиги, турли шартлардан ҳоли бўлиши кераклиги, қафолатланган нитажани кўрсата олиши билан фарқланади. Методика тажрибаларнинг умумлаштирилиши натижасидан келиб чиқса, технология тахминий эмас, балки аниқ нитажани белгиланган ҳолда конкрет шароитлардан келиб чиқиб лойиҳалаштирилади. (“Народное образование”. 1998, №8).

Педагогик технология – бу ўқув жараёнини ҳаракатлантирувчи куч ёки олдиндан белгилаб қўйилган аниқ мақсад йўлидан ўқитувчининг касбий фаолиятини янгиловчи ва ўз устида тадқиқотлар олиб бориши натижасида таълимда, якуний нитажани қафолатлайдиган тадбирлар мажмуасидир.

Педагогик тизим – бу жараёнлар, воситалар, методлар мажмуасидан иборат бўлиб, ўқувчиларни олдиндан белгиланган шахс сифатида шакллантиришга педагогик таъсир этишни мақсадга мувофиқ тарзда амалга оширади.

Ўқитиш жараёни сунъий тизим доирасида кечади. Ана шу тизим педагогик тизим, ичидаги жарёнлар эса педагогик технологиялар дейилади.

¹ Беспалько В.П. *Слагаемые педагогической технологии. М.: Педагогика, 1989.*

² Талызина. Н.Ф. *Управление процессом усвоения знаний. Москва.: Изд-во МГУ, 1984. – с. 13.*

Педагогик технология бугун пайдо бўлган тушунча эмас, у ҳар доим таълим- тарбия жараёнида мавжуд. Шу сабабли, стихияли равишда амалга оширилган илғор методик тажрибаларни энди педагогик технология қонуниятларига бўйсундириш керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, биз замонавий педагогик технологиялар асосида, тарих ва уни ўқитиш методикаси устида тадқиқотлар олиб борар эканмиз, юқорида келтирилган тарихий тадқиқотларнинг умумилмий методларини эътибордан четда қолдира олмаймиз. Чунки, шундай умумилмий тадқиқот методлари борки, буларни бошқа фанларни ҳам тадқиқ қилишда фойдаланиш мумкин. Бу ҳақда И.Кавальченко ўзининг “Тарихий тадқиқотлар методи” китобида батафсил баён қилган.

Яхши маълум, кўп олимлар **ички сезиш** (*Интуиция*) орқали ўз тадқиқотларидаги илмий муаммоларни ечганлар. Бу дастлаб, кутилмаган қарор бўлса, кейинчалик илмий методлар орқали теширилган. Эҳтимол, ички сезиш (*Интуиция*) илмий тадқиқотларда жиддий рол ўйнамаслиги мумкин, бироқ тарихчида, бу, ўз предмети ҳақида чуқур билим, ўзи талантига ишониш ҳиссини уйғотади ва кейинги ишларининг ривожига ёрдам беради. Энди тарих ва уни ўқитиш методикасидан педагогик технологиялар асосида тадқиқотлар олиб боришда ҳам “ички сезиш” (*Интуиция*) методига таяниб тадқиқотлар олиб бориш мумкин. **(Масалан: педагогик технологиялар асосида тажриба-синов ишларини олиб боришда).**

Бундан ташқари, **Тарихий қиёсий метод** (Ф. Вольтер), **Тарихий тизимли метод** (И. Ковальченко) лардан, нафақат тарихий воқеа - ҳодисаларни **тизимлаштириб қиёслашда**, балки замонавий педагогик технологиялар устида тажриба ва синов тадқиқотини олиб боришда, яъни аниқ бир мавзунини қайси педагогик технология асосида “Ақлий хужум” технологиясими ёки “Зиг-заг” технологиясими қиёслаб, кўпроқ самара берадиганини танлаб, ўқитиш ва ўрганиш жараёнига тавсия этишда фойдаланиш мумкин.

Педагогик технологияларнинг ўзига хос компонентлари мавжуд.

Педагогик тизимнинг компонентлари қуйидагилар:

Таълим (тарбия) мақсади.

Таълим (тарбия) мазмуни.


Дидактик жараёнлар.

Таълим (тарбия) нинг ташкилий шакллари.

Ўқитишнинг техник воситалари.

Ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлиги.

Технологиянинг тузилмаси.



(1 - расм).

Технология жараён: босқичларга, амалларга, усулларга, ҳаракатларга бўлинади.

Педагогик технологиялар: **“Ақлий ҳужум” технологияси-** (Тўғридан-тўғри “ақлий ҳужум” технологияси, Ақл билан ишғол қилиш технологияси).

“Ўйинлар технологиялар” – (Ўйин модификацияси технологияси, Ишбилармонлик ўйинлари технологияси, Психодрамма ва социодрамма ўйинлар технологияси, Бахс ўйини технологияси).

Мураккаб вазиятларни қўллаш технологияси- (Вақтинча чегараланганлик технологияси, Тўсатдан ман этиш технологияси, Янги вариант турлари технологияси, Ахборот таъминот технологияси, Ахборот етишмовчилик технологияси).

Ижодий масалаларни ҳал этиш технологияси- (“Ўзинг учун қулай жой танла” технологияси, Дебатлар, “Ажурли арра”, “6х6х6”, “Қарорлар шажараси”, “Елпиғич” технологиялари).

Ўқитишнинг интерактив стратегиялари технологияси- (“Танқидий тафаккур” технологияси, “Танқидий жараённинг таҳлили,” “Чақирик”, “Фикрлаш, тафаккур юритиш” технологиялари).

Муаллифлик технологиялари- (Педагогик ҳамкорлик технологияси, Ўқитишнинг интенфикацион технологияси, Ўқитишнинг дифференциал технологияси, Индивидуал (якка ҳолда) ўқитиш технологияси). ва х.о.

Энди педагогик технологиялардан тарих фанларини ўқитишда фойдаланиш ўзининг юқори самарасини беради. Чунки, педагогик технологиялар асосида дарс жараёнини ташкил этилса, дарс самарадорлигини оширади, ўқувчини мустақил фикрлашга ўргатади, ўқувчини ўз устида изланишга мажбур қилади, нутқ маданиятини ўстиради, ўзгалар фикрини ҳурмат қилишга ва тинглашга ўргатади.

Демак, ўқитишнинг ноанъанавий усулларини ўйлаб топиш устида тадқиқотлар олиб бориш, мавжуд усулларини ўрганиш, ўзаро тажриба алмашиш лозим. Бунда педагогикадаги янгиликларни ўрганувчи таълимот - педагогик инновациянинг аҳамияти катта. Яъни, унинг биринчи йўналиши педагогикадаги барча янгиликларни тадқиқ қилиш, қиёслаш, тўплаш, умумлаштириш; иккинчи йўналиши янгиликлардан самаралиларини танлаб олиш, учинчи йўналиши уларни амалиётга тадбиқ этиш назарда тутилади.

МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҲАЁТ УЙЎНЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Э.Қосимов – тарих фанлари номзоди, доцент.

Бу масала асрлар давомида олиму-фузалолар ўртасида мунозараю-бахсга сабаб бўлиб келган. “Айримлари руҳий оламни бирламчи деб билса, баъзилари эса моддий оламни асосий ўринга қўяди”.¹ Инсон тараққиётини ўрганувчи олимлар меҳнати бугунги кунда қўпгина

¹ Каримов И. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008, 65-бет

жиҳатларига ойдинлик киритган. Уларнинг тадқиқотларига асосланиб биз ҳам баъзи бир мулоҳазаларни қоғозга тушурдик.

Тирик жонда сезиш органлари билан биргаликда рухий олам пайдо бўлар экан. Шунинг учун бўлса керак, “хушига келди”, соғзом танда - соғ ақл, виждон азоби каби иборалар ишлатилади.

Қадимги донишмандлар тирик жонда ўзига хос қонуният тизим шаклланишини англаганлар. Бу биринчидан, қандайдир “бўшлиқ” пайдо бўлиб ҳаёт жараёни кечади. Фанда буни “фазо, макон, вақт” деб аташади. Бўшлиқда ҳам ўзига хос қоришув жараёни кечади, Бу қандайдир вақтда, маконда содир бўлади. Бу пайтдаги қоришувда ёруғлик ва иссиқлик ҳосил бўла бошлайди. Ишқаланиш жараёнида ҳосил бўлган илиқлик-иссиқлик-оловга айланади. Бўшлиқ+ҳаво+оловнинг ўзаро қоришувида тўртинчи бир сифат совиш пайдо бўлади, бу-“сув”. Ишқаланиш ҳаракати олов ва совуш ҳолатида юмшоқ тўқима (плазма сифат) нарса ҳосил қилар экан. Навбатдаги босқичда тўрталаси биргаликда ҳаракатда бўлар экан, натижада сифат жиҳатдан фарқ қилувчи-“замин” ҳосил бўларкан. Бу бешта ўзига хос сифатларнинг уйғунлиги, бир-бирига боғлиқлиги **асосни** ташкил этаркан (**бўшлиқ+ҳаво+олов+сув+замин**). Донишмандлар буларни аниқ англаб олиш учун кузатувчан бўлишни таъкидлайди.

Россиялик шифокор Геннадий Петрович Малахов буни англаш учун ваннада ўзига хос тажриба ўтказади. Ваннадаги сувнинг чиқиш йўлини бекитиб сув тўлдиради. Тўлдираётганда ҳосил бўлган ҳаракат ёруғлик аксидан бўшлиқ теграсини белгилаш имконини беради. Сувда ҳаракат тўхтагач, чиқиш йўли очиб юборилади. Сувнинг чиқиш йўлида ҳосил қилган уюрида ўзига хос “бўшлиқ”, “ҳаво” тасирида, аниқроғи босимида, уюрнинг ванна тегидаги соясида қорамтир, қалинликни кузатамиз, яркираган юзада эса ёруғлик “олов” шаклини кўрамиз, оқиб кетаётган сувга кўлимизни тиксак “сувнинг жипслашганлигини, тортиш кучини, заминга, тегига, асос”га қараб интилишни ҳис этамиз.

Бу жараённи одамда ҳам, оламда ҳам кузатса бўлади. Шунинг учун Тибет табибларининг китобларида “Инсон (танасида) қалбида ҳис этиш органлари билан бирга онги ҳам пайдо бўлади”, деган хулосаси бежиз эмаслигини англаймиз. Заминда-эти, суяги, бурни ва димоғи. Сувдан-қони, тили, тами, намлик (терлагани), билиш қобиляти. Оловдан-мижози, ранги, кўзи ва кўриш қобиляти. Ҳаводан-нафас олиши, тери тўқимаси, ҳис этиши. Бўшлиқдан-овози, эшитиш қобиляти, чиқиш тешиклари, Эски одатлардан-жаҳолатга етакловчи иллатлари пайдо бўлар экан. Фалакнинг гардиши билан, дегандай буларнинг барчаси тўпланиб **ОДАМ, ИНСОН**, деб аталган **танани** шакллантирар экан. Инсон ҳамиша ва ҳар қандай шароитда буюк орзулар, эзгу ниятлар, келажакка ва ёруғ кунларга ишониб яшайди. Ана шу ишонч йўлида Виждонга таянади. Виждон-инсоннинг эволюцион (тадрижий) тараққиётида маънавий соғломлик асоси бўлиб қолаверади. «Эзгу ният» инсон маънавий тараққиёти даражасини белгилайди. Инсон қанча маънавиятли бўлса, унинг эркинлик ва адолатлилиқка, ижодкорлиқка майли, эзгу нияти кўп бўлади ёки тескариси, қанчалик маънавий қашшоқ бўлса, ўзини асраш, наслини давом эттириш ва йўлбошчилик майли кучли. Майл, ният устида ишлар экан инсон поғонама-поғона маънавий тараққиёт сари юкеалиб боради.

Ижодкорлик майли, адолат ва эркинлик доимо ўзини асраш учун курашиб келади, конфликтда бўлади. Етакчилик ва насл қолдиришни давом эттириш инсонни у ёки бу жиҳатни эзгу ёки ёмон ниятни танлашга мажбур қилади. Бу танловда виждон асос бўлиб

хизмат қилади. Яхши ният билан ёмон хаёл (ният) ўртасидаги низо инсонни қаттиқ изтиробга солади, маънавий носоғломликка етаклайди ёки...

Фикр қарама қаршилиги ақлни фаол ишлатишга ундайди, руҳиятдаги носоғломлик эса азобланишга ва нотўғри қарор қабул қилишга мажбур этади. Масалан: Бирор ишни ўзининг биологик ёки ижтимоий эҳтиёжини қондиришда, бошқалар манфаатини инобатга олмасдан бажариши мумкин ёки бажармаслиги, бундай ҳаракат маънавий носоғломликни англатади.

Соғлом маънавиятли инсонда бундай танлашга зарурият бўлмайди. Унинг аجدодлари қачондир шундай қилган, тарихий сабоқ олган, шундай яшаверади. Виждони олдида жавоб бера олади. Атрофдагиларга адолатсизлик қилиш билан ўзининг турмушини фаровон қилаолмайди, Қилса руҳиятида салбий ҳолатлар, кайфиятида бузилишлар пайдо бўлади, Руҳан азобланади ва у орқали тана ва моддий ҳаёт зарарланади. Шу тариқа маънавий ҳаёт шакллана боради ва бир қанча босқисни босиб ўтади.

Маънавий ривожланиш босқичларини таҳлил қилар эканмиз шунга амин бўламизки, Инсон маънавий ўсиши учун ўзининг илк истагини билиши, уни назорат қилаолиши, бошқараолиши лозим. Шунинг учун у ёруғ оламга келганини англамоғи керак. Булар:

1. Бола дастлаб сезги органлари орқали атрофни ўрганиб “хотира кутубхонасини ёки банкини” яратади.

2. Руҳий ҳис этиш орқали “хотира-маълумотлар банкини” кенгайтириб уларни аҳамиятига қараб туркумлаб боради. Бу жараён икки йўналишда «қабул қилинади», «қабул қилинмайди» услубида бажариб боради. Содда тилда айтганда онани – холадан ажратишни билади.

3. Инсон онгида тўпланган маълумотларни тартибга келтириш ёки кўнгилдагидай-кўнгилсиз маълумотларга турлайди ва солиштириш орқали билиб олади, ақли тараққий қила бошлайди.

4. Ақлий жараён натижасида инсон қобиляти чархланади. Аниқ мақсадга эришиш учун қобилятини намоён қила бошлайди, Ҳар бир одам ўз кадрини англайди, билади.

5. Инсон онги бу босқичда ўз-ўзини назорат қилиш, қарор қабул қилиш, ўзининг таъсир доирасини ҳис этиб ҳаракатланади. Бу ҳаракатни бошқариш учун мафкура хизмат қилади.

Бу жараён ҳақида Президент И.Каримов фикр юритар экан “Фидокор” газетаси муҳбири саволларига берган жавобларида “Мафкура фақат бугун эмас, балки ҳамма замонларда ҳам энг долзарб сиёсий-ижтимоий масала, ҳар қандай жамиятни соғлом, эзгу мақсадлар сари бирлаштириб, унинг ўз муддаоларига эришиш учун маънавий-руҳий куч-қувват берадиган пойдевор бўлиб келган”-дейди.

Демак, мафкура моҳиятини чуқур англаб, олдимизда турган улкан вазифаларни амалга оширишда, моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлигини барқарорлаштиришда уни енгилмас кучга айлантириш муҳим вазифамиздир.

Бунда моддий эҳтиёжларни инсонни руҳий оламига қарама- қарши қўйиш, уларнинг бирини устун деб билган ҳолда, тирикликнинг асосий мақсади сифатида қабул қилиш қандайдир бир ёқламалик бўлади. Одамнинг руҳий дунёсини менсимаслик, уни иккиламчи ўринга қўйиш охир-оқибатда жамият ҳаётида инқирозга сабаб бўлишини яқин тарихимизда кўрдик.

ПРОБЛЕМЫ ГОСУДАРСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ В СОВРЕМЕННОЙ НАУЧНО-ПОЛИТИЧЕСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ

Н.Ш. Зиямов – кандидат исторических наук

Вопросы безопасности, устойчивого развития Узбекистана, других стран Центральной Азии в условиях возрастающего значения данного региона в мировой геополитике, присутствия здесь несовпадающих интересов ведущих стран мира, окружения Центральной Азии странами, обременёнными этническими, демографическими, экономическими и другими проблемами, приковывают к себе внимание многих политиков, политологов, экономистов, историков и других учёных-обществоведов. Ими, только за последние десять-пятнадцать лет, опубликовано по данной теме большое количество монографий, брошюр, статей. Среди них, конечно, особое место занимает книга Президента Узбекистана И.Каримова «Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса».¹ В ней рассмотрены такие угрозы безопасности, как – региональные конфликты, религиозный экстремизм и фундаментализм, великодержавный шовинизм и агрессивный национализм, этнические и межнациональные противоречия, коррупция и преступность, экологические проблемы и другие. При этом, И.Каримов не только обозначивает эти угрозы, но и раскрывает их сущность, степень их опасности для общества и государства, указывает пути их преодоления, противостояния им. В частности, рассматривая опасность региональных конфликтов, автор подчёркивает, что после распада бывшего СССР, Узбекистан стал прифронтовым государством, «вблизи границ которого продолжают гореть два очага кризисов – в Афганистане и Таджикистане, унесшие за последние годы сотни тысяч человеческих жизней..., любой конфликт в отдельно взятом государстве не может длительное время оставаться в пределах национальных границ. По ряду причин такой конфликт неминуемо обнаруживает тенденцию к своему уже неконтролируемому расползанию, что рано или поздно поставит целый комплекс проблем перед соседними государствами» (с. 20, 24). Именно исходя из этого, руководство Узбекистана в 90-е годы предприняло огромные усилия для прекращения гражданской войны в Таджикистане, предпринимает и в настоящее время, совместно с другими странами, меры для стабилизации обстановки в соседнем Афганистане.

Ценность данной книги заключается и в том, что в ней указаны и условия стабильности и гарантии прогресса, в ряду которых – возрождение духовных ценностей и национального самосознания, формирование демократических институтов, осуществление сильной социальной политики, интеграция в мировое сообщество и другие. Она создана на основе обобщения богатейшего опыта и наблюдений И.Каримова, и её опубликование положило начало для глубокого научного осмысления проблем государственной безопасности, как в Узбекистане, так и в Центральноазиатских государствах в целом.

В частности, уже в 1998-1999 годы в Узбекистане вышли в свет несколько работ, посвящённых теме безопасности. Среди них – «Проблемы безопасности и прогресса на

¹ Каримов И. *Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса*. Т.: Узбекистон, 1997, 315с.

пороге XXI века».¹ В данный сборник включены выступления учёных, преподавателей, аспирантов на одноименной конференции, проведённой в 1998 году в Ташкентском государственном институте востоковедения, по вопросам борьбы с религиозным экстремизмом, совершенствования межнациональных отношений, политической и экономической безопасности в Центральной Азии, борьбы с коррупцией и другой преступностью, внешней политики Узбекистана в урегулировании афганской проблемы и другим.

Сегодня историография данной научной проблемы значительно расширилась. Среди изданных в последние годы по рассматриваемой теме работ выделяется коллективная монография «Центральная Азия: геоэкономика, геополитика, безопасность».² Книга состоит из нескольких блоков. В первом блоке, наряду с анализом геостратегического положения Центральной Азии с её усиливающейся ролью в современном мире, богатейшими возможностями и несовпадающими интересами мировых центров сил, даётся оценка геоэкономической ситуации в регионе. Второй блок включает анализ геополитических интересов ведущих мировых держав в Центральной Азии. Особое внимание уделено афганскому фактору в регионе. Авторы осуществили системный анализ стратегических проблем – региональных, конфликтогенных, внутривосточных, страноведческих, транснациональных. В третьем блоке рассмотрена политика в области безопасности. Освещены внутренние и внешние угрозы региональной безопасности. Учитывая объективную необходимость интеграции стран Центральной Азии, выявлен механизм их взаимовыгодного сотрудничества, раскрыты проблемы объективного и субъективного характера, которые замедляют процесс сближения между государствами региона.

По вопросу безопасности авторы книги приходят к целому ряду научных выводов, в том числе к тому что: геополитические факторы, соперничество мировых держав за энергоресурсы региона могут создать предпосылки для превращения Центральной Азии в один из «нервных узлов» мировой политики; определённое негативное влияние на безопасность и стабильность Центральной Азии оказывает частичная неурегулированность вопросов, связанных с делимитацией границ, а также несогласованность между странами региона режима совместной эксплуатации трансграничных рек и др.; актуальное значение для государств Центральной Азии в обеспечении своей безопасности приобретает военно-политическое сотрудничество с США, странами НАТО, Россией, Китаем; для стран Центральной Азии нужна региональная система безопасности, которая должна быть направлена на предотвращение угроз и реализацию национальных интересов на основе объективной взаимодополняемости, и эта система не должна быть противопоставлена глобальной системе безопасности, она должна дополнять её (с. 184-189).

Вопросы безопасности государств региона исследованы и в сборнике статей «Сотрудничество и безопасность в Центральной Азии: состояние и перспективы».³ В нём исследованы особенности геополитической ситуации в Центральной Азии, новые угрозы и вызовы региональной безопасности, внешнеполитическая стратегия стран – мировых и региональных лидеров, а также особенности процесса политической модернизации в

¹ Проблемы безопасности и прогресса на пороге XXI века (Материалы межвузовской научной конференции 20-21 мая 1998 года). Т., 1999, 139 с.

² Центральная Азия: геоэкономика, геополитика, безопасность. Т.: Шарқ, 2002, 208 с.

³ Сотрудничество и безопасность в Центральной Азии: состояние и перспективы. Алматы, 2008, 309 с.

центральноазиатских республиках. Большой интерес представляет 1-ый раздел сборника «Актуальные проблемы международных отношений стран региона». В нём отмечается улучшение в двухтысячные годы политических отношений государств Центральной Азии, в том числе Узбекистана с Казахстаном, Туркменистаном, Таджикистаном (с. 23,25). Одновременно подчёркиваются и имеющиеся в межгосударственных отношениях проблемы, которые со временем могут представлять угрозу стабильности региона. Среди этих проблем выделяется проблемы водных ресурсов и их использования.

Трансграничные реки Центральной Азии и водохозяйственные комплексы бассейны Аральского моря остаются звеньями, тесно связывающими страны региона. Однако в последнее время эти связи стали испытываться на прочность – из-за входящих в противоречие государственных интересов по поводу справедливого распределения и рационального использования водных ресурсов. Причина складывающейся ситуации, как отмечают авторы сборника, лежит в сложном разделении некогда единой системы регулирования стоков рек и водоёмов между пятью странами. Кыргызстан и Таджикистан склонны рассматривать воду как товар, обладающий стоимостью (с.28). Этот факт тревожит Узбекистан, экономика и социальная стабильность которого напрямую зависит от водных ресурсов бассейновых рек Амударьи и Сырдарьи. По мнению узбекской стороны, зарегулирование рек со стороны Таджикистана может иметь множество негативных последствий. На саммите ШОС, 16 августа 2007 года в Бишкеке, Президентом Узбекистана И.Каримовым было выражено беспокойство по этому поводу. По мнению руководителя Узбекистана, все решения по использованию стока трансграничных рек, в том числе при строительстве гидроэнергетических сооружений, должны в обязательном порядке учитывать интересы десятков миллионов жителей Казахстана, Туркменистана и Узбекистана (с.30).

В книге содержатся и материалы, характеризующие вопросы государственных границ, религиозного экстремизма, наркотрафика, трудовой миграции в Казахстан. Например, некоторые неурегулированные территориально-пограничные проблемы между странами региона являются причиной напряжённости в отношениях между ними. Нерешённым всё ещё остаётся вопрос узбекских анклавов в Кыргызстане и кыргызских в Узбекистане (с.42,52). Характеризуя трудовую миграцию в Казахстан, авторы отмечают, что в последние годы она значительно увеличилась. Из общего числа легализованных граждан представители Кыргызской Республики составляли – 24 тысячи человек, Российской Федерации – 10700, Республики Таджикистан – 4670 (с. 79). В сборнике исследована и политика России, США, Китая, стран ЕС, интересы Турции, Ирана, Индии, Пакистана, Японии в Центральной Азии. В нём нашли своё освещение также вопросы сотрудничества и безопасности в регионе и роль в этом международных организаций – ОДКБ, ШОС, ЕврАзЭС.

Определённый интерес в связи с изменением климата, водными проблемами в Центральной Азии вызывает и такая книга как «Изменение климата и водные проблемы в Центральной Азии».¹

В ней содержатся материалы, характеризующие влияние изменения климата на водные ресурсы региона, раскрыты различия в интересах стран Центральной Азии по проблеме

¹ *Изменение климата и водные проблемы в Центральной Азии. (Учебный курс для студентов). Москва-Бишкек.:ОАО «Лев Толстой», 2006, 188с.*

воды, что создаёт, как отмечают авторы, трудности в разработке и проведении единой оптимизированной водной политики в регионе. Они делают односторонний, без учёта других позиций, вывод о том, что «быстрый рост населения, развитие индустрии и сельского хозяйства в государствах Центральной Азии требует перехода к новым принципам водопользования», пересмотру структуры посевных площадей в сельском хозяйстве (с. 127).

Каждая из выше рассмотренных книг – самостоятельное исследование определённых аспектов проблемы безопасности и стабильности, а вместе взятые раскрывают общую многогранную проблему безопасности государств Центральной Азии.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРДАГИ ИШТИРОКИ

Ф.О. Исмаилов – ўқитувчи

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни дастлабки кунлариданоқ ташқи сиёсатда ўз ўрни ва салоҳиятини эга бўлишга ҳаракат қилди ва қисқа даврда халқаро ҳамкорлик ўрнатишнинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди. Ҳозирги кенг миқёсдаги кетаётган интеграциялашув, глобаллашув даврида нуфузли халқаро ташкилотлар билан икки ва кўп томонлама ҳамкорлик қилиш халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилган тамойилларни қабул қилиш ҳар жиҳатдан фойдалидир. Қолаверса, Марказий Осиёнинг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашда ҳамкорлик икки томон учун ҳам самаралидир. Бу минтақадаги тинчлик ва барқарорлик Халқаро ва минтақавий ташкилотлар ҳамда унга аъзо мамлакатлар манфаатларига мос келади. Йирик Халқаро ташкилотлар БМТ, ЕИ, НАТО, ШХТ ўз дастури ва режасига эга бўлиб, Ўзбекистон Республикаси бу ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

БМТ - Ўзбекистон 1992 йил 29 январда Хавфсизлик Кенгаши БМТнинг Бош Ассамблеясига БМТ га аъзо қилиб олишни тавсия қилди. Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 2 мартда халқаро тинчлик, хавфсизликни сақлаш ва ҳамкорлик ташкилоти БМТ га аъзо бўлди.¹ Бу тарихий воқеа Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида халқаро ҳамжамиятидан муносиб ўрин олишда катта аҳамиятга эга бўлди.

1993 йил 24 октябрда Республикада БМТ ваколатхонаси очилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ваколатхона очилиши маросимида сўзлаган нутқида: «Бу тарихий воқеа бўлиб, шундай обрўли ташкилот доирасида ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдормиз²», деб таъкидлаган эди..

Дарҳақиқат, ўтган қисқа даврда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси республикада БМТ нинг тараққиёт Дастури, Саноат тараққиёти Дастури, қочоқлар иши бўйича вакиллари Олий комиссари, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Аҳоли жойлашиш жамғармаси, наркотикларни назорат қилиш бўйича Дастур, Болалар жамғармаси сингари ихтисослашган муассасаларни ўз таркибига бирлаштиришга муваффақ бўлди.³

¹Ҳақимов Р. Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. Т., «Ғафур Ғулом» нашриёти, 2001., 32-бет.

²Халқ сўзи. 1993 йил, 26 октябрь

³ Мустақил Ўзбекистон тарихи. III-қитоб. Т., Шарк нашриёт матбаа концерни. 2000. 50 – бет.

«Шу ўринда БМТнинг интеграция соҳасидаги имкониятлари ғоят улканлигини ва унинг ихтисослаштирилган ташкилотлари бу имкониятларни ташкил этувчилари ҳисобланиши алоҳида таъкидлаш лозим. Ўзбекистон мазкур ташкилотлар билан бугунги куннинг ўзидаёқ самарали ҳамкорликларни ривожлантирмоқда. БМТ доирасида жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашувни БМТ нинг ихтисослашган муассасалари – ЮНЕСКО, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, халқаро меҳнат ташкилоти, ЮНКТАД, ЮНИСЕФ ва бошқалар билан ҳамкорлик қилиш орқали мустаҳкамланмоқда».¹

Бу Ҳамкорликнинг асосида мураккаб даврда қашшоқликка; оммавий ишсизликка; аҳолини кўчиб кетиш жараёнлари авж олишига йўл қўймаслик вазифаси турибди. Равшанки, бу соҳадаги ютуқларга Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига жадал қўшилиши ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ёрдами туфайли эришдик. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг муассасалари ва ваколатхоналари Ўзбекистонда ўз фаолиятини кенг авж олдирмоқда.²

Қисқа давр мобайнида 50 га яқин лойиҳа молиялаштирилган бўлиб, улардан ярми ниҳоясига етказилди.. 1993 йилдан бошлаб Ўзбекистонда амалга оширилаётган БМТ Тараққиёти Дастури лойиҳаларининг умумий қиймати қарийиб 17,5 миллион АҚШ доллари ташкил этди.³

Ўзбекистоннинг халқаро миқёсда тинчликсевар сиёсат ўтказиши учун кенг имкониятлар вужудга келди. 1993 йил 28 сентябрида бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 48-сессиясида Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг иштироки ва ундаги маърузаси Ўзбекистоннинг жаҳонга кўхна ва навқирон давлат сифатида танитди. Маърузада, Ўрта Осиё минтақасини ядросиз зона деб эълон қилиш, Ўрта Осиё минтақасида кимёвий ва бактериологик куролни тарқатмаслик устидан халқаро назорат ўрнатиш, Наркобизнесга қарши курашни кучайтириш, Оролни ва Орол бўйини кутқариш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтди.⁴

Давлатимиз бошлиғининг бу ташаббуслари Ўзбекистоннинг халқаро миқёсда обрў-эътиборини ортишига сабаб бўлди. 1995 йил 15-16 сентябрида Тошкентда йирик халқаро анжуман – БМТ хомийлигида Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари юзасидан семинар-кенгаш чақирилди.⁵ Семинарда 20 та халқаро ташкилот ва дунёнинг 30 та мамлакатидан делегациялар, шу жумладан БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари бўлган давлатлар – АҚШ, Англия, Россия ва Ҳитой делегациялари катнашди.⁶

Тошкент семинарида учта муҳим муаммо: Марказий Осиёда мустаҳкам хавфсизлик тизимини яратиш; иқтисодий ҳамкорлик ва инфратузилмали коммуникациялар; Иқтисодий хавфсизлик тизимини яратиш ва гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш муаммолари муҳокама этилди.⁷

¹Каримов И.А «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». Т., «Ўзбекистон», Т., 1997. 302-бет.

²Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1996. 3-том, 57-бет.

³Халқ сўзи. 1999 й. 11 ноябрь.

⁴Янги Ўзбекистоннинг 7 зафарли йўли. Т., Шарқ. 1999., 189-190 бетлар

⁵Мустақил Ўзбекистон тарихининг дастлабки саҳифалари. Т., 2000, №3 188-189 бетлар

⁶Ҳакимов Р. Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. Т., Ф.Ғулом нашриёти, 2001.18 бет. Ўзбекистон тарихи. 3- том. Т., Шарқ. 2000, 503- бет.

⁷Жўраев У. Т.Файзуллаев, Қ.Усмонов. Ўзбекистон тарихи. Т., Шарқ. 1999, 295-бет.

1995 йил октябрида нишонланган Бирлашган Миллатлар ташкилотининг 50 йиллиги ва унинг юбилей сессияси Ўзбекистоннинг халқаро сиёсат борасидаги янгидан-янги имкониятларини кўрсатишга шароит яратди.. Жумладан, у мамлакатлараро, минтақалараро ва қитъалараро муносабатларни чуқурлаштириш, ҳар бир минтақада вужудга келаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг боришидан олдиндан огоҳ бўлиш, уларни ўз вақтида ўрганиш ва зарур ҳулосаларга келиш, шу асосда умумбашарий муаммоларни чигаллаштирмасдан ҳал қилиш масалаларини кўтарди.¹

НАТО - Бугунги кунда 26 та мамлакат НАТО нинг тўлақонли аъзоси саналади, қиркка яқин давлат ушбу альянс билан ҳамкорлик қилади.

«Ҳозир бизнинг мамлакатимиз билан НАТО дек халқаро ташкилот ўртасида ўзаро тушуниш ва ҳамкорлик мавжуд деб айтиш мумкин».²

Ўзининг таркибида демократик давлатларни бирлаштириб турган НАТО фақат Европа қитъасидагина эмас, балки ўзининг сиёсий устқурмасини мустаҳкамлаш ва «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури ҳисобига жуда катта Евроосиё минтақасида тинчлик ўрнатувчи омил бўлиши мумкин.

Ўзбекистон «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурига 1995 йил июль ойида қўшилган бўлиб, бу дастурдаги иштирокимизга ўз мустақиллигимиз ва суверенитетимизни мустаҳкамлаш, ҳозирги замон ҳарбий-техника ютуқларидан баҳраманд бўлиш, ҳарбий кадрлар тайёрлашда имкониятларимизни кенгайтириш нуктаи назаридан қараймиз.³

Дастур асосидаги ўзаро мулоқот эса ҳарбий-ўқув машқлари доирасида кечаяпти. Лекин биз кўзлаган мақсад НАТО га аъзо бўлиш эмас. Бунинг иккита сабабини айтиб ўтиш мумкин.⁴

Биринчидан, Ўзбекистон ташки сиёсатининг устувор тамойилларидан бири ҳеч қандай ҳарбий блокларга аъзо бўлмасликдир.

Президент Ислон Каримов бу масалани янада сода қилиб тушунтириб, бирорта ўзбек аскарлари ўз мамлакатимиз чегаралари ҳудудидан ташқарига бориб, ҳар хил мажароларда иштирок этмайди, - деб таъкидлаган.

Иккинчидан, Ўзбекистоннинг бугунги сиёсий – географик ҳолати ҳам бирор-бир ҳарбий блокка кириш амалиётига тўғри келмайди. Мабодо шунга амал қилинадиган бўлса, минтақадаги хавфсизлик мувозанатига путур етказиш мумкин. Аксинча, бизнинг мақсадимизда тинчлик ва барқарорликни, фаровон ҳаётга эришишни таъминлашдир, Ўзбекистон-НАТО муносабатларининг асл моҳияти ҳам шу давлатимизнинг хавфсизлиги ва тинчлигини таъминлаш, қолаверса, минтақада барқарорликни қарор топтириш учун шарт-шароитни имкон қадар кенгайтириш ва мустаҳкамлашдан иборат.⁵

«Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури томонидан 1995 йилда АҚШ да, 1997 йил Қозоғистон ва Ўзбекистонда ўтказилган ҳарбий машқларда Ўзбекистон ҳарбий

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Мустқил Ўзбекистон тарихи. 3 - том. Т., Шарқ. 2000. 503- бет.

² И.А.Каримов «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». Т., «Ўзбекистон», Т., 1997. 306-бет.

³ Ўша жойда.

⁴ Ўзбекистон овози. 1999 йил 29 апрель

⁵ Жўраев. Н, Т.Файзуллаев. Ўзбекистон тарихи. Т.2001 й. 374-375 бетлар.; Ўзбекистон овози 1999 йил 29 апрель.

қисмларининг иштироки зобит ва аскарларнинг ҳарбий техник тайёргарлигини янада кўтаришга хизмат қилди.¹

2002 йил 13-14 июнь кунлари пойтахтимизда НАТО Илмий қўмитасининг кўчма йиғилиши ва Марказий Осиё минтақавий илмий-техникавий муаммоларга бағишланган илмий семинар бўлиб ўтди.² Тадбир Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этилган Илмий-техникавий тараққиёт бўйича мувофиқлаштириш кенгаши ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази ҳамда НАТОнинг илмий қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Унда НАТОга аъзо ва унга ҳамкор мамлакатлардан олтмишдан зиёд вакил иштирок этди.

НАТО Илмий қўмитаси билан Ўзбекистон ўртасидаги илмий-техникавий ҳамкорлик 1995 йил ўрнатилган. Шу давр ичида турли мавзудаги семинарлар, Кимё, физика, тиббиёт, биология соҳалари бўйича қатор илмий лойиҳалар амалга оширилди. Ўзбекистон олимлари НАТО Илмий қўмитаси томонидан ўтказиладиган илмий анжуманларда мунтазам иштирок этиб келмоқда.

2002 йил ноябрида НАТО га аъзо давлатлар ва Ўзбекистон ўртасида терроризмга қарши ҳамкорлик режасини тасдиқлашди.³ Ва ўз навбатида Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлашда Ўзбекистонни ўрни беқиёс эканлиги таъкидланди.

Шу билан бирга НАТО ва Ўзбекистон ўртасида 20 йўналиш бўйича 143 та тадбир ўтказиш келишиб олинган. Унда гуманитар ёрдам, кидирув-қутқарув хизматларини кўрсатиш бўйича ўқув машқлари ўтказилди.

Кейинги йирик лойиҳа Орол ва Орол бўйи аҳолисига ёрдам кўрсатишга бағишланган. Унда Қорақалпоғистон ҳудудида ичимлик суви муаммосини ҳал қилиш бош масаладир. Бу соҳада АҚШ лик мутахассислар ўзбек ҳамкасблари билан узвий ҳамкорлик қилмоқдалар.

«Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида яна бир лойиҳа, яъни химиявий чиқиндилардан фойдаланиш ва шу йўл билан экологик муҳитни автоматик сақлаб қолишни ва фойда олиш бўйича ишлар қилинмоқда.⁴

2004 йил 20 октябрь куни НАТО бош котиби Яаап де Хооп Схефферни Ўзбекистонга ташрифи бўлди. Оксаройда қабул вақтида Президент меҳмонни ушбу ташкилотга раҳбар бўлгани билан қутлар экан, Ўзбекистон НАТО билан ҳамкорликка муҳим аҳамият беришни таъкидлади.⁵

Ўзбекистоннинг ушбу халқаро ташкилот билан муносабатлари фақат ҳарбий соҳани ривожлантириш ва ҳавфсизликни мустаҳкамлаш борасидаги ҳамкорлик билан чекланмайди. Фан – таълим, иқтисодиёт каби соҳалар шунингдек, табиий офатларни олдини олиш бўйича НАТО мутахассислари билан маслаҳатлашувлар ўтказилмоқда, тадқиқотчилар ўзаро тажриба алмашмоқда. Биргаликда машқлар ўтказилди, альянснинг махсус ўқув курсларида Ўзбекистон қуроли кучларининг вакиллари малака ошириб, жанговор тайёргарликни такомиллаштирмоқда.

¹ Янги Ўзбекистоннинг етти зафарли йили. Тошкент 1999 й., «Шарқ» нашриёти 193- бет.

² Ўзбекистон овози. 2002 й. 6 июнь.

³ Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти тизимида. Т., 2004 287- бет.

⁴ Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти тизимида. Т., 2004 287-бет.

⁵ Ўзбекистон овози. 2004 йил 21 октябрь.

Европа Иттифоқи -- Бугун 27 нафар аъзо давлат ва 492 852 385 аҳолини ўзида бирлаштирган (3892685 км² ҳудудни эгаллаган)¹ Европа Иттифоқи, Ўзбекистон ташқи сиёсатида муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасини Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик қилишдан асосий мақсади муаммоларни ҳал қилишда унинг узоқ йиллик босиб ўтган интеграцион йўли тажрибасидан ва инвестицион лойиҳалардан фойдаланишдир. Айниқса, транспорт алоқаси, энергетика, молия соҳаси, хусусийлаштириш, илм-фан, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, демократик институтларни ривожлантириш ва инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳамкорлик қилиш кўзда тутилган.

1992 йил 15 январь Лиссабон Саммитида Европа Иттифоқининг 12 та аъзо давлатлари Ўзбекистон мустақиллигини тан олди. Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик тамал тоши 1992 йил меморандум имзоланиши билан қўйилган.² 1994 йил кузида Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган. 1995 йил Брюсселда Европа Иттифоқи ҳузурида Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхонаси фаолият бошлади.³

Ўзбекистон – Европа Иттифоқининг марказий Осиёдаги энг йирик савдо-иқтисодий шериги ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги савдо айланмаси Европа Иттифоқининг Кавказортидаги уч мамлакатининг ҳаммаси билан қилаётган савдосидан уч марта кўпдир.⁴

Шу ўринда яна шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Собиқ Иттифокдош давлатлар ичида Россиядан кейин иккинчи бўлиб, Европа Иттифоқига аъзоликка қабул қилинди. Икки томонлама тузилган, эксперт гуруҳларни бир неча йиллик изланишлари ва Европа талабларига Ўзбекистонни мослаштириш жараёни, яъни Европа интеграциясига мамлакатимизни қўшилиши ҳар жиҳатдан фойдалидир⁵.

³ Бичурин Н.Я. Собрание сведений ... Т.1. С. 233-234; Ли Янгу. Шимолий сулолалар тарихи. 24 тарихдаги Ўрта Осиёга доир материаллар тўплами. Урумчи, 2002. 539-бет.

¹ Тюриков В.И. Шогуломов Р.Ш. Аёл – муқаддасан. – Т.: “Ёзувчи”, 1999. 52-бет.

² ўша жойда. 50- бет.

сўзларга ниҳотда кўп маъно юклашнинг уддасидан чиқа оладилар , улар ҳатто ифода қилиб бўлмайдиган ҳаёжонни, титроқларни ҳам қойил мақом қилиб тушунтириб бера оладилар”³, деб улуғлаган. Ва аёл қалбига йўл топишни излаган. Шундагина ҳиндлар таърифлаган ҳақиқий аёлни англаб етади, яъни рўзғорини гуллаб-яшнатувчи аёл ҳақиқий аёл, оиласида фарзанд ўстираётган аёл- ҳақиқий аёл, эрига умрини бағишлаган аёл-ҳақиқий аёл, эрига вафодор аёл- ҳақиқий аёлдир, деган хулосага келади. Жамиятда, XX аср илм-фан тараққиёти аёлга, аёлни жамиятга нисбатан қаршларини бир мунча ўзгартирди. Аёл энди нафақат оила таянчи сифатида эъзозлана бошланди , балки жамият таянчи эканлигини англаш бошланди.

Собиқ Иттифоқ даврида, 20-йилларнинг иккинчи ярмида миллионлаб Туркистон аёллари қисматини ўз ичига олган ижтимоий–сиёсий масалани, большевиклар, ўз андозалари асосида кескин ҳал қилдилар.

Совет ҳокимияти ўрнатилгач, аёлларнинг бутунлай янги авлодини, уларни фақат оилани ўйлайдиган шахслар эмас, балки кўпроқ жамият ижтимоий, сиёсий ҳаётида эркаклар билан тенг асосда фаол иштирок этишини истайдиган шахслар қилиб тарбиялаш вазифаси устивор қилиб қўйилди. Бу масала эволюцион тарзда миллий тараққийпарвар кучларнинг ҳаракати асосида шакллантирила бошланган эди. Уларнинг фикрича, жамиятни ўзгартириш маънавий ва маданий –маиший ҳаётнинг тубдан ислоҳ қилиш асосида олиб борилиши лозим бўлиб, XX аср 20-йилларнинг бошида барча тадбирлар ўлка хотин-қизлари турмуш тарзига хос хусусиятларга, миллий анъаналарга мутаносиб ҳолда олиб борилди. Ўша пайтда ҳеч ким паранжи ташлаш ҳақида гап сўз юритмасди. Фаоллар кўпроқ ишонтириш усулини қўллашарди. Шунга кўра , хотин-қизлар ҳуқуқини таъминлаш, уларнинг яратувчанлик ва жамоатчилик ишларига жалб этиш борасида муайян муваффақиятларга эришилди.

Лекин мустабид тузум бундан қониқмади. Бу жараённи сунъий равишда тезлаштириш мақсадида унга зарбдор сафарбарлик, хужум уюштирдилар. 1926 йил декабр ойида Ўрта Осиё Республикалари ва хусусан Ўзбекистонда махсус комиссиялар тузилди¹ ва хотин-қизларни озодликка чиқаришнинг энг муҳим вазифаларидан бири паранжига қарши кураш деб билди. Чунки қора чимматни ташлаш ёруғ оламни очик юз билан кўриш, илм олиш, ҳаётда эркаклар билан барабар ҳуқуқга эга бўлиш аёлларнинг асрлар давомидаги орзуси эди.

1927 йил 8 март куни Ўзбекистонда бўлган , сунъий равишда ташкил этилган юзлаб митингларда қатнашган минглаб хотин-қизлар ўз паранжиларини ташладилар. Лекин бу даврда, бундай тадбирларни ўтказишда тарихий шарт-шароит, миллий маънавий дунёқараш, анъаналар, урф-одатлар эътиборга олинмаган эди².

Оқибатда “Хужум”нинг моҳиятини тушуниб етмаган баъзи партия ходимлари ўзлари англамаган ҳолда унга зид ҳаракатлар қилганликлари архив ҳужжатларидан маълум. Ёки айрим масъул ходимларнинг тушунтириш ишларини аввало эркаклар ўртасида олиб бориш лозимлиги ҳақидаги фикрлари эса инобатга олинмади. Паранжи ташлашда ихтёрийлик ва эҳтиёткорлик, миллий урф-одатларни ҳурмат қилиш ўрнига, зўравонлик, мажбурлаш, кўркитиш ва жазолаш усуллари устиворлик қилди. Тарғибот-ташвиқот ишлари фақат аёллар ўртасида олиб борилди.

“Хужум” бошланиши билан аёллар номидан судларга ажрашиш хусусида кўплаб аризалар тушган бўлиб, улар Совет ҳукуматининг балоғатга етмаганларни эрга узатиш,

³ Ўша жойда. 51-бет

¹ Ўзбекистоннинг янги тарих . 2-қитоб.-Т.: “Шарқ”.2000. 376-бет.

² Ўша жойда.376-бет.

калин бериш, кизларни рухсатсиз никоҳ ўқитишни тақиқлаш ҳақидаги янги қонунларига таяниб ўзларининг мутаасиб ёки кекса эрларидан ажратишни истаган аёлларнинг мурожаати эди. Унинг асосий сабаби Совет суд органларининг ўйламасдан “Ажралиш ишлари бир ҳафтадан кечиктирмай кўриб чиқилсин”, деган банди бўлиб, жамият ҳаётига енгил-елпи қараш эди. Натижада минглаб оилалар бузулди, болалар эса ота-оналар ўртасида сарсон-саргордон бўлди. Шошма-шошарлик билан қўйилган қадам жамиятда ана шундай мудҳиш оқибатларга олиб келди.

Хотин-қизлар озодлиги учун кураш аслида синфий кураш эмас, дунёқарашлар кураши эди. Мазкур кураш асрлар оша халқимиз онгига муҳрланган тассавурлардан воз кечишга қаратилган ҳаракат эди. Бундай зўравонлик жамият таракқиётига салбий таъсир кўрсатди.

Инсоният тарихи шундан гувоҳлик берадики, минг йиллар давомида ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга муносабат билан белгиланади.

ЖЕНЩИНЫ ПРЕДПРИНИМАТЕЛИ В УЗБЕКИСТАНЕ

З.Узакова –магистрантка 2 курса

К числу важных проблем в условиях формирования рыночных отношений относится обеспечение занятости населения. И особое место здесь занимает вопрос о занятости женщин Узбекистана.

Хотя большое количество женщин и продолжают работать в сельском хозяйстве, приток женщин в микро, малые и средние предприятия возрастает, и в некоторых регионах они стали занимать доминирующее положение в растущем неорганизованном секторе.

Развитие предпринимательства позволяет обеспечить занятость женщин, улучшить их экономическое положение, даёт им возможность стать активными членами общества и принять участие в осуществлении реформ республики.¹

Но существуют ряд факторов, сдерживающие развитие женского предпринимательства:

- Отсутствие стартового капитала;
- Проблемы налогообложения и прочих государственных сборов;
- Доступ к кредитам;
- Доступ к информации и технологиям;
- Отсутствие знаний по ведению бизнеса;

Доступ к финансам

Большинство женщин в регионе не могут представить гарантий в банк, так как, в основном, имущество семьи оформляется на мужчин; высокие банковские проценты сужают круг предпринимательниц, заинтересованных в получении кредита. Не менее важным фактором является рост инфляции, который пугает женщин, не желающих рисковать своим бизнесом.

Доступ к информации и технологиям

¹ Умарходжаева М. Тезисы конференции /Олима аёлларнинг Фан-техника таракқиётида тутган урни/ Развитие малого бизнеса-приоритетные направления углубления экономических реформ в Узбекистане, Т.:ТДИУ, 2007 с. 99-100

Несмотря на то, что женщины используют на своих предприятиях современные технологии, у них нет достаточной информации.

Анализ, проводимый Ассоциацией в рамках Европейского проекта ИНТАС в 2003г. показал, что в гендерном аспекте преобладающая часть предпринимателей, использующие компьютер в своей работе, приходится на долю мужчин (41.7%), у женщин данный показатель равен 20.0%

Доступ к обучению¹

Этот аспект был всегда сложным для женщин из-за нехватки времени. Женщины находятся в менее выгодном положении в силу недостатка технических знаний в составлении бизнес-плана, в вопросах лоббирования и т.д.

Между тем, среди мужчин и женщин существует значительное различие в плане доступа к экономическим структурам в обществе и возможностей влиять на них. В большинстве регионов мира женщины практически не принимают участия, или же их участие минимально, в процессе принятия экономических решений, включая разработку финансовой, бюджетной, коммерческой и других видов экономической политики, а также системы налогообложения и нормы, регулирующие заработную плату. Поскольку зачастую именно в рамках такой политики, мужчины и женщины принимают свои решения, в том числе о том, как разделить свое время между оплачиваемым и неоплачиваемым трудом, фактическое формирование таких экономических структур и политики непосредственно влияет на доступ мужчин и женщин к экономическим ресурсам, на их экономические возможности и соответственно, на степень равенства между ними на индивидуальном уровне и на уровне семьи, а также в обществе в целом.

В Республике Узбекистан за годы независимости осуществляется большая работа прав женщин и усиление их активности в предпринимательской деятельности.

Сегодня уже женщины все чаще выходят на работу по собственному желанию, более четко осознавая свои права и требуя их соблюдения. Некоторым из них удастся получить работу и продвинуться по служебной лестнице, а также добиться повышения заработной платы и улучшения условий труда.²

По данным АДЖУ уже на 2005 год женское предпринимательство охватывало 21 тысячу женщин. Из них:

- 36% в сфере услуг
- 30 % в торговле
- 32 % в сельском хозяйстве
- 2 % в промышленности

Сведение о количестве женщин являющиеся руководителями субъектов малого и частного предпринимательства по Республики Узбекистан

№	Территориально	Кол-во предпринимателей, прошедших государственную	Из них женщин руководителей	Общее кол-во женщин руководителей в % соотношении
---	----------------	--	-----------------------------	---

¹ Алимбекова Д. Ассоциация деловых женщин Узбекистана, «Женщины предприниматели Узбекистана», Астана, май 2005, с. 6-10

² Аел ва мустақиллик, август 2007, с. 12-14

		регистрацию		
1	Республика Каракалпакстан	12279	1608	13,1
2	Андижан	23573	719	3,1
3	Бухара	19972	4004	20,0
4	Джиззах	17701	241	1,4
5	Кашкадарья	18499	1545	8,4
6	Навои	9373	1093	11,7
7	Наманган	11903	752	6,3
8	Сурхандарья	11785	72	0,6
9	Сырдарья	11460	669	5,8
10	Самарканд	26795	298	1,1
11	Ташкент	17758	1791	10,1
12	Фергана	19656	3848	19,6
13	Хорезм	16326	135	0,8
14	Город Ташкент	20355	4747	23,3
По Республике		237435	21522	9,1

Таблица составлена по данным АДЖУ

По видам экономической деятельности женщины-предприниматели в основном функционируют в сфере услуг, торговле и общественном питании.

Крайне низка доля женщин – предпринимателей в отраслях материального производства.

На основании Указа Президента принятого 25 мая 2004 года «О дополнительных мерах по поддержке Комитета женщин Узбекистана¹» была разработана соответствующая программа, нацеленная на улучшение экономического положения женщин за счет создания для них новых рабочих мест и поощрения их предпринимательской деятельности. Эта программа также предусматривает осуществление мер по повышению участия женщин в политической и общественной деятельности.

Также, поворотным в жизни республики и женщин Узбекистана стал Указ Президента Ислама Каримова от 2 марта 1995 года "О повышении роли женщин в государственном и общественном строительстве²", в котором отмечается огромная роль женщин в воспитании подрастающего поколения, их активное участие во всех сферах жизнедеятельности общества, в принятии политических и экономических решений на самом высоком уровне.³

Комитет ООН по ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин подготовил рекомендации к Национальному докладу Узбекистана по реализации Конвенции о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин. В качестве следующего шага

¹ http://www.uzbekistan.de/Ru/news/rn_23110804.html / Указ президента республики Узбекистан, Т.: 25 мая 2004 г., №УП-3434

² <http://www.allpravo.ru/library/doc>

³ Газета: народное слово. Предприниматель под защитой государства, 18 января 2008 №13 (4392)

Правительство приняло Национальный план действий и создало рабочую группу для координации и мониторинга его реализации. Наше Правительство также поддержало ряд мероприятий по повышению уровня осведомлённости женщин о своих правах и улучшению их положения в стране.

В результате можно сделать вывод о том, что в сложных условиях переходного периода, связанного с переходом Узбекистана к рыночной экономике и формированием демократической политической системы, проблема равноправия полов критически переосмысливается с позиции современных достижений и подходов.

По нашему мнению роль современной женщины в экономике нашей страны, с каждым годом будет возрастать, потому что в Узбекистане для этого созданы необходимые условия и возможности.

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ФАНИДАН ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ.

С.Р.Тўраев – тарих фанлари номзоди, доцент.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълими стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли қарори асосида кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилишда талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби белгиланган. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2005 йил 21 февралдаги 34-сонли буйруғи билан «Талаба мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисида», намунавий Низом тасдиқланган.

Талаба мустақил таълимини ташкил этишнинг асосий мақсади, ўқитувчи раҳбарлиги ва назорати остида талабада муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантириш ҳамда ривожлантиришдан иборатдир. Мустақил таълим эркин фикрлаш ва чуқур билим олишда муҳим омил ҳисобланади. Президент И.А.Каримов таъкидлаганларидек: «Демократик жамиятда болалар, умуман ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта, билим керак, аммо билим ўз йўлига мустақил фикрлаш ҳам катта бойликдир».¹

Юқори малакали педагог-тарихчилар тайёрлаш жараёнида Ўзбекистон тарихи фанидан мустақил таълимни ташкил этишда:

- а) Мавзуга оид бирламчи манбаларни мустақил ўзлаштириш;
- б) Мавзу доирасида қўшимча манбаларни таҳлил қилиб рефератлар бажариш;
- в) Семинар, мулоқат дарсларига материаллар тайёрлаш;
- г) Музейларга, археологик экспедицияларга, зиёратгоҳларга, архив ва педагогик амалиётларга чиқиш учун тайёргарлик кўриш;

¹ Каримов И.А. Баркамол авлод-Ўзбекистон Тараққиётининг пойдевори. Т. «Шарқ...» 1997йил 9с.

- д) Мавзу материаллари бўйича тахлилий жадваллар, хариталар яратиш;
- е) Курс иши (лойиҳаси)ни бажариш;
- ж) Малакавий битирув иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш;
- з) Назарий билимларни педагогик амалиёт жараёнида қўллаш;
- и) Мавзу материаллари доирасида таълим самарадорлигини таъминлашга хизмат қилишга йўналтирилган ишланма, тарқатма материаллар тайёрлаш;
- к) Муайян мавзулар бўйича илмий мақола, илмий анжуманларга маъруза тезисларини тайёрлаш, талабалар танловларига тайёргарлик кўриш каби мустақил таълим шакллари мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2005 йил 21 февралдаги 34-сонли буйруғи асосида маъқулланган «... мустақил таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги Низомга асосан талабанинг ҳафталик ишларини умумий ҳажми бакалавриятнинг кундузги бўлимида 22 соатни ташкил этади.

Талабалар билан мустақил таълимни ташкил этиш бўйича шаклланган тажрибалар таҳлил қилинганида, тарих йўналишидаги талабалар билан профессор-ўқитувчилар юқорида келтирилганларнинг у ёки, бу шаклларида фойдаланишмоқда.

Бу шакллар орасида Ўзбекистон тарихидан семинар машғулотларига тайёргарлик кўриш жараёни мустақил таълимда муҳим аҳамият касб этади. Семинар машғулотида тайёргарлик ва бу жараёнга мустақил тайёргарлик кўриб юксак натижага эришиш ўқитувчидан талабанинг мустақил таълимини ташкил этишга тўғри ва аниқ йўналтиришни тақозо этади. Талабанинг фаолиятини ўз вақтида рағбатлантириш, ҳолисона баҳолаш мустақил таълимнинг самарали бўлишига олиб келади. Семинар машғулотларига мустақил тайёргарлик кўриш жараёнида, талаба мавзу мазмунига оид масалаларни манбалар ва адабиётлар асосида ўрганади. Шаклланган тушунча ва билимларни семинар дафтарида баён этиш билан талаба олган билимларини мустаҳкамлашга ва мавзу доирасида тафаккурини кенгайтиришга муваффақ бўлади. Семинар машғулотларига тайёргарлик кўриш ва баҳолаш билан боғлиқ жараён талабанинг Ўзбекистон тарихи фанидан ўзлаштириши жорий баҳолашда бўлиб 35 балл билан баҳолаш тизими мавжуд. Тажриба шуни кўрсатадики, талаба ёшларнинг семинар машғулотларига тайёргарлик кўришга ёндошишлари ҳар хил. Айрим ҳолларда семинар баёнини ёзмасдан оғзаки савол-жавобда иштирок этиб зарур бўлган баҳони олиш билан аҳволдан чиқиб кетишга ҳаракат қиладиган талабалар ҳам учраб қолади. Бунда семинар ўқитувчиси талабанинг фаолиятини тўғри йўналтириши, семинар машғулотида тайёргарлик кўриши жараёнида мавзуга оид адабиётлар ва манбаларни қандай ўрганганлиги, таҳлил қилингинлигини асословчи семинар баёни бўлишини талаб этиш лозим бўлади. Мустақил таълим жараёнида талаб даражасидаги семинар баёнининг бўлиши, бу талабада:

- биринчидан:** мавзуга оид манбалар ва адабиётлар билан системали ишлаш кўникма ҳамда малакасини шаклланиб тараккий этиб боришига хизмат қилади;
- иккинчидан:** таҳлил орқали хулосалар чиқариш билан биргаликда фикрлаш фазилатларини такомиллаштиради;
- учинчидан:** мавзуга оид материаллар бўйича мулоқатга чиқа олиш, баҳс юритиш ва ўз нуқтаи назарини асослашга уриниш фазилатини шакллантиради;
- тўртинчидан:** семинарни дафтарга ёзиш талабанинг ёзув маданиятини такомиллашиб боришига хизмат қилади.

Ўзбекистон тарихи фанидан жорий баҳолаш таркибидаги мустақил таълимни ташкил этиш ва уни баҳолаш фан материалларини талабалар томонидан ўзлаштиришни таъминлашда муҳим масала ҳисобланади. Жорий баҳолашдаги умумий 45 баллнинг орасидаги мустақил таълимга 10 балл ажратилган. Бугунги кунда тарих йўналишидаги барча ўқитилаётган фанлар ўқитувчилари мустақил таълим бўйича юқорида келтирилган шакл бирортасини қўллаш билан талабанинг мустақил таълим фаолиятини баҳолашмоқда. Ўзбекистон тарихи фанидан ҳам мустақил таълимни ташкил этган шаклларни ўрганиб таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқда-ки, қўлланилаётган шаклларнинг аҳамиятини камситмаган ҳолда қуйидаги икки мустақил таълимнинг шаклига эътиборни қаратиш зарур ҳисобланади.

Биринчиси: маъруза ва семинар машғулотидаги илгари сурилган ғояларни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи манбаларни, фактларни таҳлил қилиш ва талабанинг ҳулосалари баён этган мавзу бўйича дафтар тутиш мақсадга мувофиқдир. Бу жараёни ташкил этишда Ўзбекистон тарихи фани ўқитувчиси дастлабки машғулоти кунлариданок мустақил таълимнинг мақсади ва вазифаларини тушунтириши, бажарилиш тартибини ва муддатини белгилаб олиши муҳим ҳисобланади. Бунда ўқитувчи албатта мустақил таълим мавзулари ва уларнинг режалари ҳамда бажарилиши тартиби ҳақида аниқ, тушунарли маълумот бериши зарур бўлади. Амалда айрим ўқитувчилар ўқув фани тугагандан сўнг мустақил таълимнинг натижаларини таҳлил қилишга уринишади. Бундай ҳолларда айрим талабалар номигагина мустақил таълимдан балл тўплаш учун топшириқларни бажариш ҳолатларини кўришимиз мумкин. Шунинг учун мустақил таълим учун талабаларга тавсия этилаётган мавзулар сони агар 20 та бўлса, ўқув жараёни муддатининг ўртасида 10 та мавзу бўйича баён талаб қилиниб, максимал 5 балл асосида баҳоланиб, кейинги 10 та мавзунинг бажарилиши Ўзбекистон тарихи фани бўйича курснинг ёки семестрнинг охирида 5 балли системада баҳоланса мақсадга мувофиқдир. Чунки бундай усул биринчидан-талабани системали топшириқни бажариб самарали билим олишга олиб келса, иккинчидан-ўқитувчи талабаларнинг бажарган мустақил таълим ишларини чуқур таҳлил қилиш ва ҳолисона баҳолаш имконига эга бўлади, учинчидан-талаба мустақил таълим жараёнидаги ўз фаолиятини аниқ идрок этган ҳолда юқори натижага эришиш учун астойдил ҳаракат қилади.

Иккинчиси: Маъруза ва семинар машғулоти мавзусидаги ҳар бир режанинг масалалари бўйича талаба-ёшларга тест синовлари материаллари тайёрлашни топшириш. Бунда ўқитувчи талаба-ёшларга мавзуларни бўлиб бериши, тест тайёрлашнинг талаблари ва бажарилиши муддатлари ҳақида тўлиқ маълумот бериши шарт. Тайёрланган тестлар мавзулар мазмунига мос келиши, талаб даражасида тузилганлиги экспертдан ўтгач, барча мавзулар бўйича тайёрланган тест саволлари барча академ гуруҳ талабалари томонидан ишлаб чиқиладиган ва натижаларига кўра талабаларнинг фаолияти жорий назорат орқали баҳоланади. мустақил таълимнинг бундай шакли:

-биринчидан: талабани мавзу бўйича маъруза ва семинардаги ўрганган материалларини мустаҳкамлаш билан биргаликда, қўшимча манбаларни, материалларни ўрганишга йўналтиради;

-иккинчидан: қўйилган мавзу доирасида фикрлаш, муносабат билдира олиш фазилатларини шакллантиради;

-учинчидан: талаба тафаккурида изланиш ва ўрганиш жараёнида мавзу бўйича кенг камровли ҳамда асосли билимлар шаклланади.

Демак, Ўзбекистон тарихини чуқур ўрганишда, мустакил таълим орқали талаба ёшлар орасида қўлланилаётган шакл-услублар ранг-баранг бўлишидан қатъий назар, бу соҳадаги фаолиятининг самарали бўлишини ўқитувчидан юксак маъсулият ва тажриба бўлишини талаб этади.

ДИНАМИКА ЦЕНОВОЙ ПОЛИТИКИ НА ПРОДУКТЫ В ТАШКЕНТЕ В 60 – 80 ГОДАХ XIX ВЕКА

Е. Пустовая – старший преподаватель

В данной статье будет рассмотрен вопрос о том, каким образом мы можем судить о политическом положении и экономическом состоянии Ташкента в 60 – 80 годы XIX века, используя цены на продукты.

Именно продукты, прежде всего, потому что – это товары первой необходимости, которые пользуются спросом независимо от времени года, национальных особенностей и политических кризисов. А также торговля продуктами, такими как сухофрукты, чай и сахар, являлась не только внутренней, но и внешней, и Ташкент – как центр торговли в Средней Азии, производил в основном оптовую торговлю этими товарами.

Цены и весовая стоимость будут рассмотрены по тем категориям, которые использовались на тот период и существенно отличались от современных. В Ташкенте употреблялись следующие меры веса:

1 батман – 10,5 пудов¹; 1 пуд – 16,3 кг²; 1 фунт – 409,5 г³.

Так же при оптовой торговле использовалась мера «верблюд» равная 16 пудам, т.е. столько товара, сколько можно было провести на одном верблюде. Цены рассматриваются в российских рублях, поскольку взяты из российских источников и являются реальной валютой данного периода.

В начале 60х гг. XIX века Ташкент находился в подчинении Кокандского ханства. В май 1865 года он был захвачен царскими войсками России, и некоторое время его судьба являлась неопределенной, пока в августе 1866 года Ташкент, Ходжент и Зачирчикский край не были официально объявлены включенными в состав России. В 1867 году Ташкент становится центром Туркестанского генерал – губернаторства.

К этому времени город занимал территорию около 16 квадратных километров, с населением примерно 100 тыс. человек. Это был богатый и красивый город, обладавший значительными по тому времени уровнем культуры и благоустройства. Вода из реки Чирчик была проведена по каналу Бозсу и его ответвлениям – Калькауз, Анхор, Лабзак, Чорсу, Тарлак и др.

Жаркий климат, плодородная лесовая почва и орошение, в сочетании с трудолюбием, создавали благоприятные условия для граждан. В Ташкенте выращивали виноград, персики, абрикосы, сливы, черный и желтый инжир, гранаты, яблоки, груши, айву, вишню, черешню, орехи, миндаль и фисташки.

¹ Туркестанские ведомости. 8 февраля 1877. №6.

² С. И. Ожегов. Словарь русского языка. М., 1986. С. 547.

³ Там же. С. 746.

В окрестностях города и долинах рек Чирчика и Ахангарана сеяли рис, хлопок, пшеницу, ячмень, просо, джугару, а также масличные – кунжут, зыгир. На пригородных полях произрастали дыни особо ценных сортов: ашири, мирази, кукча, бехзади и др., а также арбузы, овощи и зелень. В низовьях Чирчика и на Сырдарье вылавливали рыбу: осетров, белугу и других. Занимались жители и шелководством, животноводство же в Ташкенте не было развито, держали только лошадей и ослов, иногда молочный скот. На мясо покупали овец у кочевников – казахов в обмен на хлеб, фрукты, ткани и другие ремесленные изделия.

Ремесленники составляли большинство населения Ташкента. При этом многие сочетали ремесло с сельским хозяйством, выезжая на место в окрестности города. Производством хлопчатобумажных и полушелковых тканей занимались и мужчины и женщины. Вытканые ими материи пользовались большой популярностью и на внешних рынках. Кроме ткачества в Ташкенте были развиты металлообработка, кожевенное и гончарное дело, шерстевальение, изготавливались шубы, шапки, сапоги, седла, конская и ослиная сбруя, оружие, инструменты и орудия труда, необходимые в ремесленном производстве и земледелии.

Географическое положение Ташкента на границе с кочевой казахской степью способствовало интенсивному развитию земледелия и ремесла, создавало благоприятные условия для внутренней и внешней торговли. Так из хлопка, шелка, серы и меди, доставляемых из других мест Средней Азии, изготавливались товары, которые сбывали в казахские степи, где торговля чаще всего была меновой.

Ташкентские купцы торговали не только с кочевниками казахской степи, но и выезжали со своими товарами в Бухару, Мианкаль, Самарканд, Карши, Шахрисабз, Куляб и другие среднеазиатские города.

Именно это сыграло решающую роль в становлении Ташкента не только административным, но и торговым центром Туркестанского генерал – губернаторства. Ташкент становится транзитным пунктом Средней Азии с Россией. Товары с разных районов свозились в Ташкент, где была организована ярмарка по принципу российских ярмарок. Специальный ярмарочный комитет занимался вопросами, как внутренней, розничной и оптовой, так и внешней – оптовой торговлей. Комитет собирал и публиковал сведения о торговле и промышленности края, для отражения истинного положения торговли России в Средней Азии¹. Опираясь на его сведения, в статье даются выводы.

Как известно, на современном этапе развития экономики, изменения уровня цен, показывает уровни инфляции или дефляции в государстве. Так же денежные показатели используются в качестве распространенных показателей национального дохода². Но поскольку на данный период времени у нас нет сведений об объемах производства, и мы не можем рассчитать валовый национальный продукт, то эти колебания цен отражают совсем другие показатели.

Для начала рассмотрим цены на товары, используемые на внутренних рынках.

№	годы	мясо в коп. за фунт	изюм в коп. за фунт
1	1866	2,5 к.	4,5 к.

¹ Туркестанские ведомости. 8 ноября 1871. № 41.

² Кемпбелл Р. Макконел, Стенли Л. Брю. Таллин., 1993. С. 145.

2	1868	4 к.	-
3	1871	6 к.	6 к.
4	1872	5,4 к.	3,5 к.
5	1879	4,5 к.	-
6	1882	8 р.	-

В таблице приведены данные на мясо и изюм в копейках, весом в один фунт.

Из таблицы видно, как меняются цены. Это местные, т.е. среднеазиатские товары, однако оба товара на Ташкентские рынки поступают из других регионов. Мясо, как было указано выше, доставляли кочевники, пригоняя на продажу скот. Следовательно, повышение цен, это прежде всего трудности связанные с перегоном скота, которые происходили в это время, во-первых из-за военных действий, во вторых, из-за сложных погодных условий, когда вследствие снегопадов или дождей, уменьшался пригон скота. Так было, например, в декабре 1879 года. До 11 декабря средняя цена на мясо составляла 3 - 5 копеек за фунт, однако с 11 декабря городская управа по просьбе мясо – торговцев подняла цену до 4 – 6 копеек за фунт¹.

Изюм также доставляли в Ташкент, однако цены здесь меняются не только по причине трудности доставок.

Ниже приведена таблица оптовых цен на изюм в 1871 году, собранная Ташкентским ярмарочным комитетом.²

№	Дата	Цена за верблюда в руб
1	21.04	32
2	18.07	29
3	26.07	30
4	1.08	30
5	21.08	38
6	30.08	30
7	12.09	27
8	26.09	30
9	1.11	35
10	19.12	35

Цена на изюм непостоянна в течение всего года. Это экспортный товар и он пользовался спросом в те моменты, когда отправлялись караваны в Россию. Также цена зависит от привоза из других городов. Так, в августе цена резко подскочила по причине малого привоза изюма из Коканда, Намангана, Ходжента и Самарканда, почти весь товар был скуплен для отправки в Россию, в результате чего винокуренные заводы остались без сырья и вынуждены были временно прекратить работу. Цена на самый низкий сорт поднялась до 30 руб. за верблюда.

Следующая таблица отражает оптовые цены на изюм в период 60-80 годов:

№	Годы	средняя цена
---	------	--------------

¹ Туркестанские ведомости. 18 декабря 1879. № 50.

² Туркестанские ведомости. 1871.

1	1865	12 р. 15 к.
2	1871	33 р. 35 к.
3	1872	30 р. 38 к.
4	1873	30 р.
5	1876	19 р.
6	1877	18 р.

Зная ход политических событий данного периода, становятся понятны все ценовые колебания. В те годы когда происходят активные военные действия, цены резко возрастают, как только на территории Среднеазиатских государств наступает период относительной стабильности цены постепенно снижаются, хотя не доходят до уровня которая она занимала в прежнее времена.

Другими весьма важными товарами, спрос на который был постоянный, являются пшеница и рис. Оба эти продукта обращались только на внутренних рынках, не импортировались и не экспортировались.

Ниже приведена таблица цен на пшеницу, а также сравнительная таблица цен на рис.

Цена на пшеницу:

№	Годы	средняя цена за батман
1	1866	7,5
2	1868	5,5
3	1869	5,5
4	1870	4
5	1871	12
6	1872	12
7	1873	5,5
8	1875	3,5
9	1877	4,1
10	1878	6
11	1879	8,5
12	1880	17,5

Здесь мы так же видим взлет цен в период военных действий и политических катаклизмов. Однако в большей степени повышение цены зависит от того насколько урожайным или неблагоприятным являлся тот или иной год. Зима 1880 года явилась очень тяжелым испытанием для жителей Туркестанского Генерал-губернаторства. Небывалое изобилие снега в сочетании с сильными морозами и плохим урожаем, многих застали врасплох и повлекли за собой голод, а также небывалое увеличение цен на пшеницу.

Цена на рис.

№	Дата	Цена за батман в рублях
---	------	-------------------------

1	1866	11 р. 50 к. ¹
2	21.04.1871	14 р. – 16 р. ²
3	16.05.1871	Неочищенный 5 р. – 7 р. 60 к. ³
4	18.07.1871	14 р. – 15 р. ⁴
5	10.08.1871	16 р. ⁵
6	4.04.1872	10 р. – 12 р.
7	Июнь 1873	11 р. 50 к. ⁶

Как видно из таблицы, ценовая политика на рис подчинялась тем же законам.

Не менее важными товарами, которые характеризуют политическое и экономическое состояние Ташкента, являются продукты ввозимые в Среднюю Азию. Это сахар и чай. Рассмотрим цены на сахар:

№	Дата	Цена за пуд в рублях
1	1866	9,5
2	1871	12
3	1872	14
4	1873	12
5	1874	11,5
6	1875	10
7	1876	10
8	1877	9

Сахар обычно ввозился из России. В первые годы после установления российской власти, когда караваны приходили нерегулярно и многие купцы боялись ехать в неизведанный для них край, цены стояли высокие. Все зависело от того, какую цену поставит сам купец, поскольку конкуренции особой не было. “Можно было привозить в Ташкент дешевый, а подчас и бракованный товар и сбывать его здесь за непомерно высокую цену”⁷. Впоследствии, когда караваны стали приходить, чаще цена снизилась. Однако она продолжала оставаться дорогой по отношению к другим областям, поскольку сахар стали поставлять через Кавказ. Соответственно он продавался в Бухаре дешевле, чем в Самарканде и Ташкенте⁸.

Такого же характера причины влияли и на изменение цен на чай. Популярностью пользовался зеленый чай, хотя и черный чай, такие как аккуйрюк, кантонский и кяхтинский

¹А. Хорошин. Очерки Ташкента. Русский инвалид. № 243.// Туркестанский сборник сочинений и статей относящихся до Средней Азии вообще и Туркестанского края в особенности, составленный по поручению Туркестанского Генерал – Губернатора К. П. Кауфмана В. И. Межовым. Т. СПб. 1868. С. 217.

²Туркестанские ведомости. 1871. 3 мая. № 14.

³Туркестанские ведомости. 1871. 14 июля. № 20.

⁴Туркестанские ведомости. 1871. 26 июля. № 26.

⁵Туркестанские ведомости. 1871. 16 август. № 29.

⁶Туркестанские ведомости. 1873. 19 июнь. № 24.

⁷Туркестанские ведомости. 1874. 14 мая. № 19.

⁸М. А. Терентьев. Россия и Англия в борьбе за рынки. СПб. 1876. С. 44.

расходились неплохо. Чай привозили разными путями, через Петропавловск, через Афганистан и Кашгар. И Россия предпринимает различные меры, чтоб ограничить привоз чая из Индии. Поэтому с 1881 года беспошлинно провозились только кяхтинские чаи, с индийских стали брать 36 копеек с фунта, вместо прежних 15 копеек¹. Так если в 1867 году фунт любого черного чая стоил 2 р. 50 к.², то в 1882 году индийский чай продавался за 2 р. 20 к. за фунт, кирпичный по 40-65 к.³. Влияли на торговлю чаем и политические события в Кашгаре. Например, ак-чай стоивший до восстания дунганей – 1 р. 60 к., после него поднялся до 3 р.⁴. Происходили колебания цен, и по уже названным причинам, связанные с приходом караванов и военными действиями. Однако чайная торговля как никакая другая отражает зависимость цен данного периода от политических событий, происходивших в узбекских ханствах и близлежащих странах.

Таким образом, выше приведенных данных можно сделать вывод, что ценовая политика Ташкента данного периода была крайне нестабильной. Она не зависела от уровня производства в Туркестанском Генерал-губернаторстве или в узбекских ханствах, а подчинялась ряду случайных политических и природных причин.

ЎЗБЕКИСТОН – МАЛАЙЗИЯ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ.

Д.А.Рустамов – III-курс талабаси

Малайзия — Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиёдаги ишончли шерикларидан. Мамлакатларимиз ўртасида ўхшаш жиҳатлар кўп. Аввало, Малайзия халқининг ўзбеклар каби меҳмондўстлиги, табиатга алоҳида меҳри ва меҳнаткашлигини таъкидлаш жоиз.

Мустақиллик йилларида халқимиз саноатнинг янгидан-янги, мураккаб технологияли соҳаларини ўзлаштириш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва кенгайтириш йўлида улкан муваффақиятларга эришмоқда. Бунга автомобилсозлик, тўқимачилик, маиший электроника соҳаларидаги ютуқларимиз яхши мисол бўла олади. Нефть-газ, пальма ёғи ва қалайи захираларига бой Малайзия ҳам ўз даврида «хом-ашё базаси» бўлган. Бугун у жадал тараққий этаётган мамлакатдир.

Ўзбекистон-Малайзия ҳамкорлиги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасидаги ўзаро манфаатдорликка асосланади. 2008-йил 16 ноябрда Малайзия Бош вазيري Абдулла бин Ҳожи Аҳмад Бадавий расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Айни пайтда ушбу мамлакат билан муносабатларни ривожлантириш нафақат икки томонлама, балки кўп томонлама алоқалар кўламини кенгайтиришга хизмат қилади. Малайзия — Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари уюшмасининг (АСЕАН)⁵ етакчи аъзоларидан. Бу Ўзбекистон учун

¹ Туркестанские ведомости. 1884. 29 мая. № 21.

² Туркестанские ведомости. 1882. 7 сентября. № 35.

³ А. П. Субботин. Чай и чайная торговля в России и других государствах. СПб. 1892. С. 517.

⁴ Очерк внутренней торговли Киргизской степи. Сборник сведений по Министерству Финансов. 1867. № 8 - 9// Туркестанский сборник ... т. 5. СПб. 1869. С. 300.

⁵ АСЕАН-Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари Ассоциацияси. 1967-йилда ташкил топган. Таркибида Бруней(1984-йил), Индонезия, Малайзия, Сингапур, Таиланд ва Филиппин киради. Ҳидоятлов Г.А. Жаҳон тарихи. Тошкент: «Шарқ», 2004. 244 бет.

Жануби-Шарқий Осиё минтақаси билан муносабатларни ривожлантиришда муҳим омилдир. Айни пайтда Малайзия Ислом конференцияси ташкилотининг (ИКТ)¹ энг фаол ва нуфузли аъзоларидан. Мамлакатларимиз ушбу ташкилот доирасидаги ҳамкорлик орқали ислом дунёси давлатлари билан алоқалар кўламини кенгайтиришнинг янги имкониятларини очиши мумкин. ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани Малайзияда катта мамнуният билан қабул қилинганини, шу муносабат билан юртимизда ўтказилган йирик халқаро анжуманларда Малайзиядан нуфузли делегациялар катнашганини таъкидлаш жоиз.²

Мамлакатларимиз халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаб, ташаббусларини ёқлаб келади. Ўзбекистон БМТ ҳузуридаги тузилмаларга аъзолик борасида кўп маротаба Малайзиянинг номзодини ёқлаган: 1997 йили — ЭКОСОСга, 1998 йили — Хавфсизлик кенгашининг нодоимий аъзолигига, 1997, 2001 ва 2005 йиллари — Югославия бўйича халқаро трибуналга, 2003 йили — Руанда бўйича халқаро трибуналга, 2004 йили — Хотин-қизларга нисбатан барча камситишларга барҳам бериш кўмитасига, 2008 йили — «Кодекс Алиментариус» комиссияси раислигига. Ўзбекистон 2007 йилда Малайзиянинг Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти Ижроия кенгаши аъзолигига номзодини ёқлади. Малайзия Ўзбекистон раҳбарининг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш, Марказий Осиё умумий бозорини ташкил қилиш борасидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлайди, 2006 йили мамлакатимизнинг Осиёда ҳамкорлик бўйича мулоқотга аъзолигини ёқлади.

Ўзбекистон билан Малайзия ўртасида олий даражадаги ташрифлар мунтазамлик касб этгани икки мамлакатнинг ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканидан далолатдир. Бунинг тасдиғи учун сўнгги йилларда бўлиб ўтган саммитларни таъкидлаш kifоя. 1996 йилда Ўзбекистон ва Малайзия давлатларининг Фанлар академиялари ўртасида илмий ҳамкорлик борасида меморандум имзоланди. Ўзбекистондан 20 дан ортиқ олим, 130 га яқин мутахассислар турли хил ўқув ва семинарларда катнашиб, Малайзияда тажриба ошириб келди. Айни пайтда Малайзия университетида ўзбекистонлик талабалар менежмент, бизнес ва меҳмонхона хизматлари мутахассислиги бўйича таҳсил олишмоқда. 2001 йилда халқаро «Экосан» жамғармасининг Ўзбекистон бўлими Билан Малайзиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ўртасида экология ва аҳолининг соғлиғини сақлаш соҳасида «Режа асосида келишуа ҳаракати» тўғрисидаги битим имзоланди. Малайзия элчихонаси, Ўзбекистон ҳукумати Малайзиянинг нодавлат ташкилотлари Оролбўйи аҳолисига молиявий ва техник ёрдам бериш, экология ҳамда аҳоли соғлиғини сақлаш муаммоларини ҳал қилиш борасида биргаликда ҳамкорлик қилиш бўйича келишиб олишди.³ 2003 йили Малайзия Қироли Туанку Саййид Сирожуддин Жамалуллайл зоти олийлари Ўзбекистонга келган бўлса, 2005 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Малайзияга ташриф буюрди. Малайзия Бош вазири Абдулла Бадавийнинг Ўзбекистонга ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ишончга, икки томонлама манфаатдорликка асосланган ана шу муносабатларни янада ривожлантириш, янги мазмун билан бойитиш йўлидаги яна бир қадамдир.

¹ ИКТ- «Ислом конференцияси ташкилоти», 1971 йил ташкил топган. Ҳидоятлов Г.А. Жаҳон тарихи. Тошкент: «Шарқ», 2004. 6-ҳарита..

² Ўзбекистон – Малайзия: ҳамкорликнинг янги саҳифаси. «Халқ сўзи», 2008. 18 ноябрь

³ «Илдизи теран ҳамкорлик». Жамият ва бошқарув, 2007. №3, 85-86 бет.

Ташрифнинг асосий воқеалари 17 ноябрь куни бўлиб ўтди. Дўрмон қароргоҳида олий мартабали меҳмонни кутиб олиш маросими бўлди. Малайзия Бош вазири шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ислом Каримов ва Абдулла Бадавий шохсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Малайзиянинг давлат мадҳиялари янгради. Ислом Каримов ва Абдулла Бадавий фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон Президенти ва Малайзия Бош вазирининг яккама-якка суҳбати бошланди., Унда икки томонлама сиёсий муносабатларни янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш масалалари, томонларни кизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди, Ўзаро алоқаларни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтариш билан боғлиқ ҳамда халқаро аҳамиятга молик қатор масалаларда Ўзбекистон ва Малайзиянинг қарашлари ўхшаш ёки яқин эканлиги қайд этди.

Ислом Каримов ва Абдулла Бадавий АСЕАН ва ИКТ доирасидаги ҳамкорлик масалаларини ҳам муҳокамақилдилар. АСЕАН доирасидаги алоқалар юқори технологияларни ўзлаштириш, Ўзбекистон маҳсулотларини Жануби-Шарқий Осиё бозорларига олиб чиқиш ва ушбу минтақадан мамлакатимизга сармоя жалб қилишда муҳим аҳамият касб этади. Айни пайтда халқаро терроризм, диний экстремизм таҳдиди тобора ошаётган ҳозирги вақтда ИКТ доирасидаги ҳамкорлик ҳам жуда долзарбдир.

Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистон ва Малайзиянинг бу муаммога ёндашуви ўхшаш. Икки мамлакат ҳам Афғонистонда тинчлик ўрнатиш учун кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш, иқтисодиётни оёққа турғaziш, аҳолини иш билан таъминлаш масалаларига устувор аҳамият бериш зарурлигини таъкидлайди.

Ислом Каримов ва Абдулла Бадавийнинг Ўзбекистон ва Малайзия расмий делегациялари иштирокида ўтган кенгайтирилган тартибдаги музокарасида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилиб, истиқболдаги режалар амалга ошириш келишиб олинди.¹

2008 йилнинг август ойида Куала-Лумпурда ташки сиёсат маҳкамаларининг маслаҳатлашуви доирасида Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий ва сармоявий салоҳиятига оид тақдимот ҳамда бизнес-форум бўлиб ўтди. Бундай анжуманлар ишбилармонлар ўртасидаги бевосита алоқаларни ривожлантиришга, бир-бирининг имкониятлари ҳақидаги ахборот ва маълумот қўламини кенгайтиришга хизмат қилади. Миллий давлатчиликни шакллантириш, демократик ислохатларни амалга ошириш, иқтисодиётни бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтказиш ҳамда бозор муносабатларига ўтиш даврида ижтимоий муаммоларга алоҳида эътибор бериш зарур.² Шундай саъй-ҳаракатларнинг самараси туфайли сўнгги йилларда Ўзбекистон билан Малайзия ўртасида товар айирбошлаш ҳажми муттасил ўсиб бормоқда. Лекин бу Ўзбекистон ва Малайзия ҳамкорлигининг барча имкониятларидан тўлиқ фойдаланаётганини англатмайди. Ўзбекистоннинг экспорти асосан транспорт ва сайёҳлик хизматидан иборат. Малайзиядан эса электрон ускуналар, пальма ёғи, каучук ва резина буюмлар келтирилади. Аслида эса икки мамлакатда ҳам бу рўйхатни анча кенгайтириш имконияти мавжуд.

¹ Ўзбекистон – Малайзия: ҳамкорлигининг янги саҳифаси. «Халқ сўзи», 2008. 18 ноябрь

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. «Ўзбекистон», 1997. 211 бет.

Сармовий соҳадаги ҳамкорлик фаол ривожланмоқда. Президент Ислон Каримовнинг 2005 йилдаги Малайзияга давлат ташрифи асносида нефтьгаз конларини ўрганиш ва ўзлаштиришда ҳамда тўқимачилик, мебелсозлик ва электротехника соҳаларида янги кўшма корхоналар ташкил этишда сармовявий ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга хизмат қиладиган келишувларга эришилган эди. Айни пайтда мамлакатимизда Малайзия сармоядорлари иштирокида тузилган 22 корхона фаолият юритмоқда. Улар нефть-газ («UzMalOil», «Petronas Carigali Operating Company»), тўқимачилик («Малика Тиэлвэй», «Зобит», «Фикентекс»), мебелсозлик («Файз Минт Плаза»), электротехника («Алгоритм-Малайзия»), молия хизмати кўрсатиш («UzbekLeasing International») соҳаларида фаолият юритади.

Сармовявий соҳада Малайзиянинг «Petronas» корпорацияси билан ҳамкорликда қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Орол денгизининг Ўзбекистонга қарашли ҳудудида, Устюрт платоси ва Сурхондарёдаги сармовявий блокларда геологик тадқиқотлар олиб борилмоқда, янги конлар очилмоқда, тозаланган метандан синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқарадиган завод қурилиши бўйича лойиҳанинг техник-иқтисодий асослари ишлаб чиқилмоқда. Умуман, «Petronas»нинг Ўзбекистонга киритадиган сармояси ҳажми қарийб 2 миллиард АҚШ долларига етиши кутилмоқда.

Музокарада савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, хусусан, товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ва кўшма корхоналарни кўпайтириш масалалари муҳокама қилинди. Икки мамлакат иш одамларининг банк-молия, транспорт, сайёҳлик, ахборот технологиялари, маиший электроника, кимё, озиқ-овқат саноати, кишлоқ хўжалиги каби соҳалардаги бевосита ҳамкорлигини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари юзасидан фикр алмашилди.

Ислон Каримов Малайзия томонига транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида Навоий аэропорти негизида барпо этилган халқаро логистика марказидан фойдаланишни таклиф этди. Бу Малайзия учун Марказий Осиё давлатлари бозорларига йўл очган бўлур эди. Абдулла Бадавий бу таклифни қўллаб-қувватлаб, ўз навбатида Малайзия Ўзбекистон учун Жануби-Шарқий Осиё бозорларига кўприк вазифасини ўташга тайёр эканини таъкидлади.

Музокарада кишлоқ хўжалиги соҳасида Малайзиянинг илғор биотехнологияларидан фойдаланиш, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашда ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистонда Малайзиянинг электроника жиҳозлари ва ахборот-коммуникация техникаси ишлаб чиқарадиган йирик компаниялари филиалларини очиш имкониятлари кўриб чиқилди.

Томонлар гуманитар ҳамкорликка ҳам эътибор қаратдилар. Айни пайтда кадрлар малакасини ошириш борасида фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган. Олий ўқув юртини ислоҳ қилаётганда, уларни бошқа давлатлардаги олий ўқув юртлари билан алоқасини мустаҳкамлаш зарур. Ўз домлаларимиз билан чекланиб қолмай, четдан ҳам домлалар чақиришни йўлга қўйишимиз керак.¹ Ҳозиргача ўзбекистонлик уч юздан зиёд мутахассис Малайзиянинг техникавий ҳамкорлик дастури доирасида турли курслар ва семинарларда иштирок этди.

¹ Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2000. 194 бет.

2006 йили Малайзия Олий таълим вазирлиги делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида олий таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро меморандум имзоланди. Ўзаро англашув меморандумларига мувофиқ, «Истеъдод» жамғармаси билан Малайзия очик университети, Тошкент ахборот технологиялари университети билан Малайзия мультимедиа университети ўртасида бевосита ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бундан ташқари, миллий кутубхоналар, академик доиралар, қатор илмий-тадқиқот муассасалари ўртасида ўзаро алоқа ўрнатилди.

Маданий-маънавий яқинлик ва ривожланган сайёҳлик инфратузилмаси Ўзбекистондан Малайзияга, Малайзиядан Ўзбекистонга сайёҳлар оқими кўпайтиришда муҳим омил бўлади.

Музокара якунида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Малайзия ҳукумати ўртасида Қўшма баёнот қабул қилинди. Мамлакатларимиз ўртасида олий таълим соҳасида ҳамкорлик ҳамда илмий ва технологик ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро англашув меморандумлари, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан «Petronas Carigali» компанияси ўртасида нефть-газ соҳаси учун кадрлар тайёрлашда ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум, «Ўзбекнефтгаз» ва «Petronas Carigali Overseas» компаниялари ўртасида тузилган Сурхон сармоя блокада геология-разведка ишларини амалга ошириш бўйича битимнинг кучга кириши тўғрисидаги протокол имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислом Каримов ва Абдулла Бадавий музокаралар ўзаро ҳамкорликнинг янги саҳифаларини очишини, эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Малайзия халқларининг манфаатларига хизмат қилишини таъкидладилар.

— Малайзия Бош вазирининг Ўзбекистонга расмий ташрифи икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга хизмат қилиши ва ҳамкорликка янги суръат бахш этиши шубҳасиздир, — деди Ислом Каримов. — Мамлакатларимиз халқларини муштарак анъана ва қадриятлар бирлаштириб туради. Музокараларда икки томонлама муносабатларга доир масалалар, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашдик.

— Ўзбекистонга ташрифимиздан кўзланган мақсад ўзаро муносабатларни ривожлантириш, бизнес вакилларининг тўғридан-тўғри алоқаларини рағбатлантиришдан иборат, — деди Абдулла Бадавий. — Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми муттасил ошиб бормокда, сармоявий ҳамкорлигимиз ривожланмокда. Лекин ҳамкорлик учун ҳали кенг фаолият майдони мавжуд. Минерал ресурсларни, энергетика манбаларини ўрганиш ва ўзлаштириш, сайёҳлик каби соҳаларда ҳамкорлик суръатини ошириш тарафдоримиз. Маълумки, туризмга оид 2003 йилда тажриба алмашиш мақсадида икки гуруҳдан иборат журналистлар, 100 кишидан иборат беш гуруҳ профессор-ўқитувчилар малака ошириш учун Малайзияга бориб келдилар. Ўзбекистон ва Малайзия мамлакатлари ўртасида туризм соҳасини такомиллаштириш юзасидан Малайзиянинг йирик «Radius international», «Pasifik World Travel» компаниялари билан ҳамкорликда меҳмонхоналарни бошқариш, туристик инфратузилмани, туризм ривожлантириш ҳақида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, малайзиялик туристларнинг Ўзбекистон бўйлаб саёҳати каби маданий тадбирлар амалга оширилди.¹

Шу куни Малайзия Бош вазири Абдулла Бадавий Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз,

¹ «Илдизи теран ҳамкорлик». Жамият ва бошқарув, 2007. №3, 85-86 бет.

порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи
пойига гул қўйди.

1974 йил ташкил этилган мазкур йирик трансмиллий корпорация ҳозир 30 мамлакатда фаолият юритади. Дунёдаги энг қудратли 500 корпорация сафида турувчи «Petronas»нинг фаолият доираси жуда кенг. Булар нефть ва газ конларини ўрганиш ва ўзлаштириш, нефть ва газни қайта ишлаш, нефть маҳсулотлари ва суюлтирилган газ савдоси, маркетинг тадқиқотлари ўтказиш билан боғлиқ кўплаб тадбирлардир. Абдулла Бадавий «Абулқосимхон» мадрасасига ташриф буюриб, халқ ҳунармандлари буюмлари кўргазмасини кўздан кечирди.

Олий мартабали меҳмон пойтахтимизда Президент Ислон Каримов ташаббуси билан қайта қад ростлаган Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуини зиёрат қилди. Олий мартабали меҳмон Ҳазрати Имом жомеъ масжиди билан танишди, Мўйи муборак мадрасасида бўлди, бу ерда сақланаётган муқаддас Қуръоннинг энг нодир қўлёзмасини — Усмон Мусҳафини кўздан кечирди.

Қисқа қилиб айтганда, мустақиллик йилларида республикада халқаро миқёсда қабул қилинган юридик принциплар ва нормаларга асосланган кенг ҳуқуқий макон вужудга келтирилди. Мазкур норма ва принциплар инсон ҳуқуқлари, эркинликлари устуворлигига асосланади. Бу эса ислохотлар, тараққиёт ва ўзаро фойдали ҳамкорликнинг ортга қайтмаслиги учун кафил бўлиб хизмат қилади.¹

Шу тариқа, Ўзбекистон – Малайзия ҳамкорлиги натижасида кўплаб долзарб муаммолар ўз ечимини топиб бормоқда.

ПАРТИЯ КАДРЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ПАРТИЯВИЙ ЎҚИТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Н.С.Расулова – аспирант

Маълумки, кадрлар тайёрлаш, уларни ўқитиш, уларга иш ўргатиш ҳамма вақт ва ҳар қандай жамият ёки давлат тузилмаси, ҳар қандай ташкилот учун асосий масалалардан бири бўлиб келган ва сиёсий партиялар ҳам бу борада бошқа тузилмалардан асло фарқ қилмайди.

Президент И. Каримов бўлғуси кадрларни тайёрлаш масаласининг долзарблигига эътиборини қаратиб, “ҳозирги вақтда мутахассислар тайёрланаётган ҳар қайси ихтисослик йўналишлари реал ҳаёт талабларига қай даражада жавоб бериши, унга нафақат бугунги, балки яқин истиқболда қандай эҳтиёж борлигини ҳар томонлама чуқур аниқлашимиз лозим”² эканлигини таъкидлайди.

Шу маънода, кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимсиз сиёсий партия яшаб кета олмайди. Ҳеч бир маъмурий ресурс, ҳеч қандай маблағ барча соҳада саводхон, тайёргарлиги пухта кадрлар таркибининг ўрнини босишга қодир эмаслигини унутмаслик керак.

Ҳар бир сиёсий партия кадрларни ишга қабул қилиш жараёнида номзодларнинг қуйидаги хислатларига эътибор қаратиши лозим:

– Ватан тақдири учун қайғурадиган, унга бефарқ қарамайдиган ватанпарвар бўлиши;

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. «Ўзбекистон», 1997. 289 бет.

² Каримов И. А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2008. – 9 фев.

- партия ғояларига содиқ бўлиши, обрў-эътиборига доғ тушмаганлиги;
- сиёсий дунёқарашининг кенглиги, мавжуд муаммоларнинг моҳиятини тушуниши;
- касбий маҳорат ва тажрибаси борлиги;
- фуқаролик ва инсонийлик хислатларига эга бўлиши ва ҳ.к.

Партияга муносиб кадрларни танлаш, уларни мос лавозимга қўйиш, ватанпарвар қилиб тарбиялаш ва ўқитиш сиёсий партия олдида турган энг долзарб масаладир. Чунки кадрлар партиянинг асосий иш кучи ҳисобланади ва партиянинг аҳоли орасидаги обрў-эътибори, сайловдаги ғалабаси айнан ана шу кадрларнинг фаолиятига боғлиқ.

Сиёсий партияларда ташкил этилган сиёсий ўқувлар тизими партия олдида турган асосий вазифалар ечимини топишга ва ишнинг самарадорлигини оширишга қаратилган. Сиёсий ўқув принципаал жихатдан партия аъзоларининг янги қиёфасини шакллантиришга хизмат қилади. Партиявий тузилмалар давлат сиёсатини, энг аввало, минтакаларда, жойларда конструктив тарзда талқин қилишга қодир бўлмоғи зарур¹.

Шундай экан, бугунги кунда сиёсий партиялар олдида турган муҳим вазифалардан бири маънавий ва сиёсий жихатдан етук етакчилар захирасини яратишдан иборат.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз сиёсий майдонида фаолият юритаётган барча сиёсий партияларда тармоқланган тарғибот ишчи гуруҳлари фаолият юритмоқда, ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича мутахассислардан мафкуравий кадрлар захираси ташкил этилган, сиёсий реклама ва тарғибот ишлари кенг миқёсда амалга оширилмоқда.

Хусусан, ЎзЛиДеп томонидан 2007 йил 27 мартда “Партия тузилмаларида давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ижроия органларида бўшаган лавозимларни эгаллаш учун ЎзЛиДеп кадрлар захирасини шакллантириш дастури” қабул қилинди². Уни амалга ошириш учун партия сиёсий таълим тизимида, барча ҳудудий ташкилотларда махсус партиявий тадбирлар ишлаб чиқилди ҳамда ҳозирга қадар 13 мингга яқин партия фаоллари, жумладан, жамият ҳаётида фаол иштирок этаётган аёллар ва ёшлар ҳисобига партиянинг кадрлар захираси яратилди.

Қолаверса, партия ходимларини бугунги кун руҳига мос сиёсий вазифаларни бажаришга тайёрлаш мақсадида ЎзЛиДепда Сиёсий таълим маркази, ХДПда эса Сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими яратилган.

Бу каби сиёсий таълимларнинг асосий мақсади партия аъзоларини, айниқса ёш кадрларни кўппартиявийлик шароитида самарали ишлашга, ҳокимият органлари ва бошқарув фаолиятини шакллантиришда иштирок этишга, уларни керакли пайтда ҳокимият ва бошқарув органларидаги турли лавозимларда бемалол ишлашга имкон берадиган етук партия кадрлари қилиб тарбиялашга қаратилган³.

ЎзЛиДеп ва ХДПда бу борада каттагина ижобий тажриба тўпланган. Масалан, ЎзЛиДеп 2005 йилдаёқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Сиёсий таълим марказлари ташкил қилди, моддий-техник базасини яратди ва мустаҳкамлади, юксак малакали кадрлар билан бутлаш бўйича ишлар олиб борди, бошланғич партия

¹ Қаранг: ЎзЛиДеп Сиёсий Кенгаши IX Мажлиси (2007 йил 24 январь) // Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитасининг ахборотномаси. – Т., 2007. – 97–99-б.

² Қаранг: ЎзЛиДеп Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг Ахборотномаси. – Т., 2007. № 1.

³ Қаранг: Саид-Ғазиева Н. Сиёсий партияларда кадрлар захирасини шакллантириш масалалари // Фуқаролик жамияти. – 2008. – № 1(13). – 38-б.

ташкilotларининг раҳбарлари ва партия фаоллари, депутатлик корпуси учун доимий амал қилувчи семинарлар ўтказишни бошлади, марказий аппаратда шу номли сектор яратди.

ЎзЛиДеП бошқа партиялар ичида биринчи бўлиб вилоят Кенгашлари ҳузурида Сиёсий таълим марказлари фаолиятини йўлга қўйди. Унда асосан бошланғич ташкilotлар раҳбарлари ҳамда давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органларидаги партия гуруҳлари аъзолари учун доимий ўқув-семинарлар ўтказила бошланди¹.

Партия ўқуви икки йўналишда иш олиб боради: 1) бошланғич партия ташкilotлари учун; 2) депутатлик гуруҳлари учун. Бошланғич партия ташкilotлари учун 1–2 кунлик семинар-ўқувлар ҳозирги кунгача 7 босқичда амалга оширилди. Депутатлар учун 1–2–3 кунлик ўқувлар эса 2005 йилдан бери ҳар икки ойда ҳозирги кунгача жами 17 марта ўтказилди².

ЎзЛиДеПнинг республика даражасидаги партия ўқуви дастурида партиянинг раҳбар органлари вакиллари – Сиёсий Кенгаш аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сенаторлар, Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитасининг масъул ходимлари ҳам иштирок этмоқдалар. Минтақавий даражада эса ҳудудий кенгашлар аъзолари, бошланғич партия ташкilotларининг раислари, депутатлик гуруҳларининг аъзолари фаол катнашмоқдалар.

Худди шундай ялпи сиёсий таълим тизими ХДПда ҳам жорий этилган.

Бошланғич партия ташкilotлари раҳбарлари ва фаолларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун ХДП Марказий Кенгаши аппарати таркибида Ташкилий ва кадрлар билан ишлаш ҳамда парламент фаолияти масалалари бўйича бўлимнинг сектори мақомида Партия фаолларини тайёрлаш маркази ташкил қилинган. Ушбу Марказ партия марказий ва маҳаллий кенгашлари аппаратининг ходимлари, партиянинг сайланган органлари аъзолари, ХДПнинг халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларидаги депутатлар гуруҳларининг аъзоларини тайёрлашнинг системали курсларини ташкил қилиш масалалари билан шуғулланади.

ХДПда ушбу йўналишда олиб бориладиган ўқиш одатда уч даражада ташкил қилинади: **марказий** (ХДП вилоят ташкilotларининг раҳбарлари ҳамда халқ депутатлари вилоят (Тошкент шаҳар) кенгашларидаги партия депутатлар гуруҳларининг раҳбарлари учун); **минтақавий** (вилоят партия кенгашлари аппаратининг ходимлари, ХДП туман ва шаҳар ташкilotларининг раҳбарлари ҳамда халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия депутатлари гуруҳларининг раҳбарлари учун); **туман ва шаҳар миқёсида** (ХДП туман ва шаҳар ташкilotларининг аппарат ходимлари, бошланғич партия ташкilotларининг раҳбарлари, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия депутатлари гуруҳларининг аъзолари учун).

Касбий таълим сингари, **ХДПдаги сиёсий маърифат** ҳам уч даражада олиб борилади:

– Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши қошидаги **доимий фаолият кўрсатувчи сиёсий семинар** (партия марказий органларининг аъзолари, ХДПнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ва партия марказий аппарати ходимлари учун);

¹ Қаранг: Абдурахмонов М. Аҳоли билан ишлаш – сиёсий партиянинг устувор вазифаси // Фуқаролик жамияти. – 2007. – № 2(10). – 11-б.

² Қаранг: Система современной партийной учебы (Методические рекомендации по организации и проведению эффективного непрерывного политического образования руководителей, активистов и рядовых членов политических партий) // Фуқаролик жамияти. – 2007. – № 2. – 83-б.

– **Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашлари қошидаги сиёсий семинарлар** (партия минтақавий кенгашларининг аъзолари ва улар аппаратининг ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашидаги партия депутатлари гуруҳларининг аъзолари учун);

– **партия туман ва шаҳар кенгашлари қошидаги сиёсий семинарлар** (партия туман ва шаҳар кенгашлари аъзолари ва улар аппаратларининг ходимлари, халқ депутатлари Кенгашларидаги партия депутатлари гуруҳларининг аъзолари ҳамда бошланғич партия ташкилотларининг раислари учун).

Қолган учта партия – “Фидокорлар” МДП, “Адолат” СДП, “Миллий тикланиш” ДПнинг ЎзЛиДеп ва ХДП сингари махсус таълим марказлари бўлмаса-да, улар бу борада асосан Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан доимий ҳамкорлик қиладилар.

Жумладан, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан ҳамкорликда ФМДП 2006 йилда ҳар бир вилоятнинг ҳудудий кенгашларидаги «Ёшлар қаноти»нинг жами 98 та ёш етакчилари билан «Фуқаролик жамияти шаклланишида ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш» мавзусида беш кунлик семинар-тренинг, 2006 йилнинг ноябрь ва декабрь ойларида эса барча вилоят катта референтларининг малакасини ошириш мақсадида икки ҳафталик ўқув семинарлари ташкил этган бўлса¹, АСДП 2007 йил 2 мартда «Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ва иқтисодий ислохотларни амалга оширишда «Адолат» СДПнинг роли ва обрўсини ошириш масалалари» мавзуида семинар², МТДП эса 2006 йил 12–14 апрелда «Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларида депутатлар гуруҳлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва уларнинг олий вакиллик органлари билан алоқаларини мустаҳкамлаш ҳамда партия кенгашларининг молиявий мустақиллигини таъминлаш ва фаолият йўналишларини такомиллаштириш масалалари» мавзусида амалий-ўқув семинар³, 2008 йилнинг 1-чорагида МТДП раҳбар ходимларининг ижтимоий-сиёсий малакасини ошириш мақсадида ўтказилган икки кунлик ўқув-семинар, МТДПдан сайланган халқ депутатлари «Вилоят ва туман кенгашлари депутатлик гуруҳлари иш фаолиятларини такомиллаштириш: муаммо ва ечимлар» мавзусида бир кунлик семинар-тренинг қабилад ўтказилди.

АСДПнинг 2007 йилдаги энг муҳим тадбирларидан бири – бу 2007 йил 7 апрелда Тошкент шаҳридаги «Le Grand Plaza» меҳмонхонасида партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати томонидан уюштирилган «Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг партиявий фаолиятини кучайтириш ва ишга ёндашувни янгилаш – давр талаби» мавзуидаги семинар-кенгашдир. Ташкил этилган бу семинар-кенгашнинг асосий мақсади – мамлакатда вужудга келаётган янги сиёсий воқеликнинг моҳиятини партия фаолларига етказиш, юзага келаётган имкониятлардан фойдаланиб, партиявий фаолиятни кучайтириш ва ишга ёндашувни янгилаш жараёнининг асосий йўналишларини аниқлаштиришдир⁴.

¹ Қаранг: ФМДП Марказий Кенгаши Ижроия девони Ёшлар билан ишлаш бўлимининг 2006 йил ва 2007 йилнинг ярим йиллик даврида олиб борган ишлари бўйича ҳисоботи // ФМДП МК жорий архиви материаллари.

² Қаранг: Ҳайдаров Р. Конституциявий қонуннинг партия фаолиятидаги роли // АСДП Сиёсий кенгаши жорий архиви материаллари. – 10-б.

³ Қаранг: Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгашининг 2006 йил ярим йиллик яқунлари бўйича ҳисоботи // МТДП МК жорий архиви материаллари. – 2-б.

⁴ Қаранг: Ўша жойда. – 10-12-б.

Сиёсий партиялар ўқув тизимини таҳлил қилиш айрим партияларнинг таълим тизими анча яхши босқичда, айримлариники эса жуда суғанлигини кўрсатди. Партияларнинг таълим ҳамда маънавий-маърифий ишлари, умуман олганда, ғоявий-назарий даражасини оширишга муҳтож: ҳар доим ҳам, масалан, тарғибот, сиёсий рекламанинг замонавий усуллари, янги сиёсий технологиялардан фойдаланилмайди. Бундай ишда (айниқса ғоявий муҳолифлар билан баҳс-мунозараларда) ҳали ҳужумкорлик етишмайди. Партия қурилиши назариясини ўрганиш аксарият ҳолларда муайян партиянинг ҳаёти, фаолияти билан етарли бўлганмаган. Партия фаоллари ва аҳолига муҳим ижтимоий-сиёсий масалалар бўйича хабар бериш кўпинча кечикмоқда¹.

Бошланғич ташкилотларнинг раҳбарлари учун доимий семинарлар, ташкилий-партиявий ишнинг бир тури сифатида, илғор фикрлайдиган, жамиятни ислоҳ қилиш шароитида иш олиб боришга, ҳозирги босқичда партия олдида турган ижтимоий-сиёсий вазифаларнинг ҳал этилишини таъминлашга қодир бўлган раҳбар партия ходимларини тайёрлашнинг самарали механизмига айланиши керак².

Ҳозирги замон партия ўқувининг умумий дастурида қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш назарда тутилиши керак: сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш; таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини сиёсий партияларнинг дастурий мақсадлари ва уставда белгиланган вазифалари, электоратнинг муайян қатламларига умумий йўналганлиги билан боғлаш; партия кадрларини тайёрлаш тизимининг барча элементларини юксак малакали мутахассис ўқитувчилар, тажрибали тренерлар ва машҳур модераторлар билан таъминлаш; партия ўқуви дастурларини Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг ҳар бир босқичидан келиб чиқиб мунтазам янгилаб бориш, кадрларни оператив қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ва бошқалар.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, сиёсий партиялар ўз сиёсий ташкилотларининг кадрлар захирасини ташкил қилаётганларида асосан қуйидаги вазифаларни бажариш керак:

- бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини жонлантириш;
- партия ғоялари, мақсад ва вазифаларини тўлиқ тушунган ва қўллаб-қувватловчи, уни амалга оширишга лаёқатли бўлган аъзоларга эга бўлиш;
- иқтидорли ёшлар ҳисобига партия сафларини кенгайтириш ва уларнинг ижтимоий-сиёсий саводхонлигини ошириш;
- кадрлар захирасини танлов асосида шакллантириш ва бошқалар.

Шундай қилиб, партиялар кадрларини шакллантириш борасида Ўзбекистон сиёсий партияларининг айримларида муайян тажрибалар мавжуд. Бу ишни такомиллаштириш учун мазкур соҳада бошқа партияларда тўпланган тажрибаларни ёйиш ҳамда сиёсий партиялар раҳбарлари, фаоллари ва оддий аъзоларининг самарали, узлуксиз сиёсий таълимини ташкил қилиш ва ўтказиш юзасидан дастурлар қабул қилиш ва уларни амалга ошириш лозим.

¹ Қаранг: Система современной партийной учебы (Методические рекомендации по организации и проведению эффективного непрерывного политического образования руководителей, активистов и рядовых членов политических партий) // Фуқаролик жамияти. – 2007. – № 2. – 85-б.

² Қаранг: Ўша жойда. – 80–81-б.

ИЛОҚ ВА ТУНКАТ НОМЛАРИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА БУ ХУДУДЛАРДА МЕТАЛЛУРГИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.

О.Иномов – 2-курс магистранти

Турон юрти илк ўрта асрларда ўзининг ер ости бойликлари ва ҳунармандчилик маҳсулотлари билан машҳур. Кўхна Шарқнинг буюк географларидан бири ал-Мақдисий бундан минг йил аввал айрим вилоятларнинг фахри ҳисобланган маҳсулотларни санаб ўтар экан, қуйидагиларни ёзади: “Бухоронинг қовуни ва ғўштига, Хоразмнинг пиёзига, Чочнинг қулоллари ясаган идишларига, Самарқанднинг қоғозига, Ҳиротнинг узумига дунёда тенг келадиган нарсалар бўлмаса керак”¹. Ҳеч шубҳасиз, бу маҳсулотлар қаторига Чоч вилояти таркибида бўлган Илоқ тоғ кон саноати маҳсулотларини ҳам киритишимиз мумкин. Илоқ ва унинг пойтахти Тункат илк ўрта асрларда энг йирик металлургия марказларидан бири эди: “Дарҳақиқат илк ўрта асрлар бошларига келганда шаҳарсозлик маданияти Оҳангарон водийсига, унинг ўрта оқимида ҳам кириб боради ва Тункат шаҳри Илоқнинг пойтахти сифатида тарих саҳнасига кириб келади ва у Чоч-Илоқнинг йирик металлургия марказига айланади”².

Илоқ Тошкент вилоятининг жанубида Оҳангарон дарёсининг ҳавзасида жойлашган. Манбаларда ёзилишича ҳозирги Оҳангарон водийси ва дарёсининг илк ўрта асрлардаги номи Илоқ бўлган. Илоқ сўзининг луғавий маъноси ҳақида кўплаб манбаларда турлича маълумотлар учратамиз.

Туркийчада Илоқ “айлақ, яъни яйлов маъносида”³ келтирилади. Бу ерда академик Ю Ф Буряков Илоқ атамасини келиб чиқишида Чоч аҳолисининг асосий машғулотлардан бири ҳисобланган чорвачиликни назарда тутган. “Чоч аҳолисининг хўжалик машғулотларига келганда, улар кўп тармоқлилиги билан характерланади. Чўл ва тоғ олди адирлар чорвачилик учун янада қулай бўлган. Чорвачиликнинг яйлов тури ривожланган”⁴. М.С. Андреевнинг фикрича “Илоқ-темирчи ҳунарманд” маъносини билдиради⁵.

Бу фикрни академик Карим Шониёзов қўллаб қувватлайди⁶. Тилшунос Э . Севортян “Илоқ сўзи ҳозирги туркчада илик, татарчада илэк тинч оқар , тиниқ сув маъносини билдиради деб ёзади”⁷.

Илк ўрта асрларда Чоч ва Илоқ воҳасига туркий қабилалар кўчиб келиб, ўтроқлаша бошлайдилар ва янги ерларга ўз тилларида ном берадилар. Бу даврдан бошлаб фақат, Чоч ва унинг таркибига кирувчи жойлардагина эмас, балки Марказий Осиёнинг бепоён ҳудудларида туркий тил топонимлари кўплаб учрайди⁸.

¹ Буряков Ю.Ф. “У стен древнего Хараджкета” Т; “Узбекистан” 1989 г. 50 ст.
Набаков В.И.

² Асқаров А. А. “Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи” Т; “Университет” 2007 й. 120 бет.

³ Буряков Ю.Ф. “К истории раннесредневекового Чача” ст.14.

⁴ Асқаров А. А. “Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи” Т; “Университет” 2007 й. 43 бет.

⁵ Андреев М.С. “Местности туркестана, интересные в археологическом отношении
Среднеазиатский вестник” Т; 1896 г.16-28ст.

⁶ Қаранг. Шониёзов К. “Қанг ва қанғилилар” Т;1990 й. 52 бет. 59 изох.

⁷ Севортян Э. “Этимологических словарь тюркских языков” М; 1974 г. ст 346.

⁸ Дўсимов З. “Жой номларининг қисқача луғати” Т; 1977 й. 115 бет.

Юқорида келтирилган маълумотлардан маълумки, Илоқ топоними дастлаб гидроним бўлган. Масалан, қадимги Ёйиқ ёки замонавий Урал дарёсининг чап ирмоғи Илек ёки Илэк суви, Тожикистонда Душанбе шаҳрининг шимолий-шарқидаги сой, Оби Илоқ деб юритилади. Жунғория текислигидаги Или дарёси Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону лугатит турк” асарида ва ўрта аср манбаларида Ила ёки Ила суви номлари билан берилади¹. Юқорида келтирилган маълумотларда эса Илоқ, Илек ва Ила номларининг ўзаги битта эканлиги, ҳамда бу номлар қадимги туркчада дарё ва ирмоқларга нисбатан қўлланилганини кўрсатади².

Илоқнинг пойтахти Тункат шаҳри бўлган. Маҳмуд Қошғарий Тункат шаҳри тўғрисида шундай маълумот беради. “ Самарқанд - Семизкент, Тошкент – Шош, Ўзкент, Тункат номларининг ҳаммаси туркчадир”³ Тилшунос Э Умаровнинг ёзишича, “Тункат аслида Тўнкат бўлиб, қадимги турк тилида тўн тўнғич-биринчи кат эса кент яъни шаҳар сўзларидан йиғилган, ташкил топган ва луғавий маъноси “тўнғич шаҳар” маъносидадир⁴.

Тункат шаҳри Илоқ водийсининг биринчи даражали шаҳри бўлиб, бу ерда тоғ-кон саноати, жумладан танга зарб қилиш юксак даражада ривожланади. Илоқ кўҳна тарихда милодий V асрдан мустақил давлат сифатида маълум. Тўғри, мустақиллик қисқа давр давом этди, аммо бу даврда Илоқ иқтисодий жиҳатдан жуда ҳам тараққий этади. Илоқ хукмдорларининг қароргоҳи Тункат шаҳрида бўлиб, улар “Илоқ деҳқонлари” унвони билан аталиб, минтақада катта иқтисодий ва сиёсий мавқега эга бўлган. Хукмдор Илоқ деҳқонларининг бундай катта мавқега эга бўлишларида минтақада қазиб олинаётган бир қатор қимматбаҳо маъданлар сабаб бўлган.

Бу маъданлар Жанубий Чотқол ва Қорамозор тоғларидан қазиб олинган. Айнан шу тоғларда бронза давридан олтин, фируза, кумуш, мис, кўрғошин, қалай ва турли рангли жавоҳирлар, бўёқ ҳамда чинни тайёрлашда ишлатиладиган гил қазиб олинган.

Илоқ ўзининг нодир металлари, айниқса, юқори сифатли кумуши билан атроф минтақаларга донг таратган. Илоқ конлари милоддан аввалги 1 минг йилликнинг II ярмидан милодий X - XIV асрларигача машҳур бўлган. Шарқ географлари Илоқ конларини Афғонистондаги энг машҳур “Янги Панжшир” кони номи билан атаганлар. Шунинг билан бирга, улар бу ерда Кўҳисим яъни “Кумуш тоғ” кони ҳам борлигини қайд этиб ёзишган. Абу Райхон Беруний ўзининг “Минералогия” асрида Илоқ кони тўғрисида тўхталиб, бу конни “Фируза кони” деб тилга олади.

Юқорида кўрсатилган конларда турли маъданларнинг кўплаб қазиб олиниши Илоқдаги иқтисодий ҳаётнинг гуллаб яшнашига хизмат қилди. Бу ўринда Илоқ зарбхонасини ўрни беқиёсдир.

X асрда Мовароуннаҳрда давлат зарбхоналари Самарқандда ва Илоқ пойтахти Тункатдагина бўлган. Милодий VIII – IX асрларда Илоқдаги “Маъдан аш – Шош” зарбхонасида кўплаб кумуш дирҳамлар зарб қилинган. Тангаларда кумушнинг кўп миқдорда эканлиги IX

Эгамов Ҳ.

¹ М Қошғарий. “Девони лугатит турк” 3 ж. 253 бет.

² “Материалы по истории Киргизов и Киргизий” Вып. 1. М; 1973 ст 109-131.

³ М Қошғарий. “Девони лугатит турк” 3 ж. 164 бет.

⁴ Умаров Э. “Этюды по древнетюркской ономастике” // Урта Осиё археологияси, тарихи ва маданияти. Ҳалқаро илмий конференция маърузалари тезислари. Т; 2002 й. 114 бет.

асрда бу тангаларни жаҳон миқёсида ёйилишига сабаб бўлади. “Археологик қазилмалар вақтида шимолда Швеция ва Норвегиядан тортиб, жанубда Арманистонгача бўлган ҳудудда Илоқ тангалари хазиналари топилган”¹ Тункат шахри зарбхоналаридан чиқарилган танга пуллар маҳаллий муомила учун мисдан, умумдавлат хазинаси ёки ташқи савдо учун қимматбаҳо, нодир металлдан зарб қилинган. Илоқ зарбхонасидан чиқарилган охириги тангалар XI асрнинг II ярмига оиддир. Қадимги Илоқ аҳолиси бу тангалар учун ҳам ашёни бир қатор конлардан қазиб олганлар.

Масалан, олтинни “Қизилолма, Қўшбулоқ, Октупроқ, Сартабуткон, фирузани эса Ўнгирликон, Октупроқ, Фирузакон, кумуш ва бошқа нодир металлларни Конимансур, Қоратошқўтон, Консой каби конлардан қазиб олинган. Қазиб олинган қимматбаҳо маъданлар, рудалар ўлкада иқтисодий ва маданий ҳаётни ривожлантириб юборади”² Юқорида таъкидланганидек, Илоқ ҳукмдорлари “Илоқ деҳқони” унвони билан юритилиб, халқ орасида ва ўлкада мавқеи жуда юқори бўлган. VII асрдан Илоқ Шошга қўшилган. VIII асрда Араб халифалиги тасарруфидаги стратегик муҳим вилоятлардан бири бўлган. Араб географ – тарихчилари Муқаддасий ва Истахрийлар “Илоқ воҳасида IX – X асрларда 17 та шаҳар борлигини қайд этадилар”³

Айнан шу даврлардан Илоқ воҳаси Сомонийлар давлати тасарруфига кирган. Кейинчалик, X асрнинг охириларида Қорахонийлар давлатига, бироқ муддатдан сўнг мўғулларга қарам бўлиб, Жалойир қабиласи тасарруфига ўтади. Илоқ воҳаси номи XIV асрдан манбаларда учрамайди.

Хулоса қилиб айтганда Марказий Осиё, аниқроғи Чоч вилояти атрофидаги тоғларда маъданларнинг кўплиги бу ҳудудларда тоғ кон саноатининг гуркираб ривожланишига олиб келди. Ҳаттоки, Чоч топонимининг ўзи ҳам, яшил тош яъни Фируза тошига бой ўлка маъносини билдиради⁴.

МЎҒУЛ ИСТИЛОСИ АРАФАСИДА ХОРАЗМШОҲЛАР ДАВЛАТИДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ВАЗИЯТ

А.Назаров-2-курс магистри

Хоразмшоҳ Муҳаммад 1200 йили ўз отаси Такаш ўлимидан сўнг Хоразм, ғарбий Хуросон ва Ироқи Ажамни мерос қилиб олди. Бу ерларда у кейинчалик Балх, Ҳирот, Мазандарон ва Кирмон ерларини қўшиб олди. Кейинги 1212 – 1215 йиллар давомида у Ҳиротдан Ҳиндгача чўзилган Гўр хонлигини, кейин эса Ғазна ерларини қўлга киритди. Ғазна шахрининг ҳужжатлар сақланадиган кўрикхонасидан Бағдод халифаси Носирнинг Ғазна Гўр ҳукмдорларини Муҳаммадга қарши гиж-гижловчи ёзишмаларини топиб олади. Бу қоғозлар оқибатда Хоразмшоҳнинг тақдирига ҳалокатли таъсир кўрсатди.⁵

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. 4 том. Т., “Ўзбекистон” 2002 йил. 126 бет.

² Сулаймонов Ҳ. “Хуррият” газетаси 2007 йил 24 январ.

³ Истахрий. “Китоб алмасолик вал мамолик”

⁴ Асқаров А. А. “Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи” Т; “Университет” 2007 й. 119 бет.

⁵ Иванкин М. Икки буюк саркарда. Т., “Фан”, 1994, 44-б.

Хоразм салтанатининг турли уруғларидан ташкил топганлиги ва ҳокимиятнинг Алоуддин Муҳаммад ва унинг онаси Туркан хотун ўртасида бўлинганлиги бу салтанатни шундоқ ҳам бўшаштириб қўйган эди. Бу бўш асосга ўрнатилган қоша эди. Бу ердаги халқлар турли қабилаларга мансуб бўлиб, тиллари ва тушунчаларига кўра бир-бирларига ёт, бир-бирларидан бепаён чўллар ҳамда диний мутаассиблик билан ажратилган эдилар. Муҳаммаднинг омадли кўроли билан бир давлатга бирлашган бўлса-да, улар Муҳаммад сулоласига мансуб эмас, тушунча, фикр ва руҳларида ҳеч қандай умумийлик йўқ, ўзаро манфаатдорлик ва қонун билан бирлашмаган, умумий, буюк бир жамиятнинг фуқароси деб аташга лойиқ ҳеч нимага эга эмас эдилар.¹

Алоуддин Муҳаммаднинг қўшинлари асосан туркманлар ва қанғилардан ташкил топган эди. Уларнинг биринчиси салжуқийлар даврида Эронни босиб олган туркий ўғузлар авлодлари бўлиб, иккинчиси эса Муҳаммаднинг хизматида унинг онаси Туркон хотуннинг таклифига биноан келган эди.² Туркон хотун туркийларнинг баёт уруғидан бўлган.³ У Каспий денгизининг шимолида кўчиб юривчи қанғиларнинг хони Жонкишихоннинг қизи бўлган. Бу қабилалар орасида кучли бўлган қариндошларга эга, шу сабабдан улардан кўплари ўзларига тоъбе одамлар билан Муҳаммад хизматига келган эдилар. Туркон хотуннинг ўз ўғли устидан ҳукмронлиги ва қанғли қўшинларининг жасурлиги бир вақтнинг ўзида ҳам қўшин қисмлари лашкарбошилари, ҳам вилоятлар ҳокимлари бўлган унинг қаришдошларининг Муҳаммадга ва унинг салтанатига катта таъсир кўрсатишига сабабчи бўлди.⁴ Султоннинг буйруқ ва фармонлари кўпинча қудратли Туркан хотун томонидан бекор қилинар ва ҳеч қандай кучга эга бўлмай қолар эди. У ҳар қандай масалаларни ўзи ҳал қила оларди ва ўз номидан фармонлар эълон қиларди.⁵ Агар маликадан ва султондан бир иш ҳақида иккита кўрсатма келса, у ҳолда уларнинг санасига қарар эдилар ва барча мамлакатларга кейинги санага амал қилардилар. Хоразмшоҳлар ҳеч қачон онасига қарши чиқмас эди, кичик ишларда ҳам, катта ишларда ҳам, жиддийларида ҳам, аҳамиятсизларида ҳам. Бу иш икки сабабга кўра эди: биринчидан, онасининг унга бўлган меҳрини қадрлаш ва иккинчидан, мамлакатнинг барча амирлари онасининг уруғидан эканлигидан.⁶

Туркон хотун Гурганчда муқим турарди, чунки хоразмшоҳ Самарқандга кўчгандан сўнг, бу шаҳар унинг пойтахтига айланиб қолган эди, унинг ўз саройи ва иқто мулки бор эди. Бу мулклар ниҳоятда улкан эди, чунки хоразмшоҳ бирор мамлакатни босиб олиши билан дарҳол онаси ва унинг атрофидагиларга бой ўлкаларни ажратиб берарди.⁷ Туркон хотун фақат султонга ҳукми ўтказибгина қолмай, балки молия ишларини ҳам бошқарарди, амир ва амалдорларга ҳам фармон берарди. Бу ҳолат мўғуллар истилоси арафасида хоразмшоҳлар давлатидаги аҳволнинг барқарорлигини бирмунча йўқотди. Мамлакат пойдеворининг янада сусайишига олиб келган сабаблардан яна бири шу эдики, Туркон хотун ҳам, унинг ўғли хоразмшоҳ ҳам Гурганчга гаров сифатида турган кишиларни ёки хоразмшоҳлар давлатига қўшиб олинган мамлакат ва ўлка ҳокимларини қатл қилиб турардилар.⁸

¹ Абулғозий. *Шажараи турк*. Т., "Чўлпон", 1992. 54-б.

² Иванкин М. Икки буюк саркарда. Т., "Фан", 1994, 47-б.

³ Ан-Насавий. *Султон Жалолiddин Мангуберди*. Т., "Ўзбекистон", 1999, 91-б.

⁴ Иванкин М. Икки буюк саркарда. Т., "Фан", 1994, 44-б.

⁵ Бунёдов З. *Ануштегин Хоразмшоҳлар давлати*. Т., 1998, 159-б.

⁶ Ан-Насавий. *Султон Жалолiddин Мангуберди*. Т., "Ўзбекистон", 1999, 9-б.

⁷ Ванбери Х. *Бухоро ёҳуд Мовароуннаҳр тарихи*. Т., 1990 19-б.

⁸ Бунёдов З. *Ануштегин Хоразмшоҳлар давлати*. Т., 1998, 159-б.

Туркон хотун аралашган муҳим давлат фармонларидан бири, салтанат тахтига валиахднинг тайинланиши бўлди. Ан-Насавийнинг ёзишича, хоразмшоҳ онасининг қистови билан тахт вориси этиб, катта ўғиллари Жалолиддин Мангуберди ва Рукниддин Гурганчтиларни эмас, кичик ўғли Қутбиддин Ўзлиғшоҳни тайинлади. Ўзлиғшоҳнинг онаси Туркон хотуннинг қабила ва уруғидан бўлиб, Жалолиддиннинг онаси Ойчечакни ёқтирмас эди. Шунга кўра мўғуллар истилосининг олдидан хоразмшоҳ мамлакатнинг маъмурий ишларини тартибга келтираётиб, ерларини ўғиллари ўртасида тўртта улкан мулкка бўлганда Хоразм, Хуросон ва Мозандаронга, яъни Туркон хотуннинг назорати остидаги ерларга ҳокимлик қилиш ҳуқуқи валиахд Қутбиддин Ўзлиғшоҳга берилди. Унинг учун мана бундай туғро ҳам танланди: “Султон Абул Музаффар Ўзлиғшоҳ ибн Султон Санжар Ғиёс амир ал-мўминин”.¹

Султон Алоуддин Муҳаммад ўғли Жалолиддинга Ғазна, Бомийн, Ғўр, Буст, Тагинобод, Заминдевор ҳамда Ҳиндистонга чегарадош вилоятларни суюрғол қилиб берган эди. Яна бир ўғил Ғиёсиддин Пиршоҳга эса Кирмон, Каш, Микрон вилоятларини мулк қилиб берган эди.²

Бу даврда Муҳаммад Хоразмшоҳнинг ташқи сиёсати ҳам анча кескинлашган эди. Айниқса, бу низо Араб халифалиги билан бироз мураккаб кечди. Мусулмон дунёсида халифалар устунлиги анча бўшашиб қолган, уларнинг исмлари фақатгина номозларда хутбага қўшиб ўқилар, тангаларга зарб этилар, ислом дини руҳонийлари эгаллаган мансаблари халқ томонидан қонуний деб тан олинмиши учун улардан буни тасдиқлаб олардилар, холос. Халифалар ҳокимиятини кенгайтиришга хоразмшоҳлар энг катта тўсиқ бўлгани учун халифа ан-Носир қўшни давлатларни уларга қарши гиж-гижлаб, ҳамма ерда норозилик ва ғалаёнларни кучайтиришга уринади. Алоуддин Муҳаммад Ғазнада халифанинг унга қарши қилаётган ҳаракатларини билиб, уни жазолашга аҳд қилади. Катта салтанатга эга бўлган, ўз ихтиёрига 400 000 қўшин тўплаган Хоразмшоҳ Муҳаммад халифа ан-Носирдан ўзининг султонлик унвонини тасдиқлашни, унинг исмини хутбага қўшиб ўқитишни ва унинг одамлари Бағдодда ҳоким қилиб тайинлашни талаб қилади.³ Ундан рад жавобини олгач, Муҳаммад Аббосийларни халифалиқдан маҳрум этишга қарор қилади. Бу хавфли иш олдидан ўзини фуқаролар кўзи олдида оқлаш учун у шариат пешволарини тўплаб, уларга шундай савол билан мурожаат этади: “Агар Муҳаммад пайғамбарга ноиблик қилиш қонун бўйича Ҳусайн авлодларига тааллуқли бўлсайу, Аббосийлар уни ўғирлаб олган бўлсалар, агар Аббосийлар мусулмонлар раҳбари зиммасига дастлабки бурчлардан бўлмиш – мусулмонларга ҳомийлик қилиш ҳамда ғайридинларни ҳақ йўлига бошлаш ва бўйсундириш учун муқаддас урушлар олиб бориш вазифасини бажармаган бўлсалар ва боз устига ҳақиқий халифа, Аллоҳнинг номини улуғлаш ва мусулмонларнинг душманларини қириши ўзининг муқаддас бурчи деб билган ўз ҳукмдорини ҳар ерда нафрат билан таъқиб қилиб юрса, у ҳолда бу ҳукмдор мазкур халифани ағдариб ташлаб, унинг ўрнига муносиб одамни кўтаришга ҳаққи борми ё йўқми?”. Мажлис аҳли бундай ҳолда ан-Носирнинг қулатилиши қонуний бўлади, деб эълон қиладилар.⁴

¹ Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди. Т., “Ўзбекистон”, 1999, 199-б.

² Бунёдов З. Ануштегин Хоразмшоҳлар давлати. Т., 1998, 129-б.

³ Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди. Т., “Ўзбекистон”, 1999, 12-б.

⁴ Иванкин М. Икки буюк саркарда. Т., “Фан”, 1994, 45-б.

Уламолар розилигини олгач, Муҳаммад Хоразмшоҳ термизлик, Алининг издоши Саид Ало Кул Мулкни халифа сифатида тан олади ва бундан кейин халифа ан-Носирнинг номини хутбага қўшиб ўқимасликка ҳамда янги тангаларда зарб этмасликка фармон беради.

Султон Муҳаммад бошлаган ишини амалга ошириш учун 1217 йилда катта қўшин билан Бағдодга йўл олади. Ҳали эгалланмаган халифа ерларини ўз лашкарбошиларига бўлиб бериш учун Ҳамадонда тўхтаб, уларга ёрликлар топширади ва солиқ тўлаш режасини ишлаб чиқади. Бағдодга эса 1500 отликдан иборат авангардини юборади. Ҳали куз бўлишига қарамай бирданига каттиқ совуқ тушиб, жуда кўп қор ёғади ва бунинг натижасида унинг қўшини тоғдан ўтаётган пайтда жуда кўп жангчилар ва отлар ҳалок бўлади. Ушбу авангарднинг қолдиқлари курд ва турк қабилалари томонидан кириб ташланади. Хурофотчилар авангарднинг ҳалокатини Худонинг ғазабига ёядилар. Бу пайтда мўғуллар куч-қудратидан хавфсираган хоразмшоҳ Муҳаммад бошлаган ишини орқароққа суришга қарор қилади. Лекин Али мухлислари ва аббосийларга содиқ кишилар ўртасидаги вақт ўтиши билан сусайган душманлик яна қайта кучга кириб, ҳар икки мазҳаб мухлисларидан ташкил топган Султон Муҳаммад салтанати ғалаёнларга келади.¹

Тарихдан бизга маълумки, ҳокимиятнинг бузилиши ва ҳаддан ташқари истибдод, жабр-зулм инқилобга сабабчи бўлади. Аммо, агар истибдод ва ҳукуматнинг разиллиги асрлар бўйи давом этса, бу ҳол бутун халқлар феълининг бузилишига олиб келиб, халқ ғурури ва ватанга бўлган муҳаббатни ўлдиради, давлатнинг ички кучини барбод қилади. Биргина ташқи туртки бўлса бас – бундай давлатнинг қулаши муқаррар.

Хоразмшоҳлар давлатининг ҳарбий тузилишига катта эътибор беришган. Қўшин бўлинмалари ва қисмлар қабилавий асосда ташкил қилинар эди. Ҳатто, давлатнинг энг гуллаб-яшнаган, аскарликка бошқа халқ ва қabila йигитлари олинган вақтларда ҳам турклар қўшиннинг асосий ва жанговар қисмини ташкил қилар эди.

Манбаларда ёзилишича, Хоразмшоҳлар ўз давлатида мажбурий умумхалқ ҳарбий таълим тизимини жорий қилган.²

Хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад ўз ҳокимиятининг дастлабки йилларида бир неча кун ичида 70 мингга яқин отлик аскарларни намоёиш қилиши мумкин бўлган. Унинг бошқарувида қўшинлар сони шу қадар ортиб кетган эдики, “у бамисоли қумдай бўлиб, унинг ибтидоси ҳам, интиҳоси ҳам номаълум эди”. 1217 йилнинг кузида хоразмшоҳ Бағдодга юриш қилганда “олдига шу қадар кўп қўшин солиб юрганки, уларни йўлларидаги жуда кенг йўл ва саҳролар ҳам сиғдира олмаган”.³

Ан-Насавийнинг келтиришича, хоразмшоҳ қўшинлари 400 минг отлик ва кўп сонли пиёда аскарлардан иборат бўлган. Мазкур давлат Евроосиё савдосига катта таъсир ўтказган ва шарқдан ғарбга борадиган савдо йўлларини назорат қилиб турган. Шу билан бирга, Хоразмшоҳлар давлатида илм-фан ва маданият юқори даражада ривожланган бўлиб, жаҳон илм-фан ва маданият марказларидан бири бўлган. Лекин, хоразмшоҳлар салтанатида марказлашган ҳокимият тизими мавжуд эмас эди. Бир томондан хоразмшоҳ ва унинг яқинлари, иккинчи томондан Туркон хотун бошчилигидаги Дашти Қипчоқ кўчмачиларидан бўлган амалдорлар ўртасидаги ички зиддиятлар шундай улкан давлатнинг инқирозига сабаб бўлди.

¹ Иванкин М. Икки буюк саркарда. Т., “Фан”, 1994, 46-б.

² Бунёдов З. Ануштегин Хоразмшоҳлар давлати. Т., 1998, 118-б.

³ Бунёдов З. Ануштегин Хоразмшоҳлар давлати. Т., 1998, 119-б.

Хоразмшоҳлар давлатидаги бу икки қарама-қарши сиёсий кучларнинг зиддияти шунчалик муросасиз эдики, ҳатто Урганч қамали арафасида давлат тизгинини ўз қўлига олган Жалолиддин Мангубердига қарши Туркон хотун бошчилигидаги қипчоқлар томонидан фитна уюштирилиб, хоразмшоҳ шаҳар мудофаасини ташлаб, Хуросонга кетишга мажбур бўлади.

АҲМАД ДОНИШ ФАОЛИЯТИДА ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИ

А.Муминов – 2-курс магистранти

Давлатнинг моҳиятини, унинг вазифаси ва ўрнини белгилаш муаммоси кишиларнинг жуда кўплаб авлодларини ўйлантириб келган. Бугунги кунда ҳам жамиятшунослар ва сиёсатшунослар давлатнинг пайдо бўлишига нима сабаб бўлди? У қачон пайдо бўлди? Уни аҳамияти нималардан иборат? деган саволлар устида бош қотиришда давом эттирмоқдалар. Давлатни пайдо бўлиши ва қандай тартибда бошқарилиши хусусида ҳамма даврда ҳам ўз даврининг буюк кишилари ўз фикрларини айтиб ўтганлар. Шулардан Фаробийни оладиган бўлсак давлатнинг пайдо бўлиши ва унинг фаолиятини одамларнинг бирлашишига бўлган табиий интилиш, деб қаради. Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий Ўрта Осиёдаги ижтимоий - сиёсий ғоялар ривожланиши тарихида муҳим ўрин тутадиган фикрларни ўз асарларида айтиб ўтади. XVIII – XIX асрларда ҳам давлатчилик масаласига алоҳида эътибор берилган.

Ўрта Осиёда ижтимоий фикрлар тарихида ёрқин из қолдирган мутафаккирлардан бири Аҳмад Донишдир (1827-1897). У Ўрта Осиё мутафаккирлари орасида жамиятни диний нуқтаи назардан эмас, балки тажриба ва ақл-идрок орқали тушунтирувчи илк тадқиқотчилардан биридир. У тафаккур ижтимоий – сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларида ҳукумронлик қилиши ва кишиларнинг ҳақиқат йўлига боғлайдиган бўлмоғи кераклигини айтиб ўтади. Жамият ҳаётида, давлатни бошқаришни олимлар ва мутафаккирлар фаол иштирок этишларини таъкидлайди.

Аҳмад Дониш Ўрта Осиё мутафаккирлари орасида биринчилардан бўлиб давлат ва мулкчиликнинг бир - бирига боғлиқлигини кўрсатган. Унинг фикрича, давлат кишиларининг ўзаро келишуви натижасида вужудга келиб, давлат бошлиғи учун четдан бўладиган тажовузлардан химоя қилиш учун қўйилади. Бу фикрлар алломанинг Ғарбий Европа олимларининг ижтимоий шартнома назариясига жуда яқин эканлигини кўрсатади. У давлат ва жамиятнинг келиб чиқишини тўғри кўрсатиб бера олмасада, уни Оллоҳнинг иродасига боғлиқ тушунтирувчи теологик қарашларга қарши чиқмайди. Давлатнинг амал қилиши қўйидаги беш нарсага боғлайди: адолатчилик, қўшиннинг борлигига, халқнинг мавжудлигига, сувга эгалик, ҳазинанинг мавжудлигига. Ҳар қандай давлат яхши ривожланиши учун қўйидагилар бўлмоғи кераклигини айтади:

1. Давлат адолатли ва кучли подишоҳга эга бўлиши лозим;
2. Мансабдор шахслар адолатли, софдил бўлиши керак;
3. Ҳар бир шаҳарда керакли даражада тадбирлар бўлиши керак;
4. Аҳоли келгинди ва ночор кишиларга нисбатан меҳрибон ва саҳий бўлмоғи даркор;
5. Деҳқончилик учун зарур даражадаги сувга эга бўлиш лозим.

Аллома шоҳ ва амалдорлар аҳолининг олдидаги ўз мажбуриятларини софдиллик билан бажаришлари лозимлигини, чунки давлат халқ манфатларини химоя қилиш учун

тузилганлигини ўз асарларида ифодалайди. Унинг фикрича, жамият аъзолари ҳуқуқ ва мажбуриятларида тенг бўлмоғи керак. У халқ зулумкор бошқарувчилар ва шохларга қарши чиқишни оқлайди. У мутлоқ монархияни чеклаш тарафдори бўлиб чиқади ҳамда давлатни бошқаришда қонунларнинг эгаллайдиган ўрнини оширишни талаб қилади. Шундай бўлишига қарамасдан, у халқни феодаллар зулмини ағдариб ташлашга чақирмади, бунинг сабаби у давлатнинг синфий моҳиятини тушунмаганлигида, давлатни ягона ҳукмдорсиз тасаввур этолмаганлигида эди. У халқнинг оғир аҳволига феодал муносабатлари эмас, балки ҳукмдор ва мансабдорларнинг ҳақсизликлари деб тушунди.

Аҳмад Дониш Ўрта Осиёда XIX асрнинг иккинчи ярмида шалланган маърифатпарварлик сиёсий – ҳуқуқий мафкурасининг асосчиларидан эди. Аллома Ўрта Осиё мутафаккирлари орасида биринчилардан бўлиб давлат ва ҳуқуқга инсон кўзи билан қараган мутафаккирдир. У янги давр Европа мутафаккирларига ўхшаб давлат қонун - қоидаларини илоҳиёт билан эмас, балки ақл билан боғлашга ҳаракат қилган. Аҳмад Донишнинг тақидлашича: “Ақлу давлат бир-биридан ажралмас”¹. Мутафаккир яна шундай ёзади: “Қайси салтанат давлатнинг қоида ва қонунлари ақл тадбирига мослаштириб қурилмаган бўлса, бундай давлатдан ҳеч вақт яхшилик кўра олмайдилар”².

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Аҳмад Донишнинг дунёқараши у яшаб ижод этган давр каби мураккаб ва қарама-қаршиликлардан ҳоли эмас эди. У материалист ҳам, дахрий ҳам бўлмаган, шу билан бирга бир вақтда идеалистик ва диний мавқеда ҳам қатий турмаган. Унинг асарларида идеалистик ва диний фикрлар билан бир қаторда дахрийлик ғоялари, тарихийлик ва рационализм элементларини ҳам учратишимиз мумкин. Аҳмад Дониш асарларида уша даврда ҳукумрон бўлган ислом ақидаларига боғлиқ ғояларни ҳам илгари суради, ундан ташқари аллома, инсон оламни билишга қодир деган қарама-қарши фикрларни илгари суради. Шунингдек, мутафаккир исломнинг ҳар бир инсоннинг тақдири олдиндан Олоҳ томонидан белгиланган, ҳар кимнинг насибасини Оллоҳ беради каби ғояларга қарама-қарши бўлган фикрларни кўришимиз мумкин. Лекин Аҳмад Дониш ҳукмрон мафкурага зид бўлган фикрларни билдирган бўлсада, у дин доирасидан чиқиб кета олмаган, том маънодаги дахрий бўлмаган.

Ўрта Осиё маърифатпарварларидан биринчи бўлиб Аҳмад Дониш давлатнинг вужудга келишини мулк билан боғлашга ҳаракат қилган. Унинг фикрича, бир вақтларда давлат ва ҳуқуқ бўлмаган, уларнинг пайдо бўлиши мулк ҳуқуқининг, биринчи навбатда, ерга нисбатан мулк ҳуқуқининг вужудга келиши билан боғлиқ дастлабки даврларда ерга нисбатан умумий эгалик қилинган. Аҳмад Донишнинг ёзишича, “Ер устидаги парча халқлар бир-бирлари билан тенг ҳолда яшашлари, барча тенг бўлиб олиб, улардан бир текисда фойдаланиш лозимдир. Одам ато ўлгандан сўнг унинг болалари бу ерларни мерос сифатида теппа-тенг бўлиб олиб, адолат билан улардан фойдаланганлар. Сўнгра замон ўтган сайин, халқлар ўзгарганлар; ўз кўлларидаги ерларга қаноат қилмай, бир – бирларини ерлани босиб олишга киришганлар. Инсоф қилиб ақл юртгандан, ҳар ким ўз ерига қаноат қилиши лозимдир. Кучлилари босиб олган ерларини ўз эгаларига қайтарсинлар. Ҳар ким бу ишдан бош тортган экан, одамгарчилик йўлида фарздурким, кучлилар ҳаммалари бир итифокқа бирлашиб, унинг

¹ А.Дониш Наводирул вақое. Тошкент. “Фан”, 1964, 137-бет

² . А.Дониш Наводирул вақое. Тошкент. “Фан”, 1964, 125-бет

бурнини ерга ишкаб, кучлидан кучсизнинг ҳаққини олиб берсинлар, шундай бўлганда, инсонлар ўртасида уриш – талашлар бутунлай йўқолади. Подшоҳлар ўрталаридан душманликлар кўтарилиб, қон тўкишлар тўхтайди. Бунинг натижасида барча халқлар тинчлик билан муроасада яшайдилар”¹.

Лекин бунга қандай йўл ва восита орқали эришиш мумкин, деган саволга Аҳмад Дониш аниқ жавоб бера олмайди унинг қайд қилишича ҳеч ким ўз мулкидан ихтиёрий равишда воз кечмайди, мулкларни кишилар ўртасида тенг тақсимлаш учун қон тўкишга тўғри келади. Аммо бу чора ҳам ўзини оклайдими йўқми маълум эмас.

Аҳмад Донишнинг фикрича, кишилар ўртасидаги мулкӣ тенгсизлик ўғирлик, талончилик ва босқинчилик каби иллатларни келтириб чиқаради. Кишилар ўз мулкларини ўғрилар, қароқчилар, талончилар ва босқинчилардан ҳимоя қилиш мақсадида шартнома тузиш йўли билан давлатни ташкил қилганлар. Бу шартномага биноан подшоҳ ўз ёрдамчилари билан биргаликда фуқороларнинг ҳаёти ва мулкони ҳимоя қилиш вазифасини ўз зиммасига оладилар. Фуқоролар эса бундай хизмат эвазига подшоҳга солиқ тўлаш мажбуриятини оладилар.

Шундай қилиб, Аҳмад Донишнинг фикрича, давлат жамиятни тараққиётининг маълум бир босқичида кишилар томонидан ташкил этилган, ҳокимият подшоҳга худо томонидан берилган, унинг учун ва у доимо адолатли бошқарилиши керак. Давлатнинг асосий вазифаси ўз фуқоролари ҳақида ғамхўрлик қилишдир. Бу ғамхўрлик заминида бир қатор вазифалар турадики, бу вазифалар мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, суғориш иншоатлари, йўллар, кўприклар қуриш, ерларни суғориш, фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш, маориф, фан ва техникани ривожлантириш, мактаблар ва бошқа ўқув юртларини очиш кабилардан иборат.

Аҳмад Донишнинг давлат ҳокимияти ва унинг иқтисодий, ҳарбий қўшин ва халқ билан ўзаро алоқаси ҳақидаги фикрлари диққатга сазовордир. Мутафаккирни таъкидлашича, ҳақиқий халқ парвар давлат ҳокимиятини ташкил қилиш учун вилоятларга бўлинган кишилар жамолари бўлиши керак. Бундан ташқари, бундай ҳокимиятни ташкил этиш учун мамлакат ободонлаштирилган бўлиши, малум миқдордаги ҳарбий қўшинга эга бўлиши лозим. Чунки уларсиз давлатни бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳеч бир ҳукмдор қўшинсиз ҳукмдор бўлиши мумкин эмас. Қўшинни эса ҳазинасиз ташкил этиб бўлмайди. Агар мамлакат ободонлаштирилмаган бўлса ҳазина тўплаш мумкин эмас. Мамлакатни ободонлаштириш тоғларни яқинлигига, сувни етарли даражада бўлишига боғлиқ. Давлат ҳокимияти Аҳмад Донишнинг қайт қилишича, тахтга ўтирган кишига ўхшайди. Тахтни қуриш эса қуйидаги беш нарсасиз мумкин эмаслигини олдинги фикрларда айтиб ўтдик яъни адолат, ҳарбий қўшин, халқ, сув ва ҳазина ўзаро чамбарчаст боғлиқ бўлиб давлатни ривожлантиради. Уларнинг биттаси бўлмаса, бошқасини тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳазинасиз ҳарбий қўшинни сақлаш мумкин эмас, қўшинсиз мамлакатнинг душмандан ҳимоя қилиб бўлмайди, сувсиз керакли моддий неъматларни етиштириш амримахол, моддий неъматларни етиштирувчи эъса халқдир. Халқ учун яхши турмуш шароитини фақат адолатли ҳукмдорлар раҳбарлигида яратиш мумкин.

Фуқоронинг тинчлиги ва осойишталиги, Аҳмад Донишнинг фикрича, давлат бошлиғи ва мансабдор шахсларнинг адолатлигига боғлиқ. Умуман адолат давлатни бошқаришнинг

¹ А.Дониш Наводирул воъеа. «Фан», 1964, 195- бет.

асосий қонидаси бўлмоғи керак. Бундан ташқари, мутафаккир давлатнинг бошқаришда илм – фанга, тажрибага таянган ва адолатга риоя қилган давлат бошлиғигина ўзига юклатилган вазифани бажара олади деб таъкидлайди: “Подшоҳ ёлғиз ўзининг инсофли ва адолатли бўлиши билан қаноат қилмасдан бутун давлат арбобларини, айниқса ўз атрофидаги хизматчиларни ҳақликка, адолатликка унлаши керак. Уларнинг ҳар қандай зулумларига сукут қилмаслиги керак. Амалдорлар ҳам подшоҳ қилган зулмига сукут қилган бўлсалар жавобгар бўладилар...”. Адолатга асосланган ҳокимиятгина мустаҳкам бўлади. “Агар давлат тартибларидан, салтанат сийсатидан халқ норози бўлса, ғалва кўтарар экан, подшоҳнинг хазина ҳам, лашкар ҳам сақлаб қололмайди. Агар халқ ундан рози бўлар экан, аниқ билсинки, ҳеч ким унга қарши бош кўтара олмайди. Агар кўтарса, тор-мор бўлади”¹.

Кундалик ҳаётида адолатсизлик, жабр – зулм, талончилик, тартибсизликларнинг гувоҳи бўлган Аҳмад Дониш, Бухоро амирлигининг давлат тузимини ислоҳ қилиш йўли билан бу иллатларга барҳам бериш, меҳнат қаш халқнинг аҳволини яхшилаш, мамлакат ободонлигини таъмин этиш мумкин деган хулосага келади. Бухоро амирлигида ислоҳот ўтказиш ҳақидаги фикрларини маърифатпарвар ўзининг “Ўзаро ёрдам ва маданийлик тартиби ҳақида рисола” сида баён қилади.

Рисолада Бухоро амирлигида тариқиб топган давлат тузумидан кескин фарқ қилувчи, меҳнатқашларнинг турмушини яхшилашга қаратилган сиёсий-ҳуқуқий институтларни ташкил қилиш таклиф этилади. Рисолада давлат органларини ташкил этиш, мамлакат ижтимоий-сиёсий, ҳаётини ҳуқуқий тартибга солиш, мансабдор шахсларга қўйиладиган талаблар, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, уларнинг тайинлаш ва вазифасидан бўшатиш каби масалаларга алоҳида этибор берилган.

Рисолада давлат бошлиғининг ҳуқуқ ва бурчларига катта ўрин берилган. Аҳмад Донишнинг таъкидлашича, давлат бошлиғи бўлиш нихоятда мураккаб ва маъсулиятли иш, чунки мамлакатнинг раънақи ва халқнинг осойишталиги кўп жиҳатдан унга боғлиқ. Давлат бошлиғи ўз зиммасига юклатилган вазифани илм - фанга, тажрибага таяниб, адолатга ва қонун – қоидаларга риоя қилгандагина адо этиш мумкин. Амир ўз фаолиятини оширишда ўнга шартга қатий амал қилиниши, чунончи, давлат бошлиғи фуқоро манфаати билан боғлиқ иш юзасидан ҳукм чиқаришда ўзини бир оддий қиши деб ҳисоблаши, ўзини фуқоро ўрнида тасаввур қилиши, унга мурожат қилиб келганларни кўп зориқтирмаслиги; у ёмоқ – ичмоққа, қийинишда қаноатли бўлиши, бировларнинг қўнлига қараб ғайри қонуний иш қилмаслиги, халққа муомила қилишда меҳрибонлик кўрсатиши, ҳар бир масалани хал қилишда унга катта- кичик демай, инсоф ва адолат билан, иш олиб бориши, олимлар билан маслаҳатлашиб иш тутиши, катта - кичик амалдорларнинг фаолиятини доимо назорат қилиб туриши, такаббурчиликдан, бошқаларнинг менсимасликдан сақланиши керак.

Хулоса шуки, подшоҳнинг салтанат юргизиши учун зарур ишлар жуда кўпдир. Буларнинг ҳаммасини ҳар вақтда кўзда тутиб, қўнғилда сақлаш қийин, албатта. Ҳар қандай жамиятда давлатнинг моҳиятини ташкил этишдан келиб чиқади ва давлат жамиятнинг расмий вакили ва бошқарувчи тизим сифатида малум шарт-шароитларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилади. Инсоният жамиятнинг бутун тарихи шундан

¹ .А.Дониш Наводирул вақое. Тошкент. “Фан”, 1964, 45-80-бетлар

далолат берадики, давлат ҳокимияти бир йўналишда иқтисодий жиҳатдан ривожланган ҳолда ҳаракат қилгандагина ўзига хос ривожланиш тезроқ кечади.

ЗАРДУШТИЙЛИК ДИНИЙ ҒОЯЛАРИНИНГ БУГУНГИ МАЪНАВИЙ ҲАЁТИМИЗДА АКС ЭТИШИ.

Г.Мойлиева –2- курс магистранти

Марказий Осиё халқларининг муштарак ёдгорлиги бўлмиш Авестода Ўрта Осиё халқларининг қадимги тарихи ҳақида маълумот берувчи илк манба ҳисобланади.

Зардуштийлик дини дунёқараши , фалсафий – ахлокий тизимини ўзида мужассам этган «Авесто» ғоялари , узбек халқининг қабила ва уруғларини ижтимоий уйғун , давлатчилик ғоялари атрофида бирлаштиришга ,ўзбек халқи аجدодларини бронза давридан бошлаб , удум ва урф-одатларини кўрсатиб беришга хизмат қиладиган бебаҳо манба ,десак ҳато бўлмайди.

Зардуштийлик расмий дин сифатида 1 минг йиликнинг бошларидан бошлаб , Туронзамин халқларининг диний қарашларига айланди . Зардуштийлик ўз илдизи билан бронза даврининг оташпарастликка бориб такалади. Оташпарастлик бундай камида 3500 минг йил олдин эзгуликнинг ёвузликка қарши тимсоли сифатида вужудга келган , удимлар муҳим байрамлар ва тантанали маросимлардан иборат бўлган , уларда Навруз , муқаддас ичимлик ҳаммага ҳурмат ,тозаланиш одати, намоз, рўза ва бошқалар зороастризмнинг муҳим диний одатлари саналган¹.

Тарихий манбалар ва адабиётлардан маълумки , зардуштийлик дини асосий қонун-қоидалари , ахлокий нормалари, фалсафий , урф- одатлари ва анъаналари ушбу диннинг муқаддас китоби «Авесто» да баён этилган.

«Авесто» китобида табиатга муносабати масаласи ҳам инсоннинг иқтисодий ҳаёти билан узвий алоқадорликда олиб қаралади ҳамда унинг икки жиҳати намоён бўлади.

Бири-табиат унсурларини муқаддастлаштириш , иккинчиси- инсоннинг табиат билан моддий яратувчилик муносабатларини муқаддастлаштириш Масалан , Ардисурага бағишланган бешинчи Яштда Сув улугланади , унинг дон ундириши , чорва ташналигини қондириш , инсон бойлигига барака киритиб , мулкни кўпайтириши, ўлкаларни гуллаштиб-яшнаши тилга олинади!²

Ханузгача урф- одатларимизга сакланиб келаётган муқаддас ақидалар «Сувни бўлғама», «Сувга тупирма» каби иборалар бизга мерос бўлиб қолган.

«Авесто» нинг «Вендевод» ва «Виспарад» қисмларининг алоҳида бўлимида ерга ишлов бериш , экин экиш , ернинг милиоратив ҳолатини яхшилашга оид қатор йул йуриқлар

¹ Аширов А. “Авесто”дан мерос ва маросимлар. Т.Мерос. 2001. 31 б.

² Исмоминазаров.М Миллий маънавий назарисига чизгилар Т.1992 йил 67 бет.

баён этилган . Зардуштийликда бугдой , ёғ ва мевали дарахтлар экан, курик ерларга сув чикариш, ерларни шудгор килиш энг бахтиёр фазилат саналган¹.

Биз hozirgi кунда Ўзбекистонда дехкончилик билан шугуланувчи аҳоли кўпчиликини ташкил этади . Ер , дон ва нонга бўлган эҳтиром улар билан боғлиқ турли-туман удумлар ва маросимлар hozirgacha сақланиб келиниб келади. «Авесто» пайдо булган даврда галла этиш, дон етиштириш, умуман, дехкончилик маданияти қадрланган. «Авесто» да дехкончилик энг олийжаноб касб сифатида таърифланади, дехконлар эъзозланади. Зардуштийлик жорий этилганда Туронзаминда қоқ дехкончилигида суъний сугориш усулига утилган эди. «Вендевод» ҳамда «Виспарад» нинг алоҳида қисмларида дехкончилик ҳақида сўз юритилади.

«Виспарад»да каналлар чикариш, ариқлар казиш, дашту саҳроларин ўзлаштириб, суғориладиган ерларга айлантириш хусусида қимматли фикрлар кўп учрайди , жуда кўп ўринларда ҳосилдорликни оширишнинг асосий омилларидан бири ернинг захрини қочириш , шуруни ювиш ҳақида гап боради. Бу эса ерни экин экишга тайёрлаш ҳам --- келади. Ҳозирги кунда Хоразм , Кашкадарё, Бухоро чул зоналарида ерни шуруни ювиб ерни экинга тайёрлаш кўзга яққол ташланади . Айни пайтда ерга ишлов беришда сидки дилдан , ҳалоллик билан меҳнат килишга ҳам алоҳида аҳамият берилган , ҳамкорлик ҳашар йули билан ерларни созлаш , ерларни тақсимлашда адолат билан иш тутиш , анҳор ва арик сувидан фойдаланиш , сувнинг исроф булишига йул қуймасликка жиддий эътибор берилади. Зардуштийлик эътиқодигилар орасида жамоа булиб каналлар чикариш , арик-зовурларни тозалаш , ботқоқликларни қуриш учун қураш маросими булган. «Авесто»да дехкончилик билан шугилланиш ўн минг марта ибодат қилиш ва юзлаб жониворларни қурбонликка суйишдан афзал ҳисобланган , унда айтилишича , экин экиш ердаги ёвузликларга барҳам бериш демақдир.

Ҳозирги кунда ҳам ерга , сувга, ҳавога, жамийки заминга бўлган ҳурмат –эҳтиром қучли тус олган, 2009 йилини юртбошимиз И.А. Каримов томонидан «Кишлоқ хўжалиги ободонлиги ва фаровонлиги йили» деб номланиши фикримни исботидир. Зардуштийлик динига амал қилган Марказий Осиёдаги қабилалар сувга ва оловга сажда қилганлар , қуёшни илохий мавжудот даражасига қутарганлар. Хоразмда , Сурхондаре ва Самарканд вилоятларидаги қазималар бунинг далилидир. Бу жойлардан Қуёш худоларининг борлиги исботланган . Ҳар бир халқининг бошқасидан ажратиб турувчи муҳим этнографик белгиларидан бири унинг маросимлари ҳисобланади² . Оила ва оилавий маросимлар этносга оид маданий ва маиший анъаналарини ўзлаштириш ҳамда давомчиси ҳисобланади . Қишилар ҳаёти фаолияти билан боғлиқ анъаналар ижтимоий – сиёсий анъаналарга қараганда бир қанча муҳимроқдир. Туғилиш, никоҳ ва ўлим билан боғлиқ маросимлар – бу ташқи тафаккурга йуналтирилган, балки ҳиссиёт ва руҳ билан боғлиқ муҳим босқичлардан иборат булиб, уларнинг қуплари келиб чиқиш асосларига қура қадимий эътиқодлар ва диний қарашларга қориб такалади. Ўзбекистондаги аёлларининг ҳомиладорлик даврида, она ўзини ва туғилажак ҳомиласини турли хил ёвуз қучлар ва инсу – жинслар қуружидан омон сақлаши ва маълум бир тартиб- қоидаларига қиоя қилиши қурур бўлган. Инсон уз ҳаётининг ибтидосидан интиҳосигача унлаб турли- туман маросимларга иштирок этади, унинг ёши,

¹ Нуржонов.К Авесто нодир манбалар «Тур-н» 31 январь 2001 йил.

² Саримсоқов Б. Маросим фольклори Ўзбек фольклори очерклари. Т. 1988й.

маънавий хаёти ва оилавий ҳолатида бирор бир ўзгариш юз берса, ана шу вазият муайям маросимлар воситасида расмий ҳолда расмиллаштирилиб қуйилган. Айниқса, тугилиш ва унинг турли тарихий даврларда ва турли халқлар маданий анъаналарида инсон ҳаётининг энг муҳим босқичи тарзида эътироф этилган ва ҳозирда ҳам шундайлигича қолмоқда. Қолаверса, бу жараёнлар билан боғлиқ маросимлар ўтказилиш тартибининг қатъийлиги ва ҳар-бир ҳудудда ўзига хос консерватив қўриниши билан ажралиб турган. Шу боисдан ҳам бундай маросим ва анъаналар доимо тадқиқотчиларни ўзига жалб этиб келган.

Инсон тугилиши қаби унинг ўлими ҳам ўта муҳим аҳамиятга молик воқеалиқдир. Чунки инсон ўлиши унинг бу дунёни тарқ этиши, бошқа оламга ўтишни англатган ва бу жараён билан боғлиқ қатор маросимлар бажарилган. Масалан, Ўзбекистонни турли вилоятларида, бирор киши вафот этса «қайтиш қилди», «ўтиб қолди», «бу оламдан ўтди», «кетди», «бўлмади» дейилади. Шу ибораларнинг узи ҳам марҳумнинг бир оламдан иккинчи бир оламга ўтишини ифодалайди¹. Бугунги кунда халқимизнинг дафн маросими билан боғлиқ удумларида, ўликлари ювиш билан махсус ғассолар шугилланади. Зардуштийлик одатига кўра, ўликлари билан фақат махсус насасалар шуғулланишган ёки ристокашалар шуғулланиши мумкин бўлган. Улар ҳам зардуштийлик одатига кўра, «нопок» ҳисобланганлар, фақатгина улар ўлиққа яқинланишига ҳуқуқлари бўлиб, уни ювишган, оқ матога ўрашган ва кушти (белбоғ) боғлашган ва қўлларини кўксига қуйишган.

Марҳумни яқинларини узокроқдан қарашга ҳуқуқлари бўлган. Марҳум ўлган уйда турли-хил овқат ва ичимликлар тайёрлаш маън этилган, чунки ўлиқли уй ҳаром ҳисобланган. Ҳозирги кунда ҳам ўлиқ чиққан уйда овқат тайёрланмайди, овқатни кўни-қушлар тайёрлаб олиб чиқишади. Зардуштийликда ҳам вафот этган кишиларнинг яқинлари. Турли тиловатлар қилишган, уч кечаю уч кундуз марҳум чиққан уйдан одам узилмаган. Марҳум чиққан уйга дастлаб олов олиб қирилади ва уй покланади уйда олов қирқ кунгача ёниб турган, шундан сунг марҳумни қирқ ўтказилган. Бу эса марҳум утган уйни поқловчи восита деб тушинилган. Чунки, мурда ҳаром ҳисобланиб, у теккан нарсани тозалаш зарур бўлган. Ҳозирги кунда ҳам марҳум чиққан уйнинг чироғи учмасин, чироғ ўчса арвоҳ қирқилади, деган диний тасаввурлар мавжуд бўлиб, буларни зардуштийликдан ўтиб келган тасаввурлар десак, хато бўлмайди.

Диншунос Г.П.Снесаревнинг таъкидлашича, жон бераётган зардуштий доимий равишда ёвуз қучлар худоси Аҳримон таҳдиди остида бўлган. Шу боисдан жон бераётган Зардуштийнинг олдида ёвуз қучларни ҳайдаш учун иккита Мубод шай туриши лозим бўлган. Улардан бири олов олдида дуо ўқиб турса иккинчиси, оғир ётган одам оғзига тетиклик бахшлаш мақсадида оби ҳаёт (муқаддас хаома) шарбати ёки анор сувидан томизиб турган. Юқорида келтирилган одатга ўхшашлик замонавий Зардуштийларда ҳам мавжудлиги хусусида тадқиқотчилар томонидан маълумотлар берилган.

Зардуштийлик анъана ва маросимлари билимдонларидан бири инглиз олимаси Мэри Бойснинг ёзилишича, замонавий Зардуштийлар тартиб – қоидаларига кўра, жон бераётган Зардуштий тушаги олдида икки Мубад бўлиши зарурий шартларидан ҳисобланган, улардан бири ёвуз ниятли девлар зиён етказиб қўймасин, деган мақсадда, тоқ наводаси билан ўраб қуйилган айлана ичидаги олов ёнида тик турган қолди дуо ўқиб турган, иккинчиси, жон бераётган кишининг оғзига хаома ёки анор сувини томизиб турган.

¹ Ашуров А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. Т. 2007. 1076.

Демак , юкорида таъкидланган фикрлардан шундай хулоса келиб чиқадики , жон бераётган кишининг огзи куриб колмасин, деб ҳозирги кунда ҳам пахта билан ширин сувни огзига томизиб турилиши ва унинг ёнида албатта яъни кексарок икки кишининг бўлиши кадимий Зардуштийлик динининг колдигидир. Ушбу амалларнинг дастлабки шартларидан бири шуки, ушбу амалларни кечиктирмасдан тез бажариш даркор, чунки , агар кечиктириб юборилса, мурда аъзолари котиб қолиши мумкин. Иккинчи хусусияти шундан иборатки, мурдани махтал килмасдан дафинга тайёрлаш лозим. Бунда жон чиккандан сўнг тезда майтнинг ияги боғланади, кўзи ёпиб қуйилади, қўлларининг панжалари текисланиб, оёғи узатилади ва бошмалдоклари бир-бирига теккизиб боғланиб, беданинг устига ётқизиб қуйилади. Зардуштийликда мурданинг анъанавий нопоклиги концепцияси мотом маросимлари марказида турган «Вендидод»ди баён қилинишича, шайтон ўлиб бораётган кишининг танасига кириб олиб , уни бутун вужудини булғайди. Шу сабабли кимки мурдага тегилса, у ҳам қулфат ва касалликлар билан жазоланади, деган ----- бор. Шу боис, жон бераётган одамни қариндошлари ва яқинларидан алоҳида ажратилган уйга ётқизиш шарт бўлган. Бунда ўлаётган одам билан тирик инсонлар ва Зардуштийларда муқаддас ҳисобланган баъзи бир нарсалар ўртасида маълум масофа сақланган . Бу масофа 30 кадам , сувдан 30 кадам , муқаддас шохдан 30 кадам узокликда бўлиши лозим эди.

Бизгача етиб келган ушбу яъни тасаввурлар орқали биз урф-одатларимизнинг баъзи бир тарихий илдизларини кўришимиз мумкин.

Еврейская диаспора в Узбекистане

Т.Кириенко – студентка 3 курса

Еврейская музыка, танцы, праздники – все это знакомо и близко узбекистанцам. Нужно отметить, что Средняя Азия всегда лояльно относилась к еврейскому народу, и в годы гонений и преследований именно здесь многие из них находили себе приют, на территории Узбекистана. И сейчас, в Узбекистане очень много еврейских организации, таких как, Израильский Культурный центр, молодежный еврейский центр, еврейское агентство «Сохнут», синагоги.

Очень интересен как для историков Узбекистана, так и для историков Израиля этноним «бухарский еврей», идут постоянные дискуссии, при этом настойчиво проводится линия на распространение термина «бухарский еврей» на всех представителей этой этнической общины, проживающих на территории всей Средней Азии.

В период распада СССР, на Первом съезде еврейских общин СССР, состоявшемся в Москве в начале апреля 1991 г., было принято решение впредь считать неправомерным использование таких названий, как местные, туземные, среднеазиатские евреи. Исторически сложившимся для них названием является «бухарский еврей». Естественно, такие решения антинаучны, и это находит свое подтверждение в обсуждении одного из многих вопросов истории среднеазиатских евреев.¹

¹ Ю.И. Датхаев. О бухарских евреях. Нью-Йорк-Денвер. 1995. С. 60-65.

Ю. Датхаев, описывая историю происхождения самого этнонима «еврей» в Центральной Азии в далекие времена, отмечает, что те племена, которые не могли произносить гласную букву «я», заменили ее согласной «ж» (ч) и в результате взамен названия «яхуди» они стали называться «джухуд».¹ Евреи жили на перекрестке важнейших торговых путей, что способствовало формированию своеобразной культуры и хозяйства. В конце XVI начале XVII века в Бухаре возник еврейский квартал – старая махалля, вне которой евреям запрещалось селиться, к началу 19 века возникла новая махалля. В середине XIX века под еврейское поселение был отведен еще один район Бухары – Амирабад, в 1843 году продан участок земли для постройки еврейской махалли в Самарканде. Но бухарские евреи жили не изолированно от окружающего населения, несмотря на то, что религия и неблагоприятные исторические условия обрекали их на замкнутый образ жизни. Действовавшие при этом в течении многих веков общинные соседские связи способствовали установлению этнических контактов по линии культуры, языка, быта, хозяйства. Результатом этого явилось наличие в одежде, пище, интерьере жилища, обычаях, обрядах, музыкальной и бытовой культуре большого количества элементов, характерных для узбекского народа. В частности, это особенно видно на способах приготовления пищи, сервировке стола, ритуала приемов гостей и т.п.²

В период сталинских репрессий трагическая судьба не обошла и бухарских евреев. В основном это были руководители еврейских общин досоветского периода, активные сторонники религиозных традиций и представители бухарско – еврейской интеллигенции. В результате репрессий были сломаны судьбы тысячи бухарских евреев. На повестку дня встал вопрос биологического и культурного выживания этноса (евреев).

Вторая мировая война имела для евреев самые разнообразные последствия. Стремительность немецкого наступления в первые дни войны вынудило значительную часть еврейского населения покинуть свои обжитые места. В условиях военного времени, огромных трудностей с ресурсами власти республики сумели организовать всенародное движение по оказанию помощи им: сбор вещей и денег, организация эвакуационных пунктов, детдомов, интернатов, предоставление ночлега. В первые месяцы войны в Ташкенте эвакуированных встречали прямо на вокзале и распределяли по семьям местных жителей. Для эвакуированных евреев Узбекистан стал родным домом, где бы они не жили. Не случайно многие эвакуированные евреи, как и русские, украинцы и другие, остались в республике на постоянное жительство, Узбекистан стал для них Родиной, которая укрывала и накормила.

В послевоенные годы, евреи также внесли свой вклад в развитие республики, но больше всего еврейская диаспора Узбекистана взрастила талантливых врачей. Исстари медицина, врачевание являлись одной из тех сфер, где нашли свое призвание и успешно реализовали свои возможности масса евреев. Они пользовались уважением среди местного населения за свой профессионализм в работе и доброжелательность.

Сейчас, можно увидеть тесные политические культурные и экономические связи между Узбекистаном и Израилем. Как отмечал израильский писатель и журналист Давид Шехтер, « Республика Узбекистан является замечательным примером мирного сосуществования между евреями и мусульманами. Около 92 процентов населения

¹ Ю.И. Датхаев *О бухарских евреях. Нью-Йорк-Денвер. 1995. С.57-59*

² С.Гитлин. *Национальные меньшинства в Узбекистане. Тель-Авив. 2004. С.83*

Узбекистана исповедуют ислам, что вовсе не мешает его руководству с уважением относиться к правам национальных и религиозных меньшинств, в том числе и евреев». Далее он пишет: «Я встречался и с представителями властей, и с руководством еврейской общины. Я не услышал ни одной жалобы со стороны евреев. Наоборот, они говорили, что в Узбекистане к ним всегда относились и относятся, как к братьям». Это более чем знаменательный факт, присущий действительно исключительным историческим корням, отмечает Шехтер: «Узбеков и евреев связывают давние узы дружбы. Евреи никогда не подвергались гонениям в этой стране, а в годы Второй мировой войны узбекский народ радушно принял сотни тысяч еврейских беженцев. Между Израилем и Узбекистаном существуют особые отношения».¹

Большое принципиальное значение имеет и тот факт, что Узбекистан стал первым государством в Центральной Азии, установившим с Израилем дипломатические отношения. Именно в Ташкенте открылось первое в этом регионе израильское посольство.

Для Израиля Узбекистан — одна из важнейших дружественных стран. Расположенная в центре региона Центральной Азии, эта развивающаяся страна терпимо относится к разным религиям.

Уровень нынешней торговли Узбекистана с Израилем составляет 10 млн долларов и может быть поднят до 100 млн. долларов. Важное значение имеет и развитие культурных связей двух стран. Как отметил посол Израиля в Узбекистане Эммануэль Мель, «евреи Узбекистана могут сыграть важную роль в организации широкого моста взаимодействия двух стран»². Органически вписываясь в жизнь Узбекистана, еврейская община способствует экономическому развитию республики. Как отмечает информационное агентство ПРАЙМ-ТАСС от 30 ноября 2005 года, в 2006–2010 годах Узбекистан планирует привлечь 6,1 млрд. долларов для реализации проектов с участием иностранных инвесторов.

ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ ШАХСЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТАРИХ ҲИТОВЧИЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР (Қасб-ҳунар таълими мисолида)

К.С.Тўраев – тадқиқотчи

Жаҳон ҳамжамиятида глобаллашув жараёни чуқурлашиб бораётган бир пайтда миллий ўзликни англаш муҳим аҳамият касб этади. Истиқлол йилларидаги тараққиётимизнинг устивор йўналиши сифатида, юртбошимиз ташаббуслари билан миллий кадриятларни тиклаш, халқимиз маънавиятини юксалтириш белгилаб олинди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохатлар мажмуасида таълим соҳасидаги ислохатлар ўз мазмун-моҳиятига кўра муҳим ўрин эгаллайди. Таълим-тарбия орқали юксак маънавиятли шахсларни шакллантириш ҳикматли-тарбиячилар олдида муҳим вазифаларни ҳал этишни кун тартибига қўяди. Президент И.А.Каримовнинг «Юксак маънавият-енгилмас куч» асарида:- «Барчамизга аёнки, инсон қалбига йўл аввало таълим тарбиядан бошланади.

¹ По материалам сайта: www.regions.ru

² По материалам сайта: www.jewish.ru

Шунинг учун қачонки бу ҳақда гап кетса, аجدодларимиз қолдирган бебаҳо меросни эслаш билан бирга, ота-оналаримиз катори биз учун энг яқин бўлган яна бир буюк зот-ўқитувчи ва мураббийларнинг олийжаноб меҳнатларини ҳурмат билан тилга оламиз»¹ деб таъкидлайди.

Ўқитувчи ва мураббийларга бўлган бундай юксак ишонч академик лицей ва коллежларида фаолият кўрсатаётган тарих фани ўқитувчилари зиммасига қатор долзарб вазифаларни ҳал этиш масаласини кўяди.

Педагогика, психология соҳасида олиб борилаётган бугунги кундаги тадқиқот ишларининг натижаларига кўра, шахс маънавиятини шакллантиришда биринчи навбатда мутахассислардан тарих фанига оид чуқур билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиш талаб этилади. Бунда ўқитувчи ўз фанини чуқур билиши, тарихий воқеаларни ҳалқимиз, Ватанимиз тақдири билан моҳирона уйғунлаштира олиши, аجدодларимиз ҳаёт йўли ва уларнинг турмуш тарзи, бунёдқолик фаолиятларини ҳурмат қилиши ҳамда юксак даражада қадрлай олиш фазилатларига эга бўлиши лозим бўлади.

Албатта тарих фани ўқитувчиларида ёшларни Она-Ватанга чексиз муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда тарихий воқеяликлар орқали амалга ошириш имкониятлари каттадир. Шундай экан ҳалқимизнинг озодлик ва эрк учун, чет эл босқинчиларига ҳамда мустамлакаларига қарши олиб борган курашларини манбалар асосида мутахассисдан чуқур билишларини талаб этади. Бундай курашлар тарихида бу заминда етишиб чиққан ҳалқ қахрамонларининг жасоратлари орқали ўқувчиларга таълим-тарбия бериш, уларда виждон уйғоқлигини кучайтиришга хизмат қилади.

«Маълумки, бу дунёда ҳар қайси миллатнинг ўз афсонавий қахрамонлари, ўзи севиб ардоқлайдиган пахлавонлари бўлади. Ҳалқимиз азалдан ўз вужуди, ўз томирида мавжуд илоҳий қудратга муносиб бўлмоққа интилиб, ўз ўғлонларини мардлик ва ҳалоллик, жасурлик руҳида, эл юрт учун ўз жонини ҳам аямайдиган асл пахлавонлар этиб тарбиялаб келган»¹ – деб таъкидлайди Президент Ислоҳ Каримов.

Касб-хунар коллежларида тарих дарслари орқали ўқувчиларда юксак маънавиятни шакллантиришда таъсир кўрсатувчи яна бир муҳим йўналиш бу-ота-боболаримиз, аجدодларимиз қолдирган бой маданий меросдир. Президент И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «Биз ҳалқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихнинг таг-томиригача назар ташлаймиз»². Шундай бебаҳо маданий меросни ўқувчиларга етказиш уларнинг тафаккурларида бундай маънавий-маданий меросга нисбатан юксак даражадаги ғурур, ифтихор фазилатларини шакллантириш тарих ўқитувчисидан чуқур билим ва юксак касбий маҳоратни талаб этади.

Ҳалқимизнинг кўп минг йиллик тарихига назар ташласак бу заминда эътиқод қилинган диний таълимотлар маънавиятимизнинг юксалишида катта рол ўйнаган. Бунда айниқса 1000 йилдан ортиқ давр мобайнида ҳаётимизга, турмуш тарзимизга чуқур сингиб кетган ислом таълимотининг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Нима учун истиқлол йилларида кўплаб муҳаддис-руҳоний олимларнинг таваллуд юбилейларини ўтказдик? Чунки бу муборақ зотларнинг азиз номлари муқаддас динимиз билан ҳамбарчас боғлиқдир. Айнан ёш

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Т. «Маънавият», 2008й, 130 саҳифа

² Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Т. «Маънавият» 2008й. 32 саҳифа

³ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. «Адолатли жамият сари» Т. «Ўзбекистон» 1998й. 49 саҳифа

3. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Т. «Ўзбекистон» 1999й. 11 саҳифа

авлоднинг тафаккурини шакллантириш ва тараққий эттириш билан шуғулланаётган тарих фани ўқитувчилари ўқувчиларни бу буюк маънавий мерос билан таништиришлари лозим. «Бошқача қилиб айтганда, биз фарзандларимизни дунёвий билимлар билан бир қаторда Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандий таълимоти, Термизий ўғитлари, Яссавий ҳикматлари асосида тарбия қилмоқдамиз» – дейди И.А.Каримов.

Инсоният тарихига унинг тафаккури тараққиётига назар ташласак, ҳаётда инсонни камолотга, юксак марраларга чорлайдиган эзгу ғоя ва таълимотлар билан биргаликда ёвуз ва зарарли ғоялар ўртасида азалдан кураш бўлиб келганлигини ва бундай курашлар бугунги кунда ҳам давом этаётганини кўрамиз. Жаҳон ҳамжамиятида глобаллашув жараёнлари инсоният тараққиётига муайян қулайликларни яратаётган бўлса-да, инсонларнинг тафаккурига, онгига, менталитетига салбий таъсир кўрсатиш, таҳдид солиш ҳолатлари ҳам мавжуд. Бундай таҳдидлардан сақланиш йўли ўқувчилар онгига таълим тизимида ўқитилаётган фанлар айниқса, тарих таълими жараёнида сингдирилади. Бу маъсулиятли вазифа тарихчи-педагоглар олдида: турли оммавий ахборот воситаларида тарқатилаётган ахборотларнинг мазмунида қандай ғоя, манфаат мужассамлашганини тушунтира олиш, маънавий таҳдидларга қарши муносабат билдира олиш, миллий ғоя ва Ватанимиз истикболи ҳақидаги мустаҳкам ишонч руҳида тарбиялай олмоғи зарур бўлади.

Тарих таълими орқали касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларида юксак маънавиятли шахсларни тарбиялашда ўқитувчидан ўқитилаётган фан материалларини самарали ўзлаштиришда қўлланиладиган услублар ва замонавий педагогик технологияларнинг роли бекиёсдир. Шундай экан тарих фани ўқитувчиси таълим жараёнида мавзулар мазмунига даҳлдор бўлган: манбалар, хариталар, моддий ашёлар, дарслик, ўқув қўлланмалари материалларидан мохирона фойдаланиши билан биргаликда ўқувчиларнинг фаол мавзу материалларини ўзлаштиришга йўналтирилган янги педагогик технологиялардан кенг фойдаланиши талаб этилади.

Мухтасар қилиб айтганда юксак маънавиятли шахсларни коллежларда тарих дарслари орқали тарбиялаш мутахассислардан чуқур билим ва мохир педагогик фазилатлар ҳам бўлишини тақазо этади.

МИЛЛИЙ ҒОЯ МАЗМУНИДА МАНАВИЯТНИНГ МУЖАССАМЛАШГАНЛИГИ.

Ш.Искандаров– 1-курс магистрант

Биз дунё миқёсида тобора кенг кўлам олиб бораётган глобаллашув техника тарақиёти, мураккаб ижтимоий - сиёсий жараёнлар кечаётган замонда яшамокдамиз. Инсоннинг дунё саҳнасида ўз манфаатидан келиб чиқиб таъбир жоиз бўлса, бирор ролни бажарув ёки шундай жараёнда фаол иштирок этиши учун объектив имкониятлар кенгайди. Чунки, бугунги кунда ер шари инсон наздида дафатан кафтжа бўлгули даражада яқолроқ бўлиб бормоқдаки, бундай ҳолда кишиларда ўз-ўзини онгли бошқариш, маънавий савия билан боғлиқ тушунчалар бўлмас экан, нафақат алоҳида мамлакатни, балки бутун дунёнинг тубан кетиши табиийдир.

Мамлакатимиз Президенти И А Каримовнинг “Юксак маънавият –енгилмас куч” асарида шу жиҳатдан маънавиятнинг жамиятда ва инсон ҳаётида тутган ўрни ҳақида шунингдек, миллий ғоянинг маънавий ҳаёт билан уйғун жиҳатлари борасидаги фикрлари илгари сурилган бўлиб, мен ҳам ушбу мақоламда шунга доир ўз мулоҳазаларимни билдиришни зарур топдим.

Даставвал маънавият ва миллий ғояга берилган қисқача таърифларга тўхталамиз.

Маънавият - инсон ва жамият ҳаётининг уч асосий соҳасидан бири, ҳар бир инсоннинг ҳаққа, борлиқнинг моҳиятига бўлган муносабати. Маънавият ўз мазмунига кўра, кўп қиррали мураккаб ботиний ҳодиса бўлиб, моҳиятан инсон руҳидаги борлиқ ҳақиқати билан уйғунликни англатади. Шу маънода уни инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч – қудрати, инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, унинг ички оламини бойитадиган, иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний куч, ҳақиқат нурининг инсон қалбида акс этиши ёки бақонинг фанода дунёвий ва ухравий мақсадларнинг уйғунлиги, инсонининг ўз моҳияти олдидаги масъуллигин англаш деб ҳам таърифлаш мумкин. Инсоннинг борлиқ абадиятига дахлдорлиги, айти унинг маънавияти туфайлидир.

Миллий - ғоя муайян миллат ҳаётига мазмун бахш этадиган, уни эзгу мақсад сари етаклайдиган фикрлар мажмуи. У миллатнинг ўтмиши, бугуни ва истиқболини ўзида мужассамлаштиради.

Миллий - ғоя инсоният тақдирига таъсир қилади.

Миллий - ғоя ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялайди.

Миллий - ғоя эл - юртни бирлаштириб, ўз олидига мақсадлар қўяди.

Миллий - ғоя деганда аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг эзгу орзу интилиши ва умид - мақсадларини ўзимизга таъсаввур қиладиган бўлсак, бундай кенг маъноли тушунчанинг мазмун - моҳиятини ифода қилган бўламиз.¹

Миллий ғоя миллатнинг етакчи мақсади, халқни. миллатни бирлаштирувчи, йўл бошловчи, бамисоло бир байроқ.² Бу мақсаднинг аниқ ифодасини Президент И. Каримов 2000 - йил 8 - июндаги “Фидокор” газетаси муҳбирлари билан бўлган суҳбатда Мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва тараққиёт сиёсатининг стратегик мақсад- ҳуқуқий демократик давлат ва бозор иқтисодиётига асосланган фуқоролик жамиятини барпо этишда иборат.

Юритимизда истиқомати қилувчи барча инсонлар учун миллати, тили ва динидан катъий назар, муносиб ҳаёт, шароитини яратаб бериш, ривожланган демократик мамлакатлардаги каби кафолатланадиган турмуш даражаси ва эркинликларни таъминлаш ва шу асосда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида

¹ И. А. Каримов, “Юксак маънавият- енгилмас куч” “Т” 2008 й 71- бет.

² И. А. Каримов, “Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамиз танланган асарлар”, 7-жилд, Т., “Ўзбекистон” 1999 й, 89-бет.

муносиб ўрин эгалашига эришиш”¹ учун мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунлариданок миллий ғоя ва маънавиятни ривожлантириш механизмлари ишлаб чиқилди.

Дарҳақиқат, миллий ғоя 130 - йиллик асоратдан қутулиб, мустақилликнинг ойдин йўлига чиқиб олган ҳаётда туб ижобий ўзгаришларни амалга ошираётган миллатимизнинг бош мақсади ҳисобланади. Мустақилликнинг илк кунларидан бошлабоқ олиб борилган эзгу ишлардан бири ўзбек халқининг иззатини жойига қуйишидан иборат бўлди. Ўзбек халқи ҳеч қачон ўзининг камситилишига қараб туролмайди. У бугунги кунда ўз иззат ва қадрини ҳимоя қилишга қодирдир.

Миллий ғоя миллат уйғуннинг камолатининг комиллик ва маърифий истиқбол сари интилишининг маънавий ахлоқий руҳияти тарихий объективлик ривожланиш қонуниятларининг йиғиндиси ҳамда ўтмишда истиқболнинг яқин образи. Бу эса миллат ва халқ келажагининг маънавий руҳий озикаси, миллий ғоянинг моҳиятида маънавиятининг туб асоси ётади. Миллий ғоя шаклланишда нималар мужассам бўлиб нималар бўлимаслигини олдиндан билиб олиш керак. Бўлмаса, жамиятни катта мақсадлари сари жипслаштирувчи миллий ғоя ўз мақсад вазифасини бажара олмаслиги мумкин.

Ҳозирда биз юқорида қайд этганимиздек, тараққиётнинг таҳликали бир даврда яшамоқдамиз.

Буларнинг барчаси эса олдимизга жамият ҳаётида

туб ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда уни модернизация қилиш билан боғлиқ янги вазифаларни қўймоқда.

Дарҳақиқат, миллий ғоя шу юртда яшайдиган барча фуқораларнинг тинч-осойишта, фаровон ҳаёт кечириши учун хизмат қилмоғи лозим.

Миллий ғоямизнинг асосий мазмунини ифода этадиган йўналишлар ҳақида гапирганда ҳеч шубҳасиз, биз Ватан равнақи ва тараққиётини ўзимизга тасаввур қиламиз.

Ватан равнақи аввало унинг фарзандлари, уларнинг маънавий ва жисмоний камолоти билан бевосита боғлиқдир. Бу эса юртимизда истиқомат қилайдиган фуқороларнинг зиммасига катта масъулиятни юклайдики, улардан юрт равнақи учун доимо фаоллик намоён қилиш талаб этилади.

Халқ фаровонлиги миллий ғоямизнинг негизини ташкил қилади. Бунда ҳар бир оиланинг тўқ яшаши, эл-юрт учун муносиб фарзандлар тарбиялаши, уларга билим бериш, уй - жойли қилиш, уларнинг бахту - камолини кўриш орзусининг ўшалиши қўйилган масаланинг асосий правард мақсадидир.

Эндиликда олдимизда турган энг муҳим вазифа ана шу юксак тушунчалар билан бирга, миллий ғоямизнинг узвий таркибий қисмларини ташкил қиладиган комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби тамойиларнинг маъно – моҳияти, бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётга маънавий маърифий таълим - тарбия ишларининг жойига қўйиш, уларни

¹ И.А. Каримов, “Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт праворд мақсадиз танланган асарлар” 8-жилд, “Т” “Ўзбекистон”, 2000 й, 495-496 бет.

янги боскичга кўтариш, ёш авлодни ҳар томонлама мустақил фикрлайдиган етук дунёқараш эгалари қилиб тарбиялашдан иборат.¹

Албатта барчамиз яхши тушунамизки, миллий ғоя деганда сўз фақат бир миллатга мансуб бўлиб қолмасдан, балки мана шу, табарруқ диёримиз - Ўзбекистон тупроғида яшаётган, уни она Ватан деб биладиган барча миллат ва элатларга бирдек дахлдордир.

Миллий ғояда мужассам бўлган буюқ мақсадларни рўёбга чиқариш, авваламбор, жамиятимиз ва шу жамият аъзоси бўлмиш ҳар қайси инсоннинг маънавий олами ва дунёқарашидаги ижобий ўзгаришлар билан боғлиқ эканини унутмаслик зарур.

Шу ўринда бир фикрни алоҳида урғу бериб айтишни жоиз деб биламан .

Бизнинг энг улуғ мақсадимиз, энг улуғ ғоямиз шуки, Ўзбекистоннинг битта йўли бор. У ҳам бўлса, мустақилликни мустаҳкамлаб, мамлакатимизни ҳар томонлама юксалтириб, ёруғ ва эркин ҳаёт сари олға юришдир. Миллий мафкурамиз асосида тизимини фақат ёки асосан маънавий меросимизда мавжуд қадриятларга боғлаб қўйиш воқелик талабларига тўлиқ жавоб бериш қийин. Чунки, мафкурамиз яъни келажак режамизни белгилувчи ва аниқлоштирувчи мақсад йўналишлармиз тизимини юқорида санаб ўтилган уч йўналиш: сиёсат, иқтисод, маънавият соҳасига оид муаммолар барча ўзаро уйғунликда камраб олинади. Маънавият шулар ичида фақат бир йўналишдир

Маънавият масаласини ечими иқтисодиёт билан боғлиқ. Аммо уч йўналишнинг бири иқтисод экан сиёсат соҳаларидаги долзарб юмушларни ҳеч қачон халқ маънавиятини талаб даражасида юксалтириб олиб, кейин амалга оширамиз, деб орқага ташлаб бўлмайди. Бу соҳалар бир - бири билан олдин, кейин эмас, бир пайтнинг ўзида тенг ривожлантирилиб бориладиган соҳалардир.²

Хулоса қилганда азалий қадриятлар диёри - Ватанимиз сарҳадларида яшаб келаётган халқимизнинг узоқ ўтмишдан сақланиб келаётган бой маънавий мероси, ўз бағрида улғайтирган буюқ сиймолар, қаҳрамонларнинг ҳаётий фаолияти ибрат ва ғурур манбаи бўлиб шахс маънавий камолатида муҳим омил ҳисобланади. Бу эса миллий ғоя мазмун моҳиятини ифодалашда зарур асос бўлиб хизмат қилади. Шу боисдан ўз олдимизга маънавий баркамолликка эришувни мақсад қилар эканмиз, зеро, бусиз, истиқболни тасаввур этиш мумкин эмас. Ватан ва халқимизнинг бой ўтмиши, бугунги ҳаёти билан яқинроқ танишиш уларни ўрганиш ва шу тариқа уларга табиий равишда меҳр қўйиш тақозо этилади.

МУНАВВАР ҚОРИ ТУРКИСТОНДА ЗИЁ МАСКАНЛАРИ ИСЛОҲОТЧИСИ

А.Инсопов – 2-курс магистр

¹ И. А. Каримов, "Юксак маънавият енгилмас куч" "Т" 2008 й 75-бет.

² "Миллий маънавият асослари" "Т" 2006 17-бет.

Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли Туркистон тарихида миллий маориф ва маданият, ижтимоий-сиёсий соҳада туб бурилиш ясаган, жаидчилик ҳаракатининг ташкилотчиларидан бири бўлган.

У ўз миллати фидойиси сифатида Туркистон мусулмон халқлари миллий-озодлик ҳаракатининг Тошкентдаги “шўрои Исломия”, Қўқондаги “Туркистон мухторияти” ташкилотларига ғоявий раҳбарлик қилган.

Абдурашидхон Сотиболдихон олим ўғли Мунаввар қори 1878 йилда Тошкент шаҳрининг марказий даҳаси — Шайх Холванд Тахурнинг Дархон маҳалласида мударрис Абдурашидхон ва Хосият отин оиласида дунёга келади. У етти ёшида отасидан ажрайди. Дастлабки таълимни онаси Хосият отиндан олади, хат-саводи чикгач, ўша даврдаги йирик мактабдорлардан бири — Усмон домлада ўқийди, сўнг Тошкентдаги Юнусхон мадрасасида таҳсил кўради. Бироқ, ўша даврда Ўрта Осиёда илм маркази Бухоро эди. Шунинг учун у 1898 йилда Бухорога бориб, мадрасалардан бирида таҳсил ола бошлайди. Аммо кўп ўтмай, моддий қийинчиликлар туфайли Тошкентга қайтиб келади ва Дархон масжидида имомлик қилади. Шу даврда Тошкентда ҳам жаидчилик ҳаракати кучайиб боради. Мунаввар қори ҳам тараққийпарварлар сафига қўшилиб, тезда унинг йўлбошчисига айланади. У айниқса Исмоилбек /аспиралининг “усули савтия” мактабига, чор шукумати мустамлака ўлкалардаги аҳолини қандай маънавий-маданий узлатда сақлагани ва ундан қутулиш чоралари ҳақидаги фикрларига шавас ва ихлос билан қарайди. Чунки, бу даврда биринчидан, эски араб ва форс мактаби услубида фаолият кўрсатувчи ибтидоий мактаблару мадрасаларнинг ўқув педагогика ишлари анча эскириб қолган эди. Иккинчидан, чор ҳукумати Туркистон ўлкасида маорифни ривожантирмаслик учун астойдил ҳаракат бошлаб юборган эди. Ўлка аҳолисини руслаштириш сиёсати биринчи ўринда турар эди.

Пировард мақсад миллатни йўқ қилишдан иборат бу маънавий тажовузни айниқса ўзбек зиёлилари ҳам ҳар қадамда сезиб юришган ва ҳис қилишган. Бундан ташқари, мустамлакачилар Туркистонга оч назар билан қараб, унинг бойликларини шафқатсиз ташиётганликлари, миллий озодлик ҳаракатларини қонга ботираётганликлари фақат оддий меҳнаткашларнинг эмас, балки бойлар ва зиёлиларнинг ҳам кўзини очиб бораётган эди. Халқни бу балолардан фақат мактаб таълим-тарбиясидаги кескин ислохотлар қутқара олар эди. Шу боис, Мунаввар қори рус-тузем мактабларига қарши ўз янги мактабларини очишга аҳд қилди.

Шундай қилиб, Мунаввар қори 1901—1904 йилларда қримлик дўсти Расм Кешод ёрдамида Тошкентда “усули савтия” мактабини очади, айни вақтда мактабда имомлик ҳам қилади. 1906 йилда эса янги усул мактаби соҳасидаги фаолиятини ўз уйининг ташқари ҳовлисида давом эттиради, орадан кўп вақт ўтмай мактаб учун икки хоналик қўшимча бино қурдиради. Қисқа муддат ичида бу мактаб доврўғи ортади, болалар сони кўпайиб кетади. Натижада қори акага ҳаммаҳалла бўлган Бувахон тўра Пошшахон ўғлининг ташқи ҳовлисида мактабнинг икки синфли шўъбаси очилади. Бу ерда 1, 2-синфларни битрган болалар ўқишни Мунаввар қори ҳовлисида давом эттирганлар.

1913—14 ўқув йилида мактабда юқори синфлар (5 ва 6-синфлар) очила бошлайди. Тўртинчи синфдан рус тили шҳм ўқув фани сифатида ўргатилади. У мактабни ислох қилмай туриб, одамларнинг онгида ўзгариш ясаб бўлмаслигини яхши тушуниб етган эди. У “Бизни жаҳолат-жаҳл мураккаб” мақоласида “Туркистонда мактаб ва мадраса йўқ эмас, бор, аммо улар бенизом ва беусулдир... Туркистонлик ёшларнинг тарбияси ва таълим олишига жиддий

эътибор берилмаяпти, миллатнинг истиқболига лоқайд ва бепарво қаралмоқда”, деб танкид қиларди. Мунаввар қори фарзандларининг тақдири учун оталар зиммасида катта масъулият борлигини таъкидлайди. У қуйиниб ёзади: “... илм беришни ўйламай, жонидан ширин болаларини қўча-бакўча кездириб, бечора масъумни азиз умрини жаҳолат оташила ёндиғувчи беҳамият ва бедиёнот оталар ҳам орамизда оз эмасдур.” “... Бошқалари ўз фарзандларини асло мактабга бермай, орқаларидан эргаштуруб руслар эшикида ўзлари каби хизматчиликга ўргатуб дунёи ва охиратни саодати ўлғон илм ва маорифдин маҳрум қўймоқдин ҳеч бир ибдо қилмаслар. Баъзи азизларимиз бордурки, ўғлини қўлидин тутуб мактабга олиб борур. Муаллимдан талаб қилурки, “Тақсир, шу ўғлимнинг гўшти сизники, устухони бизники, бир илож қилуб тезлик ила нақд ва насиё ёзмокни ўргатиб берурсиз” дер. Мана, оталарнинг фарзандлари тақдирига, истиққолига бўлган муносабати.

Мунаввар қори мактаб ўқитувчиларининг (домлаларнинг) ҳам қиёфасини тавсифлаб, аксар ўқитувчилар — бадхулқ, золим, болаларни калтаклашади, яъни “Муаллим афанди қўлида зўр бир таёқ, қайси болани боши ҳаракатдан қолса, ушбу таёқ шу болани бошида ўлур. Аммо ўқиғон-ўқумағон ила ҳеч кимни иши йўқ. Бошни қимирлатиб ўтурса, кифоя қилур. Ҳаттоки ўтган йилларда бу тариқа золим муаллимларни таёқини остида вафот қилмоқ ҳам воқеъ ўлди. Бу тариқа золим ва бадхулқ, жоҳил муаллимларни тарбиясида ўскан боллардан нима умид қилмоқ керак”... Мунаввар қори ўқитишнинг бундай ярамас усули қандай оқибатларга олиб келиши ҳақида қуюниб ёзади: “... бошқа вилоятларда хат билмайтурсан киши юздин ўн бўлса, Туркистон вилоятида юздин тўқсондир”¹. Бунга боис мактабда ўқитиладиган дарс ва китобларнинг усул (методика) жиҳатидан мақсадга мувофиқ эмаслиги, муаллимларни педагогик талабларга жавоб беролмаслиги қабилардир дейди.

Мунаввар қори мактаб тартиб қоидаларига қатъий амал қилишни муаллимлардан ҳам талаб қилган, болалар билан қўпол муомалада бўлишни, уларни уриш ва жеркишни тақиқлаган. У болаларга бериладиган жазо ва танбеҳ жуда демократик ва инсонпарварлик руҳида бўлиши лозим, дейди.

Мунаввар қори зиёли ёшларни чет элга юборишни, у ерда илм-фанни ўрганишни тарғиб қилади. Масалан, у 1916 йили Тошкентда йиғилишда нутқ сўзлаб шундай дейди: “Ўзбек зиёли болаларининг Германияга юбориб ўқитишга жуда муҳтожмиз, болалар ўқуб, илм таҳсил олиб келсалар, миллатга катта хизмат қила оладилар”¹.

Мунаввар қори 1909 йили Убайдулла Ҳўжаев, Абдулло Авлоний, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Карим Норбеков ва бошқалар билан ҳамкорликда Тошкентлик бир бойнинг раислигида “Жамияти хайрия” ташкил этади. Бу жамият орқали қашшоқ ва касалманд кишиларга, ўқувчиларга ёрдам кўрсатади ва бу билан чекланмайди, у Россия ва Туркиядаги олий ўқув юртларига талабалар юбориш билан ҳам шуғулланиди. Айрим маълумотларга қараганда шу жамиятнинг ёрдами билан Мирмуҳсин Шермуҳаммедов Уфадаги “Олия” мадрасасида ўқиган. Мунаввар қори 1906 йил сентябрида “Хуршид” журналининг нашр эттириб, ўзи муҳаррирлик қилади. Бу журнал ўзбек халқининг кўзини очишга, фикрий ўйғонишга, ўз ҳақ-ҳуқуқини танишига хизмат қилгани учун оқ пошшо малайлари томонидан тезда ёпиб қўйилди. Кейинроқ у “Нажод”, “Сурат”, “Ҳақиқат”, “Турон”да бош муҳаррир бўлиб ишлади. У матбуотни элни ғафлат уйқусидан уйғотувчи буюк куч, маданият ва маърифатга

¹ Мунаввар қори. («Тараққиёт» газетаси, 1906 йил, 14 июнь, №1.)

¹ «Шарқ юлдузи» журнали 1992 йил, 5-сон, 108-бет.

чорловчи кудратли восита, ҳақиқат кўзгуси, деб қаради. У Туркистоннинг мустамлакага айланиши, миллатнинг инқирозга учраши сабабларини очиб беради: “Бу замондан юз йилдан зиёдроқ муқаддам замондан бошлаб оҳиста-оҳиста миллат деворларининг ҳар тарафига раҳна пайдо бўлди. Мунга сабаб уламо ва уламоларимизнинг ўз нафслари риоясида ҳаракат қилмоқлари бўлди. Подшоҳ ва хонларимиз бўлса, миллатга қилган хизматлари танҳо хотин олмоқ ва кучук уруштирмоқ ва беғайрат ва беҳаққоният диндор кишиларни бадарға қилмоқ ва тутиб ўлдирмоқ бўлди. Миллат нима ва шарият нима билмадилар. Шунинг учун миллат деворининг раҳналари тобора зиёда бўлди”¹.

Яна буюк мураббий миллатнинг инқирозга учраш сабабларидан бирини “бўзахўрлик, киморбозлик, ... лар”га ўхшаш иллатларни бизларнинг ота-боболаримиз расмларидир, деб истеъмол қилганларида кўради.

Мунаввар қори форс, араб, рус, турк тилларини мукаммал билган, у кўп улуг адибларнинг асарини мутолаа қилган. Мунаввар қори ўлканинг қолоқлиги сабабини ахтарар экан: “Бизнинг Туркистон мамлакати тупроқ, сув ва ҳаво жиҳатидан энг бой мамлакатлардан бўла туриб, на учун ўзимиз бундан фойдалана олмаймиз?” деб афсус-надоматлар қилади. “Мана, кет-бакет етган бундай саволларга жавоб бермак учун нодонлик ва оламдан хабарсизлик, демакдин бошқа чора йўқдир. Бу нодонлик ва дунёдан хабарсизлик балосидан қутилмак учун аввал орамизда ҳукм сурган бузуқ одатларнинг бузуқлигини билмак ва қрганмак керакдир”, дейди у.

Маълумки, золим Николай II нинг 1916 йил 25 июнда «Фронт орқасидаги хизматлар учун Туркистон, Сибирь ва Кавказ инонародецларидан 19 дан 31 ёшгача эр кишилардан мардикорликка олиш ҳақида 1526 рақамли фармони эълони қилинади. Бу ноқонуний фармонни ўлка қонини сўриб ётган губернаторлар бош-бошдоқлик билан амалга оширадилар. Оқибатда, Туркистоннинг кўпгина вилоят ва шаҳарларида аҳоли ўртасида норозилик туғилиб, расмий исёнлар бошланиб кетади. Исёнлар шафқатсизлик билан бостирилади. Ана шу паллада Тошкентлик тараққийпарвар кишилар сукут сақламай, аҳолига ёрдам беришга киришадилар. Ушбу ҳаракат натижасида «Туркистон мардикорликка олиш қўмитаси» ташкил этилади. Мунаввар қори шу қўмита раисининг ўринбосари этиб сайланади. У чор ҳукумати олиб бораётган бу сиёсатнинг нотўғрилигини халққа тушунтиради ва бу масалада Петербургга вакил юборишни ташкил этиш ишларида фаол қатнашади.

Ўзбек халқини маърифатли қилишга интилган буюк мураббий 1918 йил май ойида Тошкент шаҳрида “Турк ўчоғи” илмий-маданий жамияти тузади. У бу жамиятни Туркистон туркларини миллий туғ остига тўплаб, аларга руҳ ва маърифатларимизни, тижорат, зироат ва санъатимизни ривожлантириб, чин маданият вужудга келтирмак ва шу тариқа миллатимизни руҳий ва жисмоний қувватини орттириш мақсадида ташкил этган эди. Мунаввар қори ана шу ғоя асосида иш олиб боради.

У инсоннинг маърифатли бўлиб, кўзи очилмагунча виждон уйғонмаса на ўзини, на халқининг эркини муҳофаза қилаолишини, бу имонсизлик эканини мутафаккирона нозиклик билан ўз асарларида ифода этади. “Сўнгги икки йил ичида, — дейди у, — Туркистон халқининг бошина келган фалокатлар ҳар бири ёлғиз нодонлик ва маорифсизлик орқасидангина бўлганлиги ҳар кимга маълумдир. Келажакда бундай фалокатлардан

¹ «Шарқ юлдузи» журнали 1992 й., 5-сон, 109-бет

кутулмоқ ва Туркистон халқи тилаган равишда идора қилмоқ ва душманлардан сақламоқ ёлғиз маориф воситаси илагина мумкиндир”, дейди у.

Ҳа, бу Мунаввар қорининг имон-эътиқодидан, виждонидан далолат эди. Зеро, Тошкентлик жадидлар — тараққийпарварлар миллатни иллатдан, асоратдан маърифатгина кутқаза олиш ҳақидаги хулосага келадилар.

Умуман, Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли маърифатпарвар инсон, истиклол учун курашган, педагогик фикр ривожига муносиб ҳисса қўшган мутафаккир олим сифатида шуҳрат қозонди.

Ўз халқини, ватанини жони-дилидан севган Мунаввар қори Абдурашидхонов шахсга сиғнишнинг дастлабки қурбонларидан бири бўлди. У аввал Тошкентда, сўнг Москвада тергов қилиниб, отиб ўлдиришга ҳукм этилади. Бу улуғ инсоннинг исми шарифи халқ ёдидан ҳеч қачон ўчмайди.

КУЧУКТЕПА НАҚШИНКОР РАНГЛИ СОПОЛ МАДАНИЯТИ

Д.Каримова-аспирант

Жаҳон цивилизацияси тарихига қадимдан ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган ўзбек халқи аجدодларимиз турмуш-тарзини, улар қолдирган бой маданий-маънавий меросини ўрганиш, уларнинг ранг-баранг ва ёрқин қирраларини очиб бериш, шу бугунги куннинг долзарб масаласи бўлиб келмоқда. Сўнгги бронза ва илк темир даври ота-боболаримизнинг турмуш-тарзи, маданияти, уларнинг ҳўжалиги ҳақида маълумот беришда Ўзбекистоннинг жанубий сарҳадларидан Л.И.Альбаум ва А.А.Асқаров томонидан археологик изланишлар олиб борилган Кучуктепа маданияти алоҳида диққатга сазовордир.

Кучуктепа – Кўхитанг тоғининг жанубий тарафида, Шеробод водийсининг жанубий-ғарбий қисмида жойлашган. Бу ёдгорлик Ўрта Осиёнинг энг катта дарёларидан бири Амударёнинг ўнг қаврасида, Кўхитанг тоғи дараларидан оқиб туташган Уланбулоқсой суви асосида қад кўтарган. У жойлашиш ўрнига кўра, ҳозирги Сурхондарё вилояти, Музрабод тумани марказидан 1 км жанубий-шарқда жойлашган бўлиб, ёдгорлик 1962 йили Л.И.Альбаум томонидан аниқланган. Кучуктепа ёдгорлиги Уланбулоқсой соҳилида, сўнгги бронза даврида яшаган қадимги деҳқон жамоаларининг қишлоғи сифатида пайдо бўлган.

Бу манзилда 1963-1965 ва 1967 йилларда кенг қўламли қазилар ишлари олиб борилади. Натижада, турли хил археологик материаллар, жумладан нақшли сопол буюмлар топилган. Бу сопол буюмлар мил.авв II минг йилликнинг охири ва I йилликнинг бошларига, яъни сўнгги бронза ва илк темир даврига тўғри келади¹. Сўнгги бронза даврига тегишли ушбу манзилгоҳнинг марказий қисми 440 кв.м.га тенг². Ёдгорлик учта маданий қатламдан иборат бўлиб, дастлаб манзилгоҳ уч томондан (шимол, ғарб ва жанубдан) муҳофаа девори билан ўраб олинган. Шарқий қисми эса, очиқ майдондан иборат бўлган. Қалъага шарқ томондан кирилиб, кириш жойининг кенглиги 1 метрни ташкил қилган.

¹ Асқаров А., Абдуллаев Б. Джаркутан. –С.-4.

² Askarov A. Beitrage zur allgemeinen und vergleichenden archaologie.Kuchuk-Tepe. Sonderdruck.Bonn. Band 4. 1982. –С-1.

Манзилгоҳнинг умумий майдони тахминан 0,5 гектар бўлиб, ғарбдан жанубга чўзилган унчалик катта бўлмаган тепалик ҳосил қилган¹. Дастлаб ёдгорликнинг энг баланд, марказий қисми очилди ва унинг бир неча жойига стратиграфик шурфлар солинди. Натижада ёдгорлик иккита тарихий даврга оид эканлиги аниқланган. Кучуктепанинг қуйи қатлами сўнгги бронза даврига тегишли бўлса, унинг юқори қатлами эса, илк темир даврига тегишли бўлиб чиқди. Археологларнинг қазишма ишлари туфайли унинг ҳар хил қурилиш босқичларига тегишли эканлиги аниқланди.

Кучуктепанинг марказий ядроси 8 метр қалинликдаги супа (платформа) устига қурилган бўлиб, чор атрофи қалин мудофаа девори билан ўраб олинган катта патриархал оила қасри бўлиб, унинг қуйи учинчи қатлами сўнгги бронза даврига оид эди.

Манзилгоҳ платформасининг пастки қисми 320 метр, юқори қисми 150 метрни ташкил қилади². Юқорида келтирилган қатламлар тахлили Кучуктепанинг пастки қатлами хронологик даврий системасига кўра, Кучук I деб аталади. Манзилгоҳ майдонининг юқори қисми харобасида, тепаликнинг марказий қисмида 1963 йилдан қазув ишлари бошланиб, 1964-1965 ва 1967 йилгача давом этган. Бу давр ичида кўпгина хўжалик ва уй-жой комплекслари очилди. Шу билан бирга манзилгоҳнинг турли жойларига стратиграфик шурфлар солинди. Биринчи кенг кўламли қазишма тепаликнинг шарқий ён бағрига, 55 м.кв. майдонга солинган³.

Ёдгорликни ўрганиш жараёнида тўртта қурилиш даври аниқланади. Биринчи қурилиш даврида кучуктепаликлар учта катта патриархал оила жамоалари хонадонидан иборат бўлган. Иккинчи қурилиш даврида эса, аҳоли турар-жойларининг сони 6 тага етган. Учинчи қурилиш даврида турар-жой комплекси шарқ ва жануб томонга қараб кенгайиб, оила хонадонлари 7 тага етган. Хонадонлар сонини аниқлашда ўчоқлар хонадон критериясини белгилловчи асосий омил бўлиб, хонадон сонлари ўчоқлар орқали аниқланган. Турар жой мажмуалари орасида, 7-хона диний маросимлар ўтказишга мўлжалланган оилавий ибодатхона бўлиб чиқди. Бу қурилиш даврида хоналар сони 11 тагача етган. Тўртинчи қурилиш даври бронза даврининг охириги босқичларига тўғри келади. Олдинги даврларга тегишли турар-жойлар ташландик ҳолатга келиб, Кучуктепа аҳолисининг инкирозга учраган даври бўлган кўринади. Бироқ, орадан бироз вақт ўтгач, ушбу манзилда яна ҳаёт жонланади. Эски бинолар текисланиб, улар ўрнида янги турар-жойлар барпо қилинади. Манзилгоҳнинг уч ерида сақланиб қолган 2-3 ғишт баландлигидаги деворлар қолдиғи кучуктепанинг энг юқори қатлами яна бир қурилиш даврига бўлинганлигидан далолат беради. Тўртинчи қурилиш даврига оид 23 та хона очилган. Хоналарнинг асосий қисми хўжалик ишлари учун мўлжалланган. Манзилгоҳга кириш асосан шарқ ва жануб томондаги коридорлар орқали бўлган. Бу даврда манзилгоҳ қалин мудофаа деворлари билан ўраб олинган бўлиб, унинг марказида мустаҳкам кўрғон вужудга келган. Бу қурилиш даврига оид 17-хона ўзига хос кўринишга эга бўлиб, бу ерда махсус буюмларнинг топилиши хонанинг диний аҳамиятга молик эканлигини кўрсатади.

Кучуктепа ёдгорлиги икки даврга: сўнгги бронза ва илк темир даврига тегишли бўлиб, улар бешта маданий қатламдан иборат. Манзилгоҳнинг марказидаги мудофаа деворлари

¹ Аскарлов А., Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа. Т.; "Фан", 1979. -С.-6.

² Аскарлов А. Энеолит ва бронза даврида Ўрта Осиё. Самарқанд.: , 1977.-Б.- 83.

³ Аскарлов А., Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа. Т.; "Фан", 1979. -С.-6.

билан ўралган жой ҳар қурилиш даврларида ўзгармасдан ўз жойида қолган. Унинг шарқий қисм турар жойлари қайта таъмирланган. Бу ерда монументал архитектура иншоотларидан арки аъло кўринишидаги марказий қалъанинг қурилиши ва аҳоли турар жойларининг мудофа девори билан ўраб олиниш кузатилади. Бу эса манзилгоҳга қалъа тусини бериб, унинг марказидаги арки аъло мил.авв. I минг йилликнинг ўрталарида диққатга молик иншоотлардан бири бўлган бўлса ажаб эмас.

Кучук 1 деб аталган қатламларнинг қуйи горизонтдан қўлда ишланган, нақшсиз сопол буюмлар кулолчилик чарҳида ишланган Сополли маданиятининг сўнгги босқичига тегишли сополлар билан бирга учрайди. Бу даврда сополларга рангли гул солиш одати ҳали бошланмаган бўлиб, кейинроқ, яъни сўнгги бронза қатламларининг рангли нақш солинган сополли горизонтида кулолчилик чарҳида ишланган сополлар йўқолади. Энди идишларининг асосий қисмини чархсиз ишланган сопол идишлар ташкил қилади. Бу сопол идишлар орасида онда-сонда сопол гардиши бўйлаб, кизғиш қора рангда пардозланган гулли сополлар учрай бошлайди. Булардан ташқари тошдан, терракотадан ишланган урчуктошлар, суякдан ишланган игна, бигиз ва кичик дастали уч парракли бронза ўқ учлари учрайди. Шимолий Бактриянинг Кучуктепа ёдгорлинини энг узоқ давом этган даври Кучук 1 даври бўлиб, мутахассислар бу ерда 3 та қурилиш даврини кузатган. Ҳар бир қурилиш даврини 100 йил оралиғидаги вақт билан ҳисобланса, Кучук 1 даври 300 йил вақтни, яъни мил.авв. XII – X асрлар¹ни ўз ичига олади.

Кучуктепанинг марказий қисмида очилган тўртинчи қурилиш қатлам қалинлиги атига 50-60 см.дан ошмайди. Аммо бу қатламда оқиш ангоб устидан чизилган ҳар хил геометрик нақшли сополлар кўпаяди. Сополлар асосан қўлда ишланган. Бу қатлам Кучук II деб аталди². Бу даврга оид маданий қатламлар Шимолий Бактриянинг Кучуктепа, Қизилтепа, Жанубий Бактриянинг Тиллатепа ёдгорликларида учрайди. Археологик тадқиқотлар натижасида, бу қатламда уй-жойларнинг майдалашиб кетгани кузатилади. Кучук II қатламида биринчи бор икки парракли, асоси зўғатасимон қилиб ишланган бронза пайконлари учрайди. Унинг иккинчи муҳим белгиси, кулолчилик чарҳида ишланган сополларнинг янги шакли пайдо бўлади. Улар банкасимон, цилиндраконус шаклида бўлиб, гардиши қармоқсимон қилиб ишланган³. Археологларнинг кузатишларига кўра, бундай сопол хиллари сўнгги бронза даври ёдгорликларида учрамайди. Бу қатламнинг яна бир муҳим белгиси, гулдор сополлар миқдорининг камайиши, қармоқсимон гардишли сополларнинг пайдо бўлишидир. 1977 йилда олиб борилган археологик изланишлар натижасида Кучук II қурилиш босқичи 4 қатор мудофаа девори билан ўраб олинганлиги аниқланди.

Бу давр бронзадан илк темир даврига ўтиш ёки, қадимги Бактрия археологик даврининг бошланиши, деб аталди. Демак, Кучук II ёки қадимги Бактрия даври илк темир даврининг бошланиши эди. Кучук II даври моддий маданияти фақат Бактрия ва Марғиёна ҳудудларидагина, яъни бронза даврида қадимги деҳқончилик маданияти тарқалган ҳудудларда учрайди.

Кучуктепанинг юқори қатламлари Кучук III ва Кучук IV қурилиш даврларига бўлинади. Кучук III даври моддий маданияти Кучуктепада икки метр қалинликдаги маданий

¹ Асқаров А.А., Шайдуллаев Ш.Б. Бактриянинг бронза ва илк темир даври хронологияси. Ўзбекистон тарихи моддий маданият ва ёзма манбаларда. Т.: "Фан", 2005. –Б-44.

² Асқаров А. Энеолит ва бронза даврида Ўрта Осиё. Самарқанд.: , 1977.-Б.- 83.

³ Ўша жой.

катламда кузатилиб, бу даврни олим мил.авв. VIII асрнинг иккинчи ярмидан VI асрнинг ўрталаригача¹ бўлган вақт билан белгилашни таклиф этади.

Кучук IV даври моддий маданияти Шимолий Бактриянинг Кучуктепа, Таллашқонтепа, Қизилтепа, Бандихон 1, Хайитобод ва яна бир нечта ёдгорликларида қайд этилган. Кучуктепада Кучук IV даври сополлари 2 метрга яқин қалинликдаги маданий катламда учрайди. Тарқалиш ҳудудига кўра, у жуда кенгайиб, шимолда куруклик йўли орқали Бухоро воҳасигача ва сув йўли орқали Хоразм ҳудудига, жанубда Эрон ҳудудларигача² кенгаяди. Шимолий Бактрия ёдгорликлари орасида шу давр моддий маданияти энг узоқ давом этган ёдгорлик Ғозимулла тепа ҳисобланади. Э.В.Ртвеладзенинг ёзишича, унда учта қурилиш даври давомида шу давр ашёлари кузатилган. Юқорида кўрсатилган иккита далиллар, яъни Кучуктепада кузатилган 2 метрли маданий катлам ва Ғозимуллада кузатилган учта қурилиш даври мисолида Кучук IV даврини археологлар миллоддан аввалги VI асрнинг ўртасидан миллоддан аввалги V аср охирларигача бўлган вақт билан белгилишни таклиф этади³.

Тўртинчи қурилиш даври сопол буюмларида нақшлар яхши акс эттирилган. Қуйи катламларга тегишли сопол буюмларда учбурчак, штрихли тасвир тушириш кенг ёйилган. Сўнгги даврларга тегишли сопол буюмлар сиртига байроқча, тўлкинсимон нақшлар ва хайвонлар тасвирини тушириш кенг тарқалган. Демак, Кучуктепа ёдгорлиги тараққиётида кулолчилик маҳсулотларини, бронза ва темир қуролларини ишлаб чиқариш асосий ўринда турган.

Таъкидлаб кўрсатиш зарурки, манзилгоҳнинг юқори қатлами Қадимги Бактрия даврига таалукли бўлиб, асосан чархда ишланган сопол идишлари билан характерланади. Қуйи қатлами эса манзилгоҳнинг сўнгги бронза даврига тегишли, нақшинкор сопол буюмларининг топилиши билан характерланади. Манзилгоҳнинг қуйи қатламида учраган идишлар-сополларнинг умумий ҳисобдан 20 % ини⁴ нимкосалар ташкил этади. Бронза даври катламидаги кулолчилик идишлари тайёрланишига кўра, улар асосан сиртига безаклар солинган бўлиб, улар матодан ясалган безак қолип ёрдамида тайёрланган. Улар маълум бир қисмида мато излари сақланиб қолган.

Кучуктепа ўзининг сопол буюмлари билан Фарғона водийсидаги Чуст маданияти, Жанубий Туркманистондаги Анау IVA, Мурғоб водийсидаги Яз I ва Шимолий Афғонистондаги Тиллатепа маданиятлари типига киради. Лекин юқорида санаб ўтилган маданиятларнинг хронологияси турлича белгиланган. Археологик материаллар чуқур таҳлил қилиниб унинг санаси аниқланди. Кучуктепа ёдгорлигининг археологик комплекслари уни сўнгги бронза ва илк темир даврига тегишли эканлигини кўрсатади.

Бронза ва илк темир даврига оид Кучуктепа археологик комплекси Бандихон қишлоғидаги Майдатепадан ҳам топилган. Бу ёдгорликда Э.В.Ртвеладзе тадқиқот ишлари олиб бориб, Кучук I ва Кучук II комплекслари Майдатепода мавжудлигини исботлади. Кучук I ва Кучук II комплексларига тегишли ёдгорлик Жарқўтоннинг юқори қатламидаги чуқурчалардан Шўрчи туманидаги Қизилтепа, Бўйрачитепа, Миршоди ёдгорликларида ҳам топилган. Умуман, Кучуктепанинг бронза даври сополли маданиятига хос, монументал

¹ Асқаров А.А., Шайдуллаев Ш.Б. Бактриянинг бронза ва илк темир даври... Т.: "Фан", 2005. –Б-45.

² Ўша жой.

³ Ўша жой.

⁴ Асқаров А., Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа. Т.: "Фан", 1979. -С

архитектурасини ҳисобга олмаганда у Чуст маданиятини эслатади. Бу эса улар ўртасида маданий-ҳўжалик ва этник алоқалар борлигини кўрсатади.

Хулоса сифатида шуни айтиш керакки, Кучуктепа маданияти сўнгги бронза ва илк темир даврига тегишли ёдгорлик бўлиб, у ердан топилган ашёлар, айниқса нақшинкор сопол буюмлари ўша давр маданиятининг ёрқин мисолидир. Бу ёдгорлик Қадимги Бактрия цивилизациясини ўрганишда катта аҳамиятга эгадир. Бу ёдгорлик ўз даврида Ўзбекистонда вужудга келган илк синфий муносабатларнинг шаклланишида муҳим ўрин тутган.

ХОРАЗМНИНГ ҚАДИМГИ ТУРКИЙ ТОПОНИМЛАРИ (Я. ҒУЛОМОВ ТАДҚИҚОТЛАРИ МИСОЛИДА)

Ф.Жуманиёзова 2-босқич магистранти.

Марказий Осиё минтақасида жойлашган, Амударё дельтасининг ўнг ва чап қирғоқларидаги текисликларни ишғол қилувчи Хоразм воҳаси доимо тадқиқотчилар назарида бўлиб келган тарихий ўлка ҳисобланади. Кўп йиллар давомида тарихчи, шарқшунос, археолог, тилшунос ва бошқа ижтимоий –гуманитар фанлар соҳасидаги мутахассислар ушбу минтақа юзасидан турли йўналишлардаги тадқиқотлар олиб боришган.

Хоразм тарихи билан боғлиқ талай ишларни амалга оширган тадқиқотчилар орасида академик Я.Ғ.Ғуломовнинг ишлари алоҳида диққатга сазовордир. Шу ўринда Хоразм тарихининг билимдони, атоқли ўзбек академик олими Я. Ғ. Ғуломовнинг бир неча йиллар давомида С.П.Толстов раҳбарлик қилган археологик экспедициялардаги ва мустақил равишда олиб борган археологик изланишлари асосида Амударё этакларида сунъий суғоришнинг вужудга келиши ва унинг тараққий этиш тарихини ўрганиш натижасида яратган йирик монография¹ сини эслатиб ўтишнинг ўзи kifоядир. Ушбу йирик фундаментал тадқиқотда муаллиф минтақа тарихи билан боғлиқ ёзма, этнографик ва археологик манбалар асосида Хоразмнинг ирригация тарихи ва у билан бевосита алоқадор бўлган сиёсий ва ижтимоий–иқтисодий ҳаёт ҳамда этник жараёнларни чуқур таҳлил этган десак муболаға бўлмайди. Шуниси алоҳида таҳсинга сазоворки, Хоразм ирригация тарихининг билимдони ўз ишида қўйилган асосий илмий муаммони ечиш баробарида минтақадаги жой номларининг муҳим бир қисмини туркий топонимлар ташкил этишини ўз даврида биринчилардан бўлиб таъкидлаган эди. Кейинчалик устоз бошлаб берган бу анъана Ҳ.Хасанов, С.Қораев, З.Дўсимов, К.Эгамов, Ш.Камолиддин, Ғ.Бобоёров ва А. Отажоноваларнинг тадқиқотларида ўз аксини топди. Шундай экан, Хоразмнинг суғорилиш тарихини ишлаб чиқиш баробарида минтақадаги айрим топонимларнинг туркийларга алоқадор эканлиги масалаларига ҳам эътибор берган тадқиқотчининг алоҳида хизматларини қайд қилиб ўтмаслик асло мумкин эмас.

Хоразм ҳудуди қадимданок турли этник гуруҳларнинг тўқнашуви ва симбиози юз берган минтақа ҳисобланади. У ўзининг бой ва ранг-баранг тарихи давомида этник келиб

¹ Ғуломов.Я.Ғ. *Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Тошкент.1959.*

чикиши жиҳатидан турли этник катламларга мансуб ва турли тилларда сўзлашувчи этносларнинг макони бўлган¹. Хоразмдаги жой номларининг асосий қисмини минтақанинг эронзабон қадимий туб жой аҳолиси хоарзмийлар ва туркий аҳоли тилларига мансуб топонимлар ташкил этади. Иккала этнос вакиллариининг тарихий излари Хоразм топонимиясида ўз аксини топган. Шундай экан, биз қуйида қадимги туркий топонимларнинг салмоғи катта эканлигини Я. Ғуломов тадқиқотлари мисолида изоҳлашга жазм этдик.

Марказий Осиё, шу жумладан, Хоразм ҳудудидаги энг қадимги туркий топонимларга мисол сифатида минтақа ҳаётида катта ўрин тутган Амударёнинг қадимий номи Ўкуз сўзини келтириш мумкин. Ўкуз атамасининг тарихий –қийсий ва этимологик мазмуни муаллифни бефарқ қолдирмаслиги табиий эди. Я. Ғуломов Ибн Ҳавқалнинг Амударёнинг қуйи дельтасида Чақир-Ўкуз² деган тоғлар мавжудлиги ва бу тоғлар яқинида сув ёзгача музлаб ётиши ҳақидаги маълумотида асосланиб, Ўкуз номининг X асрда ҳам ишлатилганлигини таъкидлайди. Шунингдек, Маҳмуд Қошғарий луғатида туркий халқларда Ўкуз термини “дарё” сўзини англатишини, гарчи бу сўз этимологияси равшан бўлмасада, лекин бу ном ҳақиқатдан ҳам Амударёга берилганлигини ишонч билан тасдиқлайди³. Бошқа бир ўринда эса Ўкуз атамаси ҳақида қуйидагича тўхталади: “Бу сўз Ўрта Осиёнинг қадимги халқларида “тармоқ” ёки “дарё”ни англатган. (Масалан, “Қоон Ўкузи” –Қоон қишлоғи ирмоғи, “Ўкуз кетган” –ирмоқ хосил қилган жой, “Ўкуз бўйн” –ирмоқ бўйидаги жой, Амударёнинг қуйи дельтасидаги “Ўкуз” ирмоғи ва ҳоказо.)”⁴, бошқа бир жойда “Ўкуз грекча Оксодан олинган эмас, балки шу вақтгача сақланган маҳаллий номдир”⁵ –дея дарёнинг номи юзасидан якуний ва тўғри хулосани қайд этади. Табиийки, халқимиз этногенези ва этник тарихини ўрганиш долзарб бўлиб турган бир даврда, устоз тарихчининг юқоридаги фикрларига таяниб, минтақанинг асосий “қон томири” бўлган Амударёнинг қадимий номи туркий атама билан номланганлигини эътиборга олиб, Хоразмнинг маҳаллий туб жой аҳолисини жуда қадимдан туркийлар ташкил этганлиги амин бўламиз.

Туркий “Ўкуз” атамасининг Амударёга нисбатан ишлатилганлигини тасдиқлаш мақсадида муаллиф турли манбалардаги маълумотларни қуйидагича умумлаштиради: “Эски ўзбек тилида XV асрда тузилган Зангиота шажарасида “Шайх Жалилнинг қабри Ўкуз кирғокларидадир” дейилади, Темурнинг тарихчиси Низомиддин Шомийнинг ёзишича, Миздакхон ва Урганч ўртасида Темурнинг қўшинлари ўтган Амударёнинг эски ўзани “Эски Ўкуз” деб аталади, деб ёзади. Ниҳоят, Хива воқеаномаларида Амударёнинг ўнг қирғоғидаги “Кўкўзак” тармоғи “Ўкуз кетган” деб аталади”.⁶ Амударёнинг Окс номи уни қадимги туркий Ўкуз “дарё” сўзи билан тенглаштирилишини бир қатор тадқиқотчилар Я. Ғуломовнинг бу ҳақдаги фикрларини ҳисобга олган ҳолда изоҳлайдилар.⁷

¹ Дўсимов З. *Хоразм топонимлари*. Тошкент. 1985. 80-бет.

² В.В.Бартольд ва С.Г.Агаджановлар ушбу топонимни туркий этнонимларга алоқадор (чағрақ ва ўғуз) деб ҳисоблайди. Бу ҳақда қаранг: Бартольд В.В.Сочинения, т. 1. ст.208; С.Г.Агаджанов. *Очерки истории огузов и туркмен Средней Азии IX –XIII вв.* Ашгабад.1969.ст. 50-53; Дўсимов З. *Хоразм топонимлари*. Тошкент. 1985. 84-бет.

³ Ғуломов.Я.Г. *Хоразмнинг суғорилиш тарихи*. Тошкент.1959. 38-бет.

⁴ Ўша асар. 144-бет.

⁵ Ўша асар. 38-бет.

⁶ Ўша жойда.

⁷ Бобоёров.Ғ. *Ўзбекистон ҳудудида Қорахонийлар давригача бўлган қадимги туркий топонимлар// Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар. “Карим Шониезов ўқишлари” туркумидаги халқаро илмий анжуман материаллари. 1-қисм.Т.: 2005.121-бет; Отахўжаев.А.Ғарбий Сўғднинг суғориш тармоқлари билан боғлиқ атамалар хусусида// Ўзбекистон тарихи. Т.: 2005.№3. 5-бет.*

“Хоразмнинг суғорилиш тарихи ” асарининг муаллифи Хоразм воҳасининг вужудга келиши ҳақида гапирар экан, маҳаллий буюк олимлардан Абу Райхон Беруний асарларига мурожаат қилади: “Ўзани кенгайган жойларда у (Жайхун) ўзидаги лойкани чўктирарди; куйилиш жойидан аста-секин ер қотар ва қуриб қолар, қўл чекинар эди, шундай қилиб бутун Хоразм вужудга келди. Қўл чекина –чекина нисбатан кўндаланг ётган тоғларга бориб тақалди. У билан кураша олмай у шимолга қараб бурилди ва ҳозир туркманлар яшайдиган жойларга бориб етди. Бу қўл (яъни Орол денгизи) билан Маздубаст дарёси яқинида бўлган қўл бир –биридан узоқ эмас, у қўл эса шўр ва ифлос бўлиб қолган, у орқали юзиб ўтиб бўлмайди, туркча у Хиз тенгизи, яъни “Иффатли қиз денгизи” деб аталади”.¹ Муаллиф буюк аллома Абу Райхон Беруний томонидан билдирилган ва ҳанузгача ўз илмий аҳамиятини йўқотмаган юқоридаги фикр–мулоҳазаларга асосланиб, Сариқамишнинг қадимий номи (Хиз тенгизи) туркий топоним эканлигини тасдиқлайди.

Я. Ғуломов Амударёнинг қуйи дельтаси шоҳобчалари ҳақида сўз юритар экан, Хива тарихчиси Мунис ахборот берган Наҳри Халаж деб аталувчи дарё ирмоғи ва бу атаманинг келиб чиқиши тарихига ўз эътиборини қаратади. Маълумки, халажлар туркий қабилалардан бири бўлиб, IX –X асрларда араб муаррихларининг маълумот беришича, шу даврлардаёқ Хуросон ҳудудларига келиб ўрнашган. Я.Ғуломов фикрича, халажларнинг Амударё қуйи дельтасида қачонлардир яшаганлиги бироз ҳақиқатга яқин бўлса, X асрдаги Ҳолижон номи айнан анашу туркий қабилаларга алоқадордир.² Китобда Я.Ғуломов Курдар (Кегайли) шаҳри ва унинг аҳолиси тили ҳақида фикр юритмоқ мақсадида X аср муаррихлари Истахрий, Мақдисий ва Ибн Фадлан қайдномаларига юзланади. Юқорида номлари қайд этилган муаллифлар Курдар аҳолиси тилининг ўзига хос хусусиятларига эътибор берганлар. Яна шунингдек, Берунийнинг ўша вақтдаёқ Орол денгизидан шарқи –шимолий–шарқ томонда бўлган туркман мамлакатлари ҳақидаги ва шу билан бир қаторда у Каспий денгизи бўйида яшаган қабилаларнинг (олонлар ва осларнинг) тили хоразм тилининг бижноқ (турк тили) тили билан аралашмасидан иборат деган фикрини эслатиб ўтади. Курдар аҳолисининг тили Хоразм ва турк тилининг бирикмасидан иборат бўлса керак дея мушоҳада юритади.³

“Хоразмнинг суғорилиш тарихи” китобида тилга олинган “Гурлади” топонимини ҳам муаллиф туркий асосга эга эканлигини таъкидлайди. Амударёнинг денгизга куйилиш масаласини ҳал этмоқ учун араб географлари маълумотларини таққослаш мақсадида у Ҳамдуллоҳ Қазвинийга мурожаат этади: “Жайхуннинг бош тармоғи Хоразм орқали ўтиб, у туркча Гурлади деб аталувчи Хулм тепалигидан пастга тушган; унинг шаршараси ҳатто икки, ҳатто уч фарсахдан эшитилиб турган.”⁴ Гурлади номли жойни Сариқамишнинг жануброқ томонидаги Декча чегераларига киради деб билмоқ лозим, сув оқими бу ерда атрофи тик, деярли ўтиб бўлмайдиган чуқур жарлик ҳосил қилади.⁵ Муаллиф араб муаррихининг берган маълумотидаги Хулм топонимига эмас, балки туркий характерга эга бўлган Гурлади топонимига асосий урғу бериши ва локализациялаши туркий номланувчи жой номларига безътибор эмаслигидан далолат беради. Хоразм топонимлари бўйича махсус тадқиқот иши олиб борган филология фанлари доктори З.Дўсимов фикрича мўғул тилида хурээ сўзи бўлиб

¹ Абу Райхан Беруни. Геодезия// Избранные произведения. Т. III. Т.: 1966. ст.96; Ғуломов.Я.Г. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Тошкент.1959. 27-бет.

² Ғуломов.Я.Г. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Тошкент.1959. 204-бет.

³ Ўша асар. 167-бет.

⁴ Ўша асар. 188-бет.

⁵ Ўша асар. 189-бет.

(айлантирмоқ, ўрамоқ, атрофини бекитмоқ) асли келиб чиқишига кўра, туркий кур (гур) ўзаги билан алоқадордир¹.

Албатта, биз Хоразмдаги сиёсий ва иқтисодий жараёнларни комплекс ўрганган ҳолда Амударё этакларида сунъий суғоришнинг вужудга келиши ва тараққиёт босқичларини чуқур тадқиқ этган мутахассисдан минтақадаги туркий топонимлар, уларнинг салмоғи, уларни таҳлил қилишнинг тавсифий –тарихий, қиёсий ҳамда этимологик усуллардан фойдаланган ҳолда таҳлил этилиши каби масалаларга жавоб излашимиз қийин. Лекин шуни ҳам назарда тутиш керакки, академик Я. Ғуломов минтақадаги туркий топонимларни тахминий фаразлар эмас, балки араб–форс географлари ҳамда маҳаллий муаллифларнинг берган маълумотларига асосланган ҳолда аниқлади ва макротопонимлар (Ўқуз, Хиз тенгизи каби) айнан туркий асосга эга эканлигини таъкидлади. Я. Ғуломовнинг бу хайрли ишлари кейинчалик Ўзбекистон ҳудудидаги қадимги туркий топонимларга доир тадқиқот олиб бориш анъанасини бошлаб берди, устознинг тадқиқотлари Хоразм ҳудудидаги қадимги туркий топонимлар хусусидаги билдирилган бирёқлама фикрларга анча ойдинлик киритди. Бу Я. Ғуломов тадқиқотларида суғориш тарихи масаласи билан боғлиқ ҳолда туркий топонимларга йўл –йўлакай тўхталиб ўтилган деган фикрларнинг асоссиз эканлигини кўрсатади. Шу маънода Я. Ғуломовнинг “Хоразмнинг суғорилиш тарихи” монографиясини Хоразм ҳудудидаги туркий топонимларнинг тарихий этимологик талқинлари баён этилган дастлабки илмий изланиш деб баҳолаш мумкин. Чунки бу тадқиқот бугунги кундаги туркий номшуносликдаги айрим долзарб масалаларга ойдинлик киритмоқда.

ПОДГОТОВКА ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ В УСЛОВИЯХ НЕЗАВИСИМОСТИ

*Д. Закирова –студентка
I курса магистратуры*

Вот уже в течении почти десятилетия в образовательной системе нашей страны осуществляются коренные реформы в соответствии с законами Республики Узбекистан « Об образовании» и « О национальной программе по подготовке кадров». В их реализацию вовлечены все государственные структуры и социальные институты.

Национальная программа подготовки кадров предусматривает реализацию национальной модели подготовки кадров, создание социально-экономических, правовых, психолого-педагогических и иных условий для формирования всесторонне развитой личности, адаптации к жизни в современном изменяющемся обществе, осознанного выбора и последующего освоения образовательных и профессиональных программ, воспитание граждан, осознающих свою ответственность перед обществом, государством и семьёй.²

Рассматривая Национальную модель как целостную систему, самостоятельную, социально-экономическую категорию, необходимо иметь в виду, что включённые в неё компоненты тесно взаимодействуя, обеспечивают развитие личности, общества, практически всех государственных структур и социальных институтов.

¹ Дўсимов З. Хоразм топонимлари. Тошкент. 1985. 34-бет.

² Национальная программа по подготовке кадров, утверждённая законом республики Узбекистан от 29.08.1997 года

Основной и отличительной особенностью Национальной модели подготовки кадров является включение в неё, в качестве , основных составляющих, следующих компонентов: науки, непрерывного образования, общества и государства, производства, личности.¹

Итак, государственная политика в Республике Узбекистан в области подготовки педагогических кадров направлена на создание совершенной образовательной системы, которая постепенно начинает достигать уровня, обеспечивающего подготовку профессиональных преподавателей. Теперь, новое поколение педагогических кадров должно обладать способностью ставить и решать задачи на перспективу, высокой общей и педагогической культурой, творческой, социальной и личной активностью, умением самостоятельно ориентироваться в научной методической и методологической информации и общественно- политической жизни.

В нашей стране глубоко осознаётся важность и актуальность подготовки педагогических кадров. Именно от них в сложившейся обстановке зависит качество образования и качество выпускаемых специалистов. На сегодняшний день во всех педагогических высших учебных заведениях страны ведётся огромная работа по подготовке качественно грамотного педагогического работника. В образовательных учреждениях по подготовке педагогических кадров высшего образования предусматриваются должности научно- педагогического (профессорско-преподавательский состав, научные работники), производственного и учебно-вспомогательного персонала.

К профессорско-преподавательскому составу относятся должности заведующего кафедрой, профессора, доцента, старшего преподавателя, преподавателя и ассистента. Право на занятия педагогической деятельностью имеют лица с соответствующим высшим образованием, профессиональной подготовкой и обладающие высокими духовно-нравственными качествами.

Профессорско-преподавательским составом проводится научно-методическая и научно- исследовательская работа с широким привлечением студентов, аспирантов и докторантов по тематическим планам Ученого совета, заказам образовательных учреждений и организаций, а также по государственным грантам.

В обязательства современных научно-педагогических подготовку педагогических кадров входит:

- обеспечение высокой эффективности педагогического и научного процесса;
- соблюдение устава образовательного учреждения;
- формирование у студентов профессиональных качеств по выбранному направлению подготовки (специальности), гражданской позиции;
- развитие у студентов самостоятельности, инициативности, творческих способностей;
- систематическое занятие повышением собственной квалификации.²

¹ Цитата из ответов Президента республики Узбекистан И.А. Каримова главному редактору журнала «Тафаккур»-Жамиятимиз мафкураси халкни-халк, миллатни-миллат килишга хизмат этсин; «Тафаккур»-1998 год, №2.

² Нормативные документы по реформированию системы высшего образования Республики Узбекистан. Сборник; часть первая; Ташкент-1998- Приложение №4 к приказу министерства высшего и среднего специального образования от 30.10.1998 года №305

Педагогические работники высших учебных заведений в целях обновления профессиональных навыков и знаний, в установленном порядке проходят повышение квалификации и переподготовку.

Повышение квалификации научно-педагогических работников может осуществляться как по государственным грантам, так и по договорам, заключенным между физическими и юридическими лицами с образовательными и научными учреждениями.

Порядок, формы и виды повышения квалификации устанавливаются положением о высшем образовании.¹

Подготовка научно-педагогических работников осуществляется в магистратуре, аспирантуре, докторантуре образовательных учреждений высшего образования, научных учреждений, а также в плане соискательства.

Управление системой высшего педагогического образования в республике Узбекистан осуществляется Кабинетом Министров и уполномоченными государственными органами по управлению образованием в пределах предоставленной им компетенции Законом Республики Узбекистан «Об образовании».

Государственный контроль за качеством высшего образования в педагогической системе направлен на обеспечение единой государственной политики в области высшего образования, повышение качества подготовки молодых преподавателей, рациональное использование средств республиканского бюджета, выделяемых на финансирование системы высшего образования.²

Последнее особенно остро проявляется в условиях рыночной экономики, когда необходимо учитывать все сложные взаимоотношения субъектов процесса подготовки педагогических кадров, четко определить их функциональные обязанности и права, обязательно принять во внимание потребности рынка труда, состояние и перспективы социально-экономического развития страны, её регионов.

Учитывая это, на основе принципов приоритетности и поэтапности реформ, выработана долгосрочная стратегия реформирования системы подготовки кадров и образования.

Реализация Национальной модели подготовки кадров в системе педагогического образования становится одной из основ для достижения стратегической цели развития страны- создание развитого демократического государства и гражданского общества, равноправного члена международного сообщества.

СКИФЛАРНИНГ ҲАРБИЙ ҚУРОЛЛАРИ ВА УЛАРДАГИ ТАСВИРИЙ САНЪАТ СЮЖЕТЛАРИ

И.Жўраев 1-курс аспиранти

¹ Нормативные документы по реформированию системы высшего образования Республики Узбекистан. Сборник; часть первая;Ташкент-1998- Положение о высшем образовании. Приложение №3 к приказу министерства высшего и среднего специального образования от 30.10.1998 года.

² Нормативные документы по реформированию системы высшего образования Республики Узбекистан. Сборник; часть вторая;Ташкент-1998-Положение об Управлении по контролю за качеством подготовки кадров, аттестации педагогических кадров и образовательных учреждений. Приложение №1 к Постановлению № 109 Кабинета Министров Республики Узбекистан от 11 марта 1998 года.

Скифлар диний қарашларида қурооларни улуғлаш, уларни иззат қилишни антик давр тарихчилари хабарларида ва археологик материалларда қўришимиз мумкин. Бу ҳақда Геродот (IV, 59, 62) қуйидагича гувоҳлик беради: - “Скиф маъбуд-худолари орасида энг илоҳийси бўлган Арейни қадимий темирдан ясалган қилич ўзига мафтун этган экан. Қадимги муаллифларни асосан скифлар қилични ўзининг асосий қуроли сифатида ёнида олиб юриши диққатни тортади. Қилич скифларнинг асосий қуроли бўлибгина қолмай, у ҳам шавқатсизлик, жанговорлик ва тезлик рамзи ҳам бўлган”.

Геродот скифлар ҳаётида қилич ва унга бўлган ҳурматни ифодаб, қуйидагича гувоҳлик беради: - “Фақат шу илоҳий қуролга бағишлаб алтар (оташгоҳ) лар қуришган. Унга келтирилган қурбонлик ўзининг катталиги билан ажралиб турган. Ҳар бир скиф вилоятида Арейга бағишлаб шу каби ибодатхоналар (оташгоҳ) бино этилган. Шоҳ-шаббалар тоғдай уйиб ташланган, узунаси ва эни 3 стади* (3 стади – 500 м.дан ортиқ) бўлган, анча баланд ўтинли тепалик ҳосил бўлган, юқори қисмида тўрт бурчакли майдон қилиниб, уч томони тик тушган, бир томонидан эса кириш мумкин бўлган. Ноқулай об-ҳавода иншоатнинг бир қисми емирилган, шу сабабли ҳар йили шоҳ-шабба йиғилиб, қайта тиклаш ишлари йўлга қўйилган. Ҳар бир тепаликка қадимий темир қилич ўрнатилган. Аресни ўзига мафтун қилган нарса ҳам шу эди. Бу ўрнатилган қиличга ҳар йили от ва шоҳли ҳайвонлар қурбонлик қилинади ва ҳар юз асирдан бир киши қурбонликка гирифтор бўларди. Табиийки, бу каби маросимлар ўрмонли худудда яшайдиган скифлар учунгина хос эди”.

Скифлар мазор қўрғонларида қўпинча қуроолларнинг яроқчилири ҳам учрайди. Бу қурооллар ерга ботик ҳолда ё ўткир томони пастга қаратилган, камдан-кам ҳолда эса юқорига қаратилган ҳолда учрайди. Бу вафот этганнинг 1 қуроли билан қўмиш одати чўл ва ўрмонда яшовчи скифлар учун хос хусусиятдир. Мазорларда найза, қилич, ҳанжар, пичоқ, болта, ойболта ва камон ёйлари учрайди. Хронологик жиҳатдан уларни олиб қарайдиган бўлсак, энг қадимда камон (ўқ-ёйи) ва найза кейинчалик (эрамиздан аввалги V-IV асрлар) қилич ва ҳанжарлар мурдаларга қўшиб қўмилган.¹

Скифлар тарихи, маданияти қурооллари ҳақида турли қарашлар, мунозаралар мавжуд. Скиф қиличининг келиб чиқиши тарихи ҳақида Ростовцев М.И. ўз даврида: Скиф қурооллари, жумладан уларнинг шу катори қиличи ҳам келиб чиқиши билан Эронга боғланади.² Артамонов М.И. скиф қиличига Олд Осиёда асос солинган, чунки шу даврда скифлар Мидияни босиб олган ва қурооллар Мидия орқали Ўрта Осиё ва сибирга тарқалган³ дейди Граков Б.Н. эса скифлар қилич нусхасини форслардан олган деб ҳисоблайди⁴. Мелюкова А.И. эса, скифлар қиличининг келиб чиқишини маҳаллий қуролсозлик билан боғлайди⁵. Бу жиҳатдан у (Мелюкова) Росточевнинг қарашларига ҳайрихоҳлигини билдиради. Мурзин В.Ю эса бу масалага жиддий ёндашиб, “агар скиф қиличи ва форс акинаги ўртасида қандайдир

¹ Бессонова С.С. «О культуреоружия у скифов» Киев «Н-думка» 1984 3-4 стр.

² Ростовцев М.И. Курганы находки Оренбургской области эпохи раннего и позднего эллинизма. М.А.Р. 1918, №37 стр. 37

³ Артамонов М.И. «Киммерийцы и скифы» - Л., 1974 стр. 39-40

⁴ Граков Б.Н. «Скифы» М., 1971., стр. 92

⁵ Мелюкова А.И. «Вооружения скифов» САИ. 1964., вып. Д. 1-4 стр. 60

умумийлик бор бўлса, форс қилич – ханжарлари Скиф қиличидан андоза олган”¹, деган хулосага келади.

Ҳозирги пайтда бу мавзу ўз ечимини тўла топганича йўқ, яна янги изланишларга мушток. Скиф қилич ва ханжарларининг тарқалиш географияси жуда кенг бўлиб, улар Эрон ҳудудлари, жанубий Сибир ва Жанубий-шарқий Европа ҳудудларида учрайди.

Янги топилмалар географиясининг тахлилига кўра, Скиф қиличининг келиб чиқиш ватани Олд Осиё ёки Эрон бўлмаса керак. Чунки бу ҳудудларда миллоддан аввалги VIII-VII асрларга тегишли скиф қиличига ўхшаш қурол бўлмаган. Бу ҳудудларга скиф қиличи (скиф-акинаги) миллоддан аввалги VII асрнинг иккинчи ярми VI аср бошларида пайдо бўлади. Унинг ўрнида калта акинак (калта тигли қилич) кенг тарқалган. Шарқий Европада эса бу даврда биметалли (икки хил металл қотишмаси – бронза ва темирдан ясалган узун тигли қиличлар кенг русм бўлганди. Мелюков А.И. скифларнинг узун тигли қиличлари Эрон акинагидан мустақил ҳолда, анча олдин, яъни миллоддан аввалги VII аср охирларида вужудга келган, дейди. Субботовск гороишасидан топилган биметалли қилич тиги темир, асоси бронзадан бўлиб, миллоддан аввалги VIII асрнинг охиригى ўн йилликларига оид. Шарқий Европага узун, темир тигли қиличлар миллоддан аввалги VIII асрда етиб боради. Биметалли ханжарлар эса анча олдин яратилган. Суворово кўргонидаги топилган ханжарлар бунга далил бўла олади.

Скиф қиличи (акинак) ва ханжари скифлар яшаган ҳудудлардан ташқарида ҳам машҳур ва кенг тарқалиб кетган. Минглаб километрларни ўз ичига олган Марказий Европадан то Ўрта Осиёдаги саклар юртига қадар бўлган ҳудудларда кенг тарқалган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, қилич ва бошқа ҳарбий қуроллар муқаддас ҳисобланган. Унга топинишган, қурбонликлар қилишган, унда илоҳий қудрат бор, деб ишонишган. Бундан кўриниб турибдики, топиниш (сеҳрга ишониш) кабилар ҳарбийларнинг турмуш тарзи билан боғлиқ.

Ҳарбий жангчилари кўплаб душманларини ўлдириб, гўё катта илоҳий қудратга эга бўлишган. Унга худди қаҳрамонлардай таъзим қилишган, уларнинг илоҳий қудратини жангчи вафот этганидан сўнг ҳам сақланиб қолишига ишонишган. Душманлар эса жангчилар қабрини бузиб ташлаб, илоҳий қудратни йўқ қилиш каби ҳаракатлар билан шуғулланишган.

Қаҳрамон жангчиларга топиниш, улуғлаш скиф дунёси учун худди бошқа кўчманчи кабилалар каби характерли хусусият ҳисобланади. Юқорида таъкидлаганимиздек, қуроллар билан боғлиқ кўп жиҳатлар тўғрисида антик ва Юнон олимлари, айниқса, Герадот жуда қимматли маълумотларни беради. Бошқа бир манбада Герадот (Герадот-IV,9,10) Гераклнинг ўз ўғилларига қолдирган камон ҳақида гапиради. Бу афсонада шуни айтиш мумкинки, ойболта ва камон сиёсий рамз сифатидаги ҳарбий рамз туркумига киради.² Яъни ҳарбий қуроллар ҳокимият, ҳукмронлик рамзи ҳисобланган. Қурол кимнинг қўлида бўлса, у йўлбошчи бўлган. Квин Курций Руфнинг маълумот беришича, Скиф элчилари Александрга ўзларининг муқаддас ҳисобланган камон ва ёй (ўқ-ёй) ларини тортиқ қиладилар. Бу муқаддас рамзий совғалар ичида Доронинг Скифлар ерига бостириб кирганида скиф шоҳлари унга тортиқ қилган қўллар ҳам бор эди.

¹ Мурзин В.Ю. «Степная Скифия VII-V вв до н.э.» Автореф... канд.ист.наук. Киев. 1979., стр. 11-12.

² Грантовский Э.А. «Индо-иранские касты у скифидов». М., 1960., стр. 22

Камон, ўқ-ёй, қачонки арава ва отлиқлар асосий жанговор куч бўлган даврда, ҳарбий куруллар орасида асосий рамзий маъно касб этди.

Қадимги ҳинд асари Шатаратха –брахмана (V,III, 5) да айтилишича: «Камон –кшатрий кастасининг курулидир», Авесто (Готлар) да эса – «Камон – бу аслзодалар рамзидир», дейилган. Бундан ташқари камон - ғолибшоҳ рамзи, ҳарбий куч-қудрат рамзи сифатида зарб қилинган тангаларда, тобутларда тантанали маросимлар акс эттирилган. Скифларнинг ҳарбий қисмининг зарурий курулларида бири камон бўлиб қолади. Бу тўғрида антик авторлар¹ ва Скифия ҳудудидаги топилган кўплаб ёй-ўқ учлари мисол бўла олади.

Минг афсуски, скиф камон ўқ-ёйларининг бизгача баъзи бир бўлаклари етиб келган. Камоннинг асл холини аниқлаш учун (ўлчами, шаклини) қадимий грек-юнон камонлари билан таққослаш, шу асосда тахминга яқинроқ шакл танлаб олинади. Охирги таққослаш, скиф камони ва грек камонининг шаклини Страбон амалга оширади.² Айниқса Аммиан Марцелиннинг скиф ёйининг ташқи тузилаши ҳақида ёзиб қолдиргани тавсифи катта аҳамиятга эга: «Ўша даврда, худди бошқа халқлардагидек, камонлар дастаси (ёғочи) эгилувчан ёғочдан ясалган. Скиф ёйи форс камонлари кенг ва икки томонлама букилиб, худди янги чиққан ой шаклида ясалади».³ Скиф ёйининг учдан икки қисмининг қайрилганини яна Эхсилнинг «Хоэфор» достонидан ҳам билсак бўлади. Юқоридаги келтирилган изоҳга скиф камонлари мос тушади. Айниқса, турли предметлардаги камон тасвирлари бунга яққол мисол бўла олди. Масалан, иккита скифнинг қарама-қарши тарафга қараб, камондан ўқ узаётган тасвирини олсак, биз бу каби тасвирларни Куль – Оба кўрғонидан топилган идишларда ва Куль – Обадан топилган тўқадаги расмларда кўришимиз мумкин.⁴

Шунга ўхшаш камон тасвирларини яна Шимолий қора денгиз бўйларида топилган, милoddан аввалги IV-I асрларга оид буюм ва тангаларда кўришимиз мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, биз скиф камонини куйидагича тасвирлашимиз мумкин: – дўға (дуга) симон эгри, икки қисмдан иборат: дўғанинг охирги қисми (учи), қайсики ип боғланадиган қисми юқорига қайрилган бўлади.

Скиф камонининг ажралиб турадиган асосий томони шуки, бу унинг ўлчами (узунлиги 60-70 см)⁵ дадир. Бундай хулосага келишга сабаб, ҳамма тасвирлардаги камон одам танаси узунлигининг 1/3 (учдан бирини) ташкил этади. Скиф камонларининг узунлиги унчалик катта эмаслигини скиф кўрғонларидан топилган камон ғилофларининг олтин коплмасини узунлигидан ҳам (45-47 см) билиш мумкин. Камон учи эса ғилофдан чиқиб туради. Никополстрой вақтида мазор кўрғонини скиф қазималаридан⁶ топилган камон ўқларининг узунлиги 42-45 см бўлиб, бу цифрлар эканлиги камон узунлиги тўғрисида маълумот беради. Чунки ўқлар узунлиги камон ғилофи билан деярли баробар бўлган.

Скифларнинг ҳаётидаги камон ўқларининг ўлчами ҳам турлича бўлган, Уларнинг узун-калталиги кўпроқ географик муҳитга боғлиқ бўлиб, йирикроқ ҳайвон учун узун ўқлар ишлатилган. Э.Ленц ўқ учлари бўйича тадқиқотлар олиб бориб, Чичиринский уездининг ва

¹ Геродот IV, 81. ВДИ, 1447. №2. стр. 274

² Страбон «География», 5,22

³ Аммиан Марцелин. Истории, кн. XXII, 8, 10

⁴ Ростовцев М.И. 1914.

⁵ Граков Б.Н. 1930, стр.76. Э.Ленц. 1905., стр. 63 сл.

⁶ Граков Б.Н. 1962, стр. 89

кўплаб жойларидан топилган ўқ-учларини тахлилидан келиб чиқиб, камон ўқларининг узунлиги ўртача 60 см бўлган, деган хулосага келади¹.

А.А.Бобринский томонидан «Витовский» қабридан топилган 31-қўрғондан² ёғоч қисми билан бирга узунлиги 71,28 см бўлган ўқ учратилади. Унинг ғилофи 70 см бўлган. Смирнов Г.Ф. Оренбург тўқаларидаги тасвирдан келиб чиқиб, савроматлар камонининг узунлиги 80 см бўлган, дейди.

Демак, хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, скиф камонларининг ўлчами ҳар хил бўлиб, уларнинг узунлиги то 1 метргача борган.

Скиф камони шакли ҳақида гапириш бир оз мушкул, чунки биз ўрганган тасвирларда камон турли кўринишда: таранг тортилган, осилган ҳолда, доимий тортилишлар натижасида камон асл ҳолатини аста-секин йўқота боради.

Бундан ташқари, камон учларидаги суяк қоплама қолдиқлари ва унда сақланиб қолган ёғоч қолдиқларидан айтиш мумкинки, камон икки жисмдан: ёғоч ва суяқдан ясалган, улар бир-бирига елимлаб қуйилган.

Бир қанча мутахассислар фикрича, скиф камонлари ёғочга ва қўй ёки эчки шоҳи билан маҳкам боғлаб ясалган.³ Худди Гомер асарида ёзилганидек, скиф камони тўғрисида кўп маълумотлар келтириш мумкин.

Уларнинг тори (ёй – камон ипи) тўғрисида қадимги муаллифлар асаридан, масалан, Илиада матнларидан билиб олсак бўлади. Унда ёзилишича, скиф камонининг ёйи Критлар ёйидан фарқ қилиб, от ёлидан тайёрланган.⁴

Скиф камонининг келиб чиқиши масаласида шуни айтиш мумкинки, у Эрон ёки Олд Осиёда вужудга келмаган. Чунки Герадот⁵ ва Ксенафонт⁶ нинг таъкидлашича, форс камонлари катта (узун) бўлган.

Форс бўртма суратларининг гувоҳлик беришича, форслар камони катта ва оддий бўлиб, у елкага осиб юрилган.⁷ Бу кичик, ихчам, қулай, ғилофда олиб юриладиган камонлар қадимги Шарқда бўлган. Скифлар улар билан доимо алоқада бўлиб, ўрганиб олганлар. Скифлардан эса греклар ўрганган.

Скиф ўқларининг ёғоч қисми ёмон сақланади ёки бутунлай йўқолиб кетади. Фақатгина ёғоч парчаси унинг ўқ учи тагидаги зўғата (тешикча) қисмига кирган жойдагина сақланиб қолган. Илмий таҳлилларнинг далолат беришича, ўқнинг ёғоч қисми асосан оқ қайиндан ишланган. Скиф ўқининг ёғоч қисмининг охири (дум тарафи) махсус ўйик ёки ботик қилиб ишланган, бу эса ёй қаттиқ тортилганда ўқ силжиб кетмаслиги учун имкон берган. Ёғоч ўқнинг охириги қисмидаги кертик Харков мазор-қўрғонида сақланиб қолган⁸. Яна Яна ўқнинг ёғоч қисми Пантукана тангаларида ҳам яхши сезиларли қилиб тасвирланган. Ўқнинг мўлжалга аниқ тегиши, қаршилиқни енгизиши учун ўқ охириги қисмига патлар маҳкамланган. Ўқ қора ёки қизил рангга бўялган ёки қора қизил ҳалқа қилиб бўялган.⁹

¹ Ленц Э.1905., стр. 65

² Бобринский А.Л. 1901., стр. 109

³ Мишулин А.В. 1943 стр.66.

⁴ К песне IV, 122. ВДИ, 1947, №3, стр. 203

⁵ Герадот VII., 61, 1888, стр. 166

⁶ Ксенафонт «Анабасис» III, 3,15,14,17.

⁷ G.Perrotet Ch. Chipiez, 1898. рис.485,488,498

⁸ Zakharov A.A. 1932 стр.67

⁹ Граков Б.Н. 1962 стр.89

Ўқ учларининг асосий қисми бронзадан қилинган, қуйма усулда, шу билан бир каторда темир, суяк, хатто ёғоч учлар учрайди.¹ Ўқ учларининг узунлиги 2,5 смдан то 6 смгача смгача бўлади. Уларнинг асосий қисми ичи ғавак (тешик).

Ўқ учларининг шакли турли хил, икки қиррали, уч қиррали, учбурчаксимон, илмоқли ва ҳ.з. Ўқ уч турларини Рау Г.Д. яхши ўрганган ва уларни турли типларга бўлиб чиққан. Ғилоф ва садок скифларнинг ҳарбий юришлари чоғида бирга бўлган. Скифларда камон ғилофи 2 хил бўлган. Улардан бири нафақат камон, балки ўқларни олиб юриш учун ҳам мўлжалланган.

Найза ва Дротик (қадимда иргитиладиган калта найза) ўқ ҳақида антик давр мулликлари кўп маълумот қолдирганлар. Скиф қиличи ва ўқ-ёйидан сўнг скифларнинг асосий жанговор курули найза бўлган. Деярли ҳар бир скиф жангчиси қабрида найза учлари учрайди. Найза ҳақида Герадот² маълумот берар экан, Скифларнинг қуллар билан бўлган жангида найзадан фойдаланганлигини айтиб ўтади.

Солоха қўрғонидан топилган тароқда калта найзали отлиқ сипоҳийни пиёда жангчи билан жанги тасвирланган.³ Яна бир Солохадан топилган идишда, кумушга олтин суви юритилган идиш, отлиқ скиф қилич ёрдамида шер билан олишмоқда⁴. Куль-Ободан топилган топилган идишларда иккита найза ушлаб ўтирган икки скиф тасвирланган.

Скиф қабрларида найзалар сони уларнинг ижтимоий табақасига боғлиқ бўлиб, 1 тадан то 12 тагача бўлиши мумкин. Скиф найзалари асосан икки қисмдан, баъзан уч қисмдан ташкил топган: ёғоч ва унинг металли ўқ учи. Бу учлар асосан темирдан бўлганлиги учун кўпчилиги яхши сақланмаган. Уларнинг узунлиги 20-50 см атрофида бўлган.

Найза учлари икки қиррали бўлиб, асосан 2 хил бўлади: 1) Баргсимон шаклда ва 2) Ўткир қиррали. Ясалиш техникасига кўра, ёй учлари бир хил бўлиб, ёғочга маҳкам боғланган. Бронзадан бўлган найза учлари қолипларда қуйиб ясалган.

Дротиклар (калта ўқ-найза) найзага қараганда кам учрайди. Дротик кўпроқ дашт зонасида яшовчи скифларда кўп учрайди. Улар одатда қабрларда найза билан ёнма-ён туради. Скиф дротиғи найза каби уч қисмдан ташкил топган: учи, ёғоч даста, банд (ёғоч ва металл учни боғловчи зўғата). Деярли ҳаммасини уч тузилиши бир хил, яъни наштарсимон бўлиб, узунлиги кўп ҳолларда 23-26,5 см бўлади. Скиф курулининг яна бири жанговор болталар бўлиб, бу тўғрида ёзма манбаларда кам учрайди. Герадот ўз асарларида ойболта тўғрисида 2 марта гапириб ўтади. Бир марта келишув қасами ичиш пайтида, вино ва қон тўлдирилган идишга камон ўқи, калта найза ва ойболта туширилади.⁵

Иккинчи марта Геродот скифларнинг келиб чиқиши ҳақидаги афсонасида эслатиб ўтади: Кенжа ўғил Қолоқсойга олтин ойболта тушади ва у скифларга шоҳ бўлади⁶. Геродот айтишича, ойболта билан Осиёлик скиф-саклар ҳам куруланишган. Сакларнинг жанговор болталари тўғрисида биз фақат тасвирлардаги сурат орқали билишимиз мумкин, унда болта икки қиррали (икки томонлама ўткир) қилиб тасвирланган. Персополдаги бўртма суратда ҳам шундай кўринишда.⁷ Унда саклар форс подшоҳига совға сифатида болта олиб келмоқда.

¹ Граков Б.Н. 1930 стр.77

² Герадот, IV, 3

³ Мелюкова А.И. «Вооружение скифов». М., «Наука» 1964 г. стр.35

⁴ Ростовцев М.И. 1918. табл. VII, 3

⁵ Геродот IV, 70

⁶ Геродот IV, 5, стр 259

⁷ E. Herzfeld. 1941 таб. LXXVII

Скиф жанговор болталари сакларникидан фарқ қилади. Қадимги грек идишларида скифлар болтасининг фақат бир қирралиги (бир томонли) қилиб тасвирланган.

Солохадан топилган ғилоф-садок устидаги қопламада ҳам юқоридагига ўхшаш болта ушлаган пиёда жангчининг отлик билан жанги тасвирланган. Большой Близницы» кўрғонидан топилган олтин буюмда бир қиррали трапеция шаклидаги узун жанговор болта билан қуролланган скифни грифон билан олишаётгани тасвирланган.

Скиф хунармандлари жанговор болта тасвирини жуда кам қўллашган. У ҳам бўлса тошдан тарашлаб ишланган 3 скиф жангчисининг ҳайкали, жанговор болта уларнинг белида, ўнг биқинида, камарга осилган. Аксютинцдаги Мазараки кўрғонида топилган олтин тўқада, кўлида болта ушлаб турган скиф тасвирланган. Скифларнинг жанговар болтаси тўғрисида тўлиқ маълумотни Шимолий қора денгиз бўйларидаги кўрғонлардан топилган ҳарбий қуроллардан билишимиз мумкин. Скиф болталари маиший ва ҳарбий бўлган. Скиф мазор-кўрғонларида қилич, найза, камон ўқларига қараганда жанговар болталар жуда кам учрайди.

Скиф жанговор болталарининг қабрларда кам учраши уларнинг иккинчи даражали қурол эканлигидан далолат беради.

Ҳамма болталарни жанговор болта деб бўлмайди. Уларни бир-биридан фарқи бор. Уларнинг шаклида, қабрдаги турган жойи ва ҳолатига, ўлчами ва ўткир қирраларига кўра билан фарқланади. Ўз навбатида улар ҳам иккига бўлинади. Биринчисига понасимон болталар, уларнинг ишчи ўткир қисми тиф томон бироз кенгайиб боради. Иккинчиси ярим айлана шакли болталар. Бу болталар асосан 22-22,5 см узунликда бўлади.

Скиф жанговор болтасининг дастаси ҳақида гапирадиган бўлсак, уларнинг дастаси (сопи) тўғри бўлиб, узунлиги одам танасининг 1/3 га тўғри келади.

Воронеждан топилган идишда, Жванов музейидаги скиф жангчисининг тошдан қилинган ҳайкали ва Ольвия тангаларидаги тасвирлардан маълумки, болта дастасининг узунлиги деярли камон билан бир хил бўлган.

Жанговор болталар туркумига кирувчи жанговор қурол ойболта бўлиб, улар асосан бронзадан қилинган ва ҳайвоний (зверинний) услубда безалган бўлади. Шубҳасиз, ойболта жанговор қуроллар туркумига киради. Шунга қарамай, улар қурол сифатида унчалик ишлатилган эмас ва темирдан қилинган ойболталар билан тенглаша олмасди.

Жанговор қуроллар ҳақида гапирганимизда ҳимоя воситалари: совут, қалқон, дубулға тўғрисида ҳам гапириб ўтиш жоиздир. Улар ҳимоя воситалари сифатида бизгача яхши сақланмаган. Улардан фақатгина металл қопламаларигина бизгача етиб келган. Қадимги грек хунармандчилигида баъзи бир скифларга оид қуроллар, ҳимоя воситаларини учратишимиз мумкин. Солохадан топилган тароқнинг юқори қисмидаги жанг тасвиридан биз скиф ҳимоя воситаси ва қуроли тўғрисида анча маълумотга эга бўламиз. Кульобо, Воронеж, «Красный Подол» скифлар қабрларидан, Браничево (Шарқий Болгария), Колмен (Шумен округи), Янково каби мазорлардан ҳимоя воситаси – совут, қалқон парчалари топилган. Булардан ташқари баъзи бир ҳимоя воситаларини биз скиф санъатидан билиб олишимиз мумкин. Скиф зирхли (броневой) кийимлари, қалқон, совут қабилар тўғрисида бизга кўпроқ археологик манбалар ёрдам беради.

Ҳимоя воситаси парчалари скиф мазорларида жуда сийрак учрайди. Бу шундан далолат берадики, ҳимоя воситалари (айниқса металлдан ясалгани) скифларни маълум бир қисмидагина бўлган ёки турли буюмдан – тери, ёғочдан қилинганлиги учун қабрларда сақланиб қолмаган.

Ҳимоя воситасини бутун қисмини биз Солохадан топилган тарокда кўришимиз мумкин. Скиф жангчисининг ҳимоя воситалари – металл шлем, совут ва қалқони жуда яхши тасвирланган.

25-қўрғондан топилган ханжар дастасининг юқори қисмида йиртқич қушнинг қуйма тасвири бўлиб, унинг кўзлари юмалоқ, бўртма, кўз қорачиғи ўрнида кичик юмалоқ чуқурча, тумшуғи пастга қайрилган ҳолатда тасвирланган. Бу каби қурооллардаги тасвирий санъат намуналаридан келиб чиқиб, хулоса қиладиган бўлсак, энг аввало шуни таъкидлаш жоизки, скиф ҳарбий қурооллари ўз даврида тенги йўқ бўлган.

Улар нафақат ясашиш техникаси, материали, тури билан, балки қурооллардаги юксак маданият тасвирий санъат сюжетлари билан оламга машҳурдир ва скифларга хос юксак маданиятнинг асосини ташкил қилади.

ЎЗБЕКИСТОНДА ПРЕЗИДЕНТЛИК БОШҚАРУВИНИНГ ЖОРИЙ ҚИЛИНИШИДАГИ ТАРИХИЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР

Нормуродов Азиз 4-курс талабаси

Собиқ иттифоқ тизими раҳбарлари 80-йиллар совет жамиятида чуқурлашиб бораётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий инқирозларни тўхтатиш, бошқарувдаги марказнинг мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган йўлларни ахтара бошлади. XX аср 80-йиллар охирида собиқ иттифоқнинг биринчи ва охириги президенти М.С.Горбачев томонидан “Қайта қуриш сиёсати” юритилди. Бироқ реал воқеяликни ифода эта олмади. Натижада мамлакатда партиявий бошқарув заифлашди, сиёсатда, матбуотда ҳурфикрлик пайдо бўла бошлади. “Қайта қуриш” жараёнидаги ошқоравий демократик ҳаракатлар раҳбарларнинг йўл кўйган хатоларига очиқчасига баҳо беришга уриниш жамиятда ўзига хос ғоявий бўшлиқни юзага келтирди. Ўзбекистонда эса “пахта иши”, “ўзбек иши” номлари остида катагонликнинг навбатдаги босқичи бошланди. Бундай ҳаракат оқибатида республикада жамоа ва давлат ҳўжалиги раҳбарларидан 60 % дан кўпроғи, кишлоқ ҳўжалиги етакчи маҳсулотларининг қарийб 45 % ҳар 3 пахтачилик бригадаси бошлиғидан бири вазифасидан олиб ташланди. 40 мингга яқин фуқаролар тергов қилинди.¹

Ўзбекистонда қайта қуриш сиёсати сиёсий соҳада сайлов тизимини такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқарди. Аммо маҳаллий советларга бўлиб ўтган 1987 йил июн ойидаги сайловларда сайланганларнинг 35.7 % ишчилар, 27.7 % калхозчилар эди.²

Бу кўрсаткич коммунист бўлмаганларнинг ҳокимиятда қатнашиши чекланганлигини кўрсатар эди. “Қайта қуриш” жараёнида коммунистик партия ўзининг бошқарувдаги сўнгги чекланмаган ваколатларини сақлаб қолишга интилди. Бу 1998 йил июн-июл ойларида бўлиб ўтган XIX партия конференцияси қарорларида ўз ифодасини топди. Ўзбекстонда эса “Қайта қуриш” сиёсати таъсирида кучайиб бораётган демократик жараёнлар “узоқ йиллар давомида йиғилиб қолган миллий сиёсий - иқтисодий, ижтимоий, маънавий ривожланиш муаммолари ниҳоятда мураккаб ва кескин тус олди”³

¹ ЎЗР КХФ жорий архиви 1992 йил ҳисоботи 2-том, 295-саҳифа.

² “Правда востока” газетаси. 1987 йил 27 июн сони.

³ Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Олий советининг 12 чақириқ 1-сессиясидаги нутқи “Совет Ўзбекистони” 1990 йил 15-март

1989 йил май-июн ойларида Фарғона фожеаси ва Тошкент вилоятининг айрим туманларида миллатлариаро фожеалар юз берди. Бу можаролар шунчаки оддий тартибсизликдай кўринсада, аммо унинг замирида бир неча йиллар давомида етилиб келган миллий ижтимоий - иқтисодий ва сиёсий муаммолар мужассамлашган эди. Бу можарони куч билан бостиришга бўлган уринишлар айрим инсонларнинг ҳаётига зомин бўлган бўлса, иштирокчиларнинг бир қисми майиб бўлди, кўпгина уйлар ўт аланга ичида қолди. Айнан шу воқеаларнинг мудҳиш моҳияти ўша пайтдаги республика раҳбарияти тўлиқ тушиниб етмади. Республикада барқарорликни таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳадаги етилган муаммоларни ҳал эта оладиган халқпарвар, давлат ва жамиятни бошқаришда ҳаётий тажрибага эга бўлган раҳбарга эҳтиёж пайдо бўлди.

Ана шундай мураккаб вазиятларда ўзбек халқи Ўзбекистон компартияси марказий комитетининг биринчи котиби этиб сайланган Ислон Абдуғаниевич Каримов шахсида ўзининг ҳақиқий йўл бошчисини топди. Каримов.И.А Ўзбекистон компартиясининг раҳбари этиб сайлангач, барқарорликни тиклаш, мамлакатдаги тинч ва ҳамжихатликни таъминлаш ишларини изчиллик билан амалга оширишга киришди. “Қайта қуриш” йилларида вужудга келган ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги танглик жамиятда партия обрўсининг кескин тушиб кетишига олиб келди. Республиканинг бундай инқирозли ҳолатларидан чиқишга дадиллик билан ҳаракат қилиш учун биринчи раҳбарга кўпроқ ваколатлар беришни давр тақазо қилар эди. Бундай ҳолатда Республика Президентлик бошқарувини жорий этиш кун тартибига қўйилди. Бу масала Ўзбекистон Республикаси Олий советининг 12-чақирик, 1-сессиясида (1990 йил 24-март) муҳокама қилиниб, Президент бошқаруви таъсис этилди ва И.А.Каримов Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти этиб сайланди. Демак, И.А.Каримов бошчилигидаги янги раҳбарият ташаббуси билан 1990 йил октябрда Ўзбекистон ССР нинг давлат тили тўғрисидаги қонуни қабул қилинди. И.Каримов ташаббуси билан республикада миллий тикланиш дастури ишлаб чиқилди. Бу дастурнинг ғояси бир томондан миллий тикланишни босқичма-босқич амалга оширишни тақазо этса, иккинчи томондан ҳар қандай жиддий ислохот дастурини қабул қилиш учун зарурий қонуний воситалардан фойдаланишни назарда тутар эди. 1990 йили ёзда Россия Парламенти Россия қонунларининг совет қонунлардан устиворлиги ва Б.Ельцин Россия Президенти этиб сайланганлиги эълон қилинди. Марказдаги вужудга келган бундай сиёсий заифлик Ўзбекистонда ҳақиқий мустақилликни таъминлайдиган сиёсий ўзгаришларни ўтказишни тақазо этар эди. Шўролар мамлакати марказида вужудга келган бу “сиёсий ўйин” Ўзбекистонда барқарорлик сари йўл тутилаётган давлат дастури ҳаракатига таҳдид солиш мумкин эди. Шу муносабат билан 1990 йил октябрда ЎзССР Олий совети Ўзбекистон Республикаси суверентитети ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси совет конституциясидан устиворлигини эълон қилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон халқлари ҳаётида мустақиллик сари дадил ва ишонч билан қадам ташлашда республикада Президентлик бошқарувининг жорий қилиниш муҳим тарихий воқеа бўлди.

ШАҲЗОДА ВА КАНИЗАК

Ш.Гаффорова -204 – гуруҳ

А.Темурнинг суюкли набираси Халил Султон Мирзо (Мироншоҳ Мирзонинг ўғли, 1366-1408) кунлардан бир кун шаҳар четидаги боғ кўчадан отда ўтиб кетаётиб бир қизни кўради ва шу лаҳзада унинг қалбига ишқ оташи тушади. Ўша вақтда Халил Султон Мирзо (1384-1411) ўйланган, бир ўғилнинг отаси эди. Жасоратли, ҳарбий салоҳият ва истеъдод эгаси бўлган аслзода севги дардига чалинади.

Самарқанд шахрининг куйи табақасига мансуб хунарманд оиласида дунёга келган бу қиз шоҳ оиласига муносиб эмасди. Аммо шахзода уни севиб қолган, унинг ишқида куйиб-ёниб ғазаллар битар эди. Хотини Гулшан ҳам эътиборсиз қолди. Қизнинг исми Шодимулк эканлигини билиб олган Халил Султон у билан учрашиш истагини билдириб, Шодимулкка мактублар ёза бошлади. Ниҳоят, яширинча совчи юбориб унга уйланиб олади. Табиийки, бундай “тенгсиз” никоҳга Амир Темур бошлиқ оила аъзолари қарши туришган. Бироқ Халил Султон Мирзонинг қатъий қарори ғолиб чиқади.

Шодимулк ҳам кутилмаган бу бахтдан энтикарди. Ким эди-ю, ким бўлди? Кечаги оддий қиз, амир Сайфиддиннинг канизаги – бугун кимсан, улуг Соҳибқироннинг суюкли набираси, шахзода Халил Султон Мирзонинг жуфти ҳалоли “Шул бахтни ато этган Худойимдан ўргилай, бунинг учун умрим борича унга сажда қилгумдир”, дерди у.

Соҳибқирон Амир Темур кўрагон ўзининг энг сўнгги юриши – Хитойга қарши машҳур юришга тараддуланиб, 23-жумод ул-аввал 807 (1404 йил 27 ноябрда) да Самарқанддан чиқиб, Ўтрор томон йўл олади. У Оксулот мавзеига келиб, 28 кун туради ва барча фарзандлари-ю набираларига унинг Ўрдагоҳи – Оксулотга чорловчи фармони олий юборади. Амир Темурга Халил Султон Мирзо Шодимулк бегим билан бирга келаётганлиги етказилади. Халил Султоннинг бу ўзбошимчалиги Соҳибқиронни қаттиқ ранжитади, набирасини севги дардидан халос этишнинг чора-тадбири ҳақида ўйга толади...

Кейинчалик Сароймулкхоним аралашуви туфайли унинг гуноҳини кечиради. “Майли, кўнгли шуни истаса қўйиб берайлик”, - дейди боболарга хос тантилик билан, - назаримда ҳар тўғрида фармон бермоқ мумкин, илло кўнгулга бўйруқ бермоқ мушкулга ўхшайдур. Набирамизнинг пешонасига битилгани шу бўлса, биз не қилардик”. Шундай қилиб, ҳар иккала ёш бахтли ҳаёт кечира бошлайди.

Чин юртига қарши қўшиннинг ўнг қанотига Темурнинг севиқли ва бебош набираларидан Халил Султон Мирзо ва Аҳмад Мирзо бошчилик қиларди. Ушбу йирик ҳарбий бўлинма аскарлари ҳали Тошкент, Шохруҳия ва Сайрамда қишламоқда эди.

Соҳибқирон 21-жумод ул-охир 807 (1404 йил 25 декабр) да Оксулотдан йўлга чиқиб, 12-ражаб 807 (1405 йил 14 январь) чоршанба куни Ўтрорга келиб 35 кун туради. Аммо, кўп ўтмай, Темурнинг мижозиди касаллик хуружга келиб кундан-кунга аҳволи оғирлашади. Тиб илмининг билимдони мавлоно Фазлуллоҳ Табризий бошчилигида бир неча табиблар ҳукмдорнинг касалига хилма-хил муолажалар қиладилар. Лекин хасталик кундан-кунга кучайиб боради.

Амир Темурнинг касалланиш сабаби ҳақида “Темурнома” муаллифининг берган маълумоти диққатга сазовордир. “Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳузурларига чопар қалмоқлар бош кўтаргани ҳақида хабар келтирди. Ҳамма жангга отлансин деб буюрдилар. Беклар ва амирлар ҳаво совуқлиги туфайли йўлга чиқмасликни маслаҳат кўрдилар. Ул вақт кишни тўксони эрди. Амир ғайратларига чидолмай ўрдадан ташқарига чиқдилар. Вақтиким шаъбон ойининг еттиси сешанба куни ўрданинг равоқида сартарошга сочларин олдириб ўлтириб эрдилар, ўшал замон амирга бир боди (ёқимсиз шамол) муҳолиф келиб тегди”. Дарҳақиқат

жаҳонга машҳур саркарда, буюк Соҳибқирон Амир Темур кўрагон касаллик сабабли 17-шаббон (1405 йил 18 февраль) чоршанба куни шом билан хуфтон намози ўртасида ҳаётдан кўз юмдилар.

Ўтрор ... Неча-неча жангу жадаллар, даҳшатли қирғинларни бошидан кечирган қадимий улкан шаҳар. Бир вақтлар хоразмшоҳлар давлатининг энг йирик савдо ва маданий марказларидан бири бўлган обод ва гавжум Ўтрор Чингизхон истилосидан сўнг култепага айланган, гўё унинг борлиқ шон-шуҳрати харобалар остига абадий кўмилгандек. Кўп вокеларнинг шохиди бўлган бу кўхна шаҳар яна бир тарихий ҳодисанинг тилсиз шохиди бўлиб турган эди.

Буюк саркарданинг жасади Самарқандга жўнатилгач, бир кундан сўнг маликаларга ҳам Самарқандга қайтишга рухсат берилди. Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, амир Хўжа Юсуф Темурнинг жасадини 22 шаббонда Самарқандга етказиб келади ва ўша кечасиёқ марҳум Муҳаммад Султон Мирзо хонақоҳига дафн қилинади. Маликалар Самарқандга етиб келганларида Темурнинг ўлими ҳақидаги хабар қанчалик сир тутилмасин ҳаммаёққа тарқалиб бўлганди. Самарқанд шаҳрининг ҳокими Арғуншоҳ шаҳар дарвозаларини беркитиб, то ҳақиқий валиаҳд келиб, тахт масаласи ҳал бўлмагунча шаҳарга ҳеч кимни киритмаслигини эълон қилади. Фақат давомли музокаралар сўнггида Сароймулкхоним бошчилигида айрим маликалар ва ёш шахзодаларгагина шаҳарга киришга ижозат берилади.¹

Амир Темур вафотидан кейин Рамазон ойининг 16-сида (1405 йил 18 март) душанба куни Халил Султон Мирзо ҳеч қандай қаршиликсиз Самарқандга кириб, тахтга ўтиради. Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, Самарқанд шаҳрининг бошлиқлари Арғуншоҳ ва Ўтрордан қайтиб келган амир Хўжа Юсуф Халил Султон Мирзо билан музокара юритиб, шаҳар калитини унга топширган эдилар.² Икки кун ўтгач, Халил Султон Мирзо Муҳаммад Султон Мирзо хонақоҳига бориб, мотам маросимини янада улуғворроқ ва тантаналироқ ўтказади. Соҳибқирон руҳига ҳатми куръон қилиниб, бева-бечораларга хайр-эхсон улашилади ва бу маросим бир неча кунга чўзилади. Маросим охирида йиғи-сиғи билан буюк давлат арбобининг махсус жанг ноғорасини ўртага олиб кирадилар ва бир лаҳза чаладилар-да, шундан сўнг “у энди бошқа кишига хизмат қилмасин учун” уни тилимлаб ёриб ташлайдилар. Бу удум мотам маросимининг тугалланиши эди.

Халил Султон Мирзо салтанатни бошқаришда адолатни бош мезон қилиб, мамлакат ички ва ташқи аҳволини яхшилаш чораларини излайди. Лекин хотини Шодимулк бегимнинг салтанат ишларига фаол аралашуви аркони давлат орасида айрим норозиликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Шодимулк бегим Амир Темурнинг барча бева хотинлари-ю хос канизакларини ҳарбий бошлиқ ва амалдорларга инъом қилиш ҳақида Халил Султон Мирзога маслаҳат бериб, уни кўндиради. Жумладан, Соҳибқироннинг суюкли хотинларидан бири бўлган Туман оғо бегимни 1406 йилда Шайх Нуриддин билан бўлган жангда енгилиб, сулҳга қолаверса хотинининг гапига кириб маликани Шайх Нуриддинга хотинликка беришга мажбур бўлади. 1411 йилда Шохруҳ Мирзо тарафидан амир Шайх Нуриддин қатл қилингач, Туман оғо бегимни Ҳиротга қайтариб келадилар. Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Сароймулкхоним билан Тўкал хонимлар малика Шодимулк бегимнинг махфий буйруғига биноан заҳарлаб ўлдирилади.³

¹ Сомон йўли. Адабий-тарихий мажмуа. Тошкент, “Камалак” 1992 йил.

² Шарафуддин Али Яздий. “Зафарнома”

³ Ибн Арабшоҳ. “Ажоби ал-мақдур фи тарих Таймур”. У.Уватов тарж.

Темур давридаги бек ва амалдорларга етарли илтифот кўрсатилмайди. Шодимулк бегимнинг хоҳиш-иродасига кўра куйи табақага мансуб кишилар юқори лавозимларга кўтарилади. Амир Темур сафдошларига қарама-қарши ўлароқ қандайдир Бобо Турмуш деган кимса вазирлик мансабини эгаллайди. Илгариги амалдорлардан Оллоҳдод ва Арғуншоҳларга ҳеч қандай амал тегмайди. Мамлакат марказида вужудга келган бундай нобакорлик салтанат пойдеворига путур етказа бошлайди. Зотан, ана шундай қулай вазият Шохруҳ Мирзо учун асқотди. 1409 йил баҳорида Шохруҳ Мирзо қўшини Бодҳез мавзеига келиб тўхтади. Халил Султон Мирзонинг қўшини Шаҳрисабзда жангга тайёр ҳолда турарди. Шимолдан эса амир Худайдод бошчилигида кўзғолон кўтарилганлиги ҳақида хабар келади. Халил Султон Мирзо асосий қўшинни Шаҳрисабзда қолдириб, тўрт минг аскар билан амир Худайдодга қарши боришга мажур бўлади. 1409 йил 30 март куни Халил Султон амир Худайдод томонидан асир олиниб Самарқандга келтирилади ва кейинчалик Фарғонага олиб кетилади. Асосий вилоят бўлмиш Андижонда унинг номини хутбага қўшиб ўқийдилар. Амир Худайдоднинг ўзи эса мўғулларга ёрдам сўраб мурожаат қилиб боради. Худайдоднинг ўғли Оллоҳдод Шохруҳияга ҳоким этиб тайинланади. Шохруҳ Мирзо Худайдоддан таслим бўлишини сўрайди. У бўлса ғаними бўлган Шайх Нуриддинни қўл-оёғини боғлаб ҳузурига олиб келишларини талаб қилади. Шундай кейин Шохруҳ ҳарбий бўлинманинг бир қисмини Шохруҳияга, иккинчисини Хўжандга юборади.

Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Халил Султонга мўғуллар ҳурмат ва эҳтиром белгиси сифатида кўпдан кўп совға-саломлар юборишади, ҳаттоки улар орасида олтин тахт ҳам бор эди. Лекин ҳеч қандай ҳарбий ёрдам оломайди. Ваҳоланки, у Худайдоднинг ўғли Абдулҳолик билан бирга Олло-кўх (Олой водийсидаги) ни қамал қилиб турган Шохмаликка қарши ҳужум уюштириши лозим эди. Ниҳоят қамал ҳолати узокқа чўзилмади ва икки ўртада сулҳ тузилди. Сулҳга биноан Халил Султон Шохруҳ Мирзонинг ёнига бориши ва у ердан Ўтрорга кетажаги билдирилди. Шохруҳнинг буйруғи билан Шайх Нуриддин аскарларини олиб ортига қайтди. Мўғулларнинг кўмагига кўз тутган амир Худайдод улар томонидан ўлдирилди. Ибн Арабшоҳ бу тўғрида шундай дедик, "... боши Халил Султон Мирзога", Абдураззоқнинг ёзишича эса, "... боши Шохмаликка жўнатилади. Шохмалик ота-бола Оллоҳдод ва Худайдодларнинг бошини Шохруҳ Мирзога жўнатади".

Шодимулк бегимнинг тақдири эса Шохруҳ Мирзонинг қўлига тушади. У ўз навбатида маликани таҳқирлаб, кўп азоб-уқубатларга дучор қилади. Арқон билан боғланган, устидан қора тўр парда ёпилган Шодимулк бегимни шаҳар бозорларига олиб чиқиб сазойи қиладилар. Бу каби тушида ҳам кўрмаган ҳақорат ва таҳқирлашларга Шодимулк чидачи, чунки унда бир илинж бор эди, шу илинждан у куч-қувват олди. Бу илинж – Халил Султон Мирзо эди. У ҳаёт экан, маҳбубаси шаънини пастга урганлардан ўч олади, деб ўйларди. Маҳбуби ундан узокда тутқинликда бўлса-да, унга кетма-кет мактуб йўллашни қанда қилмайди. Унинг учун дунё – бу Шодимулк. Шу боис у барчасига чидади. Халил Султон Фарғонадан Ўтрорга келтирилиб амир Шайх Нуриддин воситачилигида Шохруҳ Мирзо билан битим тузади. Битимга мувофиқ Халил Султон Мовароуннаҳр ҳукмронлигидан воз кечади. Бунинг эвазига Рай вилоятининг ҳокими этиб тайинланади. Хотини Шодимулк бегим қайтариб берилади. Икки ошиқ дийдор кўришганларига шукроналар айтишади. Лекин кўп ўтмай 1411 йилнинг куз ойларининг бирида шафқатсиз ва барчага баробар бўлган ўлим Халил Султонни ҳам олиб кетади. Шундан кейин ёридан айрилган ва яшашни истамаган Шодимулк бегим ўзига ханжар уради. Умр бўйи

бир-бирига талпиниб яшаган Халил Султон ва Шодимулк бегимни ёнма-ён дафн қиладилар. Ўшанда шахзода бор йўғи 27 ёшда, Шодимулк бегим эса ундан уч ёш кичик эди.

СОБИҚ СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ МИЛЛИЙ СИЁСАТИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

О.Бозоров – 2-босқич магистранти

Миллий сиёсат ҳар қандай кўп миллатли давлат сиёсатининг муҳим томонини ташкил этади. Чунки ҳар қандай кўп миллатли давлат миллатлараро муносабатларни такомиллаштирмасдан туриб сиёсий жараёнларнинг барқарорлигига эриша олмайди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда мустақилликка эришган дастлабки кунларданок миллий муносабатларга катта эътибор берилди. Бунда, биринчи навбатда, собиқ Совет иттифоқида йўл қўйилган хатоларни такрорламаслик ва совет миллий сиёсатининг оқибатларини тўлатўқис бартараф этиш кўзда тутилди.

1922 йил 30 декабрда дунёнинг олтидан бир қисмини эгаллаган, 150 дан ортиқ миллатларни ўзида бирлаштирган, «Совет иттифоқи» деб аталган қизил империя ўзга миллатларнинг суверенитетини тўлиқ тан олмасдан ташкил этилди. Иттифок ташкил этилишининг ихтиёрий асосга эга эмаслиги унга хос миллий сиёсатнинг моҳиятини белгилаб берди.

Собиқ Совет иттифоқи миллий сиёсатининг бош мақсади Иттифокдаги барча миллатларни бир-бирига қўшиб юбориш ва натижада ягона совет халқини ташкил эттириш эди. Ягона совет халқининг ташкил этилиши аслида мустамлакачилик сиёсатининг амалга оширилиши, миллий кадриятларнинг поймол этилиши, миллий ўзликни барбод этилишига қаратилган ҳаракат эди. Натижада у ёки бу миллатнинг ўз манфаатларини ўртага қўйиши, миллий анъана ва кадриятларни ривожлантиришга интилиши давлатга қарши қаратилган ҳаракат сифатида баҳоланди. Шунинг учун ҳам давлат бундай ҳаракатларни куч ишлатиб бўлса-да, «бостиришга» ҳаракат қилар эди¹. Аммо собиқ Совет давлатининг бундай сиёсати миллий ҳаракатларнинг бутунлай йўқ бўлиб кетишига олиб келмади. Аксинча, бу жараён зимдан миллатларнинг норозилигини кучайтириб борди ва давлат ҳокимиятининг ичдан емирилиш жараёнини тезлаштирди.

Маълумки, миллий сиёсат миллий манфаатлар билан узвий боғлиқ ҳолда миллатларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётини ҳар томонлама камраб олади. Бундай муносабат ҳақида Ўзбекистон президенти И.А.Каримов ҳам шундай деган эди: «Миллий манфаатлар танҳо, айрича муносабатлар эмаслигини биз яхши биламиз. Бу муносабатлар иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, демографик, экологик муаммоларнинг мажмуаси билан белгиланади»².

Совет Иттифоқи раҳбарлари шуни билар эдиларки, ҳар қанча куч билан бўлса-да, миллий озодлик ҳаракатларини олдини олиб бўлмас ва миллий республикаларнинг давлат таркибида қолишларини таъминлаб бўлмас эди. Шунинг учун 1918 йилда болшевиклар

¹ Политология (маърузалар матни). Т. 2000. –Б. 116.

² Ўзбекистон коммунисти. 1989 йил № 10

йўлбошчиси В.И.Ленин раҳбарлигида ишлаб чиқаришни социалистик жойлаштириш ҳақидаги таълимот ишлаб чиқилди. Бу таълимотнинг асосини “умумиттифоқ фондидаги улушни кўпайтириш мақсадида” ҳар бир район ҳўжалигини ихтисослаштириш тамойили ташкил этар эди¹.

Юқорида айтилганидек, ушбу тамойил ўз моҳиятига кўра совет республикаларини иқтисодий бирлаштиришни назарда тутса-да, аслида унинг заминида муайян сиёсий мақсад ётар эди. Ушбу ленинча таълимотнинг асл мақсади совет республикалари асосида халқ ҳўжалигининг умумий занжирини ташкил этиш ва республикаларни Совет иттифоқи таркибида абадий ушлаб туришдек мустамлакачилик сиёсатини амалга ошириш эди. Иқтисодий бирлаштириш тамойили асосида собиқ Совет иттифоқи таркибига кирган миллий республикалар 20 та иқтисодий районга бўлинди. Ҳар бир иқтисодий район бир маҳсулотни, баъзан маҳсулотнинг бир турини, ҳаттоки маҳсулотнинг бир қисmini ишлаб чиқаришга ихтисослашиши керак эди². Бунинг натижасида миллий республикалар бир-бирларига ипсиз боғланиб бордилар. Шу билан бирга ушбу тамойилнинг яна бир хусусияти бор эдики, унинг натижасида баъзи миллий республикалар саноат маҳсулоти ишлаб чиқарувчи республикаларга, баъзилари эса хом-ашё етиштирувчи республикаларга айланиб қолдилар. Ушбу мустамлакачилик сиёсатининг оқибатида хом-ашё етиштирувчи республикалар аҳолисининг иқтисодий, ижтимоий аҳволи йиллар давомида ёмонлашиб, маиший аҳволи ночор аҳволга тушиб қолди.

Марказ миллий сиёсатининг мустамлакачилик хусусиятига эга эканлиги маданий соҳада ҳам ўзининг яққол ифодасини топди. Совет миллий сиёсатининг маданий соҳадаги мақсадига кўра халқларнинг миллий-маданий қадриятлари, бой маънавий мерослари ва қадимий эзгу анъана ва урф-одатлари унутилиши ва барча миллатлар учун ягона бўлган совет маданияти қарор топиши керак эди. Хусусан, Ўзбекистонда ислом дини, унинг қадриятлари оёқости қилинганлиги, миллий-маданий қадриятларнинг унутишга ҳаракат этилганлигининг ўзи совет миллий сиёсатининг Ўзбекистон халқи маданиятига нақадар салбий таъсир кўрсатганлигини англатади.

Маълумки, миллатларнинг мавжудлиги ва уларнинг ривожланишида тилларнинг тенглилиги, тенг ҳуқуқлилиги катта аҳамиятга эга. Миллий тилни камситиш эса миллий сиёсатнинг асосий қоидаларидан бирини бузишдир. Совет миллий сиёсатида бошқа қоидалар билан бирга бу қоидаинг ҳам бузилганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, барча миллий республикаларда уларнинг она тиллари иккинчи даражали тилга, рус тили эса давлат ва асосий муомала тилига айлантирилган эди. Бунинг натижасида партия, совет ходимлари, зиёлилари орасида рус тилини яхши билмаган ҳдимларга нисбатан паст назар билан қараш одат тусига кирди. Собиқ иттифокдош республикалар устидан чекланмаган ҳокимиятини ўрнатган марказ маҳаллий раҳбарлар зиммасига миллий тилларни ўрганиш, маҳаллий аҳоли билан уларнинг она тилида мулоқот қилиш масаласини эмас, балки рус тилини ривожлантириш ва рағбатлантириш, барчани шу тилда ўзаро мулоқот қилиш мажбуриятини юкледи. Бу эса миллий тилларнинг республикалар ижтимоий, сиёсий, маданий ҳаётидаги ўрнини заифлаштириш, шу йўл билан рус тилини ўрганишга бўлган эҳтиёжини кучайтиришга қаратилган эди. Республикаларнинг умумий таълим мактабларида, ўрта

¹ Зиёдуллаев С.К. *Ўзбекистон экономикасининг регионал проблемалари*. Т.: Фан. 1987. – Б. 7

² Ўша жойда. – Б. 10

махсус ва олий ўқув юртларида ҳам рус тилини ўрганишга катта эътибор қаратилди. Жумладан, Ўзбекистонда миллий тилларда китоблар чоп этиш мушкул аҳволда бўлиб, республика фанининг маркази бўлган Фанлар Академиясида, унинг институт ва муассасаларида ҳам илмий асарлар, асосан, рус тилида чоп этилар эди. Масалан, 1980-1985 йилларда фақат Ўзбекистон Фанлар Академияси Тарих институти олимлари томонидан нашр этилган илмий, илмий-оммабоп асарларнинг 80 фоизини рус тилидаги монография, китоб, рисолалар ташкил этди. Атига 12-13 фоиз адабиётларгина ўзбек тилида нашр этилди, холос¹.

Собиқ Совет иттифокининг миллий сиёсатида айниқса 30-50 йиллар алоҳида давр сифатида қора из қолдирди. Бу давр миллий сиёсатида зўравонликнинг авжга чиқиши натижасида бутун-бутун халқлар ўзлари яшаб турган жойларидан депортация қилинди. Бундай сиёсат натижасида месхети турклар, қалмиқлар, чеченлар, ингушлар, қорачойлар, крим татарлар ва бошқалар зўравонлик билан ўз юртларидан кўчирилди. Кўчирилган мусулмонларнинг умумий сони тахминан 3 миллион кишини ташкил этди. Кўчириш чоғида эса 1 миллионга яқин болалар, аёллар, қариялар, касаллар оламдан кўз юмган². Бундан ташқари, ушбу даврда ўз миллатининг миллий муаммосини кўтариб чиққан зиёлилар, раҳбар ва миллий кадрлар оммавий равишда қатоғон қилинди. Натижада, тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, сталинизм қурбонлари сони 40 миллион кишига етди³.

Миллий сиёсатда йўл қўйилган қўпол хатолар 80-йилларнинг охирига келиб бутун собиқ Совет иттифоқида сиёсий вазиятнинг оғирлашиб кетишига олиб келди. Чунки бу даврда йиллар давомида тўпланиб қолган миллий зиддиятлар ошқора юзага чиқиб, жиддий тўқнашувларга, стихияли чиқишларга, миллий манфаатларни ҳимоя этиш билан боғлиқ митингларга, оммавий норозилик акцияларига, адолатли қонунлар қабул қилишни талаб қилувчи жараёнларга айланди. Кўпгина иттифокдош республикаларда шаклланган «миллий фронтлар» жиддий ижтимоий сиёсий кучларни шакллантирди. Улар миллий муносабатлардаги адолатсизликларни ошқор этиш билан барча масалаларни демократия, ошқоралик асосида ҳал этишни талаб қилдилар. Бундай кескин сиёсий вазиятда собиқ Совет иттифокининг келажаги миллий муносабатларнинг адолатли ҳал қилинишга боғлиқ бўлиб қолди. Лекин марказнинг сиёсий калтабинлиги натижасида бу даврда миллий масала ҳал қилиниши ўрнига кескинлаша бошлади. Натижада Тоғли Қорабоғ мухтор вилоятида, Тбилисида, Болтиқбуйи республикаларида, Молдовияда, Шимолий Кавказ, Олмаота, Фарғона ҳамда Ўшда қонли тўқнашувлар бўлиб ўтди. Кўплаб кишиларнинг ҳалок бўлиши билан тугаган миллий фожиаларнинг баъзилари миллий сиёсатда илгари йўл қўйилган хатолар натижасида, баъзилари эса собиқ Совет иттифокининг махсус режа асосида уюштирган фитнаси асосида рўй берди.

Совет раҳбариятининг бу даврдаги миллий масалани ҳал этишдаги роли шундан иборат бўлдики, раҳбарият турли миллий зиддиятларни аввал кескинлаштириб, кейин ўзини уларни адолатли ҳал этишга интилаётган одил ҳакамдек кўрсатишга ҳаракат қилди⁴. Совет раҳбариятининг бундай йўл тутишига сабаб шу эдики, бутун совет даври мобайнида йўл қўйиб келинган хатоларни эндиликда совет воқелиги шароитида тузатиб бўлмас эди.

¹ Юсупов Э. Тил камоли – миллат жамоли. «Халқ сўзи». 1991 йил 22 январ.

² Юсупов Э., Туленов Ж., Гофуров З. Миллий масалалар бўйича фалсафий суҳбатлар. Т.: Фан, 1990. – Б. 18.

³ Ўша жойда.

⁴ Юнусова Х. Ўзбекистонда совет давлатининг миллий сиёсати ва унинг оқибатлари (XX аср 80-йиллари мисолида). Зар қалам. 2005. Т.: - Б. 35.

Жумладан, 80-йилларнинг охирларидан бошлаб ўз ватанлари ҳисобланган Грузиянинг тарихий Месхетия вилоятига қўчиб бориш Марказий Осиё республикаларида яшаётган туркларнинг ягона мақсадига айланди. Лекин Грузия ССРнинг бу ҳақли талабга тўқсқинлик қилиши натижасида Совет раҳбарияти туркларнинг бу миллий масаласини адолатли ҳал эта олмади. Натижада Марказ раҳбарияти “Фарғона фожеаси” номи билан аталган фожиани ташкил этишга қарор қилди¹. Бу фожа натижасидан, биринчидан, Ўзбекистондаги мустақилликка интилишнинг олдини олиш, иккинчидан, туркларнинг миллий масаласини улар истагандек эмас, балки Ўзбекистондан уларни қўчириб, Россиянинг аҳолиси бўшаб қолаётган ноқоратупроқ районларига жойлаштириш ва уларни ўзларининг асл (ватанга қайтиш) мақсадларидан чалғитиш кўзда тутилган эди.

Хуллас, совет миллий сиёсатининг мустамлакачилик руҳи ва зўравонлик усулида ташкил этилганлиги, мустамлакачи (колониал) марказ манфаатларининг миллий манфаатлардан устун қўйилиши охир-оқибат 80-йилларга келиб кўплаб кишиларнинг қурбон бўлишига сабаб бўлган фожиаларнинг юз беришига олиб келди. Бунинг натижасида вужудга келган миллий мустақилликка интилиш Совет Иттифоқининг парчаланиши билан якунланди.

ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ЧОР РОССИЯСИ ТОМОНИДАН БОСИБ ОЛИНИШИ ГАНДИМИЁН ШАРТНОМАСИ

А.Аллаберганов, II-курс магистри

Тарихдан яхши маълумки, рус императорлари 1873 йилга қадар беш маротаба Хива хонлигини ўзига қўшиб олишга уриниб кўрдилар. Аввало, Хива халқининг ўз юртини мардона ҳимоя қилганлиги, қолаверса Хоразм воҳасини ўраб турган бепаён Қорақум ва Қизилқум чўллари рус ҳукмдорларининг ёвуз ниятларини амалга оширишга монелик қилди.

Фридрих Гельвалднинг ҳисоб китобларига қараганда, ўтган асрнинг етмишинчи йилларида воҳа аҳолиси 700 минг кишидан ортган.

1872 йилнинг 23 ноябрида ҳарбий вазир Д. Милютин раҳбарлигида Оренбург ва Туркистон генерал губернаторлари, Бош штаб бошлиғи генерал-адъютант Гейден, Бош штабнинг Осиё ишлари бўлими бошлиғи полковник Проценко иштирокида махсус кенгаш чақирилиб, Кавказ, Оренбург ва Туркистон ҳарбий округлари томонидан 1873 йил баҳорида ҳарбий ҳаракатларни бошлашга қарор қилинди. Кенгашда Хоразм элига тўрт тарафдан юриш қилиш режаси ишлаб чиқилди. Барча қўшинлар Туркистон ҳарбий округи қўмондони генерал адъютант фон Коуфман қўмондонлиги остида ҳаракат қилиши белгиланди. Режага мувофиқ феврал-март ойларида Оренбург, Орск, Уральск, Жиззах, Казалинск-Ғазали, Красноводск ва Манғишлоқдан чор қўшинлари йўлга чиқдилар.

Туркистон қўшини сафида 11 пиёда аскарлари рожаси, айрим сапёрлар командаси 500 кишидан иборат казак отлиқлари, 14 та тўпчилар девизионни бўлиб, қўшин Жиззах йўли

¹ Зиямов Ш. *О межэтническом конфликте 1989 года в Узбекистане. // Центральная Азия и Кавказ.- Швеция, 2000.- №6 (12). – Стр. 105.*

бўйлаб Бухоро чегараси орқали Хивага хужум қилиш лозим эди. Император Александр II нинг укаси князь Николай ўзининг 9 та пиёда отлиқлари билан Казалинск Ғазалидан йўлга чиқди.

Оренбург қўшинлари генерал-лейтенант Верёвкин қўмондонлигида Эмбада тўпланиб, жами 9 та пиёда аскарлар ротаси, 600 та Оренбург отлиқ казаклари ва 6 та тўпчилар бўлинмаси ва бошқа аскарлар билан 1873 йилнинг январиди Қорадамоқ орқали Оролнинг Ғарбий қирғоғи бўйлаб Хивага юриш бошланди. Кавказ қўшинларига эса полковник Марказов қўмондонлик қилиб, бу қўшин 1873 йилнинг 26 мартада Атрекдан йўлга чиқди. Қўшин таркибида 12 та пиёда аскар рожаси, 16 та тўпчи бўлинмаси ва озиқ-овқат ортган карвон ҳамда 400 та отлиқ казак бор эди. Кандарли томонидан эса полковник Ломакин 16 та пиёда аскар ротаси, 600 та казак отлиғи, 8 та тўпчи бўлинмаси ва 3 ойга етарли озиқ-овқат карвони билан юриш бошлади¹.

Кейин рус аскарлари Манғит қалъаси тарафга отландилар.

Манғит ва унинг атрофидаги овуллар дахшатли тарзда киргин қилинди. Мухаммад Юсуф Баёнийнинг асарида бу воқеа қуйидагича баён қилинган: “Чун (рус қўшини) манғит ёвуқида бир улуғ овбалиққа (катта овул) келдилар Верёвкин буюрди. Русия аскарлари ул овбалиққа хужум этиб, аҳолини эркагу хотин ва ёшу қарига қарамай қатли ом (оммавий қатл) этиб ондин сўнг ўтлаб (ўт қўйиб) ул овбалиқни ер билан яксон этдилар.”

Мухаммад Раҳимхон II Хивани ихтиёридаги мавжуд куч билан муҳофаа қилиб бўлмаслигини кузи етиб, Измиқшур тарафдаги туркман овулига кетишга мажбур бўлди.

Бундан фойдаланган Амир Тўра ва Отажон Тўра хон номидан фон Коуфмандан Хива шаҳрини вайрон этмасликни сўрайди. Аммо Коуфман улардан хонни топишни талаб қилди ва музокараларни фақат у билан олиб бориши мумкинлигини билдирди.

Хива забт этилгач, фон Коуфман хонлик хазинаси ва асрий йиғилган моддий-маънавий бойликларини тортиб олди. У Хива шаҳрини тарк этиб, ўзига қароргоҳ сифатида Гандимиён қишлоғини танлади ва хоннинг келишини шу ерда кутди. Ниҳоят Мухаммад Раҳимхон II туркман сардорлари маслаҳати билан Измиқшур овулини тарк этиб, фон Коуфман ҳузурига йўл олди.

1873 йилнинг 12 августида фон Коуфман билан Хива хони учрашдилар. Отажон тўра ҳовлисида Гандимиён шартномаси имзоланди. Ушбу сулҳ шартномаси матни шоир ва давлат арбоби Полвон Мирзабоши – Комил Хоразмий томонидан тузилди.

Унда қуйидагилар ёзилган эди:

Хива хони сиёсий ҳуқуқлардан, мустақил ташқи сиёсат юритишдан маҳрум этилди. Қуйи Амударёнинг ўнг соҳилидаги хонликка қарашли барча ерлар чор Россиясига берилди. Рус савдогарлари ва саноатчилари Хива хонлигида бож тўлаш мажбуриятларини бажаришдан озод этилди.

Улар эркин савдо қилиш ва корхоналар қуриш ҳуқуқини олдилар. Рус фуқороларини Хива ҳудудида қозилар томонидан суд қилиш тақиқланди. Хивадаги 40 мингдан зиёд форс, хиротлик қуллар озод бўлди. 18 моддадан иборат бўлган ушбу ҳужжатга асосан Хива ҳукумати 2 миллион 200 минг сўм контрибуция тўлаши лозим эди. Дастлабки икки йилда рус хазинасига йилига беш фоиз фойда билан юз минг сўмдан, кейинги икки йилдан юз йигирма минг сўм, 1877-1878 йилларда юз эллик минг сўм, сўнгги икки йилда бир юз етмиш беш минг

¹ Давлатёр Раҳим, Шихназар Матрасул. Феруз шох ва шоир қисмати. Т., 1991 й. 32 бет.

сўм, ундан сўнгги йилларда пулни тўлаб бўлгунча икки юз минг сўмдан кам бўлмаслиги кўрсатилган эди.

Шундай қилиб, 1892 йилнинг 1 ноябрига қадар ҳар йили 200 минг сўмдан тўлаб борилса, 19 йил ичида бу қарз тўлаб бўлинади. Қолган 70054 сўм 1893 йилнинг 1 ноябрига қадар тўланиши лозимдир.

Манифестнинг бешинчи бобига мувофиқ рус подшолиги ва фуқаролигига қарашли кемалар Амударёда юришларига рухсат берилди ва

Рус аскарларининг Хивага юриши пайтида йўлда учраган қозоқ, туркман, қорақалпоқ овуллари аёвсиз таланди, уйларга ўт қўйилди. Бегуноҳ кишилар аёвсиз қириб ташланди. Хива сарҳадларидаги соқчилар рус босқинчилари юриш бошлаганлиги хабарини Мухаммад Раҳимхон II га етказдилар. Хон Кенгаш чақириб, унда душман ҳужумини қайтариш чораларини куриб чиқди. У Чоржуй тарафдан келиб, Амударё ўнг соҳилидаги кечув жойини мўлжаллаб ҳаракат қилаётган фон Коуфман йўлини тўсиш учун Мухаммадмурод девонбегини ўз лашкарлари билан дарё томонга юборди. Қунғирот тарафга келаётган генерал Верёвкин отрядини тўхтатиш учун эса Элтузар иноқни сарбозлари билан жўнатди. Унга ёвмут ва Хоразм йигитларидан ташкил қилинган 6 минг сарбоздан иборат қисмини ҳам қўшиб берди.

Девонбегининг сарбозлари билан фон Коуфманга қарашли генерал Ивановнинг отряди ўртасида Учўчоқда биринчи бор тўқнашув бўлди. Ҳар икки томон ҳам катта талофатлар кўрди.

Одам қирилган деган жойда Хоразм лашкарлари фон Коуфманнинг салдатларидан бир қисмини қириб ташлайдилар.

Фон Коуфман Хоразм лашкарининг ҳужумини артиллерия ёрдамида қайтарди ва уларни чекинишга мажбур қилди. Хоразм лашкари дарёнинг чап соҳилига кечиб ўтишга мажбур бўлди.

Фон Коуфман озик-овқат заҳираси тамом бўлаётганлиги сабабли овул, қишлоқ, қалъалар аҳолисига ўз махсулотларини арзон гаровга сотишлари ҳақида буйруқ берди. Бунга қим қарши турса уни қирғин қилиш, талон-тарож этишга рухсат берилди. Ўз даврининг йирик тарихчиси, Хива хонлигининг забот этилишини ўз кўзи билан кўрган Мухаммад Юсуф Баёний “Шажарайи Хоразмшохий” асарида фон Коуфманни бундай деб таърифлайди: “Коуфман хавфга тушиб уч юз салдат, икки юз эллик казак отлисиға қойил-маком Чоркуфскини бош этиб эл оралиғига юбориб казак отлини тарожга маъмур этиб деди: Аробаға махсулот юклаб, аскар тарафиға келатурғони бўлса, матосининг баҳосини бериб олинглар, вагарна тарож этинглар¹.”

1873 йил 18 май куни фон Коуфман отрядлари Амударёдан кечиб утиб, 23 май куни Хозарасп қалъасини эгаллади. Бу вақтда генерал Верёвкиннинг ҳарбий қисм Қунғирот остоналарига яқинлашиб келди. Бундан хабар топган шаҳар бийлари ва оксоқолу ҳокими Хабниёзбий, Сайидбий, Тожимуродбий, Конгирали, Мансурбийлар)унинг ҳузурига вакил юбориб хондан рухсат ва қурол-яроғ келгунча тўқнашмай туришини илтимос қилишди. Верёвкин бундан хурсанд бўлиб, шаҳарни тўпга туттириб, унга бостириб кирди. Шаҳар таланди. Сўнгра Хужайли шаҳри ҳам қўлга киритилди.

Кейин рус аскарлари Манғит қалъаси тарафга отландилар.

¹ Мухаммад Юсуф Баёний. “Шажарайи Хоразмшохий” Т. 1991 й.

Манғит ва унинг атрофидаги овуллар дахшатли тарзда киргин қилинди. Мухаммад Юсуф Баёнийнинг асарида бу воқеа қуйидагича баён қилинган: “Чун (рус қўшини) манғит ёвуқида бир улуғ овбалиққа (катта овул) келдилар Верёвкин буюрди. Русия аскарлари ул овбалиққа хужум этиб, аҳолини эркагу хотин ва ёшу қарига қарамай қатли ом (оммавий қатл) этиб ондин сўнг ўтлаб (ўт қўйиб) ул овбалиқни ер билан яксон этдилар.”

Мухаммад Рахимхон II Хивани ихтиёридаги мавжуд қуч билан муҳофаа қилиб бўлмаслигини кузи этиб, Измиқшур тарафдаги туркман овулига кетишга мажбур бўлди.

Бундан фойдаланган Амир Тўра ва Отажон Тўра хон номидан фон Коуфмандан Хива шаҳрини вайрон этмасликни сўрайди. Аммо Коуфман улардан хонни топишни талаб қилди ва музокараларни фақат у билан олиб бориши мумкинлигини билдирди.

Хива забот этилгач, фон Коуфман хонлик хазинаси ва асрий йиғилган моддий-маънавий бойликларини тортиб олди. У Хива шаҳрини тарк этиб, ўзига қароргоҳ сифатида Гандимиён қишлоғини танлади ва хоннинг келишини шу ерда кутди. Ниҳоят Мухаммад Рахимхон II туркман сардорлари маслаҳати билан Измиқшур овулини тарк этиб, фон Коуфман ҳузурига йўл олди.

1873 йилнинг 12 августида фон Коуфман билан Хива хони учрашдилар. Отажон тўра ҳовлисида Гандимиён шартномаси имзоланди. Ушбу сулҳ шартномаси матни шоир ва давлат арбоби Полвон Мирзабоши – Комил Хоразмий томонидан тузилди.

Унда қуйидагилар ёзилган эди:

Хива хони сиёсий ҳуқуқлардан, мустақил ташқи сиёсат юритишдан маҳрум этилди. Қуйи Амударёнинг ўнг соҳилидаги хонликка қарашли барча ерлар чор Россиясига берилди. Рус савдогарлари ва саноатчилари Хива хонлигида бож тўлаш мажбуриятларини бажаришдан озод этилди.

Улар эркин савдо қилиш ва қорхоналар қуриш ҳуқуқини олдилар. Рус фуқороларини Хива ҳудудида қозилар томонидан суд қилиш тақиқланди. Хивадаги 40 мингдан зиёд форс, хиротлик қуллар озод бўлди. 18 моддадан иборат бўлган ушбу ҳужжатга асосан Хива ҳукумати 2 миллион 200 минг сўм контрибуция тўлаши лозим эди. Дастлабки икки йилда рус хазинасига йилига беш фоиз фойда билан юз минг сўмдан, кейинги икки йилдан юз йигирма минг сўм, 1877-1878 йилларда юз эллик минг сўм, сўнгги икки йилда бир юз етмиш беш минг сўм, ундан сўнгги йилларда пулни тўлаб бўлгунча икки юз минг сўмдан кам бўлмаслиги кўрсатилган эди.

Шундай қилиб, 1892 йилнинг 1 ноябрига қадар ҳар йили 200 минг сўмдан тўлаб борилса, 19 йил ичида бу қарз тўлаб бўлинади. Қолган 70054 сўм 1893 йилнинг 1 ноябрига қадар тўланиши лозимдир.

Манифестнинг бешинчи бобига мувофиқ рус подшолиги ва фуқаролигига қарашли кемалар Амударёда юришларига рухсат берилди ва рус савдогарларига дўкон, омборхона қуришга ҳамда мазкур кишиларни Хива хонлиги ўз ҳимоясида сақлаши вазифалари юкланди. Бунинг эвазига улар ҳар қандай солиқдан озод этилдилар.

Шундай қилиб, мазкур шартнома бир томонлама характерга эга бўлиб, фақат рус императорлигининг манфаатларини кўзлаб тузилган эди.

Ушбу шартноманинг учинчи моддасига биноан, Хива хонлигига қарашли бўлиб турган Амударёнинг ўнг қирғоғига бутунлай Россия ихтиёрига ўтди ва шахзода Лейхтенбергнинг таклифига биноан Тўрткўл ҳудудида Матниёз девонбегининг боғи ўрнида Петро-Александровск шаҳрига асос солинди.

МУНДАРИЖА

Д.Каримова. Иносонга хос жасорат маънавиятни мустаҳкамлашда муҳим омил	3
М.Ачилова. Истиқлол ва жамиятнинг маънавий янгилиниши	6
О.Иномов. Маънавий комилликда инсон қалбига йўл	8
А.Асқаров. Ўзбек давлатчилигининг илк босқичларида урбанистик жараёнларнинг тарихий илдиэлари ҳақида мулоҳазалар	10
Қ.Собиров. Тошкент ва Хоразм тарихий – географик минтақалари ривожланишнинг умумий жиҳатлари, ўзига хос хусусиятлар	13
Р.Мулладжанова, Ж.Якубжанов. Тошкентнинг даҳа ва дарвозалари ҳақида	14
Г.В.Мачин. Возрожденная академия Маъмуна в Хорезме – новое отделение академии наука Республики Узбекистан	17
Е.Пустовая. Классификация товаров, меры веса и объёма а Ташкенте в 60-80 гг. XIX века	24
З.Илхомов. Тошкент – озодлик учун курашлар маркази.	29
Ф.Рустамова. Мўғуллар истилоси даврида Тошкент.	34
А.Эшонкулов, Ф.Сапаев. Ўзбек давлатчилиги тарихида Тошкент.	38
Н.Хамрокулова, Ж.Эшқувватов, О.Эшонхонов. Тошкент даҳаларининг таркиб топиши ва унинг дарвозалари.	40
Ф.Худайберганов, Г.Норкулова. Шаҳарсозлик маданияти босқичларида қадимги Тошкент	44
Д.Фозилова, Г.Хусиенова. Тошкентлик буюк алломалар	47
С.Улашова. XIII – XV асрлар Моваруннаҳр этник жараёнларида мўғул ва турклашган мўғул қабилаларининг ўрни.	49
У.С.Тўпчиев. Тошкент даҳалари ва ихтисослашган ҳунармандчилик маҳалларининг шаклланиши.	53
С.Сапаев. Тошкентнинг Чор Россияси томонидан босиб олиниши.	56
И.Салаев, Г.Хусинова. Қадимги Тошкент тарихидан лавҳалар.	57
Д.Муталибова. Источники об образовании города Ташкента.	61
Н.Эгамбердиева. Маънавиятда фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя масаласи.	63
Ф.Мамбетова. Қадимги Хоразмда илк шаҳарсозлик маданияти ва унинг тарихий илдиэлари: муаммолар, қарашлар ва янгича ёндашувлар.	68
М.Эсанов. Хоразмнинг илк темир ва антик давр ёдгорликларида зардуштийлик диний ғояларининг акс этиши.	76
Р.Мулладжанова. Тарих таълими самарадорлигини оширишда педагогик технологияларнинг назарий асослари.	81
Э.Қосимов. Моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлигининг ўзига хос жиҳатлари.	85
Н.Ш. Зиямов. Проблемы государственной безопасности в современной научно-политической литературе.	88
Ф.О.Исматуллаев. Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлардаги иштироки.	91
Н.Ш. Зиямов. Борьба с торговлей людьми – важный фактор укрепления безопасности граждан.	97
А.Кубатин. Заметки к этимологии титула бег (beg/bag).	101
М.М.Хатамова. Роль тюрского каганата в международных отношениях в центральной евразии.	102

Э.Қосимов, У.Қ.Эминова. Жамият ва аёл.	109
З.Узакова. Женщины предприниматели в Узбекистане.	111
С.Р.Тўраев. Ўзбекистон тарихи фанидан талабалар мустақил таълимини ташкил этишнинг айрим масалалари.	114
Е.Пустовая. Динамика ценовой политики на продукты в Ташкенте в 60-80 годах XIX века.	117
Д.А.Рустамов. Ўзбекистон – Малайзия: ҳамкорликнинг янги босқичи.	112
Н.С.Расулова. Партия кадрларнинг шаклланишида партиявий ўқитишнинг аҳамияти.	127
О.Иномов. Илоқ ва Тункат номларининг келиб чиқиши ва бу ҳудудларда металлургиянинг ривожланиши.	132
А.Назаров. Мўғул истилоси арафасида Хоразмшоҳлар давлатидаги ижтимоий-сиёсий вазият.	134
А.Мўминов. Аҳмад Дониш фаолиятида давлат ва жамият бошқаруви.	138
Г.Мойлиева. Зардуштийлик диний ғояларининг бугунги маънавий ҳаётимизда акс этиши.	142
Т.Кириенко. Еврейская диаспора в Узбекистане.	145
К.С.Тўраев. Юсак маънавиятли шахсларни шакллантиришда тарих ўқитувчиларига қўйиладиган талаблар.	147
Ш.Искандаров. Миллий ғоя мазмунида манавиятнинг мужассамлашганлиги.	149
А.Инсопов. Мунаввар қори Туркистонда зиё масканлари ислоҳатчиси.	152
Д.Каримова. Кучуктепа нақшинкор рангли сопол маданияти.	156
Ф.Жуманиёзова. Хоразмнинг қадимги топонимлари (Я.Ғуломов тадқиқотлари мисолида)	160
Ж.Закирова. Подготовка педагогических кадров в условиях независимости.	163
И.Жўраев. Скифларнинг ҳарбий куроллари ва улардаги тасвирий санъат сюжетлари.	165
А.Нормуродов. Ўзбекистонда президентлик бошқарувининг жорий қилинишидаги тарихий шарт-шароитлар.	172
Ш.Гаффарова. Шаҳзода ва канизак.	173
О.Бозоров. Собиқ совет иттифоқининг миллий сиёсати ва унинг оқибатлари.	176
А.Аллаберганов. Хива хонлигининг чор Россияси томонидан босиб олиниши Гандимиён шартномаси.	180

Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика Университети Илмий кенгашининг
2009 йил _____сонли қарорига асосан нашрга тавсия этилган

Нашриёт рақами: М-586. Босишга рухсат этилди: 23.04.07. Қоғоз бичими... Офсет босма.
Офсет қоғоз. Ҳисоб-нашриёт т.11,0. шартли босма 11.б.т. 100 нусхада 100-буюртма.
Келишилган нархда.

ЎзРФА «Фан» нашриёти:100047, Тошкент, академик Яҳё Гуломов кўчаси, 70

Низомий номидаги ТДПУ Ризографида нашр қилинди

